

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МУКАРРАМ АХМЕДОВА**

**ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2015 йил 2-февралдаги 32-сонли буйруғига асосан 5110900 – Педагогика ва  
психология таълим йўналишининг талабалари (ўқувчилари) учун ўқув  
қўлланма сифатида тасдиқланган.  
(Гувоҳнома № 32-004)

“Adabiyot uchqunlari”, нашриёти

**ТОШКЕНТ – 2016**

УДК:334.722.(075)

ББК:88.3.33

*Ахмедова Мукаррам Турсуналиевна*

**Педагогик конфликтология (ўқув қўлланма):** 5110900 – Педагогика ва психология / М.Т.Ахмедова; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – 319 бет.

**Аннотация:** мазкур ўқув қўлланма олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология йўналишида таълим олувчи бакалавр ва магистрантлар, шунингдек, барча педагогик фаолият билан шуғулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Китобда педагогиканинг янги соҳаларидан бири – педагогик конфликтология фанининг шаклланиши, уни ўрганишнинг ўзига хосликлари, педагогик конфликтологиянинг асосий тушунчалари, ечимлари ва уларнинг таснифи каби масалалар ёритилган.

Ушбу ўқув қўлланмани ёзишдан асосий мақсад, ёшларга ҳаётдаги конфликтлар бўйича кенг назарий ва амалий билимлар бериш орқали ёшларни жамиятда мустақил ва фаол фуқаро сифатидаги иштироки учун замин яратишдан иборатдир.

*Масъул муҳаррир:*

педагогика фанлари доктори, профессор **Н.М. Эгамбердиева**

*Тақризчилар:*

педагогика фанлари доктори, профессор **Ҳ.Р. Рашидов**

педагогика фанлари номзоди, доцент **Б.Х. Ходжаев**

ISBN:978-9943-992-06-1

© “Adabiyot uchqunlari”, 2016

© *Ахмедова Мукаррам Турсуналиевна*

***Akhmedova Mukarram Tursunaliyevna***

Pedagogical konfliktology (manual): 5110900 – Pedagogics and psychology / M.T.Akhmedova; Ministry of higher and secondary specialized education of the republic of Uzbekistan. -T.: “Адабиёт учқунлари”, 2016. - 319 p.

**Abstract:** the manual is for bachelor and masters studying at the department of pedagogics and psychology in higher educational establishments. Also, the manual can be helpful for the specialists, who work on the pedagogical direction. It deals with the problems of the new branch of pedagogics which is called conflictology, its forming, peculiarities, main concepts, solutions and their classification.

The main purpose of writing this manual is to create the foundation for activeness of youth in society as an independent and active citizen, to develop the qualities such as modesty, kindness, honesty, integrity, sincerity and reliability in their personality which are necessary in social, economical, spiritual and psychological relations with other people through theoretical and practical teachingdealing with life conflicts.

***Editor:***

Ph.D., professor N.M.Egamberdiyeva

**Reviewers:**

Ph.D., professor Kh.R. Rashidov

Candidate of science B.X. Xodjayev

*Ахмедова Мукаррам Турсуналиевна*

**Педагогическая конфликтология (учебное пособие):** 5110900 – Педагогика и психология / М.Т.Ахмедова; Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. -Т.: “Адабиёт учкунлари”, 2016. – 319 с.

**Аннотация:** данное учебное пособие предназначено для бакалавров и магистрантов, обучающихся в высших учебных заведениях по направлению педагогика и психология, а также для специалистов занимающихся педагогической деятельностью.

В книге освещены вопросы формирования предмета педагогическая конфликтология, своеобразие его изучения, основные понятие педагогической конфликтологии, решение конфликтов и их классификация.

Основная цель данного пособия воспитание гармонично развитой личности, независимых и активных граждан путем изучения теоретических и практических знаний по педагогической конфликтологии.

***Ответственный редактор:***

доктор педагогических наук, профессор **Н.М. Эгамбердиева**

***Рецензенты:***

доктор педагогических наук, профессор **Х.Р. Рашидов**

кандидат педагогических наук, доцент **Б.Х. Ходжаев**



## МУНДАРИЖА

Кириш .....6

### I БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Педагогик конфликтология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....8  
1.2. Педагогик конфликтологиянинг илмий асослари.....14  
1.3. Конфликтологиянинг фан сифатида юзага келиш тарихи.....22  
1.4. Конфликтларнинг намоён бўлиш шакллари ва турлари.....26

### II БОБ. КОНФЛИКТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ОМИЛЛАРИ

- 2.1. Низоларнинг юзага келишидаги шарт-шароитлар, шахс тоифалари ва уларнинг ҳислатлари.....41  
2.2. Конфликт сигналлари.....58  
2.3. Конфликтларнинг юзага келишида тана забони.....69  
2.4. Конфликтогенлар ҳақида маълумот.....89  
2.5. Конфликтли вазиятда агрессия ва зўравонлик.....107

### III БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

- 3.1. Ўқувчилар ва тенгдошлар орасидаги конфликтлар.....122  
3.2. Ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги конфликтлар.....129  
3.3. Таълим муассасаси раҳбар ходимлар ва ўқитувчилари ўртасидаги конфликтлар.....140

### IV БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

- 4.1. Муомала маданияти ва мулоқот қоидалари.....152  
4.2. Муомала самимий бўлса.....155  
4.3. Нутқий маҳорат педагогик конфликтларни бартараф этиш манбаи сифатида.....161  
4.4. Педагогик конфликтларни бартараф этишда коммуникатив қобилият.....174

## **V БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛИ ВАЗИЯТДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ**

5.1. Ўқувчиларга педагогик-психологик хизмат кўрсатиш орқали ўқув жараёнига ижобий муносабатни шакллантириш.....	186
5.2. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив ёндашув ва уни лойиҳалаш.....	210

## **VI БОБ. ЎЗARO КЕЛИШУВГА АСОСЛАНГАН БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

6.1. Педагогик конфликтларни бартараф этишда педагогик ҳамкорлик.....	220
6.2. Педагогик конфликтларни бартараф этишда толерантлик.....	240
6.3. Педагогик конфликтларни бартараф этишда оила.....	248
6.4. Педагогик конфликтларни бартараф этишда медиация.....	260
6.5. Педагогик конфликтларни бартараф этишда “Ғолиблик стратегияси”.....	262
6.6. Педагогик низоларни бошқариш ва уларни бартараф қилиш усуллари.....	269
6.7. Зиддиятлар ечимида адолатпарварлик мезонлари.....	273
Хулоса.....	288
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	289
Иловалар.....	293
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ЛУҒАТИ.....	317

## К И Р И Ш

*Илм саҳрода - дуст,  
ҳаёт чорра ҳаларида - таянч,  
ёлғиз дамларда - йўлдош,  
бахтиёр дақиқаларда - раҳбар,  
қайғули онларда - мададкор,  
одамлар орасида - зебу зийнат,  
душманларга қарши курашда - қуролдир.  
Ҳадисдан...*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарига “Вазият қандай бўлмасин куч ишлатиш йўли билан Миллатлараро муносабатларни, республикалар мустақиллигига даҳлдор масалаларни ҳал этишда бирорта яхшиликка эришиш мумкин эмаслигига ишончим комил” - деб таъкидлайди<sup>1</sup>. Бугунги кунда буюк келажак сари интилувчи ҳар бир фуқаро “Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш” дек ҳаётий шиорга ингилиб яшайди.

Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда замонавий жамиятлардаги инсонга бўлган турли илмий-техник, маънавий, иқтисодий таъсирларнинг ҳаддан зиёд ортиб бориши, замонавий жамиятларда яшаш тарзининг мураккаблик томон ортиб бораётганлиги одамлар тўқнаш келиши мумкин бўлган турли конфликтли вазиятларни ҳам оширмоқда.

Инсон ўз ҳаётида болалик давриданок бошқа инсонлар билан турли ижтимоий муносабатларга киришади. Инсон ҳаёти бошқалар билан бўладиган турли муносабатларнинг узлуксизлигидан иборат бўлган жараёнدير. Ана шу муносабатлар эса ҳар доим ҳам бир текис, силлиқ ва тинч давом этавермайди. Ҳаётнинг бир текис давом этишини турли низо ва зиддиятлар бузиб туради. Биз уларни конфликтлар деб атаймиз.

Конфликт ҳар бир инсон ҳаётига алоқадор бўлган ўзига ҳос жараён бўлиб, ҳеч бир инсон ўзини комил ишонч билан конфликтли вазиятлардан муҳофаза қилинганман деб айта олмайди. Конфликтлар инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки ҳар бир инсон

<sup>1</sup>И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришил остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011

Ўз ҳаёти давомида конфликтлар билан тўқнаш келади. Конфликтлар табиий ҳодиса бўлиб, конфликт билан тўғри муносабат ўрнатиш инсон тарбияси, унинг шаклланишининг зарурий талабларидан биридир.

Болалик даврида ўйинчоқларни талашиш, бировларга ҳасад қилиш ёки ўғил болаларнинг жанжал қилиб uriшганини кўп кузатгансиз. Мана шундай конфликтлар кейинчалик оилада, эру-хотин, қайнона-келин, ака-опалар, яқинлар, дўстлар, ижтимоий гуруҳлар, турли компаниялар ўртасида, касбий фаолиятда, шунингдек, педагогик фаолиятда ҳам вужудга келиши мумкин.

Хўш, аслида конфликт нима, уни енгиб бўладими, ундан инсон ўзини эҳтиёт қилиши мумкинми, конфликтсиз яшашнинг тартиб ва қоидалари мавжудми, улар нималардан иборат?

Ушбу саволлар ҳаммани қизиқтириши табиий. Мазкур ўқув қўлланма ўсиб келаётган янги авлодни айнан конфликтлар бўйича замонавий билим ва кўникмалар билан қуроллантиришга бағишланган бўлиб, конфликт жараёнларида ўзини идора қилиш бўйича барча зарур илмий-назарий ва амалий маълумотларни ўзида мужжасам этади.

Ўқув қўлланмада педагогик конфликтология фанининг мазмун-моҳиятини очиб беришда 2001 йили АҚШ ҳукуматининг “Таълимдаги ҳамкорлар” (PIE) дастурида “Фуқаролик таълими” (Civic Education) йўналиши бўйича қатнашиб ва унинг ўн ғолибидан бири бўлиб, айнан конфликтлар ечими (Conflict Resolution) бўйича Хансвиллдаги Алабама Университетида сабоқ олиб қайтган Гулхумор Тўйчиеванинг ёшлар ва талабалар эътиборига конфликтлар ечими бўйича тўплаган материалларидан фойдаланилди.

Мазкур ўқув қўлланма қизиқувчан, интилувчан, салоҳиятли ва ҳар томонлама уйғун камол топаётган ёшлар ва талабалар учун фойдали манбага айланишига умид қилиб қоламиз. Ўқув қўлланмада конфликтлар ечими бўйича дунё миқёсидаги барча замонавий билимлар ва мавжуд лойиҳалар ижодий ўзлаштирилган ҳамда миллий материал билан бойитилган.

# Ї БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## Таянч тушунчалар:

*Конфликт, зиддият, тўқнашув, можаро, низо, низоли вазият, руҳий ҳолат, тарбияланганлик даражаси, кайфият, деструктив ёндашув, деконструктив ёндашув, конфликтнинг оавомийлиги, конструктив ёндашув, туркум фанлар, ижтимоий конфликт, педагогик конфликт, жисмоний зуравонлик, анатомия, физиология, психология, социология, фалсафа, тарих, ҳуқуқ, ижтимоий сиқитув, дилсийҳлик, ҳафагарчилик, нафрат, қасос, менсимаслик, кибрли муносабат.*

## 1.1. Педагогик конфликтология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Узоқ ва яқин тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай низога бефарқ бўлмаслик керак. Доимо огоҳ бўлиш, келишмовчиликларнинг олдини олиш ҳаётда ва жамиятда мувозанат ва ривожланишни таъминлайди”.<sup>2</sup>

Ҳаёт конфликтларга тўла. Инсоннинг жамиятдаги яшаш тарзини турли зиддиятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Турли низо ва зиддиятлар билан умр давомида, ҳар қандай ёшда, ҳар қандай жойда, ҳар қандай вазиятда тўқнаш келиш мумкин. Конфликтлар уйда, мактабда, кўчада, ўқувчилар орасида, ота-оналар ва фарзандлар, ходим ва унинг раҳбарияти орасида, жамоа аъзолари ўртасида содир бўлиши мумкин. Конфликтлар, одатда, кўп вақт одамлар бирга бўладиган ҳолларда, яъни улар узоқ муддат бир-бирлари билан ва руҳий мулоқотда бўладиган ҳолларда, улар маълум муддат ўзаро бирга бўлишга мажбур бўлган пайтларида кўпроқ содир бўлади.

Ҳеч бир инсон ўзини конфликтлардан доимий муҳофаза қилинганман деб ҳисоблай олмайди. Чунки конфликтлар баъзан

<sup>2</sup>И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўлаганда. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 23-24 бетлар.

қўққисдан, ҳеч қутилмаган ҳолда вужудга келиши ҳамда инсон ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Конфликт ҳар бир инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, ҳеч бир инсон конфликтлардан ўзини “кафолатланганман” деб ишонч билан айта олмайди. Ҳар биримиз болалик даврларимиздан конфликтли вазиятларга тушамиз ва бу ҳолатлардан чиқиб кетиш йўлларини, усулларини қидирамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, конфликт ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Чунки у кўпчилик инсонларнинг кундалик турмуш тарзига оид воқеа ва ҳодисаларни қамраб олади ҳамда конфликт ривожидан ҳар бир инсон, яқин қариндошлар, меҳнат жамоаси ўртасидаги тинч ва тотувликка асосланган осуда ҳаёт тарзи зарар кўриши мумкин.

Улғайганимиз сари конфликтли воқеа, ҳодисалар ўз кучи ва таъсирини ҳам кучайтириб боради. Аммо биз конфликт нималигини биламизми?! Ҳар доим ҳам конфликтли вазиятга тушиб қолганда ўзимизни тўғри тутамизми? Конфликт бизнинг ҳаётимиз учун таҳдид кўрсатадими? Конфликтнинг ўз ички табиати қандай? Конфликтдан қандай қутилиш яъни ундан қандай чиқиб кетиш керак? Зиддият қандай қонуниятлар асосида ривожланади? Низони ривожлантирувчи омилларни олдиндан бартараф этса бўладими? Инсон зиддиятларсиз яшашга ўрганиши мумкинми?! каби саволлар бутун бир вужудимизни қуршаб олади.

Конфликтология, ёки конфликтлар ечими соҳаси янги ривожланиб келаётган ва тараққий этаётган фан соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис, конфликтология соҳасининг назарий асослари, унинг миллий хусусиятлари, ижтимоий ўзига хосликлари, конфликтларнинг жамият ҳаёти билан алоқадорлиги, шахслараро конфликтлар, конфликтларнинг ҳуқуқий аспектлари, меҳнат жамоасидаги конфликтлар масалалари кўпчилик тадқиқотчиларни кизиқтиради. Кўриниб турибдики, конфликтологиянинг ўз ички йўналишлари кўп. Конфликтологик қайфият ва хусусиятларни ўрганиш жамиятдаги инқирозларнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олишга кўмак беради. Аммо бу соҳадаги тадқиқотлар унчалик кўп бўлмай, мазкур қўлланмани ёзишда

конфликтология асослари бўйича инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги баъзи маълум манбаларга таянилди.

АҚШнинг бир неча университетлари қошида конфликт ечимларини ўрганишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқот марказлари фаолият олиб боради. Майамида ташкил этилган “Тинчлик таълими тадқиқотлари маркази”

ана шундай ташкилотлардан ҳисобланади. Россия Фанлар Академияси Социология институти қошида ҳам “Конфликтологик тадқиқотлар маркази” иш олиб боради. Ушбу марказлар асосан конфликтли вазиятларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.



1-расм. Тўқнашув.

Конфликт ўзи нима? “Конфликт” атамаси “Низо” тушунчасининг дастлабки эквиваленти саналади. Бу фан ўрганувчи объектлар нималардан иборат? Конфликтларни келиб чиқишини, сабаб ва оқибатларини ўрганувчи фан “**Конфликтология**” бўлиб, у лотинча “**conflictus**” – тўқнашув, “**logiya**” – таълимот демакдир. Демак, тўқнашув ҳақида таълим бериш, яъни тўқнашув ҳақидаги фан ҳисобланади.

**Педагогик конфликтология фанининг предмети** – конфликтларнинг юзага келиши, ривожланиши ва тугалланишига доир умумий қонуниятлардир.

Конфликтнинг ўзаро таъсир субъекти – алоҳида одам, ёки одамлар ва одамлар гуруҳи.

**Конфликт - ўзаро қарама-қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатларнинг очик тўқнашувидир.**

**Конфликтнинг ечимини топиш – конфликтли вазиятни йўқотиш ҳамда у юзага келтирган муносабатларни тўғри йўлга солиш билимлари ва кўникмалари мажмуидан иборатдир.<sup>3</sup>**

Конфликт табиий ҳодиса. Конфликт – оддий ҳол. Чунки конфликт ҳар биримизнинг турмушимиз ва тирикчилигимизга ҳос ва ҳаётимизга тегишли бўлган нарса. Аммо кўпчилик онгида анъанавий мавжуд бўлган фикрга кўра, конфликт бу – оддий ҳол эмас, у зиддиятли ҳол, ундан ўзини муҳофаза қилиш керак, ундан ўзини тортиш зарур, конфликтдан “қочиш” керак. Инсонлараро, оилалар ичида бўлаётган конфликтлардан ўзини тортишни бизга болалигимиздан ўргатиб келишади. Конфликт олдида, конфликтдан кўрқиш ҳоллари кўпчилиكنи ташкил қилади. Бизни болалигимиздан конфликтли вазиятлардан ўзимизни тортишга, “жанжалкаш” бўлмасликка, низоларни келтириб чиқарган ва унда қатнашган одамлардан ўзимизни тортиб юришга ўргатишади. Конфликт – бизнинг миллий менталитетимизда “яхши” бўлмаган ҳолат ва вазиятга тенглаштирилади. Конфликт бўлганидан кўра, конфликт бўлмаганини биз афзалроқ кўраемиз. Биз конфликтни ҳаётимиздаги энг “ёмон” давр сифатида баҳолаймиз. Конфликтдан узоқроқда яшаш кўникмалари бизнинг тафаккуримизга чуқур сингдирилади. Конфликт ҳар кунлик ҳаёт тарзимизга ҳос бўлган воқелик бўлишига қарамай, инсонлар кўпинча уларни нотўғри талқин этади ҳамда уларни “англанган” ҳолда қабул қилишга ўргатилмайди. Конфликтли вазиятга тушиб қолган вақтимиздагина мана шу конфликтли вазиятни таҳлил қилишга уринамиз. Аммо ҳар доим ҳам бизнинг билим ва кўникмаларимиз конфликтли вазиятдан чиқиб кетиш учун етарли бўлмайди. Чунки бизнинг ҳаётий тажрибамиз кам, чунки биз конфликтлар ечими бўйича махсус билимларни эгалламаганмиз. Табиийки, ҳар бир инсон

<sup>3</sup>Степанов Е.И.Современная конфликтология: Общедисциплинарный подход к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов: Учебное пособие — М.: Издательство ЛКИ, 2008 — 176 с.



конфликтларни тушунади, уларнинг моҳиятини тўғри англайди ҳамда уларни енга олади дейиш, хато ҳисобланади. Хорижий элларда юқори ва қўйи босқичдаги барча раҳбар ходимлар, бизнес менежерларнинг барчаси конфликтлар ечими бўйича таълим оладилар.

Конфликтлар ва уларнинг ечими бўйича маълум билимлар ва кўникмаларни эгалламасдан туриб, замонавий ижтимоий-иқтисодий тизимларда фаолият олиб бориб ҳамда уларни бошқариб бўлмайди.

Конфликтларни ўрганиш, уларни илмий англаш, конфликтлар бўйича замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тарбиялаб – вояга етказиш давр билан ҳамнафас бўлишни англатади. Конфликтологик кайфият ва хусусиятларни ўрганиш, жамиятдаги инқирозларнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олишда “Педагогик конфликтология” фани ўз олдига мақсад ва вазифаларни белгилаб олди.

Педагогик конфликтология фанини ўқитишдан мақсад – бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик конфликтология асосларига доир билимлар билан қуроллантиришдир. Шу билан бирга ёшларга ҳаётдаги конфликтлар бўйича кенг назарий ва амалий билимлар бериш орқали ёшларни жамиятда мустақил ва фаол фуқаро сифатидаги иштироки учун замин яратиш, бошқа инсонлар билан табиий бўлган турли ижтимоий, иқтисодий, маънавий-руҳий, психологик мулоқотларда улар онги, тафаккури ва ахлоқида камтарлик, меҳрибонлик, ҳалоллик, тўғрисузлик, самимийлик, виждонийлик, ўз сўзида туриш каби ҳислатларни тарбиялашдан иборатдир.

#### **Педагогик конфликтология фанининг вазифалари:**

- гуманитар фанлар соҳаси сифатида унинг объекти ва предметидаги изланишдир ва асосий котегориялари ҳақида талабаларда назарий тасаввурларни шакллантириш;

- педагогик фаолиятнинг инсонпарварликка йўналтирилганлигини очиб бериш;

- конфликтларни бартараф этиш, олдини олиш, ечимини топишнинг асосий шакл ва усулларини эгаллаш;

- педагогик конфликтнинг қонуниятлари ва факторлари ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш;

- педагогик конфликтли вазиятларни мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва тушуниш, умумий илмий ёндашишни аниқлай билишдан иборатдир.

Фаннинг таълимдаги ўрни педагогик жараён кенг қамровли бўлиб, унда турли педагогик конфликтларнинг юзага келиши табиий ходисадир. Педагогик жараёнда юз берадиган конфликтлар ўзига хос хусусиятлар, ривожланиш даражаси ва босқичлари, чегарасига эга. Бўлажак педагогларда педагогик конфликтларни олдини олиш ва бартараф этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда мазкур фан алоҳида аҳамиятга эга. Педагогик конфликтология фани бўйича ўқитувчи касбга оид назарий ва амалий билимларни эгаллаши, педагогик жамоа билан доимий мулоқотда бўлиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган қарашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини топиш имконияти мавжуд.

Ҳозирги замон фан ва техникаси жадал суръатда ривожланаётган, замонавий ахборот технологияларининг салмоғи кескин ошаётган бир даврда ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Агар, илгари фаннинг бирор соҳасида рўй бераётган йирик кашфиёт қарийиб ўн беш йиллик самарали ва киши зўрға ишонадиган воқеа ҳисобланган бўлса, ҳозир ҳар йили, хатто ҳар ойда фан, техника соҳасида янги кашфиётлар яратилмоқда, билимларнинг илгари номаълум бўлган янги йўналишлари майдонга келмоқда. Кишиларда билимга бўлган интилиш бекиёс даражада ўсиб бормоқда.

Педагогик конфликтология фани ихтисослик фани ҳисобланиб, унинг ривожланиши қатор педагогик, хусусан, педагогика, педагогика назарияси, оила педагогикаси, ижтимоий педагогика, педагогик технология, педагогик маҳорат, умумий психология, ёш ва

педагогик психология, психологик конфликталогия, педагогика тарихи, қиёсий педагогика, шунингдек, анатомия ва физиология, психология, социология, фалсафа, тарих, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар билан яқин алоқадорликда ўрганилади ва шу фанлар билан биргаликда ҳамкорликда иш олиб боради.

### **Педагогик конфликтология фанининг илмий-тадқиқот методлари**

Ҳар қандай фан, фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот усулларига эга. Бу усуллар орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Фан мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд касбий, педагогик-психологик ҳодиса ва жараёнларни, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган тадқиқот усуллари билан ўрганади.

Илмий педагогик изланиш жараёнларини амалга оширишда куйидаги илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилади: кузатиш; ўз-ўзини таҳлил қилиш; оғзаки ва ёзма сўров; анкеталаштириш; тест сўрови; ишбилармонлик ўйинлари ва ҳ.к.

### **1.2. Педагогик конфликтологиянинг илмий асослари**

Педагогик конфликтология бугунги кунда мустақил фан сифатида шаклланиб бормоқда. Фан нуқтаи-назаридан илк маротаба конфликтни илмий ўрганиш давлат ҳокимияти, жамият аъзолари ҳамда алоҳида ижтимоий гуруҳлар орасидаги зиддиятларни ўрганишдан бошланган.

Кейинчалик илмий қизиқишларни ортиб бориши билан ижтимоий, сиёсий, миллий, гуруҳлараро ва шахслараро конфликтлар фан объектига айлана бошлади. Конфликтология XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, фан сифатида шакллана бошлагандан сўнг, жамиятда конфликтнинг тутган ўрнини ўрганиш жамият ҳаётида жуда муҳимлиги сабабли, этник ва гуруҳлараро конфликтли муносабатларни ўрганиш, систематик асосда уларни таҳлил қилиш ва ўзаро тўғри ечимга келиш зарурий эҳтиёжлардан бирига айланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида конфликтологияга оид

билимлар фанлараро парадигмасининг контурлари белгиланиб, улар асоси сифатида тизимли эволюцион ёндашув олинди. Сўнги пайтда конфликтология тармоқларини ташкил қилган хусусий (алоҳида) конфликтология фанларида бу фан муаммосининг кўп сонли қизиқарли ва муҳим тадқиқотлари ўтказилмоқда.

Таълим соҳасининг илмий-назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш масалалари бўйича педагог ва психолог олимлар Е.И.Степанов, С.В.Банькина, А.Н.Самарин, В.Н.Шаленко, В.Шейнов, А.Я.Анцупов, И.А.Шипилов, Н.И.Леонов, В.Н.Кудрявцев, В.И.Журавлев, Д.В.Ивченко, Н.В.Самсонова, В.Н.Васильев, Б.И.Хасанов, В.В.Базелюк, З.З.Дринка, А.Я.Клементьева, С.В.Банькина, Г.С.Бережная, А.А.Бодалев, Н.У.Заиченко, М.М.Рыбакова, А.К.Маркова, М.Митина Н.Г.Москвина ва В.В.Дружинин кабилар ўзларининг тадқиқот ишларида турли хил соҳа мутахассисларининг конфликтологик маданиятини шакллантириш йўллари ва усуллари, ҳар томонлама ўрганилган.

Умумтаълим муассасаси мутахассисларининг компетентлигининг конфликтологик (чуқур билимга эга бўлиш) муаммоси яқиндан бери махсус психологик-педагогик изланишлар мазмунига айланди.

Психология фанлари доктори, профессор Борис Иосифович Хасан муаммоли компетентликнинг моҳиятини кўриб чиққан; файласуф Б.И.Журавлёв, тиббиёт фанлари доктори Дмитрий Валеревич Ивченко, педагогика фанлари доктори Н.В.Самсоновалар турли хил соҳа мутахассисларининг конфликтологик маданиятини шакллантириш йўллари ва усулларини ишлаб чиқишган; педагог ва психолог олимлар Митина Лариса Максимовна ва А.К.Марковлар ўқитувчи шахсининг имкониятларини педагогик жамоадаги муаммолар хусусиятига таъсирини ўрганишган. А.А.Бордалёв, Н.У.Зайченко конструктив мулоқотни муаммоли вазиятларни ҳал этиш усули сифатида ўрганган; Зарема Забириковна Дринка, Валентина Васильевна Базелюк ва А.Я.Климентьева бўлажак ўқитувчиларнинг конфликтологик тайёргарлигини концептуал (янги) асосини аниқлашди; С.В.Банькина, Г.С.Бережная, Н.Г.Москвина педагогнинг

конфликтологик компетентлигини шакллантириш усуллари очишди.

Умумтаълим мактаб ўқитувчилари конфликтологик муаммолар бўйича илмий адабиётларда мавжуд ишланмалар синф раҳбарларининг конфликтологик чуқур билимга эгалик қонуниятларини яратиш учун назарий ва амалий қизиқишга эга бўлишлари лозим. Профессонал компетентлик (чуқур билимга эгалик) борасида фалсафа фанлари доктори, профессор Виктор Максимович Шепель ишлари диққатга сазовордир. Муаллиф турли жамоаларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиб, ҳар қандай даражадаги жамоат раҳбари ўзаро турли шахслар орасидаги тортишувларни бартараф этишни билиши, можароли вазиятларни ҳал қила олиш бўйича зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим дея таъкидлайди.

Мамлакат конфликтологияси ривожига руҳшунослар А.Я.Анцупов ҳамда И.А.Шипиловлар катта ҳисса қўшишган. Муаллифлар конфликтологиянинг назарий асослари ва уларнинг амалий қўлланилишини ўрганган ҳолда турли хил соҳалардаги одамларнинг ўзаро муносабатлари орасидаги можаролар хусусиятларини ва пайдо бўлиши сабабларини ўрганиб, шахсларо ва турли хил шахслар ўртасидаги можароларни ҳал этиш ҳамда улардан огоҳлантиришнинг бир қатор услубларини белгилаб беришди.

Педагогик конфликтология ривожида руҳшунос М.М.Рибакова тадқиқотлари катта аҳамият касб этади. Муаллиф педагогик жамоа ичида турли хил муносабатларни ўрганиб, “ўқитувчи – ўқувчи” кўринишидаги муаммоларга катта аҳамият қаратади, мактаб ҳаётидан можароли вазиятларни мисол қилиб кўрсатади ҳамда уларнинг асосий сабабларини очиб беради. М.М.Рибакова мазкур гуруҳ муносабатларини таҳлил қилиб, барча можароларнинг асосий сабабчиси ўқитувчининг ўзи эканлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан ўқувчилар билан нормал муносабатни йўлга қўйиш учун педагог можароларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Педагогик конфликтология ривожига С.В.Баникина тадқиқотларга сезиларли хисса қўшди. Муаллиф мактаб жамоасидаги можароларнинг вужудга келишидаги умумий ва ўзига хос сабабларини ажратиб берди, педагогик можароларнинг тоилалогиясини ишлаб чиқди ҳамда ўқув тарбия жараёнидаги иштирокчилар орасидаги турли хил можароларни ҳал этиш бўйича тавсияларни тақдим этди. С.В.Бакинова ўз ишларида педагог учун конфликтологик билим ва кўникмаларга эга бўлишнинг муҳимлигига катта эътибор қаратади.

Педагогик конфликтология илмий-амалий қизиқиш пасаймаган лиги россия таълимининг замонавий босқичлари соҳасида унинг ниҳоятда долзарблигини кўрсатиб турибди. Сўнги вақтларда педагогик конфликтология соҳасидаги диссертация ишлари миқдори сезиларли ортди. Тадқиқотчилар мактабгача таълим муассасаси жамоасидаги можароларни (И.В.Сафранова); катта синф ўқувчилари орасидаги баҳс ва тортишувларни (Г.Е.Григорьева, А.А.Кузина); умумтаълим мактаблари педагогларининг конфликтологик билимларини шакллантириш бўйича муаммоларни ўрганишди.

Шу билан бирга 1990-2000 йиллардаги нашр этилган психологик-педагогик адабиётларнинг юздан ортиқ бирлиги контент-таҳлили муаммоларини ҳал этиш масалаларининг асосий қисми умумий конфликтология масалаларини ҳал этишга қаратилганини кўрсатди. Педагогнинг конфликтологик қобилиятига бор-йўғи 8% иш бағишланган. Бунда синф раҳбарининг конфликтологик чуқур билимга эга бўлиши улардан бирортасида ҳам кўрсатиб берилмаган.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялаш, конфликтологик кайфият ва хусусиятларни ўрганиш бўйича ўқитувчининг касбий, ахлоқий фазилатларини шакллантириш, ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари бўйича педагог ва психолог олимлардан О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ҳ.Рашидов, Г.Тўйчиева, Э.Асадова, Г.Бердиев, В.Каримова, Э.Ғозиев, Н.Эгамбердиева, Р.Жумаев, Х.Ибрагимов, М.Отакулов, Б.Ходжаев, П.Эргашев, А.Мухсиева, М.Умарова,

Р.Мусурмонов сингари олимларнинг илмий кузатишлари шулар жумласига киради.

Педагогик конфликтология фанини ўрганишда «конфликт», «ижтимоий конфликт», «педагогик конфликт» тушунчалари педагогик конфликтология фанини тўлдириб боради ва унинг келиб чиқиш моҳиятини очиб беради. Педагогик конфликтология фанини ўрганишда «конфликт», «ижтимоий конфликт», «педагогик конфликт» тушунчалари фаннинг асосий илдизлари бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда “конфликт”, “ижтимоий конфликт”, “педагогик конфликт” тушунчаларига алоҳида тўхталсак.

“Конфликт нима” ёки аниқроқ айтиладиган бўлса, конфликт қандай ўзини намоён этади, - деган саволга кўпчилик, конфликт бу – одамларнинг уришиши, жанжаллашиши, куч ишлатиб, бир-бири билан тўқнашиши, сўз айтишиш, бировларни айблаш, сўқиниш, ғазабланиш, жаҳл билан гаплашиш, кесатиш, бировларни уриб-туртиш, дўқ қилиш, қўрқитишга уриниш, у қиламан, бу қиламан деб, уларга таҳдид қилиш, пичинг билан гапириш, тўғри сўзлар мазмунини бузиб талқин қилиш, бировларнинг орқасидан гапириш, қасд қилиш, бировларга жисмоний зўравонлик ўтказиш, зўрлаш, шантаж, бировларни оёғидан чалиш, камситиш, одамлар устидан кулиш, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бировларни яккалаб қўйиш, дилсиёҳлик, ҳафагарчилик, нафрат ва қасос, бировларни менсимаслик, кибрли муносабат билдириш, ўзини бошқалардан устун қўйиш, кек сақлаш, нафсониятга тегадиган амаллар ва сўзлар ишлатиш, бировнинг ҳар бир сўзи ва амалидан ёмонлик қидириш ва бошқа шунга ўхшаш вазиятларни таъкидлаб айтишади. Мана шу инсонлараро муносабатларда учраб турадиган барча салбий ҳолатлар аслида конфликтларнинг турли кўринишлари, одамлар ўртасидаги зиддиятларнинг турли намоён бўлиш ҳолатларига киради.

Конфликтни тушунишга бўлган икки хил ёндашув мавжуд. Улардан биринчиси конфликтни анча кенг – тарафлар, фикрлар, кучлар тўқнашуви деб таърифлайди. Бундай ёндашувга кўра конфликтлар жонсиз табиатда ҳам юз бериши мумкин. “Конфликт” ва “зиддият” тушунчалари амалда ҳажмига кўра қисқалардан бўлиб

У-8017/2

Nizomiy nomli  
T D P U  
kutubxonasi

қоладилар. Иккинчи ёндашув конфликтни оппонентлар ёки ўзаро таъсир субъектларининг бир-бирига зид (тескари) йўлланган мақсадлари, манфаатлари, позициялари, фикрлари ёки қарашларининг тўқнашуви деб тушунилади.

**Конфликт тушунчасига икки принципиал таъриф:** биринчиси – конфликтни кенг маънода тушунишни торайтириб, конфликтлар фақат социал ўзаро ҳаракат(таъсир)да юзага келади дея ҳисоблаш, иккинчи таъриф конфликт моҳиятига тегишли. Конфликт моҳияти фақат зиддият юзага келишида, манфаатлар тўқнашувида эмас, балки юзага келган зиддиятни ҳал қилиш усулида, социал ўзаро таъсир (ҳаракат) субъектларининг қарама-қаршилигида. Конфликт моҳияти – умуман конфликт субъектлари ўзаро қарама-қаршилигида бўлади.

Тушунчанинг тўлиқ таърифи: **конфликт** – ўзаро таъсир (ҳаракат) жараёнида пайдо бўладиган жиддий зиддиятларни ҳал қилишнинг энг кескин усули бўлиб, конфликт субъектлари қарама-қаршилигидан иборат бўлиб, одатда, салбий ҳис-кечинмалар (эмоциялар) билан кечади.

**Ижтимоий (социал) конфликт** – бу:

1) очик қарама-қаршилиқ, икки ё ундан ортиқ субъектлар – социал ўзаро таъсир иштирокчиларининг тўқнашуви бўлиб, бунинг сабаблари социал конфликт иштирокчиларининг ўзаро зид манфаатлари ва кадриятларидир;

2) социал зиддиятларнинг **ўта кескинлашган** ҳолати, турли социал бирликлар – синфлар, миллатлар, давлатлар, турли социал гуруҳлар, социал институт кабилар манфаатларининг улар манфаатлари, мақсадлари, тараққиёт тенденцияларининг қарама-қаршилиги ёки жиддий фарқ қилиши туфайли келиб чиқади;

3) социал субъектларнинг объектив равишда фарқланган манфаатлари, мақсадлари, тараққиёт тенденцияларининг очик-ойдин ёки яширин кураши, тўқнаш келиши, социал кучларнинг мавжуд ижтимоий тартибга қаршилиқ кўрсатиш асносида бевосита ёки билвосита тўқнашуви, янги социал бирдамликка томон тарихий интилишнинг алоҳида шакли;



4) конфликтли ўзаро таъсир субъектлари ўзаро зид бўлган ёки бир-бирини истисно этадиган қандайдир ўз мақсадларини кўзлаган вазият.

Ижтимоий конфликтлар конфликтологиянинг марказий объекти яъни ядроси ҳисобланиб, у эса шахслараро конфликтлар ҳисобланади.

**Ижтимоий (социал) конфликт сабаблари:**

- 1) моддий ресурслар;
- 2) ўта муҳим ҳаётий кўрсатма(установка)лар;
- 3) ҳокимият ваколатлари;
- 4) ижтимоий (социал) тузилмадаги мақом-вазифага оид фарқлар;
- 5) шахсга доир (эмоционал-психологик) фарқлар ва ҳ.к.

**Конфликт** социал (ижтимоий) ўзаро таъсир(ҳаракат)нинг турлари сифатида, унинг **субъектлари ва иштирокчилари** бўлиб алоҳида индивидлар, катта ва кичик социал гуруҳлар ва ташкилотлар келади.

**Конфликтли қарама-қаршилик** – томонларнинг ўзаро кураши, яъни бир-бирига қарши қаратилган ҳаракатларидир.

Социал конфликт асосида фақат сабаблари ўзаро тубдан зид бўлган манфаат, эҳтиёж ва қадриятлар бўлган зиддиятлар ётади; бу каби зиддиятлар томонларнинг очикдан-очик кураши, реал қарама-қаршиликка ўтиб кетади.

Конфликтда тўқнашувларнинг куч ишлатиладиган ва куч ишлатилмай диган шакллари мавжуд.

Социал конфликт ўз ичига рақиб фаолиятини тўсиқ бўлаётган ёки бошқа одам(гуруҳ)ларга зарар етказётган индивид ёки гуруҳ фаоллигини олади.

Конфликтлар проблематикаси соҳасида қуйидаги атамалар қўлланади: “бахс”, “мунозара”, “савдолашув, тортишув”, “рақобатчилик ва назорат қилинадиган тўқнашувлар”, “билвосита ва бевосита (тўғридан-тўғри) зўравонлик”.

**Педагогик конфликт** – таълим тизимида педагогик конфликтларни вужудга келиш сабаблари ва табиатини ўрганадиган, уларни бартараф этиш усуллари ва амалий тавсияларни ишлаб

чиқадиган назарий-амалий йўналиш ҳисобланади. Педагогик конфликт ижтимоий ҳаётдаги кўп учрайдиган ҳолат ҳисобланиб, табиийки жамиятнинг кучли ижтимоий муносабатлари тўпланган бўлаклари мактаб, олий ва ўрта махсус таълимда кўпроқ кўзга ташланади. Таълимда ўз “Мен”ини қаттиқ ҳурмат қилишга одатланган ўқувчи ёки талабалар орасида конфликтли муносабатларни бўлиши табиий ҳодисадир, лекин амалий кўникмаларга, кучли тайёргарликка эга бўлмаган педагог ёки раҳбарлар ҳам конфликтли муносабатларни вужудга келишига шароит яратиб бериши мумкин.

Педагогик конфликтни педагогика ва психология фанлари бир-бири билан узвий ҳолда ўрганади ва ҳал қилади. Уларнинг ҳар иккиси, битта умумий жараёни – инсонни психик фаолияти ҳамда унинг хулқ-атворини тадқиқ этади. Бугунги кунда замонавий ўқитувчи ижтимоий психологик тайёргарликсиз аудиторияга кириши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарур. Шахсни шаклланишида у яшаётган муҳит, кишилар ва жамиятнинг роли жуда каттадир. Чунки, ижтимоий муҳитдаги турли ҳодисалар одамнинг онгига бевосита таъсир қилиб, унда чуқур из қолдиради. Ўқитувчи шуларни ҳисобга олган ҳолда болаларни психикасини ва характерини ўрганиши ва шу асосда ўқитишнинг аниқ ва изчил тизимини ишлаб чиқиши лозим.

Психологиядаги мавжуд 4 та темпераментни педагог яхши билиши зарур, чунки ана шу тушунчалар таълим тизимидаги педагогик зиддиятларни олдини олишнинг асосий омилидир.

Таълим-тарбиянинг самараси, таъсирчанлиги, аввало ўқитувчига, унинг билим савиясига, касбий тайёргарлигига ва педагогик маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчи ижодий фикрловчи: умуминсоний ва миллий кадриятларни, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган бўлиши, ўз касби ва болаларни яхши кўрадиган инсонпарвар адолатли, талабчан, одобли, ҳар бир ўқувчиси улғайиб келажакда яхши инсон бўлишига ишонадиган, уларнинг баркамол шахс,

ишбилармон киши бўлиб етишишига кўмаклашадиган мутахассис бўлмоғи лозим.

Педагогик конфликтни юзага келтирмаслиги учун ўқитувчи нозик психолог ва моҳир педагог бўлиши лозим. Тарбиячи назарий билимлари ва педагогик сезгирлиги воситасида ўқитувчилар ва ўқувчилар билан осон алоқага киришади, мактабда ва ундан ташқарида биргаликдаги фаолиятнимоҳирлик билан уюштиради, тарбияланувчининг фикри, туйғуси ва иродасини бевосита ва билвосита бошқариш санъатини эгаллаган бўлади.

Тарбияланувчи муомала одобини асосан тарбиячи тимсолида англаб олади. Устоз тарбияланувчи учун бир умрга севимли, идеал, ибрат, намуна бўлиб қолишга муяссар бўлмоғи лозим.

Педагогик конфликтларнинг келиб чиқиш сабаблари гуруҳдаги ҳар бир шахснинг феъл-атворидаги хагги-ҳаракатларида шахсга мансуб бўлган миллат, халқ, ҳудуд хусусиятларида намоён бўлади.

### **1.3. Конфликтологиянинг фан сифатида юзага келиш тарихи**

Конфликтнинг дастлабки яхлит концепциялари XIX-XX асрлар оралиғида пайдо бўлди. Инсонларнинг дастлабки жамиятлари билан бирга пайдо бўлиб, конфликтлар кундалик ҳодисалардан бири эди ва узоқ давр мобайнида илмий-тадқиқот объекти бўлмай келди, аммо улар тўғрисидаги баъзи гениал фикрлар бизгача етиб келган энг қадимги манбаларда ҳам мавжуд. Вақт ўтиши билан ҳаёт шароитлари ўзгариб, конфликтлар кўриниши ҳам ўзгаришга юз тутган. Антик давр урушларининг икир-чикиригача тафсилотларини ва бу каби конфликтларнинг илк баҳоларини қолдирди. Ўрта асрлар ва Янги даврларга ажратиб ўрганилиши ушбу ҳодисанинг моҳиятини англашга бўлган ўзига хос уринишлар бўлди. Инсонпарвар мутафаккирлар конфликт тўғрисидаги, уларнинг инсоният тараққиётидаги ҳалокатли роли, урушларни жамият ҳаётидан йўқотиш ва тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги ўз тасаввурларини билдириб кетганлар.

Кўриб чиқилаётган муаммога оид дастлабки тадқиқотлар милoddан аввалги VI-VII асрларга тегишли. Ўша давр Хитой мутафаккирларининг ёзишича, барча мавжуд нарса тараққиётининг манбаи – ўзаро муносабатларда, материяга хос бўлган ижобий (Янь) ва салбий (Инь) томонларда бўлиб, улар доимий ўзаро қарама-қаршиликдадир ва айнан бу уларнинг эгалари ўртасида конфронтация(конфликт)ни келтириб чиқаради. Қадимги Юнонистонда қарама-қаршиликлар ва уларнинг буюмлари юзага келишидаги роли тўғрисидаги фалсафий таълимот пайдо бўлди. Юнон файласуфи Анаксимандр – (милoddан олдинги 640-547 йиллар) нарса (буюм)лар апейрон – ундан қарама-қаршиликлар ажралиб чиқишига олиб келадиган ягона моддий асоснинг доимий ҳаракатидан пайдо бўлади деб уқтирган. Юнон файласуфи Гераклит (милoddан олдинги VI аср охири - V аср боши) ҳаракат сабабларини очишга, нарсалар ва ҳодисалар ҳаракатини зиддиятлар, қарама-қаршиликлар кураши туфайли пайдо бўладиган қонуний, зарур жараён сифатида тақдим этишга ҳаракат қилди. Қадимги Рим файласуфи, нотик Марк Туллий Цицерон (милoddан аввалги 106-43 й.й.) етказилган зарар учун қасос олиш, мамлакатга бостириб кирган душманни ҳайдаш мақсадида олиб бориладиган “адолатли ва ҳақ эътиқод учун уруш” тўғрисидаги тезисни илгари сурди (“Давлат тўғрисида”).

Социал конфликтларни тизимли таҳлил қилишга биринчи бўлиб (Италия) Флоренциялик ёзувчи Никколо Макиавелли (1469-1527) уриниб кўрди. У конфликтни инсоннинг гаразли моҳияти, турли гуруҳларнинг доимий ва чекланмаган бойликка интилиши сабабли жамиятнинг универсал ва узлуксиз ҳолати деб ҳисоблаган. У бутун давлат ҳокимиятини ўз қўлида жамлаб олган зодагонларни конфликт манбаларидан бири деб билади. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) мамлакат ичидаги социал конфликтлар тизимини биринчи бўлиб батафсил таҳлилдан ўтказди.

Янги даврда Женева (Швейцария) файласуфи ва ёзувчиси Жан-Жак Руссонинг (1712-1778) бутун жаҳон тарихий жараёнининг босқичлилиги тўғрисидаги қуйидаги ғоялари кенг ёйилди:

- 1) аввалига одамлар озод ва ўзаро тенг бўлган “табiiй ҳолат” мавжуд;
- 2) сўнг цивилизация тараққиёти тенглик, озодлик ва бахт ҳолатининг йўқотилишига олиб келади;
- 3) “жамоатчилик шартномаси”ни тузган одамлар яна ўзлари йўқотган ижтимоий муносабатлар уйғунлигига эга бўлиб, “умрбод тинчлик” ва тотувлик келишув (соғласие) га эришадилар; ижтимоий тинчлик халқнинг қатъий назорати остида юз бериши мумкин, чунки вазирлар учун урушлар зарур ва улар эзгу ниятларини асло намоён этмайдилар.

Дастлаб конфликт кўп табақали ижтимоий ҳодиса сифатида Шотландия (Буюк Британия) файласуфи Адам Смитнинг (1723-1790) “Халқ бойлигининг моҳияти ва сабабларига оид тадқиқот” ишида ўрганилган. Унинг фикрича, конфликт асосида жамиятнинг синфларга (капиталистлар, ер эгалари, ёлланма ишчилар) бўлиниши ва иқтисодий рақобат ётади.

Синфлар орасидаги курашни А.Смит жамиятнинг олға томон тараққий этиш манбаи, ижтимоий конфликтни эса – инсоният учун ўзига хос муайян неъмат деб билган.

Немис олими Иммануил Кант (1724-1804) “...кўшни бўлиб яшаётган одамлар орасидаги тинчлик ҳолати табiiй ҳолат эмас, у аксинча, уруш ҳолатидир, яъни узлуксиз амалга оширилган душманлик ҳаракатлари бўлмаса, доимий хавфдир. Демак, тинчлик ҳолатини ўрнатиш даркор...” Бу ерда Руссонинг “ижтимоий шартнома” тўғрисидаги ғоялари билан боғлиқлик кузатилади. Немис файласуфи Георг Гегел (1770-1831) фикрича, конфликтнинг асосий сабаби, бир тарафдан, “бойлик йиғиш” билан бошқа тарафдан – “меҳнатга боғлаб қўйилган синф” ўртасидаги ижтимоий номутаносилиқдир. Г.Гегел мамлакат ичидаги давлат бирлигига таъсир кўрсатадиган ғалаён ва тартибсизликларга қарши чиққан эди. У давлат бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилади ва конфликтларни мувофиқлаштириши керак деб ҳисоблаган. Ҳаёт учун кураш муаммоси инглиз биологи Чарльз Дарвин (1809-1882) таълимотида марказий ўрин эгаллаган. Дарвин асарларининг бош

ғояси: жонли табиат доимий равишдаги ҳаёт учун кураш шароитида ривожланиб, бу энг яхши мослашган турларни саралаб олишнинг табиий танлаш механизмини ташкил этади. Кейинчалик Ч.Дарвин қарашлари конфликтнинг баъзи социологик ва психологик назарияларида тараққий эттирилди.

Ўзбекистон конфликтологияси бугунги кунда мустақил фан сифатида шаклланишнинг якуний босқичини бошидан кечирмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида конфликтологияга оид билимлар фанлараро парадигмасининг контурлари белгиланиб, улар асоси сифатида тизимли эволюцион ёндашув олинди. Сўнгги пайтда конфликтология тармоқларини ташкил қилган хусусий (алоҳида) конфликтология фанларида бу фан муаммосининг кўп сонли қизиқарли ва муҳим тадқиқотлари ўтказилди. Аммо маҳаллий конфликтологлар ҳозирча конфликтлар моҳиятини англаш, уларнинг таснифи, генезиси, тузилмаси кабиларга нисбатан умумий ёндашув ишлаб чиқа олмадилар. Бундай ёндашув кўпчилик конфликтологлар томонидан конфликтология фанининг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тизимли тасаввур(қараш)ларнинг битта, яхшиси бир неча вариантини муҳокама қилиш асосида ишлаб чиқиши мумкин.

Соҳанинг бугунги кундаги долзарб аҳамиятини инобатга олиб, нафақат махсус мактаблар балки, мавжуд илмий марказлар ўртасида ҳамкорликнинг дастурий омиллари ҳам жадаллик билан йўлга қўйилмоқда. 1989 йили конфликтология бўйича Россия-Америка дастури яратилди. Ушбу дастур доирасида конфликтларни ўрганиш ва ҳал қилиш институти (CRI) кўмагида Петербург конфликтларни ҳал этиш маркази яратилиб, у ҳам билишга оид-назарий, ҳам утилитар-амалий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, яъни одамларга конфликтлар билан нима қилиш кераклигини англатиши, тушунтириши, ёрдам бериши керак эди. Маҳаллий олимлар фикрига кўра, конфликт ва ундан ҳимояланиш даврнинг энг долзарб муаммоси бўлиб, уни ҳал қилиш (ечиш) нафақат муайян билим, балки у одамларнинг масалаларни амалда конфликтсиз ҳал қилишга хоҳиши, истагини ифода этади.

#### 1.4. Конфликтларнинг намоён бўлиш шакллари ва турлари

Инсоният тараққиёти тарихи турли, айти пайтда, ўзига хос манфаатли муносабатларга эга, шаклан мазмунан бир-бирини такрорламайдиган шахс, гуруҳ, қатламлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга ҳар хил ёндашувларнинг намоён бўлиши билан характерланади. Турфа маданият ва ёндашувлар ижтимоий ҳаётнинг ривожланишининг оқилона асослари пайдо бўлишига, тараққиёт қонуниятининг назарий ва амалий мезонлари шаклланишига хизмат қилиши билан бирга инсон ва жамият ҳаётида турли ижтимоий хатарлар, таназзуллар, муросасизликнинг, тоқатсизликнинг бетакрор шакллари билан намоён бўлишига олиб келади. Шу боис конфликтларнинг намоён бўлиш шакллари ва турларини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидагича: конфликтларнинг объекти, мақсади, оқибатлари ҳамда йўналганлиги, уларнинг намоён бўлиш сабаб-оқибатлари, тўсатдан, қутулмаганда содир бўлиш вақтига, давомийлиги ва кескинлик даражасига, низолар келиб чиқиши ва унинг иштирокчиларига кўра, ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилганлик даражасига ҳамда вазиятни субъектив идрок этишни ҳисобга олган ҳолдаги ва бошқа турларига ажратиш мумкин.

Конфликтларнинг намоён бўлиш турига кўра иккига бўлиш мумкин: агонистик (мурасага келадиган) ва антагонистик (муросасиз).

Агонистик конфликтлар учун қуйидагилар хос:

1) конфронтация(конфликт) – социал гуруҳларнинг қарама-қарши сиёсий, экологик, социал манфаатларга пассив қарши туриши. Конфронтация очиқ тўқнашув шаклини олмайди, аммо фарқли қарашлар мавжудлигини кўзда тутиб, рақобатга ўсиб кетиши мумкин;

2) рақиблик – алоҳида одам ёки бирон-бир жамоат ютуқлари ва имкониятлари эътироф этилиши учун кураш. Рақиблик мақсади – яхшироқ социал позицияга эга бўлиш, эътиборли ютуқларга эришиш. Рақиблик ривожланиб, рақобатга ўтиши мумкин.

3) рақобат – конфликтнинг алоҳида тоифаси бўлиб, ундан мақсад – бирон-бир фойда, даромад кўриш ёки камёб неъматларга эришиш.

Антагонистик конфликтларнинг куйидаги турлари мавжуд:

1) **норозилик** – мавжуд ҳолатдан аниқ ифодаланмаган ҳолда норозилик билдириш. Аввалига *асабийлашув* пайдо бўлиб, у ва низоли вазиятга ўтиб боради. Ноаниқ мақсадлар нисбатан аниқ ифодаланган талабларга айланиб, лекин норозилик ташкилотчиларининг истаклари ҳамиша ҳам тушунарли эмас, яъни уларнинг иродаси аниқ ифодаланмаган. Норозилик ўсиб, ғалаён ёки кўзғолонга ўтиб кетиши мумкин;

2) **ғалаён** – шахс ёки жамоа агрессиясининг жамоавий норозиликни юксак даражада уюштирган ҳолда агрессив тарзда ифодалаш;

3) **кўзғолон** – шахс ёки жамоа агрессиясининг жамоавий норозиликни юксак даражада уюштирган ҳолда муайян мақсадга қарата ифодалаш;

4) **инқилоб** – конфликтнинг олий шакли, кўриниши бўлиб, норозиликнинг *энг сўнги* шакли, мавжуд тузумни сиёсий ағдариб ташлаш йўли, социал-иқтисодий тартибнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини англатади. Одатда, инқилоб ҳаракатнинг зўравонлик ишлатган ҳолдаги ҳарбий усулини ва кенг омманинг жалб этилишини назарда тутди.

**Конфликтларнинг турли тактикалари** мавжуд: *турли қарашлар* ва *устуворлик қилиш*. Турли қарашлар – асосий таркибий қисм бўлиб, иштирокчиларнинг талаблар ёки истаклар тўғрисидаги декларацияларда ифода этилган қарашлари, манфаатлари ҳолати ва йўлланганлигидан далолат беради. Турли қарашлар конфликтнинг процессуал моделида баён этилган қарама-қарши ахлоқни шакллантиради. Устуворлик қилиш инсон ҳамжамиятларида социал табақалашув, устувор позициялар учун курашни кўзда тутиб, бу – одамларнинг куч ишлатишга асосланган ҳаракатлари тизимидир.

**Конфликтларнинг объекти, мақсади, оқибатлари ҳамда йўналганлигига кўра таснифи**

Объектига кўра конфликт турлари:

1) **иқтисодий конфликтлар** – улар асосида иқтисодий манфаатлар тўқнашуви ётиб, бунда бир тараф манфаатлари иккинчи



тараф манфаатлари ҳисобига қондирилади. Кўпинча жамият ва ҳокимият ўртасидаги глобал инқирозлар асосида айнан иқтисодий сабаблар ётадилар;

2) **социал-сиёсий конфликтлар** – улар асосида давлатнинг ҳокимият ва социал муносабатлар, партиялар ва сиёсий уюшмалар соҳасидаги сиёсатига доир зиддиятлар ётади. Улар давлатлараро ва халқаро тўқнашувлар билан яқиндан боғлиқ бўладилар;

3) **мафқуравий конфликтлар** – улар асосида одамларнинг жамият, давлат ҳаётининг турли муаммоларига бўлган қарашларидаги зиддиятлар ётади. Улар макро даражада, шунингдек шахс даражасидаги энг кичик бирлашмаларда ҳам юзага келишлари мумкин;

4) **социал-иқтисодий конфликтлар** – ҳам шахслар, ҳам социал гуруҳлар ўртасида намоён бўлишлари мумкин. Улар асосида ўзаро муносабатлар соҳасидаги издан чиқишлар ётади. Юзага келиш сабаблари руҳий (психологик) номувофиқлик, инсоннинг бошқа инсон томонидан бесабаб қабул қилмаслик, етакчилик, обрў-эътибор, таъсир доираси кабилар учун кураш бўлиши мумкин.

5) **социал-маиший конфликтлар** – улар гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг ҳаёт, турмуш кабилар тўғрисидаги турлитасаввурга эга эканлиги билан боғлиқ. Улардан асосийси – оилавий муносабатларнинг бузилиши. Конфликт сабаблари – турмушдаги нохушлиқлар, маънавий-маиший ахлоқсизлик, шунингдек жиддий ғоявий зиддиятлар.

Агар конфликтнинг асоси сифатида тарафларнинг руҳий (психик) ҳолати, ҳамда одамларнинг шу ҳолатга мувофиқ конфликтли вазиятдаги, ўзини тутиши олинса, бу ҳолда конфликтларни рационал ва эмоционал турларга ажратиш мумкин.

Мақсади ва оқибатларига кўра конфликтлар қуйидаги турларга бўлинадилар: позитив (ижобий), негатив (салбий), конструктив, деструктив; чекланиб қолган ҳамда шу туфайли конфликт келтириб чиқарган эҳтиёжлар характериға кўра улар моддий, мақомли-ролли (статусно-ролевой) ва маънавий (руҳий) бўладилар; йўналишиға кўра – горизонтал (ҳамкасблар ва ш.к. ўртасида), вертикал (бошлиқлар ва

қўл остидагилар ўртасида) ва аралаш (вертикал ва аралаш конфликтлар энг кўп учрайди); вақт параметрига кўра – қисқа муддатли ва давомли бўлиши мумкин.

Конфликтларнинг давомийлиги ва кескинлик даражасига кўра турлари:

1) жўшқин ва тез (жадал) кечадиган конфликтлар – қизгин ва эмоционаллилиги, конфликт тарафларининг салбий муносабатларини ўта кескин намоён этиши билан фарқланиб, оғир хулоса топиши ва фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин. Улар асосида ихтилофдаги кишиларнинг руҳий ҳолати ётади;

2) кескин ва давомли конфликтлар – кўпроқ зиддиятлар анча чуқур, барқарор, мурасага келиб бўлмайдиган ёки мурасага келиш жуда қийин ҳолларда юзага келадилар. Конфликтлашаётган тарафлар ўз реакция ва ҳаракатларини назорат қилади. Ҳал бўлишига оид башоратлар ҳам асосан ноаниқ;

3) яхши ифодаланмаган ва суст кечадиган конфликтлар – кескин бўлмаган зиддиятлар учун, ёки конфликтнинг фақат бир тарафи фаоллик кўрсатаётган тўқнашувлар учун хос бўлиб, бунда иккинчи тараф ўз позициясини аниқ белгилашга интилмайди ёки ихтилоф жиддийлашувидан қочади;

4) яхши ифодаланмаган ва жадал кечадиган конфликтлар – агар бундай конфликт муайян эпизоддагина рўй берган бўлса, бу ҳолда мақбул башорат (прогноз) ҳақида сўз бориши мумкин. Ундан кейин бу каби конфликтлар занжири тизилиб келса, башорат нафақат мураккаб, балки нохуш ҳам бўлиши мумкин.

**Ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилганлик даражасига кўра конфликт турлари:**

- 1) глобал;
- 2) минтақавий;
- 3) давлатлараро;
- 4) элатлараро;
- 5) синфлараро ёки жамиятнинг турли табақалари ўртасида;
- 6) гуруҳлараро;
- 7) партиялараро;

8) шахслараро сиёсий, мафкуравий, маънавий.

Агар, иштирок этаётган тарафлар сони, яъни иштирокчилар доираси мезон сифатида олинса, бу ҳолда конфликтлар икки, уч ва кўп тарафлама бўлади деб айтиш мумкин.

Мезон сифатида куч босими даражаси олинганида, бундай ҳолларда конфликтлар қуролли бўлмаган (божхона урушлари), ҳамда ҳақиқатда турли кўламли уруш ҳаракатларини олиб боришдан иборат бўлган қуролли конфликтларга бўлинади.

Агар зиддиятлар даражаси мезон деб олинса, бунда конфликтларнинг агрессив ва мурасали (компромисс) турлари мавжуд деб айтиш мумкин. Шунингдек, асосий ва асосий бўлмаган масалалар юзасидан рўй берадиган конфликтлар фаркланади.

Аммо барча конфликтларни ягона универсал схемага келтириб, жамлаб бўлмайди. Масалан, кураш кўринишидаги конфликтларда ечим фақат томонлардан бирининг ғалабаси билан тугаши мумкин бўлса, мунозаралар тоифаидаги конфликтда умумий мураса йўли танланиши мумкин.

**Конфликтларнинг улар мотивациясини ҳамда вазиятни субъектив идрок этишни ҳисобга олган ҳолдаги ва бошқа турлари**

1) сохта – субъект бунинг учун реал сабаблар мавжуд бўлмаса ҳам, вазиятни конфликтли деб идрок этади. Конфликт объектив асосларига эга эмас, сохта тасаввурлар оқибатида юзага келади;

2) потенциал – конфликт юзага келиши учун реал асослар мавжуд, аммо томонлардан бирортаси ҳам у ёки бу сабаблар туфайли вазиятни конфликтли сифатида идрок этмаганлар. Конфликт объектив сабаблар туфайли пайдо бўлиши мумкин, аммо маълум вақтга қадар юзага чиқмай туради.

3) ҳақиқий – тарафлар ўртасидаги реал тўқнашув. Бу манфаатлар тўқнашуви объектив равишда мавжуд бўлиб, иштирокчилар томонидан идрок этилади ва осон ўзгарадиган омилга боғлиқ бўлмайди. Ҳақиқий конфликтни қуйидаги кичик турларга ажратиш мумкин: конструктив – субъектлар ўртасида реал мавжуд бўлган зиддиятлар асосида юзага келган; тасодифий ёки шартли –

англашилмовчилик ёки воқеаларнинг тасодифий тўғри келиши сабабли юзага келган, ammo бу ҳол унинг иштирокчилари томонидан идрок этилмайди. У конфликтга реал муқобил вариантлар мавжудлиги анланган ҳолида тўхтатилади; “кўчган” конфликт – асл сабаб яширин бўлиб, конфликт эса ёлгон, сохта сабабга кўра юзага келади; “манзилдан адашган конфликт” – асл айбдори тўқнашув “сахнаси ортида” яшириниб, конфликтда эса унга алоқаси бўлмаган иштирокчилар қатнашадилар.

Конфликтлар таснифига ўзгача ёндашувлар:

1) ташқи – субъектлар ўртасидаги конфронтация; 2) ички – субъект мотивлари, мақсад ва вазифалари конфронтацияси; 3) танлашга оид конфликт – икки бир-бирига тенг мақсадлардан бирини танлаш муаммоси; 4) камроқ даражада мушкулликни танлаш конфликтлари – иккисидан ҳар бири ҳам бир хил даражада мақбул бўлмаган вариантлардан бирини танлаш муаммоси; 5) гуруҳли конфликт – одамлар гуруҳлари ўртасидаги; 6) коммуникатив конфликт – оғзаки (даҳанаки) қаршилик натижаси; 7) мотивацион конфликт – эҳтиёжлар ва истаклар ўртасидаги; 8) очиқ конфликт – рақибга зарар етказиш мақсадидаги кураш; 9) яширин конфликт – очиқ-ойдин, яққол бўлмаган қарама-қаршилик, зўриққан ўзаро муносабатлар; 10) эҳтиёжлар конфликтлари – инсон зиддиятли, қарама-қарши мақсадларга эришишни истайди; 11) эҳтиёжлар ва ижтимоий меъёрлар ўртасида конфликт – интилувчан шахсий истак-мотивлар ҳамда тақиқловчи умумий императивлар ўртасида; 12) мақом, статусга доир конфликт – иштирокчиларнинг мақоми ва роли билан белгиланадиган конфронтация; 13) мақсадга доир конфликт – муайян мақсадга эришиш юзасидан конфликт.

*Низолар келиб чиқишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:* халқаро; жамоавий; оилавий; ҳудудий.

*Низо иштирокчиларига кўра:* миллатлараро; шахслараро; ички шахсий; давлатлараро; маълум гуруҳлар, тизимлар ўртасидаги конфликтларга бўлинади.

- *миллатлараро* – миллатлар ўртасидаги тўқнашувлар;

- *шахслараро* – ўз ҳаётий фаолиятида қарама-қарши мақсадларни амалга оширишга интилувчи шахсларни ифода этади;

- *ички шахсий* – шахснинг кучи бўйича таҳминан тенг мотивлари, қизиқишлари, ишқибозлиги, манфаатларининг курашини акс эттирувчи;

- *давлатлараро* – давлатлар ўртасидаги тортушувлар;

- *гурухлараро* – бири-бирига мос келмайдиган мақсадларни кўзлаган ва уларни амалга ошириш йўлида бир-бирига тўсқинлик қилувчи ижтимоий гурухлар низо томонлари сифатида иштирок этишлари билан ажралиб туради.

Педагогик конфликтлар мавхумлигига қараб *очиқ* ёки *ёпиқ* кўринишларда бўлиши мумкин.

**Очиқ низолар** одатда ўқитувчи ва ўқувчининг кўз олдида, тўғридан-тўғри вужудга келади. Улар тўқнашиш содир бўлгунга қадар тўлиқ етилган бўлади. Бундай низолар раҳбарият назорати остида турганлиги сабабли таълим жараёни учун унчалик хавф тўғдирмайди ва уларни бошқариш осон кечади.

**Ёпиқ низолар ўта хавфлидир.** Бундай низоларни аста-секин, белгиланган фурсатда *портлайдиган минага* ўхшатса бўлади. Агар низо ҳали *"етилмаган"* ёки уларни бошқалар нигоҳидан яширилса, бошқача қилиб айтганда низо ўқитувчи ва ўқувчи *"ичида"* бўлса, билингни, бу ниҳоят хавfli ва уни бошқариш жуда қийин.

Ёпиқ низолар кўпинча *фитна, изво, ҳийла-найранг, фисқ-фасод* шаклида ривожланиш оқибатида вужудга келади. Улар орага фитна солиш, бузғунчиликка қаратилган бўлиб, *ёлгон-яшиқ, уйдирма, бўхтон* гаплар ўқувчилар учун асосий қурол вазифасини бажаради.

Очиқ низолар кўпинча низо, чақирик шаклида ривожланиши оқибатида вужудга келади. Улар очикдан-очик чақирик, товуш чиқариш, даъват этишда ўз ифодасини топади. Бунда ўқитувчилар ўзларига қарама-қарши бўлган ўқувчиларнинг манфаатини ўзининг манфаати томон буришга ҳаракат қилади.

**Характерига қараб педагогик низолар объектив ёки субъектив низоларга бўлинади.**

**Объектив** низоларга таълимнинг ривожланиш жараёнида юзага чиқадиган реал камчиликлар ва муаммолар билан боғлиқ низолар киради. Бу низолар амалий низолар бўлиб, ўқув жараёнини ривожлантириш, таълим муассасасида нормал *"руҳий иқлим"* ни яратиш учун хизмат қилади.


**Субъектив** низоларга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг у ёки бу воқеликка бўлган шахсий фикрларининг турличалиги оқибатида вужудга келадиган низолар киради. Бу низолар табиати бўйича ҳис-туйғуга, ҳиссиётга берилиш, қизиққонлик оқибатида юзага чиқади. Одатда, бундай низолар бир-бирини руҳан кўра олмайдиган ёки бир-бирини тушунмайдиган, ёхуд тушунишни ҳохламайдиган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қарама-қарши фикрлари оқибатида вужудга келади.

**Оқибат натижасига қараб, педагогик низолар *конструктив* ва *деструктив* низоларга бўлинади.**

**Конструктив** низолар таълим муассасасида мақсадга мувофиқ, ўзгартиришлар қилинишини, оқибатда эса низо чиқадиган объект (сабаб)ни бартараф этишни назарда тутаяди. Агар низо ҳеч қандай асосга эга бўлмаса, унда бу низо деструктив низо деб юритилади. Бундай низолар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни барбод этади, сўнгра таълим жараёнини издан чиқариш пайида бўлади. Шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай конструктив низо, агар ўз вақтида олди олинмаса, деструктив низога айланади, яъни ўқитувчи ва ўқувчилар бир-бирига нисбатан нафратларини намоёйиш этиш, бўлар-бўлмаста тирноқ остидан кир излаш, ҳар бир сўздан илгак топиш, атрофдагиларнинг кадр-қимматини ерга уриш, ўзининг фикрини зўрлаб тиркаш, етилган муаммоларни ҳал қилишдан бош тортиш ҳаракатида бўлаверадилар.

Аксарият ҳолларда конструктив низоларнинг деструктив низоларга айланиши низода ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий ҳислатлари билан боғлиқ бўлади.

Педагогик низонинг келиб чиқиши ва тўқнашининг содир бўлиши бир бутун жараён бўлиб, бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (1-чизма).



**1-чизма. Педагогик низонинг келиб чиқиши ва тўқнашиш жараёни модели.**

Бу жараённинг **биринчи босқичида** педагогик низо чиқиши учун вазият туғилади, яъни томонлар манфаатларининг қарама-қаршилиги объектив равишда намоён бўлади. Аммо очикдан-очик тўқнашув содир бўлмайди. Бундай ҳолат ҳар иккала томон ташаббуси билан ёки "меросдан" қолган низонинг таъсири остида вужудга келиши мумкин.

**Иккинчидан**, низонинг қандай тугаганлиги, унинг қандай ечимга олиб келганлигига қараганда кенгроқ тушунча ҳисобланади. Низо, ўзаро томонлар низоси сифатида тугаши мумкин, аммо унинг тугатилганлиги низо ўз ечимини топганлигини ҳар доим ҳам аниқлаб бермайди.

Масалан, зиддиятли томонлар кўпинча ўлим билан тугайди, дейлик. Низо ниҳоясига етган деб хулосалаш мумкин. Аммо бу - манфаатли томонлар ўртасидаги низо ва зиддият тугаганлигини аниқлаб бермайди. Низо қолаверади. Шу боис, "конфликт ечими" тушун

часи “конфликтнинг тугаши” тушунчасидан кенгроқ ва аниқроқ тушунча ҳисобланади. Агар низо тугаши тушунчасида ҳар қандай низонинг ҳар қандай тугаши, унинг бирор сабабларга кўра низога етиши тушунилса, низонинг ечими тушунчаси унинг бирор “ижобий” натижа билан, ҳар икки томонни қониқтирган яхши ҳулосалар билан тўхтам ва ҳулоса қилинганлигини англатади. Низонинг ечими унинг ҳақиқий тугатилганлиги, икки томон ўртасидаги низо ва инқирознинг ечими топилганлиги, ўзаро қарама-қаршилик йўқотилганлиги, тинчлик ва тотувлик тамойиллари томонлар ўртасида ўрнатилганлигини англатади.

Низолар ечими бўйича амалиёт ва ҳаётий тажриба ҳар вақт унинг ечими учун ҳар икки томон тарафидан жуда катта сайи-ҳаракатлар ва интилиш зарурлигини, томонларнинг ечим ва тўхтамга келиши осон кечмаслигини кўрсатади. Чунки низо “ўзидан-ўзи” ҳал бўлиб қоладиган воқелик эмас. Уни ҳал қилиш учун бировни англаш, эшитиш, адолатпарварлик мезонларига риоя қилиш, компромиссларга келиш, умумий ва барчани қониқтирган ечимни топа билиш, жаҳдан воз кечиш ва бошқа бир қатор амалларни бажариш лозим бўлади. Албатта, конфликтни менсимаслик, уни тан олмаслик (игнорировать), уни ўзича талқин қилишга уриниш бўлиши мумкин. Аммо бу ҳолда низо стихияли тарзда, яъни ҳеч кимга бўйсунмаган ҳолда такомиллашиб, ривожланиб боради, низо кескинлашади, янада мураккаблашади, ўз домига бошқа шахсларни ҳам торта бошлайди, кенгаяди, томонларни, демакки манфаатларни тўхтамга келтириш мумкин бўлмай қолади, манфаатли томонлар кўпаяди ва охир-оқибат бутун системани, яъни низодан олдинги вазиятни батамом вайрон қилади.

Низонинг ечимига келиш учун муҳим бўлган талаблардан бири – томонларнинг унинг ечимини қидиришга тайёрлиги ва уларнинг ихтиёрий тарзда конфликт ечимини топишга астойдил бел боғлаганлиги ҳисобланади. Агар томонлар ўз ҳошишига кўра низо ечимини топишга тайёр бўлмасалар, низо ечимини топиб бўлмайди. Энг аввало низони юзага келтирган объектив сабабларга тўхталиши, уни юзага келтирган шароитлар аниқ белгиланиши керак. Шу нуқтаи



назардан, ҳар қандай низо субъектив омиллар (инсонлар, гуруҳлар, тизимлар) ҳам объектив омиллардан ташқил топади (низони келтириб чиқаришга сабаб бўлган ташқи омиллар). Низо ечимини топиш мураккаб, узоқ муддатли, сабр ва қонуатни талаб этадиган, томонларнинг ўз устида узоқ муддат ишлашини заруриятга айлантирадиган жараён бўлиши мумкин. Низо ечимини топиш – томонларнинг бир-бирини англаши ва тушунишига қаратилган йўлдир.

Шу нуқтаи назаридан, низолар ечимини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- томонларнинг ихтиёрий келишувига кўра зиддиятнинг ечимга келиши ва тўхтатилиши;
- низонинг симметрик ечимининг топилиши ва тўхтатилиши (икки тараф ҳам бир хилда ё ютиб чиқади, ё ютқизади);
- низонинг асимметрик ҳал бўлиши (зиддиятда фақат бир томон ютиб чиқади);
- низо бошқа бир катта низо келтириб чиқариши;
- низонинг аста ўчиб сўниши ва йўқолиб бориши.

Кўрииб турибдики, аслида низонинг ечимига қараб турларга бўлиниши, унинг мавжуд бўлган барча хусусиятларини ўзида жамламайди. Чунки низонинг ечимга келишида жуда кўп ностандарт ҳолатлар мавжуд бўлади.

- 1) низонинг тупикка кириб қолиши;
- 2) зўравонлик кўрсатиш;
- 3) низонинг тинчлик билан тугатилиши.

Бошқача қилиб айтганда, низонинг тупикка кириб қолиши – “бирор муддатта унинг ечими тўхтатилганлигини”, зўравонлик асосида ҳал бўлиши – томонларнинг бир-бирини йўқ қилишга уринишини, низонинг тинчлик билан ҳал этилиши эса - унинг конструктив, яъни ақл билан ҳал қилиниши имконияти ишга солинганлигини англатади. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам конфликтнинг ечими топилмаганлиги унинг умуман йўқ бўлиб бораётганлигини эмас, балки низонинг очиқ формадан “яширинган” формага ўтиб бораётганлигини билдиради. “Яширинган” формадаги низо эса нима оқибатларга олиб келиши –

томонларнинг қандай эмоционал-психологик хусусиятларни ўзида тўплаб бораётганлигига боғлиқ бўлади. Агар бу ҳолатлар – ижобий сенсорларга таянса, низо ечимини топиш учун шароит мавжуд бўлади, агар улар салбий сенсорларни кучайтириб юборса, демак, низодаги кескинликнинг ошиб бораётганлигини англатади. Шундай қилиб:

– низонинг юзага келиши табиий ҳол ҳамда унинг вужудга келишидан қўрқмаслик ва довдирамаслик лозим;

– низонинг субъектив ва объектив келиб чиқиш сабабларини муҳокама қилиш лозим;

– конфликт(низо) томонлар манфаатларининг тўқнашуви ҳисобланади;

– конфликтнинг ечимини топиш учун икки томоннинг ихтиёрий сайи-ҳаракатлар олиб бориши ва конфликт ечимини топишга рози-ризолиги талаб этилади;

– ҳар қандай конфликтнинг ўз ечими мавжуд, фақат уни топа билиш зарур;

– конфликтнинг ечими топилмаганда, у “сўниши”, йўқ бўлгандай кўриниши мумкин, аслида конфликт ўз-ўзидан ҳал бўлмайди, балки кейинроқ бошқа каттароқ низоларни келтириб чиқаради;

– конфликт ечимини ижобий топиш учун маълум билим ва малакаларни эгаллаш керак бўлади;

– конфликт ечимини топиш жараёнида зиддият қарама-қарши одамга, унинг шахсиятига эмас, балки иккала томон ўзаро бирлашиб, ўз мулоҳазаларини мавжуд муаммога қаратиши лозим бўлади;

– конфликтни инсонлар эмас, балки вазиятлар ва манфаатлар вужудга келтиради;

– конфликтлар ҳар доим мавжуд бўлади, шунинг учун ҳам ёш ўқитувчилар(педагоглар) уларни бошқариш малакасига эга бўлиши лозим.

**Низоларни ҳал қилишга икки хил ёндошув мавжуд:**

➤ биринчиси – мавжуд илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш;

➤ иккинчиси – низолар ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги билимларини ва уларни олдини олиш, бартараф қилиш усулларини

эгаллаш; (анча қийин йўл, аммо анча самарали, чунки турли низолар барчасига бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш мумкин эмас).

Педагогика фанлари номзоди В.М.Афонькова низоларга педагогик аралашининг муваффақиятлиги педагогнинг қараш ларига боғлиқ бўлади деб таъкидлайди. Бундай қарашлар камида тўртта бўлиши мумкин:

- *низозга авторитар аралашини ёндошуви* – педагог низо - бу ҳар доим ҳам ёмон эмаслиги ва у билан курашиш кераклигига ишончи бўлмаган ҳолда уни бостиришга ҳаракат қилади;

- *нейтралитет ёндошуви* – педагог тарбияланувчилари ўртасида юзага келадиган тўқнашувларни сезмасликка ва аралашмасликка ҳаракат қилади;

- *низодан қочиш* – педагог низо - бу юзага келган вазиятдан қандай чиқишни билмаслиги сабабли болалар билан унинг муваффақиятсиз тарбиявий ишлари кўрсаткичи деб ишонади;

- *низозга мақсадга мувофиқ аралашини* – педагог тарбияланувчилари жамоасини яхши билишига, тегишли билим ва малакаларига таяниб низо келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилади, уни бостириш ёки маълум даражагача ривожланиб бориши тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўқув фаолияти шароитларидаги низолар турли хилдаги низолар бўлади. Педагогика соҳаси шахсни мақсадга мувофиқ шакллантириш барча турлари тўпламидан иборат бўлади, унинг моҳияти эса ижтимоий тажрибани ўргатиш ва ўзлаштириш бўйича фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун айнан мана шу ерда педагог, ўқувчи ва ота-оналарнинг кўнгил хотиржамликлари учун қулай ижтимоий-психологик шароитлар яратиш зарур.

### **Низонинг ривожланиш босқичлари:**

1. Тахмин килувчи босқич – манфаатлари тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган шароитлар билан боғлиқ.
2. Низонинг пайдо бўлиш босқичи – турли гуруҳлар ёки алоҳида инсонлар манфаатларининг тўқнашуви.
3. Низонинг етилиши босқичи – манфаатлари тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади.

4. Низони англаб етиш боскичи – жанжаллашувчи томонлар манфаатлари тўқнашувини фақатгина сезибгина қолмай, балки англаб ҳам ета бошлайдилар.

### Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Конфликтга таъриф беринг ва конфликт қандай маънони англатади?
2. Конфликтология фан сифатида нечанчи асрда шакллана бошлаган?
3. Педагогик конфликтология фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Педагогик конфликтология фани қайси фанлар билан алоқадорликда ривожланади?
5. «Конфликт», «ижтимоий конфликт», «педагогик конфликт» тушунчаларининг ўзаро таҳлили?
6. Педагогик конфликтга таъриф беринг ва изоҳланг.
7. Ҳар бир инсон ўзини конфликтлардан муҳофаза қилинганман деб ҳисоблай оладими ва нима учун?
8. Конфликтда бузғунчилик ва яратувчанлик мавжуд бўладими?
9. Конфликтнинг ечимини топишда қандай билим ва кўникмалар шаклланган бўлмоғи лозим?
10. Конфликтология назариясининг машҳур асосчилари кимлар?
11. Конфликт шакллари ва уларни ёритинг?
12. Қандай ёндашувлар асосида конфликтни ҳал этиш ижобий босқичга ўтади?
13. Низо ва унинг турлари қандай тавсифланади?
14. Низо ва низоли вазиятларни тушунтиринг?
15. Низонинг ривожланиш босқичлари ва уларни ёритиб беринг.

## Талабаларнинг мустақил тайёрланиши учун топшириқлар

Қуйидаги мавзулар асосида режа тузинг ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириб, “Реферат” ёзинг.

1. “Конфликтология соҳасининг назарий асослари, унинг миллий хусусиятлари ва педагогик ўзига хосликлари”.

2. “Таълим жараёнининг моҳиятини ўзаро боғланган учта – ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш каби омиллар асосида ташкил этиш”.

3. “Ўқув-тарбия жараёнида муаммоли педагогик вазиятли масалаларни ечишга қаратилган – кейсларнинг роли ва аҳамияти”.

## **II БОБ. КОНФЛИКТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ОМИЛЛАРИ**

### *Таянч тушунчалар:*

*Конфликт, шахс тоифалари, конфликт сигналлари, келишмовчилик, инқироз, ўзаро тушунмаслик, ҳасадгўйлик, гайирлик, айрмакашлик, танглик, тушунмовчилик, инцидентлар, дискомфорт, зўравонлик, таҳдид, шантаж, параллел фикрлар, воқеаларни таққослаш, ўлчаш, фикрни жамлаш, конфликт ечими, пассив ҳолат, онгли муносабат, ҳақиқат, нўнуса, газабланмоқ, нейтрал шароит, конструктив муносабат, конфликттоген, жиззакилик, ҳовлиқмалик, безътиборлилик, зўравонлик, можарога мойиллик, жанжал, қотиллик, ўз эмоцияларини бошқариш, зиддиятли вазият, адолатпарварлик мезонлари, осойишталик, масъулият, зўравонлик, манфаатлар тўқнашуви, эмоционал-хиссий тўқнашув, эмоционал портлаш.*

### **2.1. Низоларнинг юзага келишидаги шарт-шароитлар, шахс тоифалари ва уларнинг ҳислатлари**

Низо(конфликт)лар инсон ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлар экан, конфликтларни тан олмасликнинг, уларни инобатга олмасликнинг иложиси йўқ. Фақат низоларни бошқариш, уларнинг ечимини топишга ўрганиш лозим.

Низолар тоифаологияси, яъни унинг ўзига хос тоифаларга, кўринишларга бўлиниши анча мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Чунки ҳар бир реал конфликт фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлардан иборат бўлади. Шу нуктаи назардан, низоларни ўхшаш гуруҳларга ажратиб ўрганиш бироз қийинчиликлар туғдиради. Аммо низоларни бирор тўхтамага, бирор ижобий натижага келтириш усуллари жиҳатидан баъзи умумий қоидалар ва тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Низодан педагогик жараёнда моҳирона фойдаланиш учун албатта назарий билимларга эга бўлиш керак: унинг динамикасини ва унинг барча ташкил қилувчиларини яхши билиш керак. Низоли

жараён тўғрисида фақатгина ҳаётий тасаввурларга эга бўлган инсонга низодан фойдаланиш технологияси тўғрисида гапириш фойдасиздир.

**Низо** – истаклари, кизиқишлари, қадриятлари ёки тушунчалари мос келмаслиги сабабли юзага келадиган икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро алоқалар шакли субъектлар индивид, гуруҳ, ўз-ўзи билан ички низолар ҳолатларида бўлади.

"Низо" ва "низоли вазият" тушунчаларини ажратишни билиш керак, улар ўртасида катта фарқ бор.

**Низоли вазият** – ижтимоий субъектлар ўртасида ҳақиқий қарама-қаршиликни юзага келтирувчи ҳодисадир. Асосий белгиси – низо предмети юзага келиши, лекин ҳозирча очик фаол курашнинг йўқлигидадир.

Яъни тўқнашув ривожланиши жараёнида **низодан олдин** ҳар доим **низоли вазият** юзага келади, унинг асоси ҳисобланади.

Низолар ҳозирги замоннинг энг долзарб ижтимоий муаммоларидан биридир. Нима сабабдан меҳнат жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади? Бунинг бир неча сабаблари бор:

Демак, юқоридаги ҳолатлар кўп ҳолларда куйидаги турдаги **низоли вазиятларни** келтириб чиқаради:

- 1) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;
- 2) низони ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар - компромисс;
- 3) намоён бўлиш даражасига кўра: очик, яширин, потенциал, асосли;
- 4) иштирокчилар сонига кўра: ички шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;
- 5) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ишлабчиқариш, ҳиссий-эмоционал.

**Низоларнинг юзага келишида икки хил шарт-шароит мавжуд. Объектив шарт-шароитларга:**

- меҳнат қилиш учун шароитнинг ёмонлиги;
- ходимлар орасида мажбурият ва вазифаларнинг нотўғри тақсимланганлиги;
- бошқарув тизимидаги номутаносибликлар;

- қўйилган вазифаларга мос профессионаллик ходимларда кузатил маслиги;
- ишчи ўринларининг етишмаслиги туфайли, ишларнинг тақсимла нишидаги адолатсизлик;
- меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда адолатсизлик ҳолатларининг кузатилиши.

### **Низоларнинг юзага келишида субъектив шарт-шароитларга:**

- ишбилармонлик муносабатларида негатив йўлларнинг кўриниши;
- шахслараро муносабатларда шахсга оид хусусиятларнинг намоён бўлиши;
- муомалани ташкил этишда нўноқлик ва саводсизликнинг кузатилиши.

Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига ҳос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради:

I. **Низо олди босқич** – конфронтация.

II. **Низонинг ўзи** – компромисс ёки жанжал.

III. **Низодан чиқиш** – мулоқот ёки диссонанс.

**Биринчи босқич:** конфронтация-конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади.

**Иккинчи босқич:** компромисс ёки жанжал - ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонниқидан афзал билиб, очиқчасига бир-бирларини айблай бошлайдилар. Низоли ҳолатларда шахснинг қандай хулқ-атвор хусусиятларини намоён этишига қараб турли тоифалар кузатилади.

**Учинчи босқич:** низодан чиқиш – мулоқот ёки диссонанс (товушлар уйғунсизлиги, ҳамоҳангликнинг, уйғунликнинг йўқлиги ёки бузилиши: акси консонанс(бир неча товушларнинг гармоник уйғунлиги; оҳангдорлиги).

Профессорлар Фридрих Маркович Бородкин, Н.М.Коряк ва Р.З.Жумаевлар низоли вазиятларда шахс тоифалари ва хислатлари хусусида ўз илмий тадқиқот ишларида тўхталиб ўтганлар. Уларнинг



гояларига асосланган ҳолда шахс тоифаларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Намойишкорона тоифадаги низоли шахс.
2. Ригид тоифадаги низоли шахс.
3. Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс.
4. Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс.
5. Низосиз тоифадаги низоли шахс.
6. Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс.
7. Ҳадикли-кўрқоқ тоифадаги низоли шахс.
8. Циклотимик тоифадаги низоли шахс.
9. Гиперфаол тоифадаги низоли шахс.
10. Эмоционал тоифадаги низоли шахс.
11. Ўта таъсирчан тоифадаги низоли шахс.
12. Конформ, мослашувчи тоифадаги низоли шахс.
13. “Тиқилиб қоладиган” тоифадаги низоли шахс.
14. Қўзғалувчан тоифадаги низоли шахс.

*1. Намойишкорона тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:* диққат марказда бўлишни истайди; бошқалар кўз олдида яхши кўринишни хоҳлайди; унинг бошқаларга бўлган муносабати, одамларнинг унга бўлган муносабатидан келиб чиқади; осонгина юзаки низоларга берила олади; турли вазиятларга осонгина мослашади; эмоционал жиҳатдан фаол бўлиб, ақлан иш кўрмайди; вазиятга қараб ишини ташкил этади ва ҳар доим ҳам амал қилмайди; системали, оғир ишлардан ўзини олиб қочади; низолардан чекинмайди, жанжалли вазиятларда ўзини ёмон ҳис этмайди; кўпинча низоларга сабабчи бўлади, лекин ўзини ундай ҳисобламайди.

*2. Ригид тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:* шубҳага берилувчан; ўзини баҳолаши ўта юқори; доимо шахсан тан олинисини талаб этади; вазият ўзгариши ва шароитларни инobatга олмайди; тўғри ва тушунмайдиган, яъни мослашмайдиган; қийинчилик билан атрофидагиларнинг фикрига киради, бошқаларнинг фикрига у қадар қўшилмайди; бошқалар томонидан унга эътибор кўрсатилишини мажбуриятдек кўради; бошқалар томонидан келишмаслик ёки қўшилмасликни ҳафагарчилик билан

қабул қилади; ўз ҳаракатларига нисбатан танқидий қарамайди; ниҳоятда аразчи, ҳақиқий ёки арзимас ноҳақликларга ҳам таъсирчанликни намоён этади.

**3. Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:** ўзини етарли даражада назорат қилолмайди; хулқини аниқ айтиб бўлмайди;

- ўзини агрессив ва ниҳоятда зардалиқ билан кўрсатади; аксарият ҳолларда умумқабул этилган ижтимоий нормаларга риоя этмайди; юқори даражада ўзини баҳолаш хусусиятига эга; ўз шахсини таъкидланишини кутади; омадсизликлар ва хатоларда бошқаларни айблашга мойил; ўз фаолиятини режали ташкил эта олмайди ёки режаларини ҳаётга кетма-кетлик билан жорий эта олмайди; ўз мақсади ва шароитларини мослаштира олиш қобилияти етарли ривожланмаган; ўтган тажрибадан келажак учун сабоқ чиқармайди.

**4. Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:** ишга ниҳоятда жиддий ёндашади; ўзига ниҳоятда юқори талаб қўяди; атрофидагиларга юқори талаблар қўядики, бу уларга нисбатан гўёки таъкибдек туюлади; юқори даражада хавотирланиш ҳислатига эга; ҳамма нарсага ниҳоятда эътиборли; атрофидагиларнинг танқидий фикрига катта аҳамият беради; гоҳида дўстлари, танишлари билан муносабатларни узадикки, бу гўёки уни хафа қилганлари оқибатидек туюлади; гоҳида ўзи-ўзидан азият чекади, хатоларидан қайгуради, хатто гоҳида бу хатоларга нисбатан бош оғриқлари, уйқусизлик сифатида жавоб қайтаради; ташқи жиҳатдан ҳиссиётларини ошқора этмасликни маъқул билади; гуруҳдаги реал ўзаро муносабатларни яхши ҳис этмайди.

**5. Низосиз тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:** фикрлари ва қарашларида беқарорлик мавжуд; енгил ишониш ҳислатига эга; ички қарама-қарши фикрларга эга; ҳаракатларида бир қадар уйғунлик йўқ; вазиятларда бир лаҳзалиқ ютуқларга таянади; келажакни, истиқболни етарли даражада кўра олмайди; лидерларнинг ва атрофидагиларнинг фикрига тобе; муросага келишга интилади; етарли даражада иродага эга эмас; ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини ва бошқаларнинг ҳаракатлари сабабларини чуқур ўйламайди.

**6. Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:** низоли вақтда ўз мақсадларига етишиш учун омил сифатида қарайди; низоларни ҳал этишда фаол томон сифатида ўзини намоён этади; ўзаро муносабатларда таъсир кўрсатишга мойил; низоларда мақсадли ҳаракат қилади, томонларнинг ҳолатини баҳолай олади, турли ҳолатларни ҳисоблайди; жанжалли вазиятларда муомаланинг самарали таъсир этиш усуллари қўллаш олади.

Низо ечимини топиш мураккаб, узоқ муддатли, сабр ва қонуатни талаб этадиган, томонларнинг ўз устида узоқ муддат ишлашини заруриятга айлантирадиган жараёндир. Низо ечимини топиш – томонларнинг бир-бирини англаши ва тушунишига қаратилган йўлдир.

**7. Ҳадикли-қўрқоқ тоифа.** Бундай одамлар орасида мунтазам равишда социал муҳит томонидан хавф пайдо бўлиши эҳтимолини ўта юқори баҳолайдиган индивидлар учраб, улар ортиқча социал кечинмалар, қўрқув ва ҳадиксирашга мойил бўладилар. Конфликтларга камдан-кам ҳолларда киришиб, уларда пассив роль ўйнайдилар.

**8. Циклотимик тоифа.** Бу тоифадаги шахслар кайфиятнинг циклли равишда бир кўтарилиб, бир тушиб туриши хос бўлиб, бу уларни чарчатиб, улар ахлоқини эса олдиндан билиб бўлмайдиган, зиддиятли ва авантюраларга хос кўринишга келтиради.

**9. Гиперфаол тоифа.** Хавотирли кечинмалар ва бахт туйғусини ўзига хос ва ўта кучли кечириши, кайфиятининг тез-тез ўзгариб туриши, турли ҳодисаларни эҳтиросли қабул қилиши билан ажралиб туради. Бу тоифа вакиллари ўта сергайрат, мустақил бўлиб, етакчилик ва авантюраларга интиладилар, аммо улар масъулиятга, зиммасига юклатилган вазифаларга эътиборсиз муносабатда бўлишга мойилдирлар.

**10. Эмоционал тоифа.** Бундай одамлар сезгир, таъсирчан бўладилар. Кайфияти ўта чуқурлиги, кечинма ва ҳис-туйғуларининг ўта нозиклиги билан фарқланиб, ижтимоий манфаатлари жамоатчилик ҳаётини руҳий, маънавий жиҳатларига катта эътибор беришида намоён бўлади.

**11. Ўта таъсирчан тоифа.** Бу тоифа вакилларига ўзгарувчан кайфият, сўзамоллик (эзмалик), ташқи ҳодисаларга ортиқча чалғиш, шунингдек, альтруизм (хожатбарорлик), бировлар гамига шерик бўлиш, юксак бадий дид, артистлик маҳорати, ўта таъсирчанлик, тез-тез тушкунликка тушиш хосдир.

**12. Конформ, мослашувчан тоифа.** Бу тоифага оид шахслар дилкаш, киришувчан, гапдон, ҳатто эзма бўладилар. Улар ўз фикрига эга эмас ва мустақил бўлмайдилар. Бундай одамлар тартибсиз бўлиб, бўйсунитишни маъқул кўрадилар, дўстлари билан мулоқотда ва оилада етакчилиқни бошқаларга берадилар.

**13. “Тиқилиб қоладиган” тоифа.** Бу тоифадаги одамлар учун кучли эмоционал кечинмаларнинг жуда барқарорлиги ва ўта қимматли ғояларни шакллантириш, ўзига ортиқча баҳо бериш каби хосдир. Улар хафагарчилиқларни унута олмайдилар ва ўз “дилозорлари” билан “орани очиб” олишга интиладилар, ишда ва оилада улар билан тил топишиш анча қийин, турли фитналарга мойиллик ҳам кузатилади. Конфликтда улар кўпинча фаол тараф бўлиб, ўзлари учун дўст ва душманлар доирасини аниқ белгилаб оладилар. Ҳамсўхбатларига уларнинг ҳар қандай ишда юксак натижаларга эришишга интилиши, ўзига нисбатан юқори талаблар қўйиши ва уларни намоён эта олиши, адолат ҳисси, принципиаллилик, доимий, барқарор қарашлари ёқади. Бу каби шахсларда атрофдаги одамларга ёқмайдиган хислатлар ҳам анчагина: тез хафа бўлиш, шубҳалилик, кек сақлаш, рашкчилик, иззат талаблик ва ҳ.

**14. Қўзғалувчан тоифа.** Бу тоифадаги одамларга хос хусусиятлар – ҳаддан ташқари ижтимоий таъсирчанлик, ўз эҳтирослари, ҳаракатлари ва интилишларини бошқара олмаслик бўлиб, булар охир-оқибатда зиддиятлар ва бошқалар билан бўладиган мулоқотдаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Юқоридаги шахс тоифаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, низоли вазиятларда ўз-ўзини тутишнинг қуйидаги услублари мавжуд:

Конфликтли вазиятда ўзини тутишнинг беш асосий услубини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) мослашувчанлик, ён босиш;
- 2) ўзини четга олиш (чап бериш);
- 3) қарама-қаршилиқ (зиддият);
- 4) ҳамкорлик;
- 5) компромисс (муроса).

**1. Мослашувчанлик, ён босиш** - индивид ҳаракатлари оппонент билан ижобий муносабатларини ўз манфаатлари ҳисобига сақлаб қолиш ёки тиклашга қаратилган. Бу ёндашув индивид улуши у қадар катта бўлмаган, ёки келишмовчилик сабаби индивидга нисбатан унинг оппоненти учун аҳамиятлироқ бўлган ҳолатларда қўлланиши мумкин. Бундай ҳулқ вазият у қадар муҳим бўлмаган, ўз манфаатларини ҳимоя қилишдан кўра оппонент билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш долзарб, ҳамда индивиднинг ғалабага бўлган имкониятлари, қўлидаги куч-имкони кам бўлган вазиятларда қўлланади.

**2. Ўзини четга олиш (чап бериш, қочиниш).** Бундай ахлоқли индивид ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, қарорни ишлаб чиқиш учун ҳамкорлик қилишни истамаган, ўз позициясини билдиришдан бош тортган, баҳсдан бўйин товлаган ҳолларда танланади. Бу услуб қарорлар учун масъулиятдан қочиниш конфликт якуни индивид учун муҳим бўлмаган, ёки вазият ўта мураккаб ва конфликтнинг ҳал этилиши иштирокчилардан жуда кўп куч талаб этадиган, ё бўлмаса, конфликтни ўз фойдасига ҳал қилиш учун унинг кучи, ҳокимияти етмаган ҳолларда ишлатилиши мумкин.

**3. Қарама-қаршилиқ, рақобат.** Индивиднинг ўз манфаатлари йўлидаги фаол кураши, қўйилган мақсадларга эришиш учун имкони доирасидаги барча воситалар: ҳокимият, мажбур қилиш, оппонент ларга босим кўрсатишнинг бошқа воситалари, бошқа иштирокчиларнинг ўзига боғлиқлигидан фойдаланиш кабиларни қўллаш билан тавсифланади. Вазият индивид томонидан ўта муҳим, ғалаба қозониш ёки мағлубиятга учраш масаласи сифатида кўриб чиқилиб, бу оппонентларга нисбатан қатъий позицияни ва конфликтнинг

қаршилик кўрсатган иштирокчиларига нисбатан мурасасиз антаго низмни кўзда тутлади.

**4. Ҳамкорлик.** Индивид ўзаро ҳаракатларга алоқадор барча иштирокчиларни қониқтирадиган ечимни излашда фаол қатнашишини, аммо бунда ўз манфаатларини ҳам унутмаслигини англатади. Ошкора фикр алмашилиш, конфликтдаги барча иштирокчиларнинг умумий ечим ишлаб чиқишдан манфаатдорлиги назарда тутилади. Бу шакл барча тарафларнинг ижобий ишини ҳамда иштирокини талаб этади. Бундай ёндашувда масала, ё юзага келган келишмовчиликлар ҳар томонлама мунозара қилиниши, ҳамда барча иштирокчилар манфаатларига риоя қилган ҳолда умумий ечим ишлаб чиқилиши эҳтимоли мавжуд.

**5. Компромисс (муроса)** ўзига хос оралик ҳолат эгаллаб, ҳам фаол, ҳам пассив таъсир қилиш шаклларини ўз ичига олади. У конфликтли ўзаро ҳаракатларни қисман ҳал қилиб, чунки бу ҳолда кўпгина ўзаро ён босишлар амалга ошганига қарамай, сабаблар буткул бартараф этилмаган бўлади. Бу каби ўзини тутиш услуби оппонентлар бир хил ҳокимиятга, кучга, ҳамда бир-бирини истисно этадиган манфаатларга эга бўлган, уларнинг бундан кўра афзалроқ ечим излашга вақти чекланган бўлиб, уларни муайян вақтга қадар оралик ечим ҳам қониқтирадиган пайт қўлланади.

Баъзи ҳолларда конфронтация оқилона, назорат қилиш мумкин бўлган меъёрларда конфликтни ҳал қилиш нуқтаи назаридан мослашиш, чап бериш, ҳатто компромисс(муроса)га нисбатан ҳам кўпроқ натижа бера олади. Бу ҳолда мағлубият янги конфликтларни шакллантирадиган база ҳамда конфликтли ҳаракатлар ҳудуди кенгайишига сабаб бўлмаслиги муҳим ўрин тутлади.

Конфликтлар мазмуни, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, конфликтда қандай ҳолатлар вужудга келиши борасида аввалги бобларда биз маълум билимларга эга бўлдик. Биз энг зарурий шарт, яъни конфликтни ўз ҳолича ташлаб қўймаслик кераклигини англаб етдик. Зиддиятга фаол аралаштириш, уни бошқариш ва унинг ечимини ҳамкорликда ишлаб чиқиш – конфликт ечимини топишга олиб келишини кўрдик. Конфликт ечими учун зарур бўлган инсоний

фазилатлар ва кўникмалар ҳақида гапирдик. Аммо шу билан бирга конфликт ечимини топиш учун *конфликтни бошқаришнинг* ўзига хос усулларини ҳам эгаллаш лозим. Конфликтларни бошқариш ҳақида маълумотларни билиш ва уларни қўллай олиш ҳам сизнинг ҳаётингизда осойишталик олиб киради. Конфликтологияда конфликтларни бошқариш усуллари одамларнинг характери, ўзини тутиши, психологияси асосида ишлаб чиқилган.

Энди конфликтларни қандай бошқариш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Конфликтларни бошқаришнинг беш асосий усули мавжуд. Одатда, конфликтлар назариясида бу усуллар турли ҳайвонлар ҳатти-ҳаракати асосида бирор «жонивор»нинг ўзини тутиш хусусиятларига нисбатан берилади. Биз ишлаб чиқилган ҳамда конфликтология назариясида кенг қўлланиладиган конфликтларни бошқаришнинг «жонивор» усулларини кўриб чиқамиз<sup>4</sup>.

Сизнинг вазифангиз - ўз характерингиз таъкидланган усуллардан қайси бир усулга кўпроқ тўғри ва мос келишини аниқлашдан иборат. Аммо ҳаётда турли вазиятлар бўлади, шунингдек, инсоннинг мураккаб характерини фақат бир усулга боғлаб ўрганиш тўғри эмас. Кўплаб ҳолларда инсон характери тўғридан-тўғри фақат бир усулга монанд бўлмай, баъзан усуллар аралашмасига ҳам тенг келишини назарда тутишга тўғри келади. Шунингдек, инсоннинг у ёки бу конфликт вазиятлардаги ўзини тутиши ўша вазиятга ҳам ўзига хос тарзда боғлиқ бўлади. Демак, конфликтологияда қуйидаги конфликтларни бошқариш усуллари мавжуд:

**Мослашиш ва кўникиш усули – «ҚЎЙ»**  
**«Сиз нима десангиз ҳам, мен сиз билан ҳам фикрман»**

Мослашиш ва кўникиш усулидаги одам ўзини ҳар доим бирор воқеликка мослашишга уринади. Фавқулодда ҳолатларда ҳам ўша вазият ва вазиятни келтириб чиқарган инсонлар билан келишиш йўлидан боради. Сиз бошқа одамга ҳар доим ўз розилигингизни

4 Конфликтларни бошқариш усуллари ҳамда раамлар қуйидаги китоблар асосида талқин қилинди. Қараг: Handling Conflicts, Conflicts: a positive approach, Participant's manual, Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation Inc., Miami, Florida, 1997; WIN WIN Based on the Fighting Fair model created by Fran Schmidt and Alice Friedman, Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation Inc., Miami, Florida, 1998

кўрсатишга ҳаракат қиласиз, чунки бу йўл конфликтдан қочиш, очикдан-очик қаршилик кўрсатмаслик, ундан ўзини чеккага олиш, конфликтда фаол иштирок этмаслик имкониятини яратади. Сиз конфликтли вазиятнинг ўзидан кўрқасиз. Конфликтли вазият сиз учун – тинч ва осуда ҳаёт маромининг бузилиши, янги қарорлар қабул қилиниши, сиздан бирор нарсанинг талаб этилишидир. Шу боис, сиз аслида қарорлар қабул қилишдан чўчийсиз ва ўзингизни бу ҳолатдан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қиласиз. Шу боис, сизнинг устингиздан ҳукм чиқариш ҳолатлари кенг кузатилади. Сиз уларга қаршилик кўрсатмайсиз, чунки конфликтни жинингиз суймайди. «Сиз ҳақсиз *менинг* ҳовлимда *сизнинг* олма дарахтингизни ўтқазिश гирт аҳмоқлик эди, чунки унинг меваларидан менинг болаларим ҳузур кўради». Сиз учун бировнинг жаҳлини чиқаришдан кўра ўлим афзалроқдир. Бировларнинг сиз ҳақингиздаги фикри, уларнинг жаҳлидан ва қаҳридан сиз ҳавотирланасиз. Шунинг учун сиз аслида нималарни ўйлаётганлигингиз ва қандай ҳислар сизни қийнаётганлигини ҳеч кимга кўрсатмайсиз. Сиз учун энг муҳими, соҳта бўлса ҳам илиқ муносабатлар, салом-алик ва бас. Демак, ҳамма нарса жойида. Сиз учун таниш-билишларингиз билан илиқ муносабатлар жуда муҳим бўлиб, улар сизга зиён етказаётган ва адолатсиз бўлса ҳам майли, сиз чидайверасиз. Сиз зулмлар ва ноҳақликларга чидамли муносабат орқали ўз ҳаётингиздаги конфликтларнинг олдини олган бўласиз. Сиз фаол бўлмаган ва оқар сув йўналишида сузиш орқали конфликтларни бошқарасиз, зиддиятнинг моҳиятини умуман ўйлаб ҳам кўрмайсиз, балки ўзингизга эмоционал-ҳиссий оғирликни олган ҳолда, конфликтни фаол аралашмасдан енгиб борасиз.

*Усулнинг афзалликлари:* «Кўй» сифатида, сиз бошқалар билан тинч ва дўстона муносабатларни мунтазам сақлаб қоласиз. Чунки сизнинг ҳеч кимга оғирлигингиз тушмайди. Ҳамма сиздан фойдаланади. Сиз ҳамма нарсага чидайсиз. Бировларга сиз кўпроқ эътиборли бўласиз, шу боис бировлар сизга эҳтиёж сезади. Сизнинг олдингизда улар ўз дардлари ва муносабатларини очик айтаверади. Чунки сиздан зарар йўқ.



*Усулнинг камчиликларги:* Сизнинг талабларигиз, ҳис-туйғуларингиз жуда кам эътиборга олинади, сизнинг эҳтиёжларингиз инобатга олинмайди ва жуда кам бажо келтирилади. Агар бу ҳолатда сизга нисбатан адолатсизликлар кўпайиб борса, қалбингизда яширин ғазаб, нафрат кучайиб боради, бироқ сизнинг бу фазилатингизни қадрлайдиган инсонлар атрофингизда бўлса, ҳаётингиз сиз истагандек тинч ва осуда ўтаверади. Аммо ўзингизнинг кучсиз эканлигингизни ҳар доим сезиб турасиз.

**«Бу менинг ишим эмас» усули – «СТРАУС»  
«Мени тинч қўйинглар! Мени ҳеч нарса қизиқирмайди!»**

Сиз конфликтнинг ечимини қидириш ўрнига ундан қочасиз, аммо бу қочиш “қўй” усулидан фарқ қилади. Агар “қўй” усули конфликт мавжудлигини тан олса, сиз “конфликт – йўқ” деб туриб оласиз. Яъни сиз умуман конфликтни тан олмайсиз, бунинг натижасида сизнинг эмоцияларингиз зарар кўрмайди. Сиз қайлардадир ундан яшириниб юрасиз, муаммо мавжудлигини тан олгингиз келмайди. Конфликт келиб чиққанлигини ва уни ечиш лозимлигини ўйлагингиз келмайди. Машмашалардан қочасиз. “Уларни ўйламаса, улар йўқ бўлади”, деб ўйлайсиз. «Кўй» енгилган вазиятда, сиз умуман унинг мавжудлигини ҳам тан олгингиз келмайди. Ўзингизни конфликт ечими борасида ўйлашга, фикр қилишга мажбур қила олмайсиз, бу ҳақида ўртоқлашгингиз ҳам келмайди. Агар сиз конфликт вазиятга тушиб қолсангиз, энг аввалги реакциянгиз – “бу менинг ишим эмас”, дейишдир. Ўзингизни ҳеч нарса билмаган, ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарса ҳал қила олмайдиган одам сифатида кўриш сизга қулайроқ бўлади. Сиз конфликт келиб чиққан ердан ўзингизни олиб қочасиз, бошқа хонага чиқиб кетасиз, ёки самоворга йўл оласиз, суҳбат мавзусини ўзгартиришга ҳаракат қиласиз, конфликт ечимини қидиришни кейинга қолдирасиз ёки уни “умуман мавжуд эмас” деб ҳисоблайсиз. Бу фикрингиз шундай қатъий фикрга айланадигани, бошқаларга ҳам “умуман ҳеч нарса бўлгани йўқ, бошимни қотирманглар” тарзида муомала қилишни бошлайсиз. Шу боис, агар

бошқалар конфликт ечимини қидириб, уни ҳал этишга киришсалар, сиз учун энг қулай вазият келиб чиққан бўлади. Энг муҳими сизни безовта қилишмаса, бас. Ҳамма нарсани сизсиз ҳал қилишаверсин. Одатда сизнинг муаммоларингизни бошқалар ҳал этишини кўпроқ хуш кўрасиз.

*Усулнинг афзалликлари:* Сиз ҳеч қачон ёқалашиш, муштлашиш, уруш – жанжал вазиятига тушмайсиз. Чунки ҳар доим бирор бир зиддият вужудга келаётган жойдан қочишга улгурасиз. Ҳавfli вазиятлардан ўзини сақлаш ва зиёнсиз чиқиб кета олиш жуда яхши малака ҳисобланади. Сиз ҳеч қачон тўқнашувлар асосида келиб чиқадиган жисмоний зўрлик билан тўқнашмайсиз, ўзингизнинг саломатлигингиз посбони ҳисобланасиз.

*Усулнинг камчиликлари:* Аммо сиз ўзингизни кучли ва ўзини ҳимоя қилишга қодир инсон деб ҳисобламайсиз. Сиз страусдек ҳар доим конфликтни кўрганда бошингизни ерга тикиб оласиз. Сиз ҳеч қачон ўз муаммоларингизни ечишга тайёр бўлмайсиз, унинг ҳал бўлиши учун йўл-йўриқ қидирмайсиз. Ва агар сизнинг муаммоларингиз бошқалар томонидан ҳал этилса ҳам, бу ечим юзаки, адолатсиз ва омонат, яъни вақтинчалик, ўткинчи бўлиши мумкинлигини тушунсангиз ҳам, уларга аралашмайсиз. Бу эса сизнинг манфаатларингизга қарши ечимлар ва хулосалар бўлиши ҳам мумкин. Умуман муаммоларни жинингиз суймайди, сиз улардан кўрқасиз, шу боис, бу усулнинг энг ёмон оқибати, ўз муаммоларингиздан қутулиш учун бошқа зарарли йўллarga кириб кетиш ҳоллари кузатилади, шу боис сизнинг наркотик ва алкогольга ружу қўйишингиз эҳтимоли мавжуд.

**Агрессив усул – «АКУЛА» «Ким нима десинчи?!**

**Ким менга қарши?! Қани ўзи зўр бор-ми?!»**

Сизнинг шоирингиз – доимо, ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ва фақат “ғолиб” бўлиш. Конфликтли вазиятда сиз учун ғолиб чиқиш - муаммонинг ҳал бўлиши, яъни конфликт ечимидан кўра афзалроқдир. Айб сиздалигини билсангиз ҳам “ғолиб” чиқишга интиласиз. “Ғолиб”

бўлиш учун ҳеч нарсадан тоймайсиз. Сиз “ғолиб” бўлишликни конфликт ечимидан, муаммонинг ҳал қилинишидан кўра яхши кўрасиз ва шуни режалаштириб, ҳаракат олиб борасиз. Аслида, конфликт ечими “тўғри” йўл эканлигини билмайсиз, ёки унга ишонмайсиз. Сиз ҳар қандай бошқа бир одамни айбдор қилишга тайёрсиз ва кўпинча «керак», «лозим», «зарур», «бўлиши керак» каби сўзларни ишлатасиз. Сизнинг жаҳлингиз тез, бир паста ғазабланасиз, қаҳрингиз қаттиқ, жиззакилик сиз учун оддий ҳол, сабр билан бировни эшитишга қодир эмассиз. Оппонентингизнинг фикрларини жим туриб эшитишни - унга бўй сунуш сифатида қабул қиласиз. Атрофингиздаги одамлар ҳар қандай вазиятда албатта “ғолиб” чиқишингизни кўришларини ва сизнинг кучингизни тан олишларини истайсиз. Бунда адолат бузилиши сизни ўйлантирмайди. Сиз кўп қизишасиз, бошқаларга босим ўтказасиз, бақирингиз ҳам мумкин. Ҳақиқатан ҳам сиз кўп ҳолларда ғолибликни қўлга киритасиз, аммо бошқаларнинг азият чекиши ҳисобига, бошқаларнинг манфаатлари бузилиши ҳисобига.

*Усулнинг афзалликлари:* Сиз ҳар доим ўз эмоцияларингизни ошкора тутасиз, фикрларингизни эркин баён қила оласиз. Сиз фаол бўлишни, масъулиятни ўзингизга олишни ҳамда таваккалчиликни ёқтирасиз. Ҳар доим салбий ҳис-туйғуларнинг очиқ чиқиб кетиш имконияти мавжудлиги сизни эмоционал кризислардан асрайди. Сиз ичингизда эзилиб, қийналиб юрмайсиз. Депрессия деган сўз – сизга ёт.

*Усулнинг камчиликлари:* Сизнинг фақат ўз манфаатларингиз учун ҳаракат қилишингиз атрофингиздаги дўст ва вафодор одамларни четда қолдирмайди, сизнинг эмоционал портлашларингиздан кўп яқинларингиз қийналади, бошқалар фикрини менсимаслигингиз, фақат ўзингизга ишонишингиз одамлар билан муносабатларингизни қийинлаштириб қўяди. Сиз камдан-кам бошқалар маслаҳатига қулоқ соласиз ва бошқалар билан келишиб ишлайсиз. Кўпроқ бошқалар сиз билан келишиши керак бўлади. Муаммо шундаки, сиздаги хислатларнинг зўравонликка ўтиб кетиши жуда осон. Сиз зўравонлик қилиш ва уни ўтказишдан тортинмайсиз. Зўравонликни табиий ҳол сифатида қабул қиласиз. Зўравонликнинг кўпайиши эса жиноятга олиб

келиши мумкин. Аммо сиз бу тўғрида ўйламайсиз. Сизнинг ҳар доим ғолиб бўлишингиз заруриятга, оддий ҳолга айланиб боради. Сизнинг “ғолиб”лигингиз бошқанинг “мағлубияти” эканлигини ўйламайсиз.

### **Компромисс (келишувчанлик) усули – «ТУЛКИ»**

**«Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёрман.**

**Мен сиз учун фойдали бўла оламан-ми?!»**

Сиз ҳар бир конфликтда ўзига ҳос ечим мавжудлигини биласиз. Аммо конфликт ечими учун кўп вақт ва саъй-ҳаракат ишлатишни истамайсиз. Шу боис, энг енгил ва тезкор ечимни қидирасиз. Бунинг учун хушомад, мақтов, жонингизни жабборга бериш, риёкорлик, бировларга ёқишга ҳаракат қиласиз. Сизнинг шиорингиз – “аввал орқага бир қадам, кейин олдинга икки қадам”дир. «Жудаям жаҳлингиз чиқиб кетдими? Майли, кўйинг, бу ишни ўзим қила қоламан». “Ҳа, мен айбдорман, келинг мен яна бир бошдан ҳаракат қилиб кўрай. Ҳамма айтганларингизни тушундим. Сиз буюргандай қиламан...”. “Сиз нима десангиз шу, сиздан ўткир одам йўқ бу дунёда, ерда илон қимирласа, сиз биласиз...”. Компромиссга боришни сиз ўзингизга уят деб ҳисобламайсиз, балки компромиссга бора олмаганлардан ўзингизни устун қўясиз. Чунки компромиссга бора олмасликни инсон характеридаги қусур санайсиз, бу сиз учун айб. Сиз ҳар қандай вазиятда келишишга ҳаракат қиласиз, компромисс – сизнинг ҳаётий эҳтиёжингиздир. Бу ҳолатда ҳеч бир томон ютқазмайди, аммо ҳеч бир томон ютиб ҳам чиқмайди. Сиз кўпинча ўз мақсадларингизни руёбга чиқариш учун қулай вазият қидирасиз ва мана шу қулай вазиятни кутасиз. Сиз майда “кичик” одам бўлиб, “катта” ишлар қилиш мумкинлигига тўла ишонасиз ва бу иш қўлингиздан келади ҳам. Бўйсунгандек кўриниб, кейин ҳукмрон бўлиш учун компромисслардан устамонлик билан фойдаланасиз.

*Усулнинг афсалликлари:* Сизнинг хулқ-атворингиз мослашувчан бўлиб, ҳар қандай вазиятда ва ҳолатда сиз ўзингизни эркин ҳис қиласиз. Сиз ўзингизга ишонасиз. Талаб қилинса, ҳар доим чекина оласиз. Зарур вақтда чекиниш – ўз манфаатларини сақлаб қолиш

эканлигини биласиз. Чекинишдан ор қилмайсиз, бу – сизнинг ютуғингиздир. Шу боис, тезда бошқа одам билан иккалангиз учун қониқарли ва манфаатли бўлган хулосаларга келишингиз мумкин. Музокараларда сиздан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд. Сиздаги келишув ва компромиссга бориш қобилияти конфликтли вазиятни, қисқа муддатга бўлса ҳам, ечимга олиб келиши мумкин. Компромиссга бора оладиган одам кўпчиликда ишонч уйғотади. Ишонч эса конфликт ечимининг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

*Усулнинг камчиликлари:* Сизни адолатли ечимдан кўра, кўпроқ тезкор ечим қизиқтиради. Шу боис сизнинг ечимингиз адолатсиз ва вақтинчалик бўлиши мумкин. Сиз шошиласиз, шу сабаб ҳар доим ҳам конфликт ечими учун мавжуд ҳамма йўлларни қидириб, топишга улгурмайсиз. Конфликт ечими сиз аралашганда вақтинчалик бўлиб, кейин яна бошидан ривожланиб кетиш эҳтимоли мавжуд. Сиздаги қобилиятга ишониб қолиб, конфликтдаги бош муаммо – муаммолигича қолиб кетиши мумкин.

### **Ҳамкорлик усули – «БОЙЎҒЛИ» «Мен ҳамкорликка доим тайёрман!»**

Сиз ўз характерингиз, билимингиз ва ўзингизни тутишингиз бўйича доимо ҳамкор ролини ўйнашга тайёр одамсиз. Сиз ҳамкорлик учун очиқ ва ҳозир инсон ҳисобланасиз. Шу боис, конфликт вазиятда сизнинг бутун диққат-эътиборингиз конфликт ечимини топшига қаратилган бўлади. Сиз ҳеч кимни қораламайсиз, ҳеч кимни айбламайсиз. Сиз бошқаларнинг сўзларига қулоқ тутасиз ҳамда бошқаларнинг ҳис-туйғулари ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга оласиз. Сиз ўз эмоцияларингиз ва туйғуларингиз ҳақида тинч, осуда, ҳиссиётсиз гапира оласиз. Сиз ўз ҳиссиётларингизни тўла назорат қила оласиз. Сизнинг овозингиз, мимикангиз, нутқингиз, очиқ қалбингиз, самимийлигингиз – ҳаммаси конфликт ечимини топишга қаратилади. Сиз конфликт ечимига қаратилган турли фикр ва йўлларни таклиф этасиз, сиз ҳар икки томон учун ҳам адолатли

ечимини топишга ҳаракат қиласиз. Ҳар иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олиш, уларнинг иккаласи ҳам “голиб” бўла олиши, қониқиш ҳосил қилиши сиз учун муҳим. Сиз умумий икки ёқлама фойдали ҳукм чиқариш учун ҳаракат қиласиз. Бошқалар билан ҳамкорликда ҳар бирингизни қаноатлантирувчи қарорларнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқа оласиз. Агар конфликт назоратингиздан чиқиб кетганлиги ҳамда уни тўлақонли равишда ўзингиз ҳал қилишга имкониятингиз етмаслигини ҳис қилсангиз, ёки конфликтнинг зўравонликка ўтиб кетаётганлиги англасангиз, сиз бошқалардан, яъни учинчи бир томондан ёрдам сўрашга доимо тайёр турасиз. Сизнинг қарорингиз келишувчилик, компромисс ва норозиликка розилик элементларини қамраб олади. Сиз конфликтларни тўла ечимга олиб келишга қодирсиз.

*Усулнинг афзалликлари:* Одатда сизнинг кўп қарорларингиз адолатли бўлади ва улар узоқ муддат амал қилади. Сизнинг бошқалар билан муносабатларингиз ишонч асосига қурилади. Атрофингизда одамлар, дўстлар, оғайни-биродарлар, дугоналар кўп бўлади. Дўстларингиз ўз ҳис-туйғулари ва сирларини сизга айтишга ишонадилар. Сиз бошқаларнинг кадр-қиммати ва нафсониятини кадрлайсиз ҳамда топталган ҳис-туйғуларини эъозлайсиз. Керак бўлганида сиз учун ҳамма ёрдамга тайёр туради. Сизнинг характерингизда англанган босиқлик, мушоҳадагўйлик, мулоҳазалик кучли бўлади. Сизнинг қарорларингизга катталар ҳам, кичиклар ҳам бўйсунади. Сиз ўзингизга масъулият юклай оласиз ва адолатпарварлик посбони бўлиб умр кечирасиз.

*Усулнинг камчиликлари:* Реал ҳаётда “бойўғли” бўлиш осон эмас. У одамга жуда катта масъулият юклайди. Доимо бошқалар дарду-ҳасрати билан юришга тўғри келади. Шу боис, ҳеч ким «бойўғли» бўлиш осон деб ҳисобламайди. «Бойўғли» бўлиш одамдан ички маданият, кадр-қимматни эъозлаш, билим ва малака, вақт, масъулият, жасорат ва ўзига ишонч талаб этади. Мазкур барча ҳислатларни ўзида тарбиялаш эса осон вазифа эмас. Шу билан бирга мана шу қобилиятни ишлата билиш ҳам осонлик билан кечмайди.

Адолат посбони бўлишингиз ҳаммага ҳам ёқавермайди, сизга қарши бўлганлар ҳам мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, конфликтларни бошқариш усуллари мавжуд бўлиб, ҳар бир инсон ўз характериға оид усулни қўллайди. Конфликтларни бошқариш усуллариғни билиш эса инсонға ўзини яхши англаши ва ўз қадамларини таҳлил қила олиши учун ёрдам беради ва кўмаклашади. Ҳар бир усул афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Шу боис, афзалликларни кучайтириш ва камчиликлардан ўз хатти-ҳаракатларини тозалаш зиддиятли вазиятларда низоларнинг олдини олишға имкон яратади.

Конфликтларни бошқариш усуллари инсондан ўзига ҳос малакаларни талаб қилади ва аслида конфликтларни бошқариш осон иш эмас. Аммо конфликтларни бошқаришға ўрганган инсон ҳар доим ўз ҳаётини, атрофидагилар ҳаётини муаммолардан тозалаб, уларнинг тўғри, адолатли ва осуда яшашлари учун муқобил шарт-шароитлар вужудға келтира олади.

## 2.2. Конфликт сигналлари

Конфликт сигналлари конфликтнинг тўла намоён бўлишидан олдин томонлар ўртасида одатдаги тўғри муносабатлар ўртасида келишмовчилик, инқироз, ўзаро тушунмаслик, ҳасадгўйлик (ғайирлик), айрмакашлик вужудға келаётганлигини намоён этади. Конфликт сигналларига безътиборлилик унинг келгусида ривожланиб кетиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис, конфликт сигналларини билиш ва уларға эътиборли муносабат талаб қилинади. Конфликт сигналларига *инқироз, томонлар орасидаги танглик, тушунмовчилик, ҳасадгўйлик (ғайирлик), инцидентлар, дисконфорт* киради. Уларнинг мазмунини тушуниш, уларға нисбатан мутаносиб муносабат одатда конфликтнинг эрта англаниши, инқирознинг олди олиниши ва унинг ҳал этилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Инқироз.** Томонлар орасидаги маълум ижтимоий, иқтисодий, маънавий инқироз дарров билинади. Агар бирор киши ўзининг дўсти, ҳамкори ёки таниши билан ўз муносабатларини бирданиға ва сабабсиз



узиб қўйса, у билан гаплашишидан ўзини сақласа, ҳафа бўлиб юрса, уни турли қарама-қарши фикрлар қийнаса, бу - конфликтдаги инқирознинг вужудга келганлигига ишорадир. Бу ҳолатлар инқироз ёки ҳал этилмаган ўзига ҳос конфликт белгилари ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқа томонга нисбатан ишлатилган зўравонлик, таҳдид, шантаж кабилар ҳам инқироз вазиятининг мавжудлигини кўрсатади. Жуда қаттиқ баҳс юритиш, баҳсда томонларнинг бир-бирини аямаслиги, ўзаро таҳдидларнинг қўлланилиши ҳам инқирозли вазиятнинг кўринишлари ҳисобланади. Инқирозни кўрсатувчи ёрқин белгилардан бири киши ўз эмоцияларини ушлаб тура олмаслиги, ўз эмоциялари ва ҳис-туйғуларига эрк бериши, сўқишиш, ёмон сўзлар ишлатиш, бировни таҳқирлаш кабилардир. Одам бу вазиятда ўз эмоциялари ичига кириб кетиб, ўз фикрларида қарши томонни “у ёки бу ишни қилишга” жазм ҳам қилади. Бундай вазиятларда тезда инқирознинг мавжуд эканлигини тан олиш, ўзини эмоционал тинчлантириш, инқирозли вазиятни вужудга келтирган сабабларни таҳлил қилиш, ўзини музокараларга ҳозирлаш, қарши томон билан тинч мулоқотга ўтиш даркор. Агар бу иш қилинмаса, ҳақиқатан ҳам кучли конфликт юзага келиши аниқ.

**Томонлар орасидаги танг ҳолат.** Конфликтнинг вужудга келаётганлигини кўрсатувчи яна бир сигнал. Томонлар орасида кичкина низонинг келиб чиқиши ҳам, биз билан эмоционал тўқнашган одам ҳақидаги бизнинг фикримизга салбий таъсир кўрсата бошлайди. Бизга қарши бўлган одамнинг “ёмон” эканлигига дарров бир неча кўрсаткичлар топила бошлайди. Агар биз ўзимизни тўхтатмасак, бу “ёмон”лар соат сайин кўпайиб боради. Унинг барча сўзлари, ҳаракатлари ва амалларини биз микроскоп остида таҳлил қила бошлаймиз, кўп нарсаларни “қора” бўёқда кўришга уринамиз. Кўпроқ асл ҳолатни эмас, балки мана шу онгимизда вужудга келган ҳамда ўзимиз кўришга сайи-ҳаракат қилган одамни таҳлил қилишга ўтамиз. Шу боис, бу одамга нисбатан бизнинг муомаламиз салбий томонга ўзгаради. Орада эмоционал танглик вужудга келади. Биз ўз эмоцияларимиз ва хулосаларимизга ишониб бораверамиз, уларнинг “сунъий” ўзтомонимиздан яратилганлиги ва ясалганлигини тан



олгимиз келмайди. Томонлар орасидаги танглик бирор сабаб кута бошлайди. Бу ниҳоят даражада қуриган ўтларнинг кичик бир сабабдан ўт бўлиб ёнишига ўхшайди. Чунки бизнинг эмоцияларимиз ташқарига чиқишни, унинг “адабини” бериб қўйишни, онгимизда шаклланган “ёмон” одамга унинг қандай “ёмон”лигини кўрсатиб қўйишни биз жуда истаимиз. Бизга мулоҳазалик, босиқлик ва оддий ҳақиқатни тан олмаслик ҳалақит беради. Биз танг аҳволга адекват муносабат билдира олмаймиз.

Масалан, бундай ҳолатларни дарс жараёнида кузатиш мумкин, жуда кўп ҳолларда ўқитувчи дарс жараёнини бошлашдан олдин гуруҳ сардорига давоматни аниқлашни сўрайди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланади. Чунки ўқитувчи гуруҳ сардорининг фаолиятига асосланиб ишончи баланд эди. Кунлардан бир куни ўқитувчи давоматни гуруҳ сардоридан қабул қилиб олган вақтда ўқув машғулоти юзасидан А.Баҳриддиновни доскага чиқиб жавоб беришини айтди, лекин А.Баҳриддинов дарсга умуман келмаганлиги аён бўлди. Ўқитувчининг гуруҳ сардорига бўлган ишончи бир вақтнинг ўзида йўқолди ва гуруҳ сардори танг ҳолатда ўрнидан туриб кечирим сўради.

Инсон ҳар қандай вазиятда ўз эмоцияларини тарғибда ушлаши, уларга эрк бермаслиги, тарихий вазиятни мулоҳазалик билан таҳдид қила олиши танг вазиятларнинг конфликтга айланмаслиги асос ҳисобланади.

**Тушунмовчилик.** Баъзан томонлар орасида бирор ҳодиса ёки аҳвол тўғрисидаги нотўғри ахборот туфайли тушунмовчилик вазияти вужудга келади. Масалан, ёш оила. Келин институт аспирантурасида ўқийди. У институт олдидаги бекатда автобусини кутиб турганида илмий раҳбари келиб қолади. Улар бир-икки оғиз гаплашишади. Айнан шу вақтда, ёш келиннинг бошқа йигит билан гаплашиб турганини қайнонасининг синглиси кўриб қолади. У дарров ахборотни синглиси, синглиси эса ўғлига бўрттириб етказишади. Куёв вазиятни сўрамасдан келинга зўравонлик билан муомала қилади. “Институтда сени бошқа йигитинг бор экан!”. Ҳеч нарсани тушунмаган келин ўзини оқлашга ўтади. Йигит хотинига қўл кўтаради. Аслида, айнан

тушунмовчиликнинг оқибатида ёш оилада жуда катта конфликтли вазият юзага келади. Унинг оқибатлари турлича бўлиши мумкин. Аммо келиннинг кўнглида “унга қўл кўтарилганлиги”, унинг “беайб” эканлиги ҳеч қачон ўчмайди. Агар келиннинг ҳақиқатан ҳам бошқа йигити бўлганида ҳам, бу ахборот келинни уриш учун рухсат ва ижозат бўла олмайди. Аёл кишини умуман уриб бўлмайди. Уриш – бу зўравонликдир. Зўравонлик эса, шу жумладан оиладаги зўравонлик, дунёвий давлат қонунчилиги томонидан ҳам, диний яъни шариат қонунчилиги томонидан ҳам қораланади ва жазоланади.

Мана шу ҳолат семинарда муҳокамага қўйилганда, кўпчилик келинни айблашга уринди. “Эрга теғдими, ўйлаб иш қилиши керак. Айб келинда, нима қилади кўчада гаплашиб, салом берсин-да, ўтиб кетаверсин... Домласи бўлса ҳам, кўчада эмас, балки бинонинг ичида, ҳеч ким кўрмаган жойда гаплашсин. Домласи ҳам ғирт аҳмоқ одам экан. Нима қилади ёшгина қизга раҳбарлик қилиб. Йигитлар кўриб қолибдими?! Мана, домласини деб, ёш оила бузилиб кетяпти. Келин ҳам аҳмоқ, эр деган уради-да. Шунини ҳам дoston қилиб, дарров ҳаммага ёйиш керакмиди?! Эри яхши кўраркан, рашк қилар экан, шунинг учун уради-да...”.

Ачинарли ҳол шундаки, кўпчилик семинар иштирокчилари, аёл эрнинг ҳукмига берилган қўл эмаслиги, аёлнинг ўз ҳуқуқлари мавжудлиги, аспирантурада ўқиш унинг инсоний ҳуқуқларидан бири эканлиги, билим олиш фақат бинонинг ичида бўлсин деган қонуннинг мавжуд эмаслиги, эр киши ўз хотинини уриши мумкин эмаслиги, умуман ахборотнинг тўғрилигини аниқламасдан туриб, ҳукм чиқариб бўлмаслиги, хотин, яъни ўзига энг яқин бўлган инсонни эшитиш ва у билан тинч ва осуда суҳбат куриш лозимлигини айтишмади. Мана шу ҳаётий воқеа ажрим билан тугаган. Агар томонлар конфликтлар ечими бўйича билим ва малакаларга эга бўлишганида эди, улар ўзларини анча босиқлик ва мулоҳазалик билан тутган бўлардилар. Доимо ҳар қандай ахборотни ўйлаб, таҳлил қилиб, сўнг ўзига сингдириш лозимдир.

**Ҳасадгўйлик.** Юнон файласуфи Демокрит шундай деб таъкидлайди: “Ҳасад кишилар орасида жанжални бошлаб беради”.

Ҳасадгўйлик ҳам конфликт сигналларидан бири бўлиб, бу шундай тўйғуки, у кимдандир, нимадандир норози бўлиш, ўзганинг ютуғини кўролмаслик, (ҳақиқатдан шундай ёки тасаввурида бўлиши мумкин) ўзида бўлмаган ҳолда ўзгага ҳасадгўйлик қилишида намоён бўлади. Ўзгалар ютуғи ва муваффақиятларига нисбатан шубҳага бориш, қизғаниш ҳолатлари кузатилади. Умуман олганда, кичик ёшдан бошлаб болаларда қизғаниш, ҳасад ривожлана бошлайди. Болага укаси ёки сингласига унга нисбатан яхшироқ ўйинчоқ совға қилишгани ёқмаслиги, ҳар бир ўйинда у ютиб чиқишни хоҳлаши, ҳар қандай йўллар билан биринчи бўлишга интилиши, агар ҳаққоний тарзда бу ишни амалга ошириб бўлмаса, маккорлик (алдов) йўли билан бунга эришиш мумкинлиги кузатилади. Бола катта бўлган сари бу ҳолатдан қутилишга ҳаракат қила бошлайди, ҳеч бўлмаганда уни босиб бора бошлайди. Ҳасадгўйлик қанчалик инсонни ичига жойлаша борган сари норозиликни, тажаввузкорликни кучайтириб боради. Ҳаттоки жуда арзимас бўлиб кўринган сабаб ҳам кучли агрессивликни чақиритиши мумкин бўлади. Унинг руҳияти доимий тарангликда бўлади ва бу вегетатив асаб тизимини пасайтиради, соғлиғига таъсир қилади. Айнан мана шу ёмонлик, меҳрсизлик ҳисси психосоматик бузилишларга сабаб бўлади яъни, юрак-қон томир касалликларини пайдо бўлишига сабабчи бўлади. 70-йилларнинг ўрталарида ўтказилган тадқиқотларда ғаразлик, ичиқоралик ҳисси кучли бўлганларда юрак-қон томир касалликлари кўп учраши аниқланди.

Бундай хавфнинг асосий сабабчиси бўлиб “ғазаб” ҳисобланади. Унинг тизимли равишда пайдо бўлиши артерия томирларининг чарчашига, иммун тизимини издан чиқишига олиб келади. Лекин бу билан ҳар қандай ғазаб организмни издан чиқарар экан деб “аччиқланиб бўлмайди” дегани эмас. Айрим ҳолларда ғазаб фойдали ҳамдир. Қисқа муддатли стресс адреналин моддасини чиқишига, у эса иммун тизими фаолиятини ошишига ёрдам беради. Лекин ҳар қандай ғазаб ўз вақтида пайдо бўлиб, яна ўз вақтида бартараф бўлгани организм учун яхшидир. Бошқаларнинг ютуқлари-ю, устунликларидан қанчалик ғазабга миниб, жаҳл қиладиган бўлсак,

узоқ вақт стресс ҳолатида бўлишимиз, ўз муоммоларимизга ўралашиб қолишимиз, чиқишга йўл топа олмай қийин аҳволга тушишимиз ва организмда кризис гармони кортизолни кўплаб ишлаб чиқишига сабабчи бўлади. Бу гармоннинг кўп чиқиши иммун хужайраларнинг ҳосил бўлишини пасайтиради ва организмда вируслар, бактерияларнинг айланиб юришига олиб келади. Ички аъзолар фаолияти асаб тизими ва гармонлар томонидан бошқарилади. **Масалан:** адреналин гармони организмда инфекцияга қарши курашувчи “ўлим хужайралари” фаолиятини оширади. Тадқиқотлар натижасида бир одам қонига адреналин юборилади ва конфет берилади, натижада “ўлим хужайралари” фаоллиги ошади. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг адреналин ўрнига ош тузи ва конфет берилади, ташқаридан адреналин киритилмаса ҳам “ўлим хужайралари” курашиш учун тайёр эканлиги сезилади, бундан келиб чиқадики мия организми конфет қабул қилингандан иммун тизимини активлаш учун буйруқ берар экан. Бу нарса актёрлар фаолиятида кўзга ташланади. Агар улар ўз роллари орқали кувончли ҳолатга, кўтаринки кайфиятга, бахтиёрлик ҳиссини ҳис қилишса уларда иммун тизими кучайиши кузатилади. Агар аксинча қариллик родини беришса, депрессив ҳолатда, касал одамни эрта-индин ўлиш керак бўлган ҳолатни ифодалаш талаб этилса, ҳимоя хужайраларининг фаолияти пасайиши кузатилади.

### **Ҳасадгўйликнинг деструктив таъсири билан қандай курашиш керак?**

Энг оддий ресепт - бу шу ҳолат билан боғлиқ стрессни эътиборга олмасликдир, яъни ҳасадгўйлик ҳисси пайдо бўлса уни бўлмаган деб ҳисоблаш керак. Маълум маънода бу ёрдам беради. Лекин уни бўлмаган деб қараш уни бутунлай йўқолишига олиб келмайди, балки уни чуқурроқ жойлашишига ва бир кун келиб портлашига олиб келади. Мана шу портлаш рўй бермаслиги учун ҳар бир одам ўзидаги ҳасадгўйлик ҳиссини онгли равишда йўқотиши, чиқариб ташлаши керак. Машхур бир одам шундай деган эди: “Мен яқинларимга яхшилик хоҳламасликда эмас, балки мен улардаги нарсаларни хоҳлашимдадир”. Агар сен ўзинга ишонсанг, нима

халақит берётгани, ўша одамдай бўлишинга қобилиятли бўлиш кераклиги, лекин айнан ўша одамни ютуқларини такрорлаш шарт эмас, балки бошқа йўллари ҳам излаб топса бўлади. Тўғри бўлган йўл ҳар доим ҳам юқори чўққига чиқишни кафолатламайди, лекин ҳаётда ҳамма нарса пул, обру, амал билан ўлчанмайди. Ундан қизикроқ, фойдалироқ нарсалар борки улар одамни яшашга бўлган иштиёқини кучайтиради. Афсуски, кўпчилик буни кеч тушунадилар, ўзганинг нарсаси қанчалик қимматли, буюк бўлмасин ҳақиқий қувонч, бахт келтирмайди ва ўзганики бўлиб қолаверади.

Ҳар қандай динда ҳасад катта гуноҳ ҳисобланади. Педагог-психологлар фикрига кўра ҳасадгўйлик маълумотиға ёки ижтимоий маъқеиға қараб бўлмасдан ҳар бир шахснинг ўзига ҳосдир. Ҳасадчи биринчи навбатда ўзини танасини ва қалбини емира бошлайди. Бу ҳар бир темперамент турларида турлича кўринишда бўлади. Холерикларда тажаввузкорлик белгилари билан, ўзгача зиён етказиш томирлар спазми, тахикардия, “асабийлик” гипертамияси билан бирга кечади.

Миланҳоликларда эса майда-чўйда қинғирликлар билан четдан туриб, бегона қўллар ёрдамида зиён етказишга ҳаракат қилади.

Санвинкларда бошқаларга нисбатан ҳасадгўйлик кам кузатилади. Лекин шундай бўлса ҳам агар уларда бу ҳолат кузатиладиган бўлса унда улар аниқ мақсадга йўналтирилган катта зиён етказишлари мумкин. Бундан ташқари, ҳасад уларни организмни, юрак-қон томир тизими ва иммунитетини издан чиқаради.

Флегматиклар ҳақиқий ҳасадни ҳис қилмайдилар, улар учун бошқалар мувоффақиятдан бир оз норозилик, таъсирланиш кузатилиши мумкин. Улар лекин ўзгага зиён етказмайдилар.

“Ҳасадгўй одам душманига қилгандек, ўз-ўзига зарар етказади”. Демокрит ҳасадни икки турга бўлади: оқ ва қора. Оқ ҳасадни фақат жисмонан ва маънан бақувват, иродаси мустаҳкам кишилар ҳис қилиши мумкин. Улардаги ҳоҳишнинг кучлилиги ёнидагидан ўрнак олиб интилиши, ҳаракат қилиши бу - оқ ҳасаддир. Қора ҳасад ёки ичи қоралик узоқ вақт давомида инсонни ўзи сезмаган ҳолда ич-эттини

кемириш, парчалашидир. Одам ўзгани яхши тамонини кўра олмайди, кўзлари очик лекин қалб кўзи кўр бўлади. Ғазаб ва омадсизлик уни ичини емира бошлайди. Бундай ҳасадгўйликни йўқотиш учун олдин содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қилиш, вазиятга тўғри баҳо бериш ва ўз қарашларни ўзгартириш керак. Лекин ҳасадгўйликни тўхтатиб бўлмайди, тўхтатиш ҳам керак эмас. Чунки тўғри англаган ва қўлланган ҳасад кераклидир.

Ҳасадгўйлик орқали ўша омадли одам билан ўзини таққослаши ва ўз-ўзини солиштиришида маълум бир мазмунда фойдалидир. Ҳасадчида ўз-ўзини баҳолаш ҳам паст бўлади. Мана шу ўз-ўзини баҳолашни кўтариш керак. Бунинг учун биринчидан, ўзингиз қила оладиган ишлар рўйхатини келтиринг. Иккинчидан, ўзингизни қадрли билган ҳолда ўзгалар учун ўзингизни бахшида қилинганга шу орқали ўзгалар ҳаётига ҳавас нигоҳи билан қаранг. Ўзгалар билан солиштиришни бас қилган ҳолда келажакни режалаштириш, яшаш тарзини яхши тамонга ўзгартиришдир. Ҳеч қачон унутмаслик керак, ҳар бир одамда қандайдир бир фазилаг бўлиб, у бошқалардан ажралиб туради ва устунлиги шундадир. Мана шу фазилатни, устунликни ўзида ривожлантириш керак ва шу орқали ҳасадгўйликни йўқотиш, балки бошқаларнинг ҳасад қилишига эмас балки ҳавас қилишига имкон яратиш мумкин. Ўткир ҳасад пайдо бўлганда қуйидаги тавсия ёрдам бериши мумкин: бундай пайтда крислога ўтириш, диванга бўшашган ҳолда ётиб олиш мумкин. Кўзни юмиб ўзингиз учун сеvimли бўлган жойни тасаввур қилинг, мумкин пляжда, дала ҳовлида, ўрмонда, яхши нарсалар тўғрисида табиатни гўзаллиги, гулларнинг ҳиди, сувнинг шилдираб оқиши, кушларнинг сайраши, майин шабода эсиб туриши ва бошқаларни. Камида сизни кайфиятингизни кўтаради, ички тарангликни камайтириб, тинчлантиради ва сезиларли даражада ҳасадли кечинмаларни пасайтиради. Яна бир маслаҳат, ҳам касбингизга кунда бир неча марта “мен жуда хурсандман”, менинг дўстимни, дугонамни иши яхшилигидан, “мен бахтилиман” ҳаётимиздан, одамларда ҳамма нарса яхшилигидан бу дегани менинг ҳаётимда ҳам яхши кунлар бўлади ва менинг ишларим ҳам кундан-кунга ривожланиб, ўсиб

боради, дея ўз-ўзини ҳимоя қилиш усуллари қўллаб туриш керак. Ҳасадўйга ютуқларингиз, мувоффақиятларингиз, омадли эканлигингизни айтмасликка ҳаракат қилинг, иложи борича бирор нарсада ундан маслаҳат ёки ёрдам сўранг. Бу уни хайрон қолдиради. Уни юзига кулиб қаранг, муносабатларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилманг. Ўртадаги масофани сақланг. Агар ичи қоралигини сездириб қўядиган бўлса, сизга тажаввузкорлик қилишга ҳаракат қилса, бир оз кулимсираган ҳолда кўзига тикилмасдан лабига ёки бурнига қараган ҳолда “кечирасиз мен сизни эшитмадим” дейишингиз лозим. У нима деб жавоб беришидан қатъий назар тинчгина, кулмасдан “тинчланинг ҳаммаси равшан” деб орқага ўгириб кетишингиз керак.

*Инцидентлар.* Инцидентлар, ҳаётда учраб турадиган турли низо ва зиддиятга боғлиқ бўлган воқеалар бўлиб, осуда ва тинчлик вақтида сиз уларга эътиборсиз бўласиз. Аммо улар баъзан сизни ҳам конфликт таркибига тортиб кетади. Масалан, 7-синф ўқувчиси Гулнора бўйи 171 см эканлигидан доимо қайғуради. Унинг бўйи синфдошлариникидан энг узун. Синф тахтасига эгилиб, оёқларини жипслаб, букилиб чиқади. У ҳар гал синф тахтаси олдида чиқиши – азобланишдан иборат эди. Шунинг учун, баъзан камситилганимдан кўра, баҳойим “икки” бўла қолсин деб, жавоб беришдан бош тортарди. Унинг миясида доимий равишда синфдошларининг: “Эй, минора” ёки “Эй, найнов” деб луқма ташлаётгандай туюлаверади, шу ўринда онасининг: “Эгилма, елкангни тўғри тут, қарагин қандай чиройли гавданг бор”, дейишлари эшитилиб тургандек бўлади. Гулнора кечкурунлари тошойна олдида туриб: қўлларим бунча бесўнақай бўлмаса, улар тиззадан пастда! Нормал одамда шундай қўллар бўладими?... Бўйним ҳамузун, уни ёқани кўтариб бир нима қилиш мумкиндир, оёқни нима қилса бўлади?”, – деган саволлар билан ўзини эмоционал қийнай бошлайди. Оддийгина инцидент, яъни бўлиб ўтган воқеа, кейинчалик Гулнора ва синфдошлар ўртасида ечиб бўлмайдиган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, конфликтни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча майда нарсаларга ҳам эътиборли бўлиш тавсия этилмайди. Юзага келган муаммоларни биргаликда, ҳамкорликда, хотиржам, бир-бирини



айбламасдан муҳокама қилишга ўтиш зиддиятларнинг тўғри ечимини ойдинлаштиради ва яқинлаштиради.

**Дискомфорт.** Дискомфорт ҳолати инсоннинг ички ҳиссиётлари, ўйлари ва туйғулари билан боғлиқ бўлиб, нимадир бўлаётганлиги англанади, аммо ўша “нимадир” аниқ таъриф этилмайди, у англашилади, аммо уни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Дискомфорт ҳолати кўпинча инсонни баъзи ноаниқ ва низо ҳолатлар, инқирозлардан сақлаб қолиш хусусиятига эга. Шу боис, дискомфортга бефарқ қарамасдан, балки инсон ўзининг ички ҳиссиётлари нималар демоқчилигини таҳлил этишга, одам ўзига кулоқ солишга ўтиши лозим. Албатта, агар сиз атрофингиздаги воқеаларни таҳлил эта бошласангиз, ўз ҳиссиётларингиз сизни нима учун қийнаётганлигини топасиз. Ҳар ҳолда ўзига сезгир ва огоҳ бўлиб турган маъқул. Агар сиз ўз ички ҳиссиётларингиз сизга узатишга ҳаракат қилаётган ахборотларни тўғри “таржима” қилишни ўргансангиз, кўпинча ўз ҳаётингизни зиддиятлардан сақлаб қолган бўласиз.

Конфликтнинг келиб чиқишидан олдин конфликтли вазият мавжуд бўлади. Конфликт вазиятнинг олдини олмаслик инцидентга олиб келади. Инцидентнинг ривожланиши эса конфликтнинг ўзини вужудга келтиради.

Шу боис, куйидаги қадамлар конфликтли вазият, инцидент ва конфликт олди ҳолатларни ҳал этишга қаратилган:

**Биринчи қадам:** конфликтли вазият ўзининг ечимини ва конфликт ривожи учун асос борлигини кўрсатади. Унга эътиборсиз бўлманг. Уни таҳлил қилиш ва ечимини топишга урининг.

**Иккинчи қадам:** конфликтли вазият ҳар доим асл конфликтдан олдин пайдо бўлади. Аммо унинг масштаби анча кичик бўлади. Конфликт эса инцидент билан ёки унинг кетидан вужудга келади. Шу боис, конфликт вазиятни назоратда сақлаган одам, конфликтнинг ўзини ҳам назоратда сақлаган бўлади.

**Учинчи қадам:** конфликтли вазиятнинг таҳлили нима қилиш кераклигини кўрсатади. Масалан, юқорида таҳлил қилинган Гулнора ва синфдошлар ўртасидаги инцидентда Гулнора ва синфдошлар



Ўртасида аниқ ва ишончли ахборот улашувининг бўлмаганлиги оқибатида инцидент конфликтга айланиб кетган. Шу боис, конфликтларнинг юзага келмаслиги учун томонлар ўртасида самимий ва ростгўй ахборот алмашув бўлиши керак.

**Тўртинчи қадам:** инцидент вужудга келган вақтда доим ўзингизга “Нима учун?” деган саволни унга жавоб топмагунга қадар беринг ва аниқ жавоб топишга ҳаракат қилинг. Масалан, юқоридаги инцидентда ўзини ва сифдошларни шубҳалар билан қийнаш ва асоссиз равишда бировни айблаш ўрнига томонлар орасида доимо рост ва самимий муносабатлар ва ахборот алмашиш ўрнатилса, Гулноранинг ўзи ўзини қандай бўлса шундайлигича тасаввур қилганлиги ва шубҳаларга берилмасликка ҳаракат қилади. Чунки, ҳар бир одамнинг яшаш ва ҳаёт кечириш макони фақат оила ёки болалар билан ўтмайди. Макон катта. Мана шу макон ичида турли ахборотлар оппонентингизда бошқа усуллар орқали етказилиши ҳам мумкин (телевидение, китоб, автобусдаги суҳбат, касбдошлар в.б.).

**Бешинчи қадам:** конфликт, инцидент, конфликтли вазиятни фақат ҳаёлингизда эмас, балки оғзаки таҳлил қилишга уриниб кўринг. Чунки оғзаки таҳлил жараёни конфликтнинг ташқи кўринишидан унинг ички маъзига ўтиш имконини яратади. Конфликт мазмунини билиш турли хулосалар, параллел фикрлар, воқеаларни таққослаш, ўлчаш, фикрни жамлаш орқали юз беради. Айнан мана шу жараёнда сиз ўзингиз учун кўп нарсаларни янгитдан, ойдинроқ ва аниқроқ кашф этасиз ҳамда ўзингиз учун мақбул йўлни топишга ўтасиз.

**Олтинчи қадам:** сиз билан юз берган конфликт таҳлилидан сўнг нима воқеа бўлганлигини бир-икки сўздан иборат таърифини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинг. Сўзларни жуда кам ишлатинг. Фақат энг муҳим сўзлар таърифга киритилсин. Ана шунда, конфликтнинг аниқ диагнози қўйилган бўлади. Ана шунда, конфликтли вазият таҳлили кераксиз эмоциялардан озод этилган бўлади. Ана шунда, аниқ диагноз орқали сиз ўзингиз ва оппонентларингизни мушкул аҳволдан чиқариб юборишга имкон топган бўласиз. Ана шунда, сиз муаммонинг асл мазмунини англаган бўласиз ва ҳаракат қилишингиз, хулоса қилишингиз аниқлашади ва енгиллашади.

**Еттинчи қадам:** конфликтли вазият ва конфликтли муаммонинг ечимини топиш асли анча мураккаб жараён эканлиги сизга ойдинлашмоқда. Конфликтнинг ечимини топиш бир ўтиришда ҳамма муаммоларнинг ҳал этилиши эмас. Агар бир ўтиришда ана шундай ҳамма томонларни қониқтирувчи ечим топилса, нур устига аъло нур бўлади, аммо аслида конфликт ечимини топиш анча мушкул жараён бўлиб, энг қийини ҳамма иштирокчи томонларни ягона ечимга келтиришдир. Шу боис, конфликт ечими жараёнида қаноатли ва сабрли бўлиш, аста-секинлик билан бўлса ҳам, зиддиятнинг ечимини топишга қаратилган сайи-ҳаракат ҳисобланади. Сабрли бўлиш – конфликт ечимини топиш сари бўлган йўлнинг доимий ҳамроҳи бўлиши шарт.

Шундай қилиб, конфликтлар ечими мавжуд. Конфликтнинг энг оддий ечими конфликттогенларга эътиборли муносабат, конфликт олди вазиятларидан бўлган конфликт сигналлари, инқироз, томонлар орасидаги танг ҳолат, тушунмовчилик, ҳасадгўйлик, инцидентлар, дискомфорт кабиларни олдиндан кўра билиш ва конфликтнинг келиб чиқишини олдини олиш, конфликт келиб чиққанида эса, унинг ечимига қаратилган сайи-ҳаракатларни олиб боришдан иборатдир.

### **2.3. Конфликтларнинг юзага келишида тана забони**

Инсон кундалик ҳаётида жуда катта информация ичида яшайди, катта информация оқимни қабул қилади ва худди шундай катта информация маълумотларни атрофга тарқатади ҳам. Информация ларни тарқатишда фақат унинг тили, забони, айтган гаплари, ишлари, ёзган китоблари иштирок этмайди. Фақат мана шуларгина аҳамият касб этмайди. Балки информация маълумотлар ни тарқатишда одам танасининг маълум ҳатти-ҳаракатлари, яъни мимикаси, кийиниши, қўл ҳаракатлари, қош кўзи, овози, кўз қарашлари, нигоҳи, кулгуси ҳам иштирок этиб, улар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, агар сизга узоқдаги танишингиз “Бу ёққа кел!” деб бақириб, аммо қўл ҳаракатларини тескари томон “кет!” шаклида қилса, сиз нима қилишни билмай, эсанкираб қоласиз. Чунки “кел” ахборотига доир

қўл ҳаракатлари билан, “кет” ахборотига доир қўл ҳаракатлари бошқа-бошқадир, улар қарама-қаршидир. Яъни, “кел” билан “кет” маълумотини ўзида жамлаган қўл ҳаракатлари маълум бир информацияни ифода этади.

Демак, бизнинг бошқа одамлар билан бўладиган табиий мулоқотимизда уларда жамланган маълумотлар билан биргаликда тил, тана ҳаракатлари, мимика, овоз ҳам фаол иштирок этади. Бизнинг узатмоқчи бўлган ахборотимизга мутаносиб равишда мазкур тана ҳаракатларини биз беихтиёр тарзда инстинктив ишлатамиз. Уларга кўп эътибор қаратмаймиз. Аммо бизнинг суҳбатдош, баъзан худди ана шу тана ҳаракатлари орқали сиз тўғрингиздаги энг “очиқ” айтилган ва ҳақиқий бўлган ахборотни қабул қилади ҳамда ўз хулосаларини чиқаради.

Шу боис, сиз бировдан ҳафа бўлсангиз, ўз нутқингизда ҳурматли сўзларни айтаётган бўлсангиз ҳам, бошқа инсон кўпинча вазият самимий эмаслиги, орада нимадир бўлганлигини сизнинг тана ҳаракатларингиз (“совуқ” овозингиз, кўз қарашларингиз, “қўл” учиди сўрашишингиз) орқали билиб, сезиб туради. Сиз қаршингизда турган одам томонидан ўзингизнинг ички ҳиссиётларингиз айнан ва бевосита англанишини истамайсиз, чунки айнан мана шу дақиқаларда сиз мазкур одамга нисбатан ёмон ҳиссиётлар ичида яшамокдасиз. Бироқ, сиз ўз ҳиссиётларингизни яширишингиз лозим. Аммо тана ҳаракатларингиз онгингиз тўрида бўлган сизнинг муносабатингизни ўз тана забони орқали билинтириб қўяди. Чунки информация фақат сўз орқалигигина эмас, балки тана ҳаракатлари орқали ҳам узатилади. Демак, тана забони ахборот улашиш ва тарқатишда фаол иштирок этади. Информациюни узатишда биз кўпинча эътибор бермайдиган худди ана шу ноанъанавий усул - “тана забони” ҳисобланади.

Шундай қилиб, тана забони нима? Тана забони илмий, аниқ, лўнда тушунча бўлмай, балки танамиз ҳаракати оқибатида берилаётган, узатилаётган сигналлар мажмуидан иборат, биз бу сигналларни атайлаб, ёки ўзимиз билмаган ҳолда атрофдагиларга маълум қиламиз.

**Тана забони – сизнинг қандай юришингиз, туришингиз, қандай овозда сўзлашишингиз, қандай кийинишингиз, сизнинг имо-ишораларингиз, мимикангиз, умуман олганда қандайдир маънога эга бўлган ҳамда ахборот тарқатиш ва қабул қилишда иштирок этган тана ҳаракатларингиз мажмуасидир.**

Сизнинг бундай тана ҳаракатларингиз нима тўғрисида, қандай ахборот беради? Бизнинг тана забонимиз ўзига ҳос тил бўлиб, у бизнинг кайфиятимиз ва характеримиз тўғрисида ўзимиздан кўпроқ информация беради. Тана забони, шу боис, мулоқотнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

**Мулоқотнинг интерактив томони** – кишиларнинг биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан таъсир этишлари. Ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларни намоён қилиш мумкин.

Одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари ҳулқ – атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун қоидалардир. Чунки ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай хатти-ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб тасаввурлар, хислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини бошқа биров билан солиштириш, масалан: 1-марта учрашувга кетаётган йигитнинг ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия – мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясида туриб, ўзини тасаввур қилишдир, ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Масалан: гуруҳдошингиздан бирига куйлаги ярашмаганини айтиш мумкин, 2-чисига айтсам куйяпти деб ўйлайди дейсиз.

Стереотипизация – одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган, кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш, бундай стереотиплар баъзан мулоқотни тўғри йўналишини таъминласа, баъзан хатоликларга сабаб бўлади.

Масалан: қизларнинг шим кийиб юриши ёки велосипед миниши. Кўпчилик бундай қизларни одобсиз деб ўйлайди, бу нотўғри, албатта.

Баъзан кишини ташқи қиёфасидан унинг характерини аниқлайди. М: шундай тажриба ўтказилган: талабаларга турли қиёфадаги кишиларнинг расми кўрсатилган, улар ияги катта кишилар кучли иродага эга, пешонаси кенг одамлар-ақлли, сочи қаттиқ одам қайсар, бўйи паст одам ҳокимиятга интилувчи, чиройли одам ўзига бино қўйган ёки нодон бўлиши айtilган. Булар албатта, тўғри эмас. Лекин кишиларнинг онгида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Натижада одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида бўлган маълумот катта рол ўйнайди. М: психолог олим Бодалёв талабаларнинг 2 гуруҳига 1 одам портретини кўрсатиб, уни 1-гуруҳга жиноятчи, 2-гуруҳ талабаларига эса олим деб таништирган.

1-гуруҳдагилар унинг кўзларини ёвуз, бешафқат деса, 2-гуруҳдагилар унинг кўзларини доно, мулойим дейишган.

Одамларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, қилиқлари, юриши ва ҳ. к. ишларининг ичида одамнинг сўз мулоқот манбаи суҳбатдошига энг кўп маълумот беради.

Одамнинг бир-бирларини тўғри англашлари идрок (асосий билиш) соҳасига алоқадор, бир-бирларини тушунишлари эса уларнинг тафаккур соҳасига алоқадор, мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кира олган ҳисобланади. Яъни унда эмпатия - бировларнинг ҳис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, «кўпни кўрган» шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

Психологлар турли мулоқот вазиятларига дуч келадилар ва ҳар бир вазиятда улардан ўткир дид, одоб кишиларнинг психологиясини билган ҳолда уларни тўғри тушуниш малакаси талаб қилинади. Бўлғуси психолог бу борада қуйидаги қонуниятларни билиши керак:

1. Биринчи кўрган одам ҳақида фақат бирламчи тасаввургина бўлиши мумкин;

2. Бирор киши ҳақида берилган малумотга асосан муайян фикр ҳосил қилиш осон, лекин уни ўзгартириш қийин;

3. Интеллект жуда юқори бўлса ҳам, жуда паст бўлса ҳам бошқа одамни тушуниш қийин;

4. Махсус тайёргарлик бўлиши керак. Тажрибада 5-курс психологлари билан рассомларни одамларга берган баҳоси солиштирилган, рассомларни берган баҳоси аниқроқ бўлиб чиққан;

5. 1та одамнинг баҳолаш топшириғи берилганда оғриқни бошдан кечираётган одамлар унда жоҳиллик сифати бор деб баҳолаганлар, яхши ҳолатда бўлганларида эса худди ўша одамни яхши сифатларга эга деб айтганлар демак, бирор кишига баҳо бериш - одамнинг эмоционал ҳолатига ҳам боғлиқ экан;

6. Шахснинг очиклиги яъни очик, самимий одамнинг берган баҳоси билан тунд ва писмиқ одамнинг баҳолари ўртасида сифат жиҳатидан фарқ бўлишлиги аниқланган.

Бўлгуси педагог-психологлардан педагогик-психологик билим донликни талаб этади. Бу эса педагогик-психологик тренинглар ёрдамида амалга оширилади одамларда мулоқот малакалари ҳосил қилиниб, улар турли ижтимоий шароитларда ўзини тўғри тутишга одатлантирилади. Бошқача айтганда, тренинг мулоқотга ўргатишдир.

Балки сиз ҳеч қачон бу нарсага эътибор бермагандирсиз, аммо биз айтмоқчи сўзларга кўшимча равишда, кўпинча тана ҳаракатларимиз ҳам ахборот бериб туради. Агар сиз тана забонига эътибор бермасангиз, сиз билмаган ҳолда тана ҳаракатларингиз ҳамсуҳбатингизга бошқа маълумотларни аён қилиб туриши мумкин. Бу маълумотлар эса, янги конфликтни келтириб чиқариши ёки, конфликтни чуқурлаштириб юбориши мумкин.

Тана забони сизнинг шахс сифатида юриш-туришингиз, кийинишингиз, имо-ишораларингиз, қадди-бастингиз, ўзингизни тутишингиз, аслини олганда характерингиз ҳақида жуда катта информация беради. Сизнинг тана забонингиз нималар ҳақида “гапириши”, “сўзлаши” мумкинлиги масаласини кўриб чиқамиз.

Тана забони тушунчасининг етти таркибий қисми мавжуд. Улар тана забонининг турли кўринишларини ўзида мужассам этади. Мана

шу етти таркибий қисм тана забони орқали узатилиши мумкин бўлган ахборотлар турларини белгилаб беради. Ташқи кўриниш, яъни инсоннинг қандай кийим кийганлиги ва ўзини тутиши, вақтга бўлган муносабат. сизнинг ижтимоий аҳволингизни кўрсатиб турувчи ташқи кўриниш омиллари, сизнинг ўз суҳбатдошингизга яқинлигингизни ойдинлаштирувчи омиллар, конкрет вазиятда сиз ишлатаётган аниқ тана ҳаракатлари, сизнинг ўз ва бошқа инсон шахсий маконига бўлган муносабатингиз ва қандай овозни ишлатаётганингиз каби элементлар тана забонининг етти доирасини ташкил қилади. Тана забонининг етти доирасини алоҳида ҳолда кўриб чиқамиз:

### **Тана забонининг етти доираси:**

**1. Ташқи кўриниш.** Сочингиз жингалакми ёки бошқа рангга бўялганми? Сочларингиз орқа томонга турмак қилинганми ёки кесилганми? Эгнингизда атласми ёки шим-костюмми? Бўялганмисиз ёки ўсма қўйганмисиз? Рўмолдамисиз ёки рўмолингиз йўқми? Бўйнингизда тилла занжир борми ёки йўқми? Ёшмисиз ёки ёши ўтганмисиз? Машинадамисиз ёки пиёдамисиз? Мана шуларнинг барчаси сиз ҳақингиздаги маълумотларни бошқаларга узатиб туради. Ташқи кўриниш инсон ҳақидаги маълум информацияни яққол намоён этади. Ташқи кўринишдан инсон моддий аҳволи, келиб чиқиши, ижтимоий ҳолати борасидаги илқ маълумотларни дарров қабул қилиш мумкин. Масалан, одатда замонавий кийинган, сочлари бўялган, ўзига аро бериб юрадиган аёлни сиз бошига кўк рангдаги рўмол ўраган, миллий кийимда, мунгли аҳволда кўрсангиз, биринчи қиладиган хулосангиз, “Бу аёл азадор бўлибди-да” деган хулосага келасиз. Яъни ташқи кўриниш мазкур аёл ҳаётида кечган воқеалар борасидаги маълум ахборотни атрофдагиларга тарқатиш учун хизмат қилади.

**2. Вақт.** Вақт ҳамда вақтга бўлган муносабат инсон ҳақида аниқ маълумотларни олишга ёрдам беради. Сиз учрашув учун эрталабни танладингизми ёки кечки пайтни? Сиз бирор одамни 60 дақиқа кутасизми, ёки 2 дақиқадан сўнг, кутмасдан кетиб қоласизми? Ёки, сиз ўзингиз учрашувга тайинланган вақтда, кечикмасдан келасизми, ёки ҳар доим кечикиб юрасизми? Сиз таниган одамни кўриб, дарров



рўпарасига чиқасизми, ёки унинг ўзи олдингизга келишини кутиб турасизми? Буларнинг барчаси сиз ҳақингиздаги маълум ахборотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Агар сиз учрашувга кечикиб келсангиз-у, дарров кечирим сўраб, ўзингизни айбдордай ҳис қилсангиз, демак, сиз одатда кечикиб юрадиган одам эмассиз, кечикишингиз учун бирор сабаб мавжуд, атайлаб бундай қилмагансиз, кечикканингиз учун ўзингиз ҳижолатдасиз. Аммо агар кечикиб келгандан сўнг, узр ҳам сўрамасангиз, демак, сиз тарбиясиз, қўрс одамсиз, ёки кутаётган одамнинг кеккайган бошлиғисиз. Демак, вақтга муносабат масаласи ҳам инсон характерини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

**3. Ижтимоий аҳволингиз.** Одамнинг ижтимоий аҳволи унинг ташқи кўринишингиздан яққол кўриниб туради. Ижтимоий аҳвол ва ташқи кўриниш масаласи одамнинг на фақат қайси соҳада ишлаши, оиласининг тўқинлиги, унинг бой ёки камбағаллиги, шаҳарлик ёки қишлоқлик эканлигини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Тўқин яшаш рамзларининг мавжудлиги, бирор гуруҳга тааллуқлилиқ, бойлик, машина, зебу-зийнат кабилар сиз тўғрингиздаги маълум ахборотларни доимий узатиб туради. Ижтимоий аҳвол шунингдек, агар инсон жуда кам зебу-зийнат ишлатган бўлса ҳам, аммо кийимининг қандай бичувда тикилганлиги, материалларнинг тўлатўқислиги, унинг ўлчам масалаларда ҳам ўзини намоён қилади. Задагонларга тегишли оилаларда жуда содда, зебу зийнатсиз, аммо хушбичим кийиминиш тарғиб қилинади. Зебу зийнатнинг ортиқчалиги маданиятсизлик ва дидсизлик аломати сифатида баҳоланади. Янги бой бўлган одамлар эса, ўзининг бойлар қаторига қўшилганлигини намоён қилиш мақсадида, кўпинча зебу зийнатни кўп ишлатишади. Демак, одамнинг ташқи кўриниши унинг ижтимоий мавқеини аниқлашга кўмак беради.

**4. Яқинликни кўрсатувчи аломатлар.** Инсон бошқа инсонлар билан бўладиган ўз мулоқотида уларнинг нечоғли ўзига яқинлигини кўрсатувчи аломатларни ҳам билдириб туради. Масалан, қўл бериб саломлашиш, қучоқлашиш, елкага уриб қўйиш. Тошкентлик йигит-қизлар ҳеч қачон ўзаро қўл бериб сўрашмайдилар. Аммо вилоятлардан келган йигит-қизлар орасида қўл бериб саломлашиш



урф-одати кенг тарқалган. Шу боис, вилоятдан келган йигит тошкентлик қизга қўлини узатиб, саломлашмоқчи бўлса, қиз бола унинг қўлини олмаслиги табиий. Чунки тошкентлик қиз бу нарсани беҳурматлик аломати ҳисоблайди. Вилоятдан келган йигит учун эса қиз бола унинг қўлини олмаганлиги – уни менсимаганлиги, ҳурмат қилмаганлиги, ўзини “катта” олганлиги белгиси бўлади. Аслида, қиз бола ва ҳар қандай аёлга эркак киши биринчи бўлиб қўл узатиши маданиятсизлик аломати ҳисобланади. Шу боис, бу нарса тошкентликларда тарғиб қилинмайди. Шу билан бирга, аёл ва эркак саломлашиш қонун қоидаларида, яъни этикетда ҳам, фақатгина аёл киши ўзи биринчи бўлиб қўл узатсагина, унга қўл бериб саломлашиш мумкинлиги таъкидланади. Яъни, аёл киши қаршисида турган одамнинг ўзига яқинлиги меъёрларини ўзи белгилайди. Демак, инсонлараро муносабатларни кўрсатиб турувчи махсус макон мавжуд. Мана шу макон инсонларнинг ўзаро яқинлигига қараб туриб, қисқариши ёки кенгайиши, табиий ҳолдир. Тана забонида куйидаги турдаги хатти-ҳаракатлар ажратилади:

- яқин танишларнинг ўз хатти-ҳаракатлари;
- расмий хатти-ҳаракатлар;
- доимий хатти-ҳаракатлар;
- кичик бир гуруҳда қабул қилинган хатти-ҳаракатлар.

Масалан, ҳозир, Тошкентда ўғил болаларнинг саломлашишида бошининг бир чеккасини ўзаро уриштириб қўйиш урф бўлган. Аммо, катта ёшдагилар ҳеч қачон бошини уриштириб, саломлашмаслиги аён. Бегона одамлар ўзаро яқинлик аломатларини кўрсатувчи ҳаракатларни ишлатмайдилар. Бегона одам дабдурустдан сизнинг елкангизга уриб, саломлашса, “бу – одам жинни экан”, - деб ўйлашингиз табиий. Аммо сизга яқин, аммо узоқ вақт сиз кўрмаган одам сиз билан ўз яқинлигини кўрсатувчи аломатлардан холи бўлган расмий салом-алиқ йўлини танласа ҳамда сизга “совук”, ёки “расмий” муносабат билдирса, сиз уни ёки бирор нарса бўлган, ёки “у кеккайиб кетибди”, деган ҳулосаларни қиласиз.

**5. Тана ҳаракатлари.** Тана забонида жуда катта ахборот юз мимикаси ва тана ҳаракатлари орқали узатилади. Юз мимикаси инсон

психологияси, инсоннинг ички кечинмалари ва хис-туйгулари билан кучли боғланган бўлади. Шу боис, инсоннинг нима деяётганлигига қарамай, юз мимикаси ўзига хос табиий муносабатларни билдириб туради. Юз мимикаси орқали жуда катта очик, аниқ ва тўғри ахборот узатилади ва қабул қилинади. Шу билан бирга тана ҳаракатлари ҳам инсонлараро яқинликни кўрсатиб туради. Сиз, ўзингизга яқин одамга яқинроқ турасиз, унинг танасига вақти вақти билан қўл теккизиб турасиз, у билан ўпишасиз, орқасини силаб қўясиз, аммо сизга узоқ бўлган ва танимаган одамга нисбатан ҳеч вақт бундай тана ҳаракатларини ишлатмайсиз. Юз ифодаси, мимика, кўз қарашлар, қандай қадам ташлашингиз, имо-ишораларингиз, қўл ҳаракатларингиз – буларнинг барчаси тана ҳаракатлари бўлиб, улар ўзаро муносабатлар борасида аниқ маълумот беради. Инсон мимикаси жуда катта ахборот ташувчи ҳисобланади. Ҳайрат, эсанкираш, хурсандлик, шодлик, жаҳд, севинч, савол билан қараш, тушкунлик, ўйланиш, ғазаб, ҳафагарчилик, йиғи, танглик каби хиссиётлар инсон қиёфасида тўлиқ, дарров ва адекват, яъни тўлақонли акс этади ҳамда бошқалар айнан мана шу хусусиятларини, айнан мана шу кайфиятларни қабул қилади. Шу боис, сизнинг жаҳлингиз чиқаётган бўлса-ю, оппонентингиз “Мана жаҳлинг чиқаётибди” десаю, сиз “Йўқ, менинг жаҳлим чиқмаяпти, сенга шундай кўрингандир”, деб айтсангиз ҳам, оппонентингиз сизнинг сўзларингизга эмас, балки ўз кўзларига ишонади.

**6. Шахсий макон.** Инсон учун ўз шахсий маконини муҳофаза қилиш муҳимдир. Шахсий маконнинг ҳимоя қилинганлиги инсонни тинч ва ҳавфсиз мулоқот олиб бораётганлигини кўрсатувчи хусусият ҳисобланади. Муайян бир вазиятда сизнинг ва сизнинг суҳбатдошингизнинг қанчалик бир бирингиздан узоқликда туришингиз, сиз билан суҳбатдошингиз ўртасидаги макон шахсий макон ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг эса ўз шахсий макони бўлади. Бу маконга бошқаларнинг кириб бориши уларнинг сизга алоқадорлиги, яқинлигига боғлиқ бўлади. Агар нотаниш одам сизга жуда яқин келса, сиз табиий равишда ундан четлашишга ҳаракат қиласиз. Сиз танимаган одам ҳеч қачон сизнинг шахсий маконингизни бузишга

ҳаракат қилмайди. Агар танимаган одам сизнинг шахсий маконингизни бузиб киришга интилса, сизнинг кўнглингизда ҳавф уйғонади, сиз сезгир тортасиз. Масалан, сиз танимаган одам бирданига сизни кучоқлаб кетмайди. Демак, мулоқот олиб борилганда инсон шахсий макони борлиги ва уни бузиб бўлмаслиги тамойилларига риоя қилмоқ зарур. Агар сиз бировнинг ўз шахсий маконига руҳсатсиз кириб борсангиз, унинг шахсиятига босим ўтказганингиз, унинг хавфсизлигига таҳдид кўрсатганингиз бўлади.

### Шахсий макон таркибий қисмлари:

<p>1. Интим зона (энг яқин одамларингиз кира оладиган зона).</p>	 <p>Этса, бу зона интим зонадир. Бу зонада инсоннинг шахсий макони ҳақиқатан ҳам бузилади. Бу зонада инсоннинг шахсий макони ҳақиқатан ҳам бузилади. Бу зонада инсоннинг шахсий макони ҳақиқатан ҳам бузилади.</p>
<p>2. Шахсий зона (дўстларингиз, дугоналарингиз, ака-опаларингиз).</p>	 <p>Рис. 6. Шахсий зона (дўстларингиз, дугоналарингиз, ака-опаларингиз).</p>
<p>3. Ижтимоий зона (иш юзасидан бўладиган муомалалар).</p>	 <p>Рис. 7. Ижтимоий зона (иш юзасидан бўладиган муомалалар).</p>

#### 4. Жамоат зонаси (маърузалар, нутқлар).



2-расм.

Бу зоналар инсон маданияти, тафаккури, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Агар сизнинг ёнингизда кимдир ўзини ноқулай сезса, демак зоналар чегараси бузилган бўлади.



(1811-1848)

7. **Овоз.** Ўқитувчи маҳоратли бўлиши учун нотиклик маҳоратини эгаллаган бўлиши, кўплаб бадиий китобларни ва ҳаёт тажрибасини ишга солишни билиши лозимдир, гапирганда оҳангга эътибор бериш жуда муҳимдир.

*Буюк адабиётшунос олим Виссарион Григорьевич Белинский: “Гап сўзда эмас, оҳангда” – деб, бежиз айтмаган.*

Ўқитувчилик касби бевосита ўқитувчининг овоз хусусиятлари билан боғлиқ. Ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган ўқитувчи ўз талабаларини овозининг ширадорлиги билан асир эта олади. Бундай муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи ўз овозини кучини, ширадорлигини, ёқимлилигини билиши зарур. Лозим бўлганда ундан фойдалана билиш малакасига эга бўлиши керак. Ўз овозида камчилик сезган ўқитувчи уни йўқотишга ҳаракат қилади. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида ҳамма вақт узлуксиз

машқ қилиб бориши лозим бўлади. Чунки бир-икки машқ билан овозни яхшилаб бўлмайди.<sup>5</sup>

Инсонлараро ахборотнинг энг катта фоизи сўзлар, нутқ, тил орқали баён қилинар экан. Овоз орқали энг бой, ранг-баранг, ҳиссиётларга тўла ахборотлар узатилади ва қабул қилинади. Инсон сўзлаганда унинг овози берилаётган информация мазмуни ва ўз ички ҳиссиётлари билан узвий алоқадорликда баён қилинади. Демак, овоз фақатгина ахборотни ўзида мужассам этмайди, балки шу билан бирга, овознинг ўзи ҳам ахборотни узатишда фаол иштирокчига айланади. Шу боис, конфликт шароитида сизнинг нимага урғу бераётганлигингиз, овозингиз пасту баландлиги, унинг самимийлик даражаси, овоз тони, қандай сўзларни ишлатаётганлигингиз, яъни ахборот мазмуни билан бир қаторда кўпроқ шу ахборотни қандай интонацияда айтаётганингиз ҳам аҳамият касб эта бошлайди. Интонация сизнинг гапириш услубингиздир. Интонация – овоз кучи, унинг илиқлик даражаси, самимияти, қандай сўзлардан ташкил топгани, сўзларга қандай ҳиссиётларни юклаётганлигингизга боғлиқ. Масалан, “Мен сени яхши кўраман” деган сўзларни жаҳл ва дўк билан айтиб кўринг-чи. Айтолмайсиз. Чунки сўзлар мазмуни овоз орқали ҳам узатилади ва инсон ҳиссий-эмоционал ҳолати билан узвий боғланган бўлади. Аммо сиз жанжал устида, ўз хотинингизга, “Бўлди энди, бас. Мен сени яхши кўраман, энди кўнглинг тўлди-ми?!”, - деб бақирингчи, хотинингиз “Ҳа, албатта, мени жудаям яхши кўрадилар” деб хулоса қилармикин. Хотинингиз сизга ишонармикин ёки ўз кўзи билан кўргани ва қулоғи билан эшитгани яъни сизнинг мимикангиз ва овозингиз орқали берилган ҳақиқий информацияга ишонармикин. Демак, мулоқот олиб бориш талабларига биноан овоз ҳам муҳим роль ўйнайди ҳамда конфликт ечимида тана ҳаракатлари қаторида инсон ўз овози ҳамда мазкур овоз орқали узатилаётган ахборотни ҳам назоратда ушлаши талаб этилади.

***Тана забонини тўғри англамаслик оқибатлари:*** Конфликт ечимида тана забонини тўғри англаш жуда катта аҳамият касб этади.

---

<sup>5</sup>Ахмедова М.Т., Ахмедова Н.Ў Овоздан фойдаланиш ва нутқ техникаси. Формирование гармонично развитого поколения в современных условиях. Сборник научно-методических статей -Т. 2011 -109-111стр

Тана забонини тўғри англамаслик оқибатлари сизни кийин аҳволга солиб қўйиши ва нотўғри хулосаларнинг қилинишига олиб келиши мумкин. Масалан, куйида ҳикоя қилиб бериладиган воқеада тана забони бўйича маълумотларнинг нотўғри талкин қилиниши оқибатида рўй берган ҳолат кўрсатилади.

Тарих дарсида ҳамма ўз вазифасини бажариб синфда ўтирибди. Ақром ҳам шу синфда ўқийди. Кечкурунлари у оиласига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида бозорга қатнайди. Ақром кечкурунлари ишлаб, бир икки сўм топма-са, онаси қийналиб қолади. Кундузи мактабда ўқиш, кечкурунлари бозорда ишлаш Ақромни анча толиқтириб қўйган. Ақромга ҳаёт қўйган талаблар катта, аммо соғлиқ ва вақт кам. Шу боис Ақром тез-тез чарчайдиган, дарсларни қилишга улгурмайдиган бўлиб қолган.

Дарс бошлангандан 10 дақиқа ўтгандан сўнг бирданга эшик очилиб, Ақром судралиб синфга кириб келади. Ақром жуда чарчаган, бир нави кийинган. Кечаси билан юк ташиган. Ювилмаган, ғижим кўйлак, дазмолланмаган, чанг теккан шим, ифлос оёқ кийим. У ўқитувчига бир нимани узр сўрагандай минғирлаб, оёғини аранг судраб, жойига, яъни партасига шалпайиб ўтирди. Ақром атрофдагиларга безътибор, атрофида нималар бўлаётганлигини унча англамайди, чунки у – чарчаган ва ухламаган. Оёғини парта остидан чўзиб, ўриндиққа қулайроқ ўтириб олиб, у кўзларини юмади. Аммо Ақромнинг ўзини бундай тутиши ўқитувчига ёқмайди. Ўқитувчи Ақромни ўзига нисбатан буҳурматлилик ва инкор этишда (игнорирование) айблашга мойилроқ.

«Ким саволга жавоб беради?», - деб сўради ўқитувчи. «Балки бизга Ақром ёрдам берар? Бу саволга жавобни биласанми? Ақром?!», - деб сўради ўқитувчи.

«Нима, э-э, ух, бу..., илтимос, саволни қайтариб юборинг», - деди кўзи уйқуға кетиб қолган Ақром.

«Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Сен яна дарс қилиб келмабсан?» - деди ўқитувчи Ақромнинг партаси олдига келиб. «Сенга нима бўлган ўзи. Ҳеч вазифаларни қилмайсан. Ўзингни худодек тутасан. Тузукроқ на салом бор, на алик. Фақат оёғингни

чўзиб, мудрашни биласан. Нимага келасан ўзи мактабга? Ўзингни кўрсатганими? Сени директор олдига жўнатиш керак», - деди ўқитувчи.

«Мен нима қилдим сизга? Ҳеч нарса қилмадим-ку? Жимгина ўтирибман-ку?!» - дея ҳайрон бўлди Ақром.

«Нима қилдим?!» - деб ўз навбатида ҳайрон бўлди ўқитувчи. «Нима қилдим? Қилганларинг камми?! Энг аввало сен синфга кирганда синфдошларга нисбатан, менга нисбатан беҳурматлик кўрсатдинг. Иккинчидан, дарсга келар экансан, дарсни бажариб келишинг керак. Дарсга тайёр бўлмасанг келганингдан нима фойда?! Учинчидан, дарсда эсанкираб ўтирасан. Умуман бефарқсан! Бор директор олдига!»

«Устоз, бу адолатдан эмаску, мен сал чарчаган эдим. Шу холос, мен...» - деди Ақром, аммо унинг сўзларини ўқитувчи кескин бўлиб ташлади.

«Ҳеч нимани билишни истамайман! Чарчасанг, кечкурунлари сандирақлаб юрма, уйда ўтир, дарс қил! Бор директорга айтасан дардингни» - буйруқ берди ўқитувчи.

«Бўлди, бақираверманг», - деб жавоб қайтардида, Ақром синфдан чиқиб кетди.

Мана шу вазиятни таҳлил қилсангиз, ким ҳақ ёки ноҳақлигини англашга уринсангиз, тана забони бўйича билимлар нақадар зарур эканлигини, тана забонини тўғри англаш, тўғри таржима қилиш зарурлигини ҳам англаган бўласиз. Шу боис, тана забонини тўғри қўллаш ва тўғри англаш қонуниятларини билган яхши. Тана забонини қандай қўллаш зарур? Шу масалани ойдинлаштирамиз(3-илова).

### **Тана забонини конфликтли вазиятларда қўллаш борасидаги асосий тамойиллар:**

1. Суҳбатдошингиздан қўл чўзгулик узоқликда туринг. Албатта, бу унинг сизга нақадар яқинлигига боғлиқ. Инсон шахсий маконини бесабаб бузманг. Оппонентингиз ҳаракатларини тўғри англашга ҳаракат қилинг. Агар у шахсий маконни бузишга мойиллик кўрсатса, шундагина унга яқинлашинг.



2. Сизнинг овозингиз очик, самимий, ишончли, қатъий, аммо таҳдидсиз бўлиши лозим. Овозингиз орқали илиқлик, майинлик, сабр ва қаноат, меҳр, қониққанлик, ишонч ҳисларини узатишга сайиҳаракат қилинг. Илиқлик ортидан илиқлик, майинликнинг эса майинлик олиб келишига ишонинг.

3. Сизнинг қўлларингиз нима ахборот бераётганлигига эътибор беринг. Агар бармоқларингиз муштга тугилган бўлса, бу таҳдид ва ҳужум аломатидир. Агар қўлларингизни кўкрагангизда алмаштириб турсангиз, бу безътиборлилик, “Менга сенинг гапларинг қизиқ эмас, мен ўзим биламан, нима қилишни” дегани бўлади. Агар қўлларингизни ҳаддан зиёд у ёқ бу ёққа қарата ҳаракат қилдирсангиз, қаршингиздаги одам сиздан узоқроқ туришни маъқул топади. Чунки, беихтиёр унга тегиб кетишингиз мумкин.

4. Қўлларингиз ёнга тўғри тушган, оёқларингиз тўғри, гавдангиз ҳам тўғри бўлсин. Ортиқча ҳаракатлар қилманг. Столни чертманг, бошқа томонга қараманг, у ёқ бу ёққа юрманг, самимий ва очик бўлинг.

5. Суҳбатдошингизнинг кўзларига кўзингиз тўғри ва тик, аммо таҳдидсиз қарасин. Гаплашаётганда ҳам суҳбатингизга қарама-қарши томонгаёки бошқа хонага қараб ўтирманг. Юзма-юз қарашга ҳаракат қилинг. Қаршингизда турган одамга очик назар билан қаранг.

6. Суҳбатдошингиз билан гаплашаётганда унинг сўзларига эътиборли бўлинг. Ўз эътиборингизни тана ҳаракатлари билан тасдиқлаб турунг.

*Одамларнинг тана забонини англаш бўйича баъзи “таржималар”.*

- Агар одам сизнинг нима деяётганингни тушунмаса, у бошини бир ёнга буриб, қошларини таранглаштиради, кўпинча қошларини бир нуқтага, марказга яқинлаштиради.

- Одамлар ўртасидаги суҳбатда қўлларингизни кўкракда кесиштириб олсангиз, бу суҳбатдан ўзингизни олиб қочмоқчи эканлигингизни ёки ўзингизни ҳимоялаш ниятигингизни билдиради.

- Сизга ёқиб қолган нарсани кўрсангиз, кўз қорачиқларингиз кенгайди.



- Сиз кийган кийим сиз ҳақингизда сиз истаган ахборотнигина бера олади.

- Ўз жойида тинч ўтира олмаётган, бармоқлари ёки қалам билан столни тақиллатаётган одам ўзининг асабийлашаётганини кўрсатади, ёки мавзу уни қизиқтирмаётганлиги, ёки унинг шахсий маконига рухсатсиз кирганлигини аломатидир.

- Агар аёл киши сочларини тўғрилаб, уларни силтаб-силтаб қўйса, демак сиз унга ёқмоқдасиз

- Эркаклар чиройли аёлни кўрсалар қошларини юқорига кўтарадилар ва уларнинг кайфияти яхшиланади.

- Агар одам яхши кайфиятда бўлса ва сиз унга кулиб қарасангиз, у “Мен унга ёқаман” деб ўйлайди. Аммо мазкур одам ёмон кайфиятда бўлса-ю, сиз ҳаддан зиёд унга кулиб қарасангиз, у “Мени мазах қиляпти, устимдан куляпти” деб фикр қилади.

- Қўлларини чўнтагига солиб олган йигит, атрофдагиларга ўз мустақиллигини намоён қилмоқчи бўлади, аслида у ўзини ноқулай хис қилгани учун ва ўз комплексларини (уялётгани, хавотири, ҳаяжонини) яширмоқчи бўлиб, чўнтакдан фойдаланади(3-илова).

Ўз курсдошларингиз ва дўстларингиз ҳатти-ҳаракатларини юқоридаги тамойиллар асосида баҳолашни бошлашдан аввал, бу мисоллар ҳар доим ҳам вазиятга монанд бўла олмаглигини назарда тутинг. Масалан, агар кимдир қўлларини кўкрагида кесиштириб турган бўлса, балки у аслида совуқ қотгандир. Агар кимдир суҳбатдан олдин бир баклажка коко-колани ичиб олган бўлса, балки шу сабаб жойида тинч ўтира олмаётгандир. Агар кимдир сизга тана забони усулидан қандай хабар жўнатаётганлигига шубҳангиз бўлса, у билан оддий суҳбатда муносабатларингизни аниқлаштириб олинг. Ўқитувчининг ташқи кўриниши педагогик техникасини намоён этувчи муҳим хусусиятларидан бири экан, ҳар қандай инсоннинг ташқи кўриниши атрофдагиларга эстетик маъно ва завқ касб этиб, доимий эътиборда бўлишини унутмаслик керак. Ўқитувчининг ташқи кўринишини асосан намоён этувчи муҳим хусусиятлари унинг чеҳрасидаги меҳрибонлик, жиддийлик, юришида босиқлик,

табийликдир. Ўқитувчи синфга кириши билан сўзсиз ўқувчилар эътиборида бўлади, улар билан мулоқотга киришади.

Синф сахнасида бажарилаётган унинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳатти-ҳаракатлари ўқувчиларга таъсир ўтказа бошлайди. Айниқса, ёш ўқитувчилар илк бор дарсга киришларидан олдин ҳис-ҳаяжонини, қўрқувини енгишлари, ўзларини эркин тутишлари, биринчи дарс пайтида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай муваффақиятсизликдан ўзларини йўқотмасликлари лозим.

Ўқитувчининг ташқи кўринишида, тана забонида педагогик техникаси тизимидаги мимик, пантомимик ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатини бевосита намоён этиш учун мимик ва пантомимик ифодаси, ўқитувчининг имо-ишорасида, маъноли қарашларида, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассумида намоён бўлади ва улар ўқитувчи-тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишида, машғулотларни самарали ва мазмунли ўтишида пухта замин тайёрлаб беради.

**МИМИКА** – бу ўз фикрларини, кайфиятини, ҳолатини, ҳиссиётини қош, кўз ва чеҳра мускулларининг ҳаракати билан баён қилиш санъатидир. Баъзан ўқитувчи чеҳрасининг ва нигоҳининг ифодаси ўқувчиларга катта таъсир кўрсатади. Мимик ҳаракатлар, ифодалар маълумотларнинг ҳиссий аҳамиятини кучайтириб, уларни чуқур ўзлаштириш имкониятини беради (3-расм).



**3-расм.**

Ўқувчилар ўқитувчининг муомаласи ва ҳатти-ҳаракатига қараб кайфиятини, муносабатини тезда «уқиб» оладилар. Шунинг учун оиладаги баъзи нохушликлар, ҳиссиётга берилиш, ғам ва ташвишнинг ўқитувчи чеҳрасида ва мимик белгиларида ифодаланиши мумкин эмас. Чунки ушбу нохушликлар ўқитувчининг педагогик фаолиятига дарс машғулотларини мукамал бажаришида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ўқитувчининг чеҳрасида,

мимик белгиларида фақат дарс машғулотларига хос бўлган, ўқувчиларга таълим ва тарбиявий топшириқларни ечишга ёрдам бера оладиган кўринишларни ифодалаш лозим.

Ўқитувчининг чеҳрасидаги ифода, нутқи, ўқувчилар билан ўзаро муносабати унинг индивидуал характериға мос бўлиши керак. Ўқитувчи чеҳра кўринишидаги мимик ифода, таълим-тарбия қонуниятларига мос ишонч, маъқуллаш, таъқиқлаш, норозилик, қувонч, фахрланиш, қизиқувчанлик, бекфарқлик, иккиланиш каби хусусиятларни ифодалаш мумкин. Бунда овоздаги турли ўзгаришлар, нутқнинг тушунарли баён этилиши муҳим аҳамиятга эга. Мимик ифоданинг асосий белгиларини намойиш этишда қош, кўз, чеҳра кўриниши иштирок этади.

Қош, кўз, чеҳра ўқувчилар жавобидан қониқиш, хурсанд бўлиш, фахрланиш ёки эътироф, норозилик, қониқмаслик, хафа бўлиш ва бошқа белгиларни ифодалаш билан бирга, ўқувчилар диққатини бўлмасдан, бошқаларга халақит бермасдан, таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришга ҳам ёрдам беради. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтиш жоизки, мимик ифодалар ўқитувчининг характерини, ички дунёсини, маънавиятини, педагогик фаолиятининг индивидуал хусусиятларини бекаму кўст намойиш этади. Ўқитувчининг мимикаси ифодаланган нигоҳи ўқувчиларга ёки айрим ўқувчига қаратилган бўлади. Доскага, эшикка, деразага, кўргазмали қуроолларга ёки деворга нигоҳ ташлаб мимик ифодаларни намойиш қилиш асло мумкин эмас.

ПАНТОМИМИКА – бу ўқитувчининг гавдаси, қўл, оёқ ҳаракатини тартибга солувчи услубдир. Ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий фаолиятида ўқувчилар билан мулоқоти муҳим аҳамият касб этиши барчага маълум. Бироқ ўқувчилар билан мулоқотда ўқитувчининг пантомимикаси, яъни, гавда, қўл, оёқ ҳаракати тўғри ифодаланмаса, таълим-тарбияга асосланган мулоқот натижа бермаслиги мумкин. Ўқитувчи ўз гавдаси, қўли, оёқ ҳаракатларининг ҳолати орқали ҳар қандай педагогик маълумотларнинг образини “чиза” олса, ўқувчилар бундан завқланидилар, улар ички ҳис-туйғулари, ташқи ҳиссиётлари билан қўшилиб бутун онгини ўқув

материаллари мазмунини ўзлаштиришга қаратадилар. Пантомимика гавдани рост тутиб юра билиш, қўл ва оёқ ҳаракатларининг бир-бирига мослиги, фикрларини аниқ ва тўлиқ баён қилиб қўлини, бошини турли ҳаракатларда ифодалаш ўқитувчининг ўз билимига, кучига ишончини билдиради. Шунинг учун ўқитувчининг ўқувчилар олдида ўзини тута билиш ҳолатини тарбиялаши лозим (4-илова. 1-расм.). (оёқлари 12-15 см. кенгликда, бир оёқ сал олдинга сурилган ҳолда туриш). Ўқитувчининг юриши, қўл ва оёқ орқали имо-ишоралари ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлиши керак. Масалан: аудиторияда орқага олдинга тез-тез юриш, қўллари билан турли имо-ишоралар қилиш(4-илова. 2-расм.), бошини ҳар томонга ташлаш ва ҳоказо. Бундай ҳолатлар дарс давомида ўқувчиларнинг эътиборини бўлиб, ғашини келтиради ва ўрганилаётган фанга, ўқитувчига нисбатан ҳурматсизлик кайфиятини уйғотади.

*Ўқитувчи машғулот ўтиш жараёнида фақат олдинга юриши тавсия қилинади. У ёндан, бу ёнга юриш талабалар фикрини бўлади. Олд томонга юраётганида ўқитувчи муҳим воқеаларни баён қилиши мумкин, чунки бунда талабалар ўқитувчини бутун диққатлари билан эшитаётган бўладилар.<sup>6</sup>*

Ўқитувчининг пантомимик ҳаракатлари тизимида ўз ҳиссий ҳолатини бошқара олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида қизгин кузатув остида бўлади. Унинг кайфиятидаги ўзгаришлар пантомимик ҳаракатларида намоён бўлади. Шу туфайли ўқувчиларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиш жараёнида (дарсда, дарсдан ташқари машғулотлар пайтида, тарбиявий ишлар жараёнида) ўз ҳиссиётини бошқара олиши, жиддий бўлиши, умидбахшлик, хайрихоҳлик кайфиятида бўла олиш қобилиятларига эга бўлиши зарур. Пантомимик ҳаракатлар тизими ўқитувчига бирданига пайдо бўладиган кўникма эмас. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, илк педагогик фаолияти даврида камчиликларини тезда топиб бартараф эта олиши даркор. Чунки, йиллар давомида ўқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракатига мослашиб уни одат қилиб олиши мумкин. Мукамал пантомимик

<sup>6</sup>Холтқов А. Педагогик маҳорат. –Т. ИҚТИСОД-МОЎЛИЯ, 2011 -163-164 бетлар

малакаларга эга бўлган ўқитувчи ўз-ўзини назорат қила олади, кўп йиллик фаолияти давомида соғлом асаб тизимини ўзида тарбиялаб асабийлашишдан, ҳиссий ва ақлий зўриқишлардан ўзини сақлай олади. *Пантомимик ҳаракатларда ўз ҳиссий ҳолатини назорат қилишда ўқитувчи қуйидаги фаолиятларга жиддий эътибор бериши мақсадга мувофиқдир:*

- спорт билан мунтазам шуғулланиб бориш;
- ёшлар психологиясига оид билимларни доимий ўрганиб бориши;

- ўқувчиларга нисбатан хайрихоҳлик ва оптимизмга эга бўлиши;
- ўз ҳаракатини назорат қилиши (мускул зўриқишини, қўл, оёқ ва бош

ҳаракатини, нутқ темпини бир маромда сақлашда нафас олишини

тартибга солиш);

- маданий ҳордиқни тўғри уюштириши (дам олиши, ўз соғлигига доимий

эътибор, лирика, мусиқа, юмористик ҳажвияларни севиб ўқий олиш);

- ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиб, таъсир кўрсатиш.

Ўқитиш самарадорлигини ошириш ва ижобий тарбиявий таъсир кўрсатиш учун ўқитувчининг ҳаракатларида актёрлик ва режиссёрлик малакалари ҳам мужассамлашган бўлиши лозим. Хусусан, гуманитар фанлар ўқитувчилари актёрлик қобилиятига эга бўлишлари лозим. Маълум мавзулар, образлар, тарихий қаҳрамонлар ҳақида сўзлаганда актёрлик, режиссёрлик малакалари зарур. Улар ўқитувчига ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишда, мавзу қаҳрамонларига нисбатан ҳиссий-қадриятли муносабатда бўлиш тажрибасини ўзлаштиришига ёрдамлашади.

Педагогик техника малакалари ўқитувчининг махсус фанлар бўйича билимларни эгаллаш, педагогик маҳоратини такомиллаштиришга интилиш, ўз касбига қизиқиш, бурч ҳамда масъулиятни ҳис қилиш асосида оширилади. Улар ёшларни ўқитиш,

тарбиялаш, ташкил қилиш, тарғибот қилиш, мустақил билим олиш ишларига ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, ўқитувчининг ташқи кўринишида нутқ техникаси, ҳис-туйғуларини бошқара олиш, мимик ва пантомимик малакалар бир қолипда мукамал олиб борилганда кўзланган мақсадга албатта эришилади. Бунда сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишоралар, кутилмаган педагогик вазиятларда уддабуронлик, осойишталик билан зиддиятдан чиқиш, воқеликни олдиндан кўра олиш ва адолатли таҳлил қилишга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Бу хусусиятлар ўқитувчининг шахсий, индивидуал психик, физиологик фазилатлари асосида таркиб топади. Пантомимик ҳаракатларни бошқаришда ҳам ўқитувчининг индивидуал педагогиктехникаси, ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сиҳат-саломатлиги ва анатомик-физиологик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчи аввало тарбиячи сифатида ўзида юқоридаги малакаларни шакллантириши, уларнинг мазмунини чуқур ўзлаштириб, педагогик техникани эгаллашнинг имкониятларидан фойдаланиши керак. Шунда у ўқитувчини педагогик маҳорат сари етаклайди. Шундай қилиб, ўқитувчининг ташқи кўриниши ҳам педагогик техниканинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб – тарбияланувчиларга кўриб, эшитиб турган нарсаларини эркин фикрлаш орқали, ўз мулоҳазаларини мустақил, чўчимасдан ўқитувчига етказиш имкониятини беради. *“Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ ёки жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши болаларни тарбияласин”* – деб ёзган эди машҳур педагог А.С. Макаренко.

#### **2.4. Конфликтогенлар ҳақида маълумот**

Инсон илк болалик давриданок турли низолар ва зиддиятлар билан ўзи хоҳламаган тарзда тўқнаш келади. Агар ўзимизнинг болалигимизни эсга олсак, оддий нарсалар устида жуда қаттиқ

қайгурганимиз, ўз ҳис-туйғуларимизга берилиб кетиб, манфаатларимиз ҳимояси учун курашга кирганимизни англаймиз. Масалан, уришиб қолган болани ўзимизнинг кўчадан ўтишга қўймаганимиз, бизга велосипедни бермаган болани масхара қилишга уринганимиз, кейинроқ эса сизнинг янги кийган чиройли қўйлагингиз бошқа қизларнинг хавасини келтиргани, улар сизни қутлаш ўрнига “намун-ча ўзингга зеб берибсан?!” деб пичинг қилгани, акангиз дарс қилаётганида атайлаб кассетани баянд овозда қўйиб қўйганингиз, ёки ўзингиз яхши кўрган ўйинчоқларингизни меҳмон боладан яширганингиз мана шундай оддий конфликтли вазиятлардир. Буларнинг барчаси кундалик турмушда учраб турадиган одатдаги низо ва келишмовчиликлар ҳисобланади. Айтмоқчимизки, илк болаликданок, биз ўз мақсадларимизга етишиш учун бошқалар манфаатлари билан тўқнашамиз. Аммо улғайганимиз сари икки хил ҳодиса юз беради.

**Биринчидан**, болалигимизда бизга катта таъсир ўтказган келишмовчиликлар улғайганимиз сари бизга эътиборсиз, кичик, жиддий бўлмаган ҳодисаларга, баъзан эса кулгили ҳолатларга айланади. Кўнглимизда, нима учун шунчалик куйинган эканман, деб ўйлаймиз. Шу оддий бир нарса менга шунчалик таъсир қилган эканда, деб хулоса қиламиз. Табиий равишда, катта бўлганимизда ёшлигимизда уришган болани кўчамиздан ўтказмаслик, ёки меҳмондан бирор нарсани яшириш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Болалик давримизда ҳаммамиз ҳам жуда оддий нарсалар учун курашганмиз. Аммо ҳозир ҳеч қайси биримиз меҳмон боладан ўз ўйинчоқларимизни, ўйинчоқлар бизга қанчалик қадрли бўлмасин, яшириб қўймаймиз. Яъни, биз улғайган сари конфликтларга ақли расолик ва сиполик, соғлом фикрлилик асосида ёндошамиз. Шубҳа йўқки, улғайган инсонлар яъни катталар конфликтларга кичикларга нисбатан бошқачароқ ёндошишади.

**Иккинчи** томондан эса, улғайганимиз сари, бизнинг ҳаётимиздаги келишмовчилик, низо ва зиддиятлар ҳам ўсиб, улғайиб, каттароқ мазмун ва моҳият касб эта бошлайди. Масалан, талабалар ўртасида кўп учраб турадиган ҳолатлардан бир мисол: бир йигит бир қизни ёктириб қолди. Аммо у йигитга эмас, йигитнинг дўстига



эйтибор қаратди. Йигитни “Нима қилиш керак?” деган савол қийнайди. Ўша бола билан бир “чеккага” чиқиб, алоҳида гаплашиб олиш лозимлиги ҳақида ўйлайди. Аммо мана шу ният тўғримикин, йигит буни билмайди. Йигит ўз эмоцияларига бўйсунушга мажбур бўлади. Эмоциялар эса йигитни қасд олишга, бахти чопган болани бир “ўқитиб” қўйишга, орани “ўғил-болачасига” очиқ қилиб олишга чақиради. Аммо 17-18 ёшимиздаги бу ҳис-туйғулар - 40-50 ёшли одамга жиззакилик, ҳовлиқмалик, ўйламасдан иш тутиш бўлиб кўриниши аниқ. Чунки, 40-50 ёшли инсон кўнгил иши қийин эканлигини, аслида қизни бировни танлашга мажбурлаб бўлмаслигини, бу унинг шахсий ҳуқуқи эканлигини, шу билан бирга, қиз кўнглини ўзи томон оғдириб олиш зўравонлик, куч ишлатиш, зўрлик қилиш орқали эмас, балки бошқа, қизнинг кўнглини оладиган ишлар орқали амалийроқ бўлишини билишади. Шу боис, 40-50 ёшли одам ўзи ёқтирган инсонга нисбатан меҳрлироқ бўлиш, ўзининг ва унинг манфаатларини муҳофаза қилиш йўлидан боради. Ўзи ёқтириб қолган қиз боланинг аслида бошқа ўзи ёқтирган йигити борлигини кўриб, бу йигитни дўшпослаш орқали масала ҳал бўлмаслигини билади ва англайди. Чунки гап йигитда эмас, балки қиз боланинг кўнглида.

Демак, ёш ўтган сари конфликтларнинг мазмуни ҳам, уларга бўлган муносабат ҳам ўзгариб боради. Конфликтлар мураккаблашиб боради, шунга яраша одамларнинг ҳаёт тажрибаси ҳам босиқлик, мулоҳазакорлик, жиддийлик томон ўзгариб боради. Чунки инсон улғайган сари ўз ҳис-туйғуларини жиловлашга, уларни маълум тартибга солишга, уларни бошқаришга ўрганади. Ўз эмоцияларини бошқариш эса зиддиятли вазиятларда низоларнинг кучайиб кетмаслиги, уларнинг чуқурлашмаслиги, конфликтларнинг тўғри ечимлари топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳаётда шундай конфликтли вазиятлар бўладики, оддий нарса баҳона бўлиб, оилалар бузилиб кетади, одамлар бир-бирини ўлдириб қўяди, бировнинг жонига қасд қилинади. Кейинчалик умр бўйи нима учун мана шундай амалларни қилганини улар тушунтириб бера олмайди. Бундай воқеаларни ОАВ (оммавий ахборот воситалари)



орқали жуда кўп кузатса бўлади. Масалан, телевизорда қайси кўрсатувни кўришга келиша олмаган ўғай она ва ўғил баҳси оқибатида, маст бўлган ўғил ўғай онасини ўлдирган. Полициядаги тергов жараёнида ўғил қайси кўрсатувни кўришни истаганини эслай олмайди. Ёки, қурилишда ишлайдиган икки дўст орасида баҳс келиб чиқади. Бир иккинчисини ҳақоратлаб, буралаб сўқади. Бунга чидай олмаган одам уни итариб юборади. Дўсти боши билан бетонга тушади ва ўлади. Яна бир ҳаётий воқеа, қўшнилар орасида жанжал келиб чиқади. Жанжаллашаётган қўшнилар ёнидан ўтиб кетаётган умуман уларга нотаниш одам, отилган ўқдан нобуд бўлади. Қўшнилардан бири қотиллик учун қамокқа ҳукм қилинади. Ёш оила, яъни янги турмуш қурган эру-хотин кўчада кетаётган бўлади. Бир нотаниш йигит уларга кулиб қарайди. Эр “Нимага сенга қараяпти?”- деб жаҳли чиқади. Уйга келганда айби бўлмаган хотинини уриб, дўппослайди. Шу билан, кўчада хотинига қараган одамни жазолагандай бўлади, аммо хотини кўнглида уриш-дўппослашдан сўнг меҳр қолдими, бу масала билан қизикмайди. Бу воқеалар оддий ҳаётдан олинган.

Демак, конфликтлар ҳаётимизнинг ҳар бир босқичида келиб чиқиши мумкин бўлиб, инсон улардан ўзини ҳимоя қилишга доим тайёр туриши керак. Чунки конфликтлар қўққисдан, одам уларни батамом кутмаган вақтда, конфликт келиб чиқишининг умуман иложиси бўлмаган ҳолларда ҳам вужудга келиши ва инсон ҳаёти ва тинчлигини бузиши мумкин.

Конфликтлар катталар ҳаётида анча кенг учраб турадиган ҳодиса ҳисобланади. Чунки катталар жуда кенг равишда турли мулоқотларга киришади. Масалан, раҳбар органларда ишлаган одамлар ҳаётида улар фаолиятининг 70-80 % турли очиқ-ойдин ёки яширин зиддиятлар шароитида ўтади, уларнинг инобатга олинмаслиги, уларга безъятиборлилик эса конфликтларнинг чуқурлашиб кетишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун, конфликтларнинг келиб чиқиш қонуниятлари қандай вужудга келган конфликтнинг илдизлари ва сабабларини таҳлил қилиш йўллари нималардан иборат деган масалалар

долзарблик касб этади. Конфликтларнинг келиб чиқиш қонуниятларини ўрганиш уларни илк вужудга келиш жараёнидаёқ билиб олиш ва олдини олиш чораларини кўриш имкониятини яратади. Конфликтнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қила олиш эса, вужудга келган конфликтнинг тўғри ечимини топишга қўл келади.

Таҳлилларга кўра, қарийиб 80 % конфликт иштирокчиларининг можарога мойиллиги аниқланган. Бу одамлардаги ўзига хос психик тушунча бўлиб, конфликтни келиб чиқишида *конфликттогенлар* муҳим роль ўйнайди. *Конфликттоген* – конфликтга бўлган лаёқатни англатади, яъни зиддиятга мойилликдир. Конфликттогеннинг мазмуни шуки, биз ўзимиз гапирётган гапга у қадар эътибор қаратмаймиз, аммо бошқа гапларга шу қадар эътибор берамизки, унга жиддийроқ тус беришга ҳаракат қиламиз.

Инсонни шахсий психологияси шундайки, у ташқи нохуш психологик таъсирга нисбатан ихтиёрсиз, ўзи билмаган ҳолда ҳимояга киришади. Конфликтнинг дастлабки босқичида бу ҳиссиёт инсоннинг истак ва майлига бўйсинмаган ҳолда ихтиёрсиз равишда ишга тушади. Конфликтга киришиш даврида ўз-ўзини ҳимоя қилиш натижасида конфликттогенлар эскалацияси, яъни конфликтни кенг қамровга ёйилиши кузатилади. Конфликтни келиб чиқиш сабабларини билмаслик ва уни ҳал этишга киришмаслик оқибатида, уни қамрови кенгайиб боради ва бунда “зўр ҳимоя – бу хужум» деган психологик ақида устуворлик қилади. Натижада:

Конфликт жавоб-жавоб, конфликттоген-конфликттоген “конфликттоген схемаси” вужудга келади.

Бу схема конфликтни келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб, инсонлардаги “Мен”нинг устунлиги асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Конфликттогенларни мазмун-моҳиятига кўра куйидаги шакллардан бирига киритишимиз мумкин:

1. Барчадан устун бўлишга интилиш.
2. Тажовузкорликни намоён қилиш.
3. Худбинликни (эгоизм) намоён қилиш.

Барчадан устун бўлишга интилишда инсонда: кўнгилчан бўлиш; манманлик қилиш; ўзига юқори баҳо бериш; ишониш; мажбурлаш; суҳбатдошини яқсон қилмоқ; хабарларни яшириш; этикани кўпол равишда бузиш; тегажоглиқ; ёлғон гапириш каби ҳислатлари намоён бўлади.

Тажовузкор (агрессив) лотинча сўз бўлиб, ҳужум маъносини англатади. Тажовузкор одамлар табиатан камчиликни ташиқил этади. Шунга кўра тажовузкорликни намоён бўлишида қуйидаги шакллар муҳим ўрин тутати:

- Кучли тажовузкор одам ўзининг ички муаммоларини атрофидаги одамлар ҳисобига ҳал этишга интилади.

- Кучли тажовузга эга бўлмаган одамлар эса бошқаларга тажовуз ўтказишга ҳаракат қилишдан олдин уни натижасини ўйлаб кўрадилар ва айрим ҳолларда таваккал қилиб кўрадилар.

- Конфликт давридаги тажовузкорлик кайфият ва ҳиссиёт билан боғлиқ бўлиб қутилмаган паллада намоён бўлади ва мавжуд конфликтотенга қарши жавоб тариқасида вужудга келади.

Мана шундай ҳолатлар кўпчиликни ўйлантириши табиий. Ҳар бир инсон конфликтлар билан тўқнаш келиши аниқ бўлганлиги сабабли конфликтлар ҳақида кенг билимларни тарбиялаш ва шакллантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Шу боис конфликтлар тўғрисида ҳам назарий билимлар, ҳам амалий кўникмаларга эга бўлиш ҳозирги замонда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳамда жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлишида зарур эҳтиёжлардан бўлиб, ана шундай билимларни тарғиб этиш давримизнинг долзарб вазифаларидандир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, 80% конфликтлар уларнинг иштирокчилари ҳошиш ва иродасига қарама-қарши ўлароқ, улар истагига қарши равишда вужудга келади. Яъни, камдан-кам ҳолларда конфликт атайлаб тайёрланиб, амалга оширилади. Аммо нима учун, биз конфликтни атайлаб тайёрламаган бўлсак ҳам, улар юзага келади?

Чунки бизнинг психикамиз ва психологиямиз ўзимизга қаратилган агрессияга қарши агрессия билан жавоб қайтаришга,

зиддиятда энг аввало ўзини ҳимоя қилишга, кези келганда, ўзини муҳофазалаш учун, хужум қилишга табиатан кодировка қилинган бўлади, мана шундай ўзини тутишга биз табиатан маълум даражада ўргатилган, тайинланганмиз.

Агар инсон конфликтнинг илк қадамлариданок, “мана, конфликтнинг биринчи хусусиятлари бошланди, улар нима оқибатларга олиб келиши мумкин, кел, улардан ақл билан ўзимни омон сақлаб қола қолай”, деса, демак, у конфликт вазиятларга тўғри муносабат билдирган бўлади. Чунки, зиддиятни бошлаётган одамнинг бир, икки дақиқадан сўнг эмоционал-психологик кайфияти умуман ўзгариши мумкин, бошқа эмоционал-психологик кайфиятда у ўзини батамом бошқача тутиши мумкин. Шу боис, кўпчилик оилаларда, эрининг қўли енгиллигини билган хотинлар эрининг жаҳли чиқса, ҳеч бўлмаганда кўшнанинг уйига чиқиб, жон сақлайди. Чунки, бир-икки соатдан кейин, эри ўзига келганида, балки у ўз хотинини урганлигига ичида ачинар...

Конфликтли вазиятларнинг келиб чиқишида биз билишимиз зарур бўлган нарса шуки, конфликтларнинг келиб чиқишида “конфликтоген”лар жуда муҳим роль ўйнайди. Конфликтоген – конфликтга имкон берувчи, конфликт учун шароит яратувчи сифатида таржима қилинади.

**Конфликтга олиб келиши мумкин бўлган сўзлар, амаллар ёки ҳаракатлар конфликтоген деб аталади.**

Бу таърифда муҳим бўлган сўзлардан бири “мумкин бўлган”дир. Чунки у конфликтогенларнинг ҳавфини, уларнинг ички таҳдидини тўғри белгилаб беради. Конфликтга олиб келиши аниқ бўлмаган, яъни конфликтга олиб келиши “мумкин бўлган” нарсалар зиддиятга нисбатан уйғоқлигиз ва сезгирлигингиз, огоҳлигингизни тинчлантириб, сизни алдаб қўйиши мумкин. Танишингизга нисбатан ҳар доим салом-алиқни қуюқ қилсангиз-у, бир марта ўз ишларингиз билан ўйланиб, унга ҳар доимдагидек эътибор қаратмасдан, оддий “Салом?” деб ўтиб кетсангиз, у сиздан қаттиқ хафа бўлиб қолиши мумкин. “Ўзини катта тутяпти, беҳурматлик қилди, нима мен унинг арпасини хом ўрдим-ми?! Салом бермаса ўзига?! Жа, катта ишга

Ўтдим деб, димоғи кўтарилиб кетибди-ми?...” Орада ноқулай аҳвол кузатилади. Кейинги гал у сиз билан совуқ, расмий муомала қилади. Энди сиз ўйланасиз. “Нима бўлди бунга?! Нимага ўзини бундай тутяпти?! Худди мен билан уришиб колгандай.. Уни ҳафа қилмовдим, шекилли...”

**Конфликтогенларнинг айёрлиги** шундаки, биз ўзимизнинг сўзларимиз ва амалларимизга эмас, балки бизга айтилган бошқа одамларнинг сўзлари ва амалларига кўпроқ эътиборлироқмиз. Бошқа одамларнинг сўзларидаги интонация, мимика ва маъно бизга унинг бизга нисбатан муносабати ҳақидаги ахборот, яъни маълум информацияни билдиради ва беради. Аммо ўзимиз бировларга сўз айтганимизда, ҳар доим ҳам, сўзлар маъноси нимани англатмоқда, бизнинг мимикамиз, овозимиз, қўл ҳаракатларимиз, интонациямиз яна қандай қўшимча ахборотни бировларга узатаётганлигига эътибор билан қарамаймиз. Кўпчилик ҳолларда бу нарса интуитив тарзда кечади.

Демак, биз бошқалардан келаётган информацияни диққат билан филтрлаймиз, ўзимиз жўнатаётган информацияни эса – филтрламасдан, тўғри жўнатамиз. Шу нуқтаи назардан, ҳаммамиз ўзгалардан келаётган ахборотга эмоционал ёндошамиз, ўзимиздан кетаётган информацияни эса кўпроқ шундайлигича, яъни борича жўнатамиз. Баъзан хотин-қизлар ҳақида “Аёллар ўзи айтган гапларга диққат қилмайди, аммо ўзи ҳақида бошқалар айтган сўзларни диққат билан эшитади”, дейилади. Аммо аслида биз ҳаммамиз шундай қиламиз. Бу ҳолат, ўз манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган интуитив ҳимоянинг натижаси ҳисобланади. Аммо бировларнинг манфаатларини ҳам муҳофаза қилиш, ёки ҳурматлаш лозимлиги ҳаёлимизга ҳам келмайди. Демак, конфликт вазият - биз жўнатаётган ва қабул қилаётган ахборотлар орасидаги хиссий-эмоционал ҳамда психологик мувозанат бузилганда юзага келади. Ана шундай ҳаётда учраб турадиган конфликтоген вазиятлар чуқур зиддиятларнинг келиб чиқишини таъминлаши мумкин.

**Конфликтогенлар кўпайиб**, улар мажмуага айланганда, конфликт туғилади. Конфликтогенлар эскалацияси қонуний равишда

конфликтга олиб келади. Бизга келаётган ахборотлар конфликтогенлар билан тўлган бўлса, биз унга табиий равишда ўзимиздаги конфликтогенлар билан жавоб берамиз. Талабалар ўртасида турмуш қурган янги келинлар бўлганлиги сабабли, келинлар ҳаётидан бир мисол: фараз қилинг, оила. Қайнона ва келин. Келин янги тушган. Ҳали оиланинг тартибларини яхши ўзлаштирамаган ҳамда овқат пиширишни билмайди. Бу борада қайнона эринмай ҳаммага ахборот бериб ўтади. Келинининг уздабурон эмаслигидан мунтазам нолийди. Келин ўзича эзилади, яхши келин бўлишга астойдил ҳаракат қилади, аммо унда тажриба йўқ. Келин қайнонага ўзининг аҳволи ҳақида гапиришдан кўрқади. “Улар мени тушунмайди, ўзим айбдорман”, деб ўйлайди. Аста-секин турли қочирим гаплардан зериккан куёв ҳам келинни овқат пишира олмасликда айблай бошлайди. Аслида келин овқат пиширишни билмаса ҳам, яхши инсон бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг ақлига келмайди. Келин – овқат пишириши шарт! Вассалом. Мазкур ахборот, яъни келиннинг қўли ширин эмаслиги атрофдагилар онгига сингиб боради. Келин эса овқат пиширишни астойдил ўргана бошлайди. Шу боис, келин анча яхши овқат пишира бошлаганини улар сезишмайди. Келин эса янги оиладаги яқин қариндошлардан ўзига нисбатан яхши муомала кутади. Бироқ, унинг аста яхши пазанда бўлиб қолганини ҳеч ким келинга айтмайди ва билдирмайди. Унинг пешонасига умрбод “овқат пиширишни билмаган келин” муҳри босилиб бўлинган ва уни ўчиришнинг иложиси йўқ.

Келиннинг кўнглида қайнонанинг мунтазам айблари асосида **конфликтогенлар** ҳаддан зиёд ортади, улар йиғила бошлайди. Изза бўлган келин қалби ҳар қандай ахборотларни **пассив** ва **салбий** тарзда қабул қилишга қўниқиб боради. Қайнона кунларнинг бирида, яна бир марта, қайнотаси, қариндошлар ва келиннинг ўзи олдида, унинг айблари ҳақида гап бошлаганда, қайнона **конфликтогенлари** келин **конфликтогенлари** билан тўқнашиб, келин қалбида **эмоционал** портлаш юз беради. Мазкур **эмоционал** портлаш ҳаммани довдиратиб қўяди. Ким айбдор, ким ҳақлигига ўрганган одамлар дарров ўзини оқлашга ўтишади. Бир томонда куёв - ўз хотини ва ўз онаси ўртасида

кимнинг ёнини олишни билмайди. Қайнота, келиндан кўра, ўз хотинига кўпроқ ишонади. Ҳар ҳолда келиннинг қўли ширин эмаслиги аён. Натижада, оила ҳаётига “режали равишда киритилаётган, тарбияланаётган ва ўстирилаётган” жанжал - конфликтогенларнинг ҳаддан зиёд ортиши оқибатида кутилмаган ҳолда кириб келади. Аслида мазкур ҳолатда оилавий жанжални “кутилмаган” дейиш ноўрин, чунки адолатсизлик адолат ўрнатилишини талаб этади. Ҳаддан зиёд ерга урилган инсон ўз ҳаққи ва ҳуқуқлари учун кураша бошлайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг барчасини умумлаштирган нарса шундаки, инсонлараро конфликтогенларнинг тўқнашуви конфликтга олиб келишидир. Агар сиз ҳаётингизда рўй берган бирор конфликтни мана шундай тарзда таҳлил қилсангиз умумий сценарий ўхшаш бўлганлигига иқрор бўласиз.

Юқоридаги оилавий муожаронинг хусусияти шундаки, унда на қайнона, на келин, на бошқалар мана шу ҳолат жуда қаттиқ зиддиятга олиб келишини тушунмаганлар, ёки билмаганлар. Қайнона “Келинни тарбиялаяпман” деб ўйлаган, келин “Мен роса ҳаракат қиляпман” деб ўйлаган. Уларнинг иккаласи ҳам, биз оиламизда атайлаб жанжал кўтарамиз, - деб ҳаракат қилмаган. Юқоридаги вазиятда қайнонанинг ҳам, ёки келиннинг ҳам ўз оиласида конфликт чиққанидан хурсанд бўлган деб ҳам бўлмайди. Улар буни истамаган эди, аммо жанжал бўлди. Мазкур вазиятнинг давом этиши оилавий жанжал билан тугаши табиий эди.

Конфликтогенлар таҳдидига учраган одам, одатда, ўзининг психологик ва эмоционал ҳолатини ҳимоя қилишга ўтади. Шу боис, у конфликтогенга нисбатан ўзидаги эмоционал таҳдид билан муносабат билдиради. Мазкур эмоционал таҳдид кўпчилик ҳолларда овоз, мимика, интонациядаги агрессия билан ифода қилинади. Агрессияга доим ўзига яраша агрессия билан жавоб қайтарилади. Аммо ўзига қаратилган агрессияни босиб кетиш учун жавобий агрессия янада кучлироқ бўлади. Чунки одам “буни адабини бериб қўймасам, шундай бўлаверади”, - деб ўйлайди. Натижада ҳар икки томонда



конфликттогенлар миқдори кескин орта боради. Инсон эмоционал ва психологик ҳолати унга қарата йўналтирилган ҳақорат, пичинг, кесатик, сўқиш, нафсониятга тегиш, зўравонлик, ўз фикрини ўтказишга интилиш, тазийқ кабиларга, доимий рўй берадиган адолатсизликка бундан ўзгача муносабат билдира олмайди.

Инсонлар орасидаги турли муносабатларни тартибга солиш учун ҳар бир миллатда этик ва эстетик қадриятлар шакллантирилади. Шу боис, одамлар миллий ахлоқий қадриятлар ва нормалар асосида тарбия қилинади.

Бизга энг кичик пайтимизданоқ бировни бекордан бекорга ҳафа қилмаслик, унинг нафсониятига тегмаслик, сўкмасликни ўргатишади. Аммо ҳамма ҳам ана шу нормаларга риоя қилмайди. Энг қийин бўлган нарсалардан бири, ўзингни жуда қаттиқ ҳафа қилган одамни кечириш ҳисобланади. Айб қилган одамни кечириш лозимлиги ҳамма динларда уқтирилади. Христиан динида “сенинг бир юзингга урган одамга, иккинчи юзинги тут”, деб айгилади. Ислом динида муқаддас байрамларда душманлар бир-бирларининг гуноҳларидан ўтиши лозимлиги тайинланади. Аммо реал ҳаётда бировнинг айбидан кечган одамлар жуда кам топилади. Шу боис, ўзбек халқи “кечиримли бўлиш марднинг иши” дейди. Ўзини муҳофаза қилиш инсондаги табиий ва энг кучли инстинктлардан ҳисобланади. Шу сабабли одамлар заррача бўлса ҳам ўзига зарар бўлмасликка уринади.

*Конфликттогенлар эскалацияси юзага келмаслиги учун:*

- конфликттогенларнинг ўзингиз ва атрофдагилар юрагида йиғилишига йўл қўймаслик;
- конфликттогенлар вужудга кела бошлаганда эса, улардан ўз фикри ва онгини озод қилиш йўлларини қидириш;
- ўзимизда вужудга келиши мумкин бўлган конфликттогенлар бошқалар кўнглида ҳам юзага келиши мумкинлигини назарга олишимиз даркор.

**Мана шу натижаларга эришишда конфликттогенларсиз муомала юритиш қоидалари қўл келади:**

1. Конфликттогенлардан фойдаланманг, уларни ўз вақтида, илдииз отиб кетмасидан йўқотишга ҳаракат қилинг.



2. Конфликтоген билан тўқнашганда унга ўзингиздаги конфликтоген билан жавоб қайтарманг.

3. Конфликтоген билан муносабат билдираётган одамга, шунингдек умуман ҳар қандай суҳбатдошингизга эмпатик (бировнинг ҳис-туйғуларини англаш асосида) муносабат билдиринг. Эмпатик муносабат ўрнатиш учун суҳбатдошингизга хуш келадиган мавзуларни танланг, унга комплиментлар кўрсатинг, кулиб гаплашинг, унинг сўзларини диққат билан эшитинг в.х.

4. Имкон қадар кўпроқ ижобий ҳис-туйғулар улашинг. Конфликтогенлар махсус гармонлар натижаси ҳисобланади. Агар ўзингизнинг кайфиятингизни яхшилик сари йўналтирсангиз, конфликтогенларни енгишга имкон туғилади. Конфликтогенлар инсонни кураш, зиддият ва низога йўналтиради. Бу эса организмда адреналиннинг кўпайишига олиб келади. Адреналин конфликтоген билан қўшилиб, ғазаб, жаҳд, агрессиянинг кучайишига сабаб бўлади. Одамнинг қаттиқ ғазабланиши кўп адреналинни келтириб чиқаради. Унинг инсон саломатлигига бўлган жуда катта салбий таъсири мавжуд. Аммо чиройли суҳбат инсон организмда “бахт гармонларини” юзага келтиради. Шундан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

*Конфликтогенларнинг кўпчилигини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:*

- ўзини устун қўйиш;
- агрессияга мойиллик;
- эгоизм.

*1. Ўзини устун қўйиш қуйидаги амалларда намоён бўлади.*

*Ўзини устун қўйишнинг очиқ қўринишлари:* буйруқ бериб гапириш, таҳдид қилиш, бировни ниқтаб туриш, салбий муносабатлар, танқид, айблаш, биров устидан кулиш, истехзо, пичинг, кесатиқ.

*Яширинган устун қўйиш ҳоллари:* ташқи кўринишдан яхши муносабат сифатида қабул қилса бўладиган устунлик. “Тинчланинг”, “Ақлли одамсиз-у, аммо...”, “Ҳайронман, нимага ҳафа бўласиз...”, “Шуни ҳам билмайсизми?!”, бу вазиятларда ташқи кўринишдан майин

оҳанг танланса ҳам, бу ҳолат конфликтоген ҳолат сифатида баҳоланади. Масалан, ўқитувчи ўқувчига “Ниҳоят дарсни бажариб келибсан-да”, - дейди. Ўқувчи ҳафа бўлади. У “Нима ҳеч қачон дарс бажариб келмаганманми?!”, - деб ўйлайди.

**Мақтанчоқлик:** ўз марралари ва ютуқлари ҳақида кўпириб гапириш, шу билан бирга ўзгалар марраларини пастга уриш, уларни “ўз ўрнига қўйиб қўйиш” истаги.

**Қатъийлик, фикр ва қарашлар кескинлиги:** ўз фикрларининг тўғрилигига ҳаддан зиёд ишониш, қарашларни билдиришдаги кескинлик, фақат ўзи тўғри сўз айта олиши мумкинлигига ишонч, бировлар фикрини ўйлаб ҳам кўрмаслик, “Бизнинг оғайнимиз гуруҳ сардори бўлганлар-да, шунинг учун ўзларини жуда ақлли деб биладилар...”, “Ҳамма нарсани биламан дейсиз-у, оддий масаланиҳал қилишга ёрдам беролмайсиз...”, “Фақат билоғонлик қиласиз, ўртоқларингиз фикрини эшита олмайсиз...”, “Сен нимани билардинг...” қабилдаги сўзларни ишлатиш.

Бу вазиятдаги конфликтогенлар “Ҳамма ўғил болалар – ростгўй”, “Ҳамма қизлар – ёлғончи”, “Ҳамма – ўғри”, “Бўлди гапингни тўхтат...”, “Э, бугунги ёшлар бузилган...”, “Э, катталар ҳеч нарсага тушунмайди...” каби кириш сўзлар билан ҳам англашилади. Масалан, ёшларни қизиқтирган мусиқа, кийим, мода, ўзини тутиш, саломлашиш кабилар катталарнинг жиғига тегиши мумкин. Бундай фикрлар очиқчасига билдирилганда, ёки уларни бола тафаккурига мажбурий киритишга уринилганда, ёшлар ўз ота-онасидан маълум ахборотларни яширишга тушади, ёки ўз одатларини ҳимоя қилиш йўлини тутлади.

**Ўз маслаҳатлари ва фикрларини мажбурий сингдириш ва қабул қилинишига ҳаракат қилиш.** Одатда, маслаҳат фақат мана шу маслаҳат сўралган тақдирдагина берилиши лозим. Аммо кўпчилик ҳолларда бирор муаммо муҳокама қилинаётган бўлса, ўзини катта тутган одам, ёки ёши улугроқ одам, албатта маслаҳат қила бошлайди. Маслаҳатни эса ё қабул қилиш, ёки уни инкор қилиш мумкин. Маслаҳат қабул қилинса, уни берган одам хурсанд бўлади, маслаҳат очиқчасига инкор этилса, уни берган одам, энг салбий муносабатда,

“Мени менсимади, гапимга кирмади” дейиши мумкин. Масалан, тажрибасиз ёш ўқитувчи ўқувчиларига авторитар услубда ёндашган ҳолда, ҳар доим ўз топшириқларини мажбурий бажаришга ва буйруғона фикрларини ўқувчиларга сингдиришга ҳаракат қилишини “тарбиялаш” хусусиятига киритади. Ёки, қайнонанинг қандай уй тутиш лозимлиги бўйича ўз келинини ниқтаб туриши ҳам “тарбиялаш” хусусиятига киритилади.

*Сухбатдош сўзларини бўлиш.* Сухбат фақат бир томоннинг эмас, балки иштирок этаётган ҳар икки томоннинг мулоқоти ҳисобланади. Аммо кўпчилик ҳолларда баъзи одамлар фақат ўз туйғуларини гапиришга эътибор қилиб, ўзга одамни эшитишга сабр-қаноат қилишмайди. Бошқа томон ҳам ўз фикрларини билдира бошласа, унинг сўзлари кескин бўлинади, “А, нима дединг...” деб эшитилмайди, ўз ҳамсуҳбатига эътиборсизлик кўрсатилади. Масалан, авторитар услубда бошқарувчи факультет декани фақат гапиради-ю, ўқитувчи ўз фикрини билдира олмайди. Ўқитувчининг ўз фикри борлиги инобатга ҳам олинмайди. Ёки авторитар услубда бошқарувчи кафедра мудири гапиради-ю, ўқитувчи ўз фикрини билдиришга уринса, “Нима, сиз менга ақл ўргатмоқчимисиз?!” қабилида агрессия билан муносабат кўрсатилади. Бу билан ўз сўзларининг бошқалар фикрларидан муҳимроқ эканлигини кўрсатиш, фақат ўзи гапиришга ҳаракат қилиш, бошқаларга сўз бермаслик орқали ўз устунлигини кўрсатмоқчи бўлади. Ўз устунлигини доимо кўрсатишга интилиш кўпинча бошқалар ҳуқуқларининг камситилиши эвазига бўлиши инобатга олинмайди.

*Информацияни яшириш.* Одамлар ҳаётида ахборот муҳим роль ўйнайди. Ахборотни яшириш кишиларда шубҳа уйғотади. Шу билан бирга, ахборотни яширган кишига нисбатан ишончсизлик вужудга келади. Оқибатда одамлар ораси ва муносабатлари бузилиши учун асос туғилади. Айрим жамоа раҳбарлари кўпроқ, жамоасидан барча учун муҳим бўлган баъзи маълумотларни яшириб, улардан жамоани беҳабар қолдириши, масалан, шататлар қисқариши, мукофатлардан ёки чет элга чиқиш учун келган командировкаларни яширишга ҳаракат қилишади.

**Бировнинг устидан кулиш.** Бировнинг устидан истехзо билан кулиш, уни масҳара қилиш агрессиянинг психологик турларидан ҳисобланади. Бировнинг устидан кулиш инсон ҳуқуқларини бузишга йўналтирилган бўлади. Одатда жавоб бера олмайдиганлар устидан кулги қилинади, ёки ана шу вазиятда конкрет ўқувчи кулгига нисбатан маълум сабабларга кўра жавоб қайтара олмайди. Инсон устидан кулиш унинг нафсониятига тегади ва узоқ вақт дилда ўрнашиб қолади. Талабаликда мазаҳ қилинган “семиз”лар, “оми”лар, “қишлоқи”лар, “турқи совуқ”лар кейинчалик ўз устидан кулган ўртоқларига қарши ҳаракат олиб боргани, ёки, “биринчи муҳаббати” ҳамма томонидан кулги остига олинган йигитлар кейинчалик ўз душманларидан қақшатгич қасос олгани борасидаги ҳаётий мисоллар кўп. Кўпчилик ҳолларда кулги остида қолган ўқувчи қулай вазият пойлаб ўз жавобини тайёрлайди.

**Алдаш ёки алдашга ҳаракат қилиш.** Энг ашаддий конфликтогенлардан ҳисобланади. Йигитлар ҳам, қизлар ҳам ўзларини алдашга йўналтирилган ҳаракатларни кечира олмайдилар. Одатда алдаш орқали юзага келган хиссий-эмоционал ҳолат жуда узоқ вақт онгда сақланиб қолади ҳамда умр бўйи конфликтоген родини ўйнаб келади. Алдаш орқали одам юрагида юзага келган алам кўп ҳолларда умуман йўқолмайди ва ўчиб ҳам кетмайди. Бу алам бот-бот одамлар орасига янгитдан низо солинишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қизлар ўз дугоналарининг сумкасидан рухсатсиз ўқув қуролларини олганини яширганини кечира оладилар, аммо “ўғирласалар” мутлак кечира олмайдилар. Агар ана шундай ҳолатларга ўхшаш вазиятларда алдаш вужудга келган бўлса, томонлар муносабати барбод бўлиши табиий. Умуман олганда, ҳаётда алдаш, алдашга ҳаракат қилиш яхши, самимий муносабатларни ичдан ва зимдан кўпоради.

**Сухбатдошининг бирор камчилиги ёки муваффақиятсизлигини доимо таъкидлаб ўтишга ҳаракат қилиш.** Бировларнинг иши юришмаганидан хурсанд бўлиш, ўзи ёқтирмаган одамларнинг ҳаётида бирор кор-ҳол бўлса, ундан қувониш, баъзи одамларнинг устидан мунтазам кулиш, камчиликларни рўқач қилиш, мана шу ҳолатларда ўзини яхши ҳис

қилиш ўзини устун қўйишнинг турларидан бири ҳисобланади. Муваффақиятсизлик ҳамма билан ҳам содир бўлиши мумкин, камчилик ва хато эса, уни тузатилмагунича камчилик ва хато бўлиб қолади, агар тузатилса, у хато бўлмайди. Муваффақиятсизликдан ҳеч ким ўзини муҳофаза қилинганман деб айта олмайди. Шу боис, ўз дўсти, ҳамкасби, ўртоғи, қариндоши, эри ва ёки хотинининг бирор камчилигини умрбод ушлаб олиб, доимо уни таъкидлайвериш, уни мунтазам эсга солиш, ўз устунлигини кўрсатиш учун рўқач қилиш охир-оқибат жуда катта конфликтни келтириб чиқариши мумкин.

*Ўз устидаги масъулиятни бировлар устига юклаш.* Ҳаётда ўз масъулиятидаги вазифаларда бефарқ ёндошиш ҳоллари учраб туради. Масалан, кўп ҳолларда бирор нарса қилиб берилишига ваъда қилинади. Аммо ўзи қилиб берипши лозим бўлган вазифа бошқалар зиммасига юклатилади. Аммо бошқалар бу вазифани бажармайди. Натижада орада зиддият вужудга келади. Масалан, гуруҳ сардори педагогик амалиёт бўйича тақдимот қилишилозим эди. Унинг ўртоғи “Мен ўзим зўр тақдимот тайёрлаб келаман, сен буни ўйлама, - деб ишонтирди. Аммо йиғилиш арафаси тақдимот тайёрланмаганлиги маълум бўлади. Чунки ваъда берган талаба, бу ишни бошқа бир талабага топширган бўлади. У талаба тақдимот тайёрлашни ваъда берган талабадан қарздор бўлади. У эса ваъда бермаганлиги учун, “Нима учун мен тақдимот тайёрлашим керак, ўзимни ишларим бошимдан ошиб ётибди”, деб ўйлайди. Натижада, конфликт юзага келади.

*Пул қарз сўраш.* Энг кенг тарқалган конфликтогенлардан ҳисобланади. Пул қарз сўраш пул сўраётган одамда нохуш ҳис-туйғуларни уйғотади. Аммо унга қарз берилганда ҳам, конфликт келиб чиқиши мумкин. Чунки бу қарз ўз вақтида қайтарилади-ми, йўқ-ми, маълум эмас. Қарз билан синаш кўп ҳолларда қариндошлар, дўстлар, биродарлар орасини бузиб юборади.

*2. Агрессияга мойиллик.* Кўпчилик агрессияга мойилликни фақат йигитларга хос хусусият деб билади. Аслида ундай эмас. Агрессияга мойиллик ҳам йигитларга, ҳам қизларга хос хусусиятдир. Аммо йигит ва қиз агрессияси ҳамда унинг қандай ифодаланиши орасида жуда

катта фарқ мавжуд. Йигитлар агрессияси ўзини очиқ ифода қилади. Йигитлар агрессияси ўзи учун кўпроқ жисмоний куч ишлатиш шаклини танлаб олади. Қизлар агрессияси эса очиқ ифодаланмайди. Улар орқаворотдан, аста, билингирмай, зимдан ҳаракат қилади. Уларни “Сен шу ишни қилдинг” деб ушлаб олиш жуда қийин кечади, чунки қизлар кўпроқ психологик агрессияни танлашади ва ишлатишади. Ўз оппонентини психологик эзиш, уни таҳқирлаш, унга беписанд муносабатда бўлиш қизлар агрессиясининг шакллари ҳисобланади. Йигитлар агрессияси дарров ўзини намоён этади. Уриш, жисмоний тазйиқ, туртиш, бир тушуриш, бўғиш, жисмоний ҳаракатларни чеклаш, дўқ қилиш, шантаж – булар йигитлар кўпроқ қўллайдиган агрессия турлари ҳисобланади. Қизлар агрессияси кескин иш тутмайди, аста, зимдан иш тутади. Кўпчилик ҳолларда қизлар агрессияси оиладаги аъзоларга нисбатан қўлланилади. Бировни камситиш, руҳий эзиш, ўз кайфиятини бировни эзиш оқибатида нормаллаштириш, “қулиб туриб, жонини олиш” қизлар агрессияси ҳисобланади. Қизлар урмасдан туриб, бошқа инсонни жуда катта руҳий танглик ҳолатига олиб кириб қўйиши мумкин. Бир қараганда йигитлар агрессияси очиқ намоён бўлганлиги учун безарардек кўринади. Аслида ҳар икки тур агрессия ҳам жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Йигитлар агрессив муносабати оқибатида оппонент томон каттиқ жисмоний жароҳат олиши мумкинлиги аён. Қизлар агрессиясининг кенг тарқалган оқибатларидан бири, бу – депрессиядир. Депрессиянинг оқибатлари ҳам инсонга жуда катта ташвишлар олиб келади. Депрессия ҳолатига чуқур кириб кетган одам кўп ҳолларда ўз жонига суйиқасд қилиши мумкин. Агрессивликка мойилликнинг олдини олиш таълим ва тарбия, инсоний қадриятлар, диний эътиқод тизимида ётади. Инсон ўзида агрессияга мойилликни сезса, унга қарши ўзини тўғри шакллантира бориши лозим. Агрессия, у йўналтирилган одамнинг ҳам, уни ишлатаётган, агрессияни қўллаётган одамнинг ҳам саломатлигига жуда катта путур еткази.

3. *Эгоизм* – фақат ўз манфаатларини кўриш қобилияти бўлиб, ўзбек тилида худбинлик сўзига тўғри келади. Худбинлик форсча сўз бўлиб, икки илдиздан ташкил топган: “худ” – ўз, ўзим маъноларини

билдиради, “бин” – кўриш маъносини билдиради. Демак, худбин сўзининг маъноси – фақат ўзини кўришга тўғри келади. Доимий агрессиянинг илдиэларидан бири эгоизмга бориб тақалади. Эгоизм – ўз манфаатларини, бошқалар манфаатларининг бузилишига қарамай, энг олий қадрият сифатида англаниш жараёнига айтилади. Шу боис, француз лингвисти П.Буаст *“худбинлик устидан қозонилган галаба энг шарафли галабадир”*, - деб айтган. Француз ёзувчиси С.Сегюр эса, *“худбин учун – ўтмиш – бўшлиқ, ҳозир – қақроқ чўл, келажак эса – аҳамиятсиздир”*, - деб таъкидлаган.

Инсоннинг ўз-ўзига муносабати табиатан ўзини-ўзи маъқуллаш, ўзини севиш, ўзига аро бериш, ўзини чиройли тутиш, ўзини “яхши” инсон сифатида кўрсатиш асосида шакллантирилади. Болалиқда кинкинтойларни ўз юз-кўзини ораста тутишини ўргатаётганда биз одатда уларга “ҳозир қўлларимиз ва юзимизни ювиб, оппоққина бўлиб оламиз”, деймиз. Мана шу “оппоққина” бўлиш тартиб ва қоидалари ҳар бир инсонга болалиқдан оқ сингдирилади. Шу боис, инсоннинг ички ўзини англашида “мен” деган тушунча тарбияланиши лозим ва зарур. Инсон “мен”и уни ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланилиши учун асос яратади. Ютуқларга эришиш, ўзини кўрсатиш, ҳурматга сазовор бўлиш мана шу ички “мен”нинг сайи-ҳаракатлари асосида амалга оширилади.

Демак, ички “мен”ни нималарга йўналтирилса, охир оқибат шу қадриятларга мутаносиб характер ва амаллар шакллантирилади. Аммо ана шу ички “мен” бошқа юзлаб “менлар”га қарши, уларни инкор этган ҳолда эмас, балки улар билан биргалиқда яшашга кўниккан ҳолда тарбияланиши лозим. Шу нуқтаи назардан инсон ички “мени” билан боғлиқ равишда соғлом “эгоизм” ва носоғлом “эгоизм”га ажратилади. Соғлом эгоизм инсоннинг шахс сифатида шаклланиши учун энергия берувчи куч ҳисобланади. Носоғлом эгоизм эса инсонларни ўзга инсон билан тўқнашуви, зиддиятлар, ўзини устун қўйиш, келиша олмаслик, ўзгаларни инкор қилиш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, конфликт инсон ҳаётининг табиий ажралмас қисми бўлиб, конфликтлар мазмунини билиш инсонни конфликтли



вазиятларда ўзини тутиш тартиб-қоидаларига ўргатади. Конфликт мазмунининг мураккаб келиб чиқиш вазиятларини англаш эса инсонни ана шундай билимлар билан қуроллантиради. Шу боис, конфликтнинг олдини олиш учун қуйидаги амалларга роя этиш аҳамият касб эта бошлайди:

➤ конфликтга олиб келиши мумкин бўлган сўзлар, амаллар ёки ҳаракатлардан иборат бўлган конфликтли вазият ва ҳолатлардан ўзини, атрофидагиларни асраш, конфликтгоенларга эътиборли бўлиш;

➤ конфликтгоенлар кўпайиб, уларнинг мажмуага айланишини олдини ола билиш, конфликтгоенлар эскалациясига йўл қўймаслик;

➤ конфликтгоенларга конфликтгоен билан жавоб қайтармаслик;

➤ конфликтгоенлар билан тўқнашганда ўзини ҳимоя қилишга эмас, балки нима учун оппонентда конфликтгоен вазият ва ҳолат вужудга келганига диққатни қаратиш;

➤ ўзида вужудга келаётган конфликтгоенлардан қутилиш ва уларни фаол ишлатмаслик чораларини кўриш;

➤ жиддий конфликтгоенлардан бўлган ўзини устун қўйиш, агрессияга мойиллик, эгоизмдан қутилиш ҳамда бошқалар томонидан улар ишлатилганда ҳам ўзининг конфликтли вазиятга тортилмаслик чораларини кўриш.

## **2.5. Конфликтли вазиятда агрессия ва зўравонлик**

Агрессия ва зўравонлик ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, инсон кайфиятида агрессив ҳолатларнинг ўсиб бориши ва тўпланиши оқибати сифатида зўравонликка олиб келиши мумкин. Латин тилида агрессия “ҳужум қилиш” маъносини англатади. Агрессия инсон характерида туғма ва табиий бир элемент сифатида, худди шунингдек, агрессиядан асли узоқ одамнинг фавқулудда вазиятда ўз эмоцияларини тута билмаслиги (4-расм), уларни назорат қила олмаслиги оқибатида вужудга келиши мумкин.



Конфликтли вазиятларда кўпчилик ўз инстинктлари ва ҳиссиётлари асосида ўзини тутишга ўрганиб қолган. Бундай ҳолни кўпчилик қабул қилади ва айнан мана шу йўл тўғри деб билади. Шу боис, конфликтли вазиятда зўравонлик ишлатилса, бировнинг ҳаётига таҳдид солинса, жисмоний куч ишлатиш қўлланилса, кўпчилик, зиддият мавжуд эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу вазиятларда “кечиримли бўлиш” лозимлигини, бундай ҳолатнинг келиб чиққанлигини англаш мумкинлигини таъкидлашади. Аммо, ҳар қандай вазиятда ҳам бировнинг ҳаёти, унинг соғлиғига зўравонлик ўтказиб бўлмаслигини унутишади.

Зўравонлик аслида инсон характерининг қусури, унинг камчилиги ҳисобланади. Одам ўз ҳиссиётлари устидан назорат ўтказма олимаслиги, ёки ўзини тия билмаслиги унинг зўравонликка ружу қўйишига асос бўлиб хизмат қилади. Зўравонлик инсоннинг кучли эканлигини эмас, балки аксинча унинг кучсиз ва иродасиз эканлигини кўрсатади. Шу боис, ўқитувчи ўз ўқувчиларига зўравонлик ўтказганда, бундай зўравонлик иродасизлик белгиси сифатида баҳолалиши табиийдир.

Зўравонлик аслида барча маданиятлар, цивилизацияларда қораланади. Зўравонлик барча шарқона кураш турлари, яъни *дзю-до*, *таэквон-до*, *каратэ*, *ушу* ва бошқаларда таъқиқланади. Мазкур кураш турларининг барчаси ҳужум қилиш усуллари эмас, балки энг аввало, *ўзини ҳимоя қилишнинг жисмоний йўллари* ҳисобланади. Уларнинг барчасида инсон ҳаёти азиз эканлиги борасидаги маънавий фалсафа тарбияланади ва ўқитилади. Ўзбекларнинг миллий курашида ҳам ўзини ҳимоя қилиш воситалари ва ўзаро тенглик ғоялари тарбияланади.



4-расм

Зўравонлик қўлланилганда конфликтнинг яратувчанлик хусусияти эмас, балки вайрон этиш хусусияти фаол бўлади. Конфликтнинг вайрон этиш хусусияти эса инсонни стресс, депрессия,

Ўзгалардан ўзини олиб қочиш, ҳаётдан безиш, ўз кучига ҳаддан ташқари ишонч, бошқа тарафдан ўз кучига ишонмаслик, доимий жаҳлдорлик, жиззакилик, тажанглик, бесабрлилик, бесаромжонлик каби ҳолатларга олиб келади.

Зўравонлик ишлатган инсонлар кўпчилик ҳолларда маънавий жиҳатдан тўла шаклланиб бўлмаган, маълум “комплекс”ларга эга бўлган, маънавий мажруҳ одамлардир. Улар аслида ўзларини жуда паст баҳолашади, улар ўзларининг “носоғлом” эканликларини интуитив тарзда англашади, шу боис бу хусусиятларнинг мавжуд эканлигини кўрсатмаслик, ошқора этмаслик, бировлар мазкур “паст” баҳоланишни билиб қолмасмаслиги ва сезмаслиги учун, ташки кўринишда ва муомалада, зўравонлик йўлини, агрессив усулни, жаҳл ва таҳдидга асосланган “ўзини тутиш” йўналишини танлашади. Улар айнан зўравонлик орқали ўзларининг кучларини кўрсатмоқчи бўладилар, аммо руҳан бундай одамлар руҳий мажруҳ ва психологияси мўрт одамлардир.

Педагогика ва психология билан оз-моз таниш бўлганлар дарров мана шу агрессия ортида инсоннинг ўзига ишончи мавжуд эмаслигини билиб олишади. Демак, ўзини зўравон ва жаҳлдор қилиб тутаётган одамлар аслида ўзлари характерида мавжуд бўлган “Ўзига ишонмаслик”ни яширишга ҳаракат қилаётган одамлардир. Улар бу нарсаларни тан олмаслиги, ёки англамаслиги ҳам мумкин. “Мен “зўр”ман, шунинг учун ҳамма нарсани қилавераман”, деган ақидага ишониши ҳам мумкин. Аммо зўравонлик ҳаракатлари ортида турган барча мақсадлар, аслида, инсоннинг маънавий бўшлиғи, етук эмаслиги, тўлақонли маънавий шаклланмаганлиги, унинг ўз эмоционал ҳолатини ва ўз ҳаракатларини назорат қила олмаслиги, иродасиз ва бўшлигининг ёрқин натижаси ва намойиши ҳисобланади.

Зўравонлик ва конфликтология соҳалари ўзаро боғланган масалалардан ҳисобланади. Аслини олганда конфликтологиянинг мустақил фан соҳаси сифатидаги шаклланиши ва ривожланиб келаётганлигига кўп бўлганича йўқ. Шу боис инсон характери ва амалларига ҳос бўлган зўравонлик ҳам янги ўрганилаётган ва тан олинаётган соҳалардан ҳисобланади.

Кўпчилик ҳолларда конфликтни тушуниш учун мавжуд зўравонлик сабабларини англаш лозим бўлади. Чунки ҳаётда оилавий зўравонлик кўпроқ учраб туради. Зўравонлик нима оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билган одам уни енгиллик билан, ўйламай қўлламайди. Зўравонликдан воз кечиш - конфликтда ижобий натижага асос бўлади. Энг муҳими, зўравонлик зиддиятнинг ечими бўла олмаслиги, зўравонлик зиддият ҳамда муаммони ҳал этмаслигини англаш даркор. Ҳар қандай кучли конфликт ҳам, томонларнинг жуда каттиқ ўзаро тўқнашуви ҳам зўравонликни ишлатиш ва қўллаш учун асос бўла олмайди. **Шу боис, каттиқ тўқнашув, яъни зиддият зўравонликка олиб келади, деб ўйлаш хато ва нотўғридир.**

Баъзи инсонлар туғилишиданоқ ўзининг характерида агрессияга мойилликни намоён эта бошлайди. Бироқ бундай инсонлар ҳам болалигиданоқ маънавий, педагогик-психологик нуқтаи назардан яхши ва тўғри тарбия қилинсалар, улар ўзларини агрессияни чеклаш ҳамда бировларга таҳдид солмаслик даражасида ушлаб туришга эришадилар. **Маънавий етуклик – зўравонликка қарши қаратилган ва уни енга оладиган йўл ҳисобланади.**

Табиий агрессияга мойиллик ўзини турлича намоён қилади. Масалан, қарияларнинг ҳаётдан чарчаши оқибатида яқинлари, қариндошларига нисбатан бўлган агрессияси, тажрибасиз ёш ўқитувчи ўқувчиларига авторитар услубда ёндашган ҳолда, ҳар доим ўз топшириқларини мажбурий бажаришга ва буйруғона фикрларини ўқувчиларга сингдиришга ҳаракат қилиши ва эр ўз хотинини вақти-вақти билан уриб туришни уни “тарбиялаш” усули сифатида баҳолаши ва ўз “фалсафаси”га ишониши, рашк оқибатидаги агрессия(5-илова), 14-15 ёшли ўғил болаларнинг кўчама-кўча жанг уюштиришлари, талаба-ёшлар ўртасида бир-бирини кўра олмаслик оқибатида - булар турли агрессия кўринишларидир. Мана шу ҳамма ҳолатларда ўзини ошқора қилаётган бош хусусиятлардан бири ўз фикри ва қарашларини зўравонлик оқибатида бошқаларга тушунтириш, ўзини кўрсатиш, ўз манфаатларини сингдиришга сайи-ҳаракат ҳисобланади. **Демак, зўравонлик ўз манфаатларини куч ва**

**таъйиқ орқали ўзгаларга ўтказишга уринишдир.** Яъни, баъзи одамлар ўз фикрини бошқаларга сингдиришнинг зўравонлик ва агрессиядан бошқа усулларини билмайдилар ва қўллай олмайдилар ҳам. Шунинг учун улар учун ўз манфаатларини муҳофаза қилиш - зўравонлик йўли билан амалга оширилади.

Табиатан агрессив одам – ҳаётда доимий ва абадий конфликтоген ҳисобланади. Конфликтоген одам ўз кайфияти, ҳис туйғуларини жиловлашни умуман билмайди, шу боис ўз муаммоларини ўзгалар ҳисобига ечиб, ўз агрессиясини тарқатиш, бошқаларга бериш орқали бу ҳолатдан чиқишга уринади. Бундай одам одатда “вампир” деб аталади. “Вампир”лар бошқа одамларнинг эмоцияларини, ҳис-туйғуларини ейиш, уларни бошқариш ва ўзига оғдириш ҳисобига кун кўради. Улар бошқаларга қаттиқ эмоционал таҳдид солиш ва уларни азоблаш ҳисобига ўз агрессияларидан озод бўладилар. Шу боис, агрессив одам ўз атрофидагиларга жуда кўп кулфатлар олиб келади.

Агрессив кайфият батамом ёмонми ёки унинг фойдали томонлари ҳам мавжудми?! Маълум даражадаги ижобий агрессия, бирор-бир мақсадга етиш, ўзини муҳофаза қилиш, бирор бир нарсани амалга оширишдаги қатъийлик – зарурий ҳолат ҳисобланади. Қасд қилмасдан туриб бирор-бир мақсадга эришиб бўлмайди. Яъни, маълум бир даражада қатъийлик инсонга зарур бўлган ҳислатлардан ҳисобланади. Умуман агрессив бўла олмайдиган одам характерсизликда, ландовурликда, бўшлиқ, қатъиятсизлик, ўзини муҳофаза қила олмасликда айбланади.

Табиатан агрессив одамлар камчилик ҳисобланади. Шу боис кўпчилик ўзини фақат маълум бир вазият, маълум бир ҳолатлардагина агрессив тутади. Инсоннинг бундай агрессив портлаши унинг ҳуқуқлари беҳад даражада бузилганлиги, манфаатлари зиён топганлиги, бирор танг ҳолатдан чиқиб кетиш ва қутилиш йўлларини билмаслик, яқин одами билан бўлган бир-бирини абсолют тушунмаслик ҳолати, олинган конфликтоген ҳолатда адекват жавоб, агрессияга агрессия билан жавоб қайтариш кабиларда ўзини намоён этиши мумкин. Агрессияга агрессия билан жавоб берилиши

ҳолати – фрустрация деб аталади. Фрустрация ҳолатида ўзини муҳофаза қилиш нияти ва ҳаракатлари агрессив жавоб тариқасида намоён бўлади. Фрустрациянинг энг ёмон оқибатларидан бири - неврозлар ҳисобланади. Агрессив ҳолатда узоқ туриш инсон саломатлигининг эғови ҳисобланади. Хурсандлик, шодлик қанчалик инсон умрини узайтиришга хизмат қилса, агрессив ҳолат шунчалик инсон умрини барбод этади.

**Конфликтдаги агрессия ва зўравонлик.** Конфликт вазиятларда кўпинча агрессия ва зўравонлик учраб туради. Агрессия ва зўравонликни конфликт ечими сифатида қўллаш ҳоллари мавжуд. Баъзилар таҳдид қилиш, шантаж, зўравонликка ўтиш орқали зиддиятни ечиш мумкин деб ҳисоблайди. Аммо бу ногўғри қараш. **Зўравонлик конфликт ечими бўла олмайди, у конфликтни зўравонлик ва агрессияга тўкнаш келтириш дегани ҳолос.** *Конфликтни зўравонликдан олиб чиқиб кетиши ва уни гуманистик талаблар асосида муаммога қаратиши, натижада муаммони ечиши – конфликт ечими топилди дегани бўлади.* Зўравонлик ўз кучини муаммога қаратмагани, шу билан бирга, инсонлар ҳаётига ҳавф туғдиргани сабабли конфликтнинг ечими бўла олмайди. Аслида, зўравонлик конфликтни жуда ҳам чуқурлаштириб юборади. **Зўравонлик томонларни ҳеч вақт бир-бирига яқинлаштирмайди, балки узоқлаштиради ҳолос.**

Хитой файласуфларидан Лао-Цзи бу ҳақида шундай деган: “Ариқлар ва дарёчалар ўз сувини денгизга денгиз пойидан пастроқ бўлганликлари учун берадилар. Одамлар ҳам, ўзини улуғворлик билан тутишлари учун, ўзини бошқалардан пастроқ тутиши керак”. Чунки Будда таълимотида таъкидланганидек, “Ҳақиқий ғалаба, ҳеч ким ўзини мағлуб этилган деб ҳисобламаган ҳолатдаги ғалабадир”.

Шоир Лев Толстой эса, “Ғазабда бошланган иарса, одатда, уятда тугайди”, - деб таъкидлаган. **Зўравонлик – ўзини бошқалар устидан устун қўйишнинг энг олий ва фожеали натижасидир.** Шу боис, барча, ўзини зиёли ва маълумотли деб англаган одамлар, зўравонликдан ўзини тийишни ҳаёт қонуниятига айлантирадилар. Ўз

агрессив ҳолати ва қалбида тугён урган зўравонлик кайфиятларини енгиб ўтиш мумкин-ми?! Албатта, ҳа, енгиб яшаш мумкин!

**Ўз агрессиясини енгиш усуллари.** Агрессияни енгиш бўйича уч умумий усул таклиф этилади. Улар: *пассив усул*, *фаол усул* ва *мантиқий усул*.

*Пассив усул* – ўз кайфияти, ҳиссиётлари, ўзини қийнаган масалалар борасида бировга дардини тўкиб солиш, ўртоқлашиш, суҳбат қилишда намоён бўлади. Ўз ҳиссиётларига эрк бериш, уларнинг чиқиб кетишига имкон яратиш қалбдаги агрессив вазиятнинг кучайишини олдини олади. Бу борада аёллар йиғлаб-сиқтаб олганларидан сўнг, анча енгилик ҳис қиладилар.

*Фаол усул*– фаол усулнинг барча турлари фаол ҳаракатлар олиб бориш асосига қурилган. Адреналин – инсон кайфиятидаги танглик ҳолатининг тиббий асоси бўлган модда – жисмоний машқлар, ҳаракатлар, меҳнат жараёнида едирилади. Бунинг оқибатида инсон кайфиятида хушнудлик ҳолати вужудга келади.

*Мантиқий усул* – рационал, интеллектуал одамларнинг усули бўлиб, бу усул жуда катта қалб ва ақл меҳнатини талаб этади. Ўз ҳиссиётларини бошқара олиш қобилиятини эгаллаган одамгина мазкур усулни қўллаш олади. Бундай одамлар масаланинг моҳиятига ургу беради. Унинг моҳиятини тушуниш эса муаммонинг ечимига олиб келади. Муаммони тушуниш асосида уни ечиш йўллари очилади ва келиб чиқади. Шу боис, бундай одамлар ҳар вақт ўзларини агрессиядан озод қилиш ҳусусиятига эга бўладилар. Бу жараён инсон ички ҳиссиётлари борасида олиб борилган аналитик таҳлилга ўхшайди.

Шу билан бир қаторда одамларнинг жаҳли чиққанида ҳамда агрессия ва зўравонлик билан тўқнаш келганда, нималар қилиш лозимлиги, қандай ўзимизни тутишимиз кераклиги юзасидан биливада маслаҳатлар берилган.

**Конфликтли вазиятда ғазаб ва қаҳр.** Гўзал хулқ - қаҳр ва ғазаб келганида билинади? Қаҳр ва ғазабига ғолиб бўлган одам ўз роҳатини таъмин этади. Мулойимлик дарахтини эккан киши саломатлик мевасини теради. Инсон ғазабини енigmaунича,

қалбидаги ёмонлик вас-васаларидан кутулиб, комил инсон бўла олмайди. Ёмон қалбни тўғрилаш ният ва амалга боғлиқдир. Киши нафси ҳохиши ва эҳтиросини енгмагунича саодатга эришмас.

Ғазабини енгмаган, ахлоқини йўқотади.

Мисол: бир киши келиб, Аллоҳнинг расулига (с.а.в.)дедики:

- Ё расулаллоҳ, менга насиҳат қилинг.
- Ғазабланма! – дедилар.
- Менга насиҳат қилинг, - деб яна сўради.
- Ғазабланма! – дедилар.

Насиҳат қилишни учинчи маротаба яна сўради. Яна дедиларки:

- Ғазабланма!!!

- Эй кўнгил! Сен ғазабингни жиловлай оласанми? Ғазаб келганда ота-онага қараб ҳам бақирадиганлардан эмасмисан? Ғазаб келганда хотини, фарзандларини урадиган жоҳилдорлардан эмасмисан? Ғазаб келганда дўстидан ҳам кечиб юборадиган номардлардан эмасмисан? Ўйлаб кўр: эҳтимол, бир марта бўлсин, ота ва онангга қаттиқ гапиргандурсан, хотининг, фарзандларинг, дўстларингдан қай биринидир жаҳл устида ранжитгандурсан. Энди сен бунинг учун ғазабингни баҳона қилма. Ғазабни енга олмаган ўзингни айбла! Айбла-да, тавба қил! Тавбанинг қабул бўлиш шартини унутма: бу ҳол энди қайтарилмаслиги керак! Қайтарилса, тавбанг қабул бўлмас. “Тавба” - инсон ўз ҳаётининг жараёнини, фаолиятини, йўналишини, яшаш тарзини яхши томонга ўзгартиришдир.<sup>7</sup>

**Нима учун бизнинг ғазабимиз кўзгайди? Ғазабдан ўзини тинчлантириш мумкинми? Ҳар биримиз ўзимизни ўраб турган воқеа-ҳодисаларга турлича муносабат билдирамиз. Масалан, баъзилар ҳинд фильмларини мириқиб кўрадилар, баъзилар уларни умуман ёқтирмайдилар. Баъзиларга блокбастерлар бўлса бас, баъзилар эса триллерни хуш кўрадилар. Баъзилар эса миллий кино, миллий кийимларни ёқтирадилар. Масалан, “хэви-металл” мусиқасини 100 % катта ёшдаги одамлар “бош оғрик” деб қабул қилиши табиий. Чунки одам ёши ўтгандан кейин унинг босими кўтарилиши ҳоллари кўп учрай бошлайди, босим кўтарилишининг**

<sup>7</sup>Тоҳир Малик. Оламийлик мулки (Ахлоқ китоби) –Т. Шарк, 2013 – 717 б



табий хусусиятларидан бири бу – бош оғриғи ҳисобланади. Ўзи боши оғриб турган одамнинг бундай баланд ва шовқинли мусикадан лаззатланиши ғайри оддий ҳол бўлади. Шу билан бирга, баъзилар ухлашни яхши кўрадилар, улар жой танламайдилар, ҳамма жойда ухлаб кетаверадилар, уларга бош қўйишга жой бўлса бўлди, пишиллаб ухлайверадилар. Бошқалар эса уларнинг бундай ухлашга бўлган мойиллигини беғамлик, қайғурмаслик, тепса тебранмаслик, масъулиятсизлик аломати деб баҳолаши мумкин. Баъзилар овқат ейишни яхши кўрадилар. Сабрсизлик билан кетма-кет катта-катта лўқмаларнинг оғиз бўшлиғида йўқолиб бораётганлигини кузатиб турган бошқа бир одамнинг эса умуман иштаҳаси йўқолиб кетиши мумкин. Чунки у бу даражада овқат ейиш мумкинлигига умуман ишонмайди.

Демак, биз воқеа ва ҳодисаларга турлича муносабат билдиришимиз табиий. Мана шундай турлича муносабат, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги одамлар орасида баъзи конфликтларни келтириб чиқариши мумкин. Мана шундай хилма-хиллик конфликт учун баҳона бўлиши мумкин. Сизнинг сўзларингиз, тана забонингиз, овозингиз, нималарни ўйлашингиз, орзуларингиз, амалларингиз бирор бошқа кимсанинг, баъзан эса хатто энг яқин кишиларингизнинг ғазабини кўзғаши мумкин. Ғазаб эса зўравонлик билан тугаши мумкин. Демак, биз конфликтли вазиятларнинг келиб чиқишини олдини олиш учун ўзимизда вужудга келиши мумкин бўлган ғазабнинг олдини олишга ўрганишимиз лозим.

Одамлар турли йўллар билан ўз ҳиссиётлари, ғазаб ва жаҳлларини жиловлаши мумкин. Конфликт билан тўқнаш келганда кимдир портлаб кетади, кимдир бақирни бошлайди, кимдир қўполлик қила бошлайди, кимдир қўлларини мушт қилиб, бошқаларга ҳамла қилишга уринади, кимдир столга ура бошлайди. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси ғазабни жиловлаш эмас, балки ғазабдан қутилиш йўллари дидир.

Афсуски, бировнинг ғазаби қўзғатганлигини ёки ўзимизнинг ғазабимиз чиқатганлигини бир олдиндан режа билан айта олмаймиз. Ғазаб аввал одамнинг ичида тўпланади, унинг фикрларида мана шу



ҳиссиётлар устунлик қила бошлайди. Агар вазият қўлга олинмаса, ғазаб дилисиёҳлилик билан тугаши мумкин.

Бошқаларнинг ғазаби қўзғаётганлигини билиш учун мана шу инсонни жуда яхши ўрганиш, унинг тана ҳаракатлари, овози, мимикасига жуда катта эътибор билан қараш лозим бўлади. Бир-икки дақиқадан сўнг ғазаби ошиб-тошиб кетиши мумкин бўлган одам ташқи кўринишидан тамоман тинч кўриниши мумкин. Аммо унинг ички ҳиссиётларида агрессив ҳолат вужудга келган ва у тўпланаётган бўлади. Агрессив ҳолатнинг нечоғли кучли даражада тўпланиши унинг портлашига олиб келади. Баъзилар ғазаб қўзғатадиган вазиятдан ўзларини олиб қочадилар. Чунки уларнинг тинчлигини ҳеч ким ва ҳеч нарса бузмаслиги лозим. Аммо шунга қарамай инсонни ўз ғазабини жиловлай олиш кўникмаларига ўргатиш ва ундан унумли фойдаланиш мумкин.

*Ғазаб бизни “ўлдирадимми?”* Ғазаб, жаҳл, қаҳр каби психологик ҳолатлар айнан конфликтли вазиятларда қўшлаб вужудга келиши учун катта имкон бўлади. Томонлар тўқнашувининг психологик-руҳий натижаси, ўзга томонга нисбатан кўққис шаклланган ҳис-туйғу, ўзини муҳофаза қилиш, ёки ўзга одамга босим ва тазъийқ ўтказиш усули сифатида ғазаб, жаҳл, қаҳр конфликт вазиятларнинг одатдаги ҳамроҳи ҳисобланади.

– “Ўлиб бўлдим-ку?! Яна нима керак ўзи сизга?!” Шундай жумлаларни ишлатишганини ҳеч эшитганмисиз? Мана шу жумлаларни яна бир бор эшитаётганингизда, уларни ишлатаётган одам, яъни онангиз, отангиз, устозингиз, ўртоғингиз, дўстингиз, дугонангиз, яқинларингизга эътибор билан бир қаранг. Одатда, бундай сўзларни ишлатишга мажбур бўлган одам ҳис-туйғулари ниҳоят даражада таранглашган, у психологик чарчаган ва танг аҳволда, бундай одам ўз ички туйғуларидан қайга қочишни, уларни қандай қилиб жиловлаб олишни билмаётган одам бўлади. Психологик танг аҳволдаги одам ўзининг мана шу ҳолатини ҳар доим ҳам ўзи тўғри англайвермайди. Шу боис, мана шундай ибораларни ишлатган инсонга эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Нимага?! Чунки унинг сўзлари ҳақиқатга яқин....

– Ғазаб, жаҳл, қаҳр шундай ҳис-туйғуларки, улар ҳақиқатан ҳам ғазаб ичидаги одамга ҳам, ғазабга йўналтирилган одамга ҳам жуда катта салбий таъсир, айниқса унинг саломатлигига жуда қалтис таъсир ўтказади. Тез-тез ғазабланадиган одамлар ва мана шундай тез-тез бировларнинг ғазабини ўзига қабул қилган одамлар ҳам ҳаётдан олдинроқ кўз юмадилар.

– Нима учун шундай бўлади?! Ғазаб, жаҳл, қаҳр – оддий ҳис-туйғулар эмас. Инсон ғазабланаётган вақтида (5-расм) унинг организми жуда катта ички



**5-расм.**

тўпалон, босим, жисмоний, руҳий, психологик ҳолат замирида ётган кимёвий ўзгаришларни бошидан ўтказади. Энг аввалги ўзгариш – инсоннинг бош органларидан ҳисобланган миёда содир бўлади. Миёа бош қобиғи инсон атрофидаги бўлаётган ва махсус тарзда унга қаратилган минглаб ахборотларни синчиклаб ўрганишга йўналтирилган. Миёа мазкур ахборотларни тартиблаштиради. Шу қаторда миёа инсоннинг турли ҳис-туйғулари қаторида ғазаб, жаҳл, қаҳр ҳисларини ҳам бир маромда ушлаб туришга сайи-ҳаракат қилади. Инсон миёаси “бу одам ғазабланмоқда”, “унинг ғазаби менга қаратилган”, ёки “мен ғазабдаман”, “менинг жаҳлим чиқяпти” деган хулосаларни қилиши билан миёа адреналин моддасини ишлаб чиқарувчи безларга буйруқ етказилади. Адреналин безлари миёа қилган хулосаларга мувофиқ равишда организмга анчагина миқдорда адреналин суюқлигини чиқаради. Организмга чиқарилган фавқулодда адреналин сабабли юрак уруши кучаяди ва тезлашади. Адреналин

инсон шаклланишида жуда зарур бўлган моддалардан ҳисобланади. Чунки ибтидоий жамият даврларида кўп миқдордаги ортикча адреналин одамга йирик ҳайвонларни ўлдириш, табиат таҳдидларига қарши кун кўриш, бошқа қабилаларни енгиш, турли ўлжаларни қўлга киритиш, яъни атроф-муҳитнинг ниҳоят даражада инсон ҳаётига таҳдид қилиши шароитида зарур моддалардан бири бўлган.

Адреналин инсонга унинг атроф муҳит билан бўлган курашларида кўркмаслик, жасурлик, қатъият, қарши тура олиш, хужум қилиш, ўзини ҳимоя қилиш учун кўмак берган. Инсон йиртқич ҳайвонни ўлдираётган вақтида адреналин унга куч ато этиб турган, йиртқич ҳайвон ўлдирилгандан сўнг, адреналин моддаси ўз функциясини бажариб бўлганлиги сабабли у организмдан чиқиб кетган. Аммо биз ғазаблангандаги, жаҳлимиз чиққанидаги, қаҳримиз келганидаги организмдаги вужудга келган адреналин моддаси ўз-ўзидан организмдан чиқиб кета олмайди. Шу боис, соғлом турмуш тарзи билан шуғулланиб яшаётган одамлар турли спорт турлари, ўйинлари, машқлари орқали ортикча адреналинга қарши ўз организми фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар. Аммо ҳозир инсон ҳаёт тарзи ўзгарган. Ҳозир бизнинг атрофимизда йиртқич ҳайвонлар йўқ, биз уларни фақат ҳайвонот боғларида кўришимиз мумкин, душманлар билан яккама-якка олишмаймиз, тинч ва осуда ҳаётга интилиб яшаймиз. Шу боис, бизга организмимиз ишлаб чиқаришга одатланган миқдордаги адреналин моддаси зарур эмас. Аммо айнан биз ҳавотирланганда, ғазабланган, жаҳлимиз чиққанида, умуман бирор-бир фавқулодда танг вазиятга кириб борганимизда организмимизда адреналин ишлаб чиқарилади ва у керагидан ортик миқдордаги адреналинга тўйинади. Унинг керагидан ортиклиги сабабли адреналиннинг бу ҳажмини бизнинг танамиз тўла ҳазм қила олмайди. Адреналин моддасининг организмдаги керагидан ортик ҳолати вужудга келади. Адреналиннинг организмдаги мунтазам мавжудлиги эса инсон яшаш тарзига, унинг саломатлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлайди. Адреналин ғазаб жараёнида ўзига ҳос ўзгаришларни амалга оширади. Ғазаб жараёнида танамиз ҳарорати кўтарилади. Бизнинг тана қон босимимиз ундаги қон

миқдориға боғлиқ бўлади. Ғазабланганда қон миқдори кўпаяди ва веналаримиз деворларига унинг кучли босими таъсир эта бошлайди. Томирлар деворлари қон босими билан кураша бошлайди. Қон босимининг кучли босимиға қарши улар туриб бериши лозим бўлади. Аммо инсон мунтазам ғазабланаверса, қон томирларига бўлган таҳдид ва босим ҳам кучайиб боради. Натижада, томирлар деворлари емирила бошлайди. Ёш организмда емирилган томир деворларини махсус ишлаб чиқиладиган холестерин моддаси тиклаш учун ишлатилади. Томир деворларини қайта тиклаш мақсадида холестерин моддаси кўпроқ ишланади. Аммо ёш ўтган сайин ортиқча холестерин томир деворларида тўплана бошлайди. Организмда моддалар алмашуви бузилади. У организмнинг ёғ йиғишиға, қон томирларининг оғирлашиб қолишиға, томир деворларининг бир текис бўлмаслиғига олиб келади. Охир оқибатда – томир-юрак системаси касалликларининг келиб чиқишиға сабаб бўлади. Қон томири холестеринға тўлиб кетиб, шу асосида қон босими кучайиб кетса, юрак хуружлари вужудға келиши мумкин бўлади. Ғазаб, жаҳл, қаҳр каби ҳиссиётлар эса мана шундай ҳолатларнинг кучайиб кетиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ғазаб ва жаҳл ошқозон яраси, доимий бош оғриқлари, рак, юрак-қон системасининг турли касалликларини келтириб чиқариши мумкинлиғи илмий исботланган. Шу боис – энг аввало тинчланинг. Ўз ғазаб, жаҳл ва қаҳрингизни енгиб ўтишиға ўрганинг. Уларни жиловлай билинг. Уларнинг ўз ва ўзгалар саломатлиғига раҳна солишиға йўл қўйманг. Инсон характерини ғазаб, жаҳл ва қаҳрдан поклаш сизни жуда кўп нохушликлардан сақлаб қолади ва бахтли ҳаётингиз учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

*Сиз ўз жаҳлингизни қандай жиловлайсиз?* Ҳар биримизнинг ўзимизгагина ҳос бўлган жаҳлимизни жиловлаш усулларимиз мавжуд. Ўз дўстларингизни эсга олинг. Улар ичида супраси сув кўтармай, жуда тез жаҳли чиқиб, ҳеч ҳам уларни тинчлантириб бўлмайдиган, шу билан бирга тамоман ҳиссиётсиз, сув тошса ҳам тўлиғиға чиқмайдиганлари ҳам бор, шундай эмасми?!

Куйида жаҳлни жиловлашнинг мавжуд усулларидан баъзиларини келтирамиз<sup>8</sup>. Уларни диққат билан ўрганиб, ўзингизнинг тоифаингизни аниқлашига ҳаракат қилинг. Сиз ўз жаҳлингиз ва эмоцияларингизни бошқалар устига ёғдирасиз. Сизнинг газабингизни ҳамма одамлар, ёки нарсалар бесабаб кўзгатиши мумкин. Агар жаҳл учун сабаб бўлмаса, сиз уни ўзингиз ўйлаб чиқарасиз. Сиз бақиришга устасиз, сизнинг газабингиз бошқалар устига ёғдирилади, газабингиз лава(вулқон) каби ўз йўлида ҳамма нарсани бузишга қодир, газабингиз боис сиз ўзингизни кучли деб ҳисоблайсиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бирон-бир киши камчилик ёки хатоимиздан гап очди дегунча, газаблана бошлаймиз. Ҳолбуки, хатоларимизни юзимизга айтган биродаримиздан мутлақо газабланмаслигимиз керак. Аксинча, унга меҳр-муҳаббат билан боқиб, гуноҳимизни англаб, бу хатолардан ҳалос бўлиш чораларини кўришимиз шарт эмасми? Жаҳл ақлни кетказди, асаб бузилиши офат келтиради. Газабланган пайтнингда сўзга рўзадор бўл. Зеро, бу пайтда ҳар сўзу амалинг надоматга восита бўлади. Кўпинча ғийбат, иғво... газаб ва қаҳрни ўйғотади. Ғийбат ҳам, газаб ҳам киши кўнглини оғритади. Шу боис ғийбатдан, нафсоний газабдан сақланмоқ керак. Газабни енган ўз нафсини енга олади. Инсон газабланган пайтларида шуурсиз ҳаракатлар қилиб, сўнг қандай тузатишни билмай аросатда қолади. “Жаҳл чиқса – кўз қораяр, жаҳл кетса – юз қизарар” деган ҳикмат бор. Хулоса шуки, жаҳл келганда тилига ва қўлига ҳоким бўлган киши ёмон оқибатдан ҳалос бўлади.<sup>9</sup>

Ўзингизни босинг! Жаҳл ва газабни жиловлаш бўйича 10 фойдали маслаҳат (1-иловага қаранг).

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қандай шарт-шароитлар низоларнинг юзага келишига сабаб бўлади?
2. Конфликтнинг илдизлари ва сабабларини таҳлил қилиш йўллари нималардан иборат?

<sup>8</sup>Handling Conflicts: Conflicts: a positive approach. Participant's manual. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation Inc., Miami, Florida, 1997; WIN WIN. Based on the Fighting Fair model created by Fran Schmidt and Alice Friedman.Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation Inc., Miami, Florida, 1998; Fran Schmidt/ Alice Friedman.Fighting Fair For families Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation Inc., Miami, Florida,1994

<sup>9</sup>Тоҳир Маллик. Одамийлик мулки (Ахлоқ китоби) -Т. Шарж, 2013. -723-724 б

3. Таҳлиллар натижасида неча % конфликт иштирокчиларининг можарога мойиллиги аниқланган?
4. Конфликтоген ва конфликтогенлар эскалацияси деганда нимани тушунасиз?
5. Сиз ўз жаҳлингизни қандай жиловлайсиз?
6. Агрессия сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
7. Ғазаб бизни “ўлдирадими?”
8. Фрустрация нима ва унинг оқибатлари?
9. Қандай ҳолатларда конфликт сигналларини ҳис қиламиз?
10. Конфликтли вазият, инцидент ва конфликт олди ҳолатларни ҳал этишда қандай қадамлардан фойдаланамиз?
11. Конфликтга фаол муносабат муаммога нисбатан қандай муносабатни талаб этади?
12. Конфликтларни бошқариш усуллари инсондан қандай малакаларни талаб этади?

### **Талабаларнинг мустақил тайёрланиши учун “Кейс” топшириғи**

**1-вазият.** *Сиз математикадан синовга тайёрландингиз. Синов фақат математика курсининг энг муҳим бошланғич учта бўлими бўйича утказилиши таклиф этилган. Сиз университетга келган вақтда ўқитувчи синов математиканинг тўла курси бўйича бўлишини эълон қилди.*

Ушбу вазиятда сизнинг ҳаракатингиз қандай бўлади?

### III БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

#### *Таянч тушунчалар:*

*Хавотирланиш, эътибор, танқид, муносабат, оқибат, азият чекиш, хато, оғриқ, уйқусизлик, очлик, тўқлик, етишимовчилик, ҳиссиёт, мулойим, талабчан, характер, ўсмир, мулоқот, новербал, модернизация, восита, эҳтиётсизлик, кўполлик, қизиқмаслик, тажрибасизлик, фаоллик, мустақил фикрлилик, этнопсихологик хусусиятлар, тинч-тотув, ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, эркин, фаровон, бепарво, халқаро, тафаккур, онг, ахлоқий туйғу, ибо ва иффат, қадр ва қиммат, асабий, тезоб.*

#### **3.1. Ўқувчилар ва тенгдошлар орасидаги конфликтлар**

Юртимиз мустақилликка эришгач, ўзининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу йўл жамиятимиз келажагини ўз қўлларига олувчи – ёшларга бериладиган таълим-тарбия асосида белгиланади. Шу нуқтаи назардан 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ ва “Таълим тўғрисида” ги Қонун қабул қилиниб, унда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели яратилди. Мазкур моделда шахс бош ва марказий ўринни эгаллаб, моделнинг қолган қисмлари шахс манфаатлари учун хизмат қилади. Айниқса узлуксиз таълим тизими индивид ҳаётга келгандан бошлаб, то мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги “масофани” қамраб олади.

Таълим-тарбия муассасалари ўз вазифаларини амалга оширавериши мумкин. Аммо ҳаёт қарама-қаршилик ва зиддиятлардан иборат. Ёшлар, қолаверса, жамиятнинг барча аъзолари шу зиддиятни енгиб, улардан тўғри хулоса чиқара оладими?!

Демак, таълим-тарбия муассасаларидан ташқари тарбиявий таъсирлар, яъни кундаликдаги ижтимоий воқеликларнинг шахсга кўрсатаётган таъсири, уларни ижтимоий-педагогик, илмий, назарий ва амалий ўрганиш, педагогикада шу кунга қадар етарлича эътибор берилмаган педагогик ёндошув заруратини вужудга келтирмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари шахсга, айниқса, ёшларга

албатта ўз таъсирини кўрсатади. Бунга оммавий ахборот воситалари. иктисодиёт, кўча-куй, маҳалладаги воқийликлар, ота-она, ёши кичик ва катталар орасидаги муносабатлар, ишлаб чиқиш жараёни, илм-фаннинг турли соҳалари. Аммо педагоглар учун ўша жамиятдаги ҳодиса, жараёнлар ва муносабатларнинг ёшлар онгига, инсонларнинг маънавий ҳаётига, одоб-ахлоқ меъёрларига бўлган таъсири муҳимроқдир.

Инсон шахсининг педагогик-психологик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб ижтимоий жараёндир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик-психологик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Педагогик-психологик коррекция, юқорида таъкидлаганимиздек, ўқувчининг қабул қилинган меъёрларга мос келмайдиган педагогик-психологик ривожланиш хусусиятларини “тўғрилашга” қаратилган мутахассис фаолиятини акс эттиради.

Психология фанлари номзоди Галина Сергеевна Абрамованинг фикрича, шахсий психологик коррекция одамнинг ички дунёсини дискерт тавсифига (психологнинг) асосли таъсир қилишидир. Одам “Ердаги жонли эволюциянинг сўнгги поғонасидир”, ижтимоий тарихий фаолият субъектидир. Шахс – ижтимоий ривожланиш фонемени, онг ва тушунчага эга аниқ тирик одам.

Шахсга доир ривожланиш-ижтимоийлашув ва тарбия натижасида одамзоднинг ижтимоий хусусияти сифатидаги шахснинг шаклланиш жараёнидир.

**Ёш инқирози** – кескин педагогик-психологик ўзгаришлар билан характерланадиган онтогенезнинг алоҳида, нисбатан узоқ давом этмайдиган даврларидир. Асабий ва жароҳатли характерга эга тангликлардан фарқли равишда шахс ривожланишининг изчиллик қонуниятларига бўйсунди.

**Стресс-** турли хил экстремал таъсирлар – стрессорларга жавобан юзага келувчи кенг доирадаги ҳолатларни белгиловчи ҳолат.



**Фрустрация** – маълум мақсад йўлидаги мавжуд мавҳум тўсиқларни пайдо бўлишига нисбатан ҳосил бўладиган муваффақиятсизликни бошдан кечирувчи руҳий ҳолат.

Ўсмирлик 10-11 ёшлардан 14-15 ёшларгача бўлган даврни ташкил этади. Ҳозирги ўсмирлар ўтмишдошларига нисбатан жисмоний ақлий ва сиёсий жиҳатдан бир мунча устунликка эга. Уларда жинсий етилиш, ижтимоийлашув жараёни, психик ўсиш олдинроқ намоён бўлмоқда. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш, асосан 5-синфлардан бошланади. “Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас”- айни шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характерини билдиради. *Ўсмирлик – болаликдан катталikka ўтиш* даври бўлиб физиологик ва педагогик-психологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик тараққиёти жуда тезлашади, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиши ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойиб боради, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балоғатга етиш даври бўлиб, янги ҳислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Бўйига ўсиш бир текис бормайди: қиз болалар 5-7 см ўссалар, ўғил болалар 5-10 см.га ўсадилар. Бўйига қараб ўсиш пайсимон илик суякларнинг узунлашиши ва умуртқа қисмининг катталлашиши ҳисобига рўй беради.

Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг лаёқат, қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ва ўқитувчиларига кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни оддий кузатиш йўли билан ҳам осонгина кўриш мумкин. Ўсмирлик даври *“ўтиш даври”, “кризис даври”, “қийин давр”* каби номларини олган психологик кўринишлари билан характерланади. Чунки, бу ёшдаги ўсмирларнинг хатти ҳаракатида муқобил янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида Л.С.Виготский бундай ҳолатни “психик ривожланишдаги кризис” деб номлаган.

Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, урушқоқлик каби салбий хусусиятлар ҳосдир. Ўсмирлар ҳаётда, экранда ва китобларда катталарнинг мустақиллигини ва эркинлигини, уларни катта ва қизиқarli ишларини, дадил ҳаракатларини, қаҳрамонликларини, атрофдагилар орасидаги обрўларини кўрадилар ҳамда ҳавас қиладилар. Ўсмирда катта ёшли одам бўлишга ёки ҳеч бўлмаганда катта ёшли одам бўлиб кўринишга қизиқиш интилиш пайдо бўлади ва бу хоҳишни амалга ошириш унга осондек бўлиб кўринади. Ўсмирларнинг эҳтиёжлари ва имкониятлари ўзаро мос келмаслиги ўсмирлар билан ота-оналар, ўқитувчилар ва бошқа мураббийлар ўртасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Катталар ўсмирларнинг фойдали жамоа ишларида муваффақиятга эришишларида ёрдам беришлари ва бу билан уларнинг ўз кадр қимматларини намоён қилишларига имкон беришлари лозим. Акс ҳолда улар бошқаларнинг олдида ўзларини юқори қўйишлари, беписандлик қилишлари мумкин. Буни улар ўзларининг кадр-қимматлари тан олинмаганлиги ёки камситилганлигига қарши чиқиб салбий ишлар ва хатти ҳаракатлар орқали амалга оширишлари мумкин бўлади.

Ўсмирлар ниҳоятда тақлидчан бўлиб, уларда ҳали аниқ бир фикр, дунёқараш шаклланмаган бўлади. Улар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар. Шунингдек, уларга мардлик, жасурлик, тантиқлик ҳам ҳосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрни юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ота-оналарнинг, атрофдаги катталарнинг, устозларининг тўғри йўлини кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Ўсмирларга фаросатлилик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик ва узоқни кўра билишлик каби психик хусусиятлар ҳали етишмайди.

Тенгдошлар ва ўқувчилар билан келишмовчилик келиб чиқишига қўйидаги тоифадаги ўқувчилар сабаб бўлади:

1. Оиласи нотинч, ота-онаси жанжалкаш болалар кўпинча синфда жиззакилик қилиб, арзимаган сабаблар туфайли ҳам тенгқурлари билан низолашади, уларни одатда синфдошлари ва ўқитувчилари “тарбияси оғир” болалар деб таърифлайдилар(6-расм).



6-расм

2. Камол топишида нуқсони бўлган болаларда, ўта эрка тарбияланган бола ва ёшларда билимлар билан тизимли шуғулланиш учун ирода етишмайди. Ҳиссий қўзғалиш ва тормозланиш жараёни камчиликлар ҳам билимларни эгаллаш ва синф жамоасига киришиб кетишга тўсқинлик қилади.

3. Руҳий ривожланиши сустлашган ва акли заиф болалар ва ёшлар ҳам дарслар ва берилаётган билимларни ўзлаштириши қийинлашгани ва мураккаблашиб бориши натижасида билимларнинг мазмуни ва маъносини эгаллашга қийналадилар, бу ҳолат уларда жанжалкашликка мойилликни кучайтиради. Чунки дарс улар учун машаққатли – иш, улар иложини топса дарсга келмайди, кирмайди. Жанжал қилади.

4. Иқтидорли болалар. Улар дарсда берилаётган билимлар даражасидан қониқмайди. Зерикади. Кўпинча синфдан ажралиб қолади. Ўқитувчи билан келиша олмайди, шу сабабли ўзлаштиришдан орқада қолаётган тенгдошлари ҳам, унинг талаби ва истаги даражасида дарс берилмаётган педагог билан ҳам конфликтга киришишга мойил бўлиб қолади.

5. Доимо ҳаммадан норози, атрофдагиларга мухолифатда бўлганлар. Бу ўқувчилар ота-онасига, ўқитувчиларга ва бошқа катталарга салбий муносабатда бўладилар. Уларнинг гапига

ишонмайдилар. Мавжуд тартиб-интизомга бўйсуннишни ишашмайди. Қасддан дарсдан қочиб кетади, ота-онасига азоб бериш учун ўғирлик қилади, арзимаган нарсаларга жанжал кўтаради.

6. Бировларга тақлид натижасида юзага келадиган конфликтлар. Болалар ёки ёшлар ўзидан катта кишиларга, баъзан кино актёрларга ва бошқа севимли қаҳрамонларга тақлид қилиб синфдаги тартиб-интизомга, ахлоқ нормаларига риоя қилишни иштамайдилар.

Педагогик ёки синф жамоасидаги конфликтнинг келиб чиқиш сабабларини кўриб чиқамиз:

Жамоада (синф жамоаси, меҳнат жамоаси ва бошқалар) ҳар хил мавқедаги шахслар ўртасидаги келишмовчиликлар анча мураккаб кечади. Жамоанинг расмий ва норасмий етакчилари ва айрим тенгдошлар орасида келиб чиқадиган келишмовчиликларда, агар жисмонан кучли бўлса салбий хулқ-атвори ва хатти-ҳаракати билан ўз атрофига ўзига ўхшаган “муштум зўрлар”ни тўплаган бўлса, синфдаги жисмонан кучсиз, хавотирланиш даражаси юқори, кўрқоқ, ўзига ишончсиз ўқувчиларни таъқиб қилиши, зўрлик билан ўзига бўйсундириши, уларни ёмон йўлларга бошлаши мумкин.

Баъзан шундай жисмонан кучли ва салбий етакчилар, кучсиз ўқувчиларга “солиқ тўлаш”га мажбур қилингани ёки дарсга яхши ва аъло баҳоларга тайёрланиб келган ўқувчиларни кўрқитиш (ёки ҳақорат) билан дарсда жавоб бермасликка мажбур қилинганини эшитиб қоламиз, бу ерда албатта синф раҳбари ва бошқа ўқитувчиларнинг бепарволиги, синфдаги ички ўзаро муносабатларни назорат қилмаслиги натижасида бундай низолар келиб чиқади. Бундай ҳолатнинг олди тез олинмаса, жисмонан кучсиз ўқувчи (ёки ўқувчилар) учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. 8-в синф ўқувчиси жисмонан кучли бўлиб, у ўз атрофига бир нечта тенгдошларни тўплаб, бутун синф жамоасини ўзига бўйсундиради. Айниқса, шу синфдаги “аълочи” бир нечта ўқувчини улар таъқиб остига олишади; бу асосан уларни кизлар олдида жисмонан ва руҳан камситиш, дарсдан кейин – кўчади “жазолаш”, пул талаб қилиш ва бошқа ярамас хатти-ҳаракатлар билан намоён бўлар эди.

Мақтаб психологининг ташаббуси билан ўтказилган кичик педагогик кенгаш – “конселлум”да 8-синфдаги аҳвол муҳокама қилиниб, қўйидаги тадбирлар белгиланди:

- 1) синфда юзага келган кичик гуруҳчанинг аъзоларини, унинг асосий ташкилотчиси ва етакчиси бўлган “С” исмли ўқувчидан ажратиш учун, уни шу мактабдаги бошқа синфга ўтказиш ва тезлик билан оналар йиғилишини чақиритиш;
- 2) “С” билан мактаб маъмурияти, мактаб психолги суҳбат ўтказиши ва уни ўз хатти-ҳаракатининг оқибатлари билан огоҳлантириши;
- 3) “С”нинг отасига ўғлини дарсдан сўнг футбол тўғарагига қатнашишига ёрдам бериш тайинланди (“С” футболга жуда кизиқади);
- 4) 8-в синфда психологик муҳитни яхшилаш, жипслик, ҳамжихатликни ривожлантириш учун кечалар, саёҳатлар уюштиришига келишиб олинди.

**Кичик гуруҳчаларда юзага келадиган конфликтлар.** Жамоода 2-4 кишилиқ кичик гуруҳчаларда юзага келадиган келишмовчиликларни ўқитувчилар сезмасдан қолиши мумкин. Борди-ю, бундай келишмовчиликлар-нинг олди олинмаса, ўз вақтида жанжални келтириб чиқарган омиллар бартараф этилмаса, 2 ёки 3 ўқувчи орасидаги келишмовчиликларга бошқа ўқувчилар ҳам аралашиб, бу низо бутун синф жамоасига тарқалиши мумкин. Мисол: юқори синф ўқувчиси психолог қабулига кириб. “Илтимос, менга ёрдам берсангиз. Синфимиз мен сабабли иккига ажралиб қолган, бу жанжал аслида Гулнора билан менинг орамизда бошланди. Мен Гулнорага қўполлик қилганим учун иккимиз аразлашиб қолдик, лекин Гулноранинг ўртоқлари мен билан гаплашмасдан, мени ажрата бошладилар. Бу менинг ўртоқларимга қиттиқ тегди ва улар мени ҳимоя қилдилар. Ҳозир синфдаги қизлар иккига бўлинган ва жанжал давом этмокда”, - деди қиз.

Қиз ўзининг хатти-ҳаракатидан изтироб чекмокда эди. Эҳтимол, синфдаги рақобат, асабий ҳолат ҳамманинг жонига теккан бўлса керак, қизлар билан алоҳида ўтказилган ягона суҳбат бу низога чек қўйди ва низо такрорланмади. Бундай низоларнинг юзага келишига сабаб, баъзи синф раҳбарлари ва ўқитувчилар синфдаги ички ўзаро

муносабатларга унчалик эътибор бермайдилар, натижасида синфда ўта асабий психологик муҳит юзага келади. Бундай вазиятнинг олдини олиш ёки бартараф этиш жуда осон, чунки болалар, ўсмирлар одатда жуда кечирувчан бўладилар. Айниқса, тенгдошлари билан бўлган келишмовчиликлардан ўзлари руҳан азият чекадилар, афсусланадилар.

Тенгдошлари, шунингдек, синфдошлари гуруҳида ўсмир ўзининг келишувчанлик хусусияти билан намоён бўлади. Ўсмир ўз гуруҳига боғлиқ ва қарам бўлган ҳолда шу гуруҳнинг умумий фикрига қўшилишига ва унинг қарорини доимо бажаришга тайёр бўлади. Гуруҳ кўпинча ўсмирда “биз” ҳиссининг шаклланишига ёрдам беради ва унинг ички ҳолатини мустақкамлайди. Ўсмир ёшидаги бола учун дўст танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Ўсмирлик даврида дўстлик жуда қадрли ҳисобланади. Дўстлар доимий равишда руҳан, қалбан яқин бўлишга эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж ўсмир дўстларининг ҳол-аҳвол сўрашиши ва кўришишларида (қўл бериб, кучоқ очиб кўришиш) бирга ўтириш ва бирга юришга ҳаракат қилишларида кўринади. Кўпгина ана шундай жуда яқин муносабатлар, ўсмирларнинг шахс бўлиб шаклланишида, ҳамкорликдаги ҳаракатларингиз инсон қалби ва хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

### **3.2. Ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги конфликтлар**

Ўқитувчилар ўз фаолиятларида ўқувчиларнинг дарс интизоми билан боғлиқ бўлган муаммолар, яъни ўқувчиларнинг таълимга, билим олишга нисбатан салбий муносабатига дуч келишади. Улар ўқувчиларга маълум талабларни қўядилар ва ўқувчилар бу талабларга сўзсиз амал қиладилар деб ўйлайдилар. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни “кўчадаги қарама-қарши ҳаракатга” қиёслаш мумкин, чунки ўқувчининг ўқитувчига муносабати конфликтли ва муаммоли хулқ-атвор шаклида намоён бўлади.

Интизомга риоя қилмайдиганларга нисбатан конструктив таъсир самарали бўлиши учун бу хатти-ҳаракатнинг асл мотивлари нимадан иборат эканлигини аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда

муаммонинг ечимини топиш усуллари танилаш лозим. Бундай ёндашув ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳурматни шакллантиради.

**Муаммоли хулқ-атворнинг мотивлари.** Интизомни бузган ўқувчи бу хатти-харакат нотўғри эканлигини тушунади, лекин у ўз хулқ-атворининг мотивини тушунмайди. Ҳар бир бола учун бу хатти-харакатнинг турли сабаб ва мақсадлари мавжуд. Педагоглар бу мотивларнинг қандай бўлишига қарамай уларга таъсир этиш усуллари топишлари лозим. Агар педагоглар хулқ-атворнинг бузилиш мақсадларини аниқлашга қодир бўлсалар, у ҳолда ўқувчи билан конструктив муносабатларни ўрната оладилар, унумсиз мулоқот самарали мулоқотга айланиши мумкин. Бунда тўғри стратегияни танилаш қадамма-қадам муаммонинг ечимини топиш имконини беради. Бундай вазиятга педагогик аралашув натижасида шундай шароитлар яратиладики, болалар ўз интизомларини тўғрилаш борасида маълум қарор қабул қиладилар.

Ўқувчининг хулқ борасидаги танлови, унинг ёмон хулқ-атворининг мақсади ўқитувчи томонидан аниқланиши ва инобатга олинишига боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчига ўзини мактаб ҳаётининг тўлиқ иштирокчиси эканлигини англашига ёрдам бериши лозим. Бу борада педагогта мазкур муаммога индивидуал ёндашиш бўйича амалий режа тузиш тавсия этилади. Бу режа ўқувчининг хулқ-атворига самарали таъсир этишнинг усулидан иборатдир.

Режани тузишда ўқитувчи ўзининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади. Албатта бунда вақт ва вазиятни таҳлил этиш талаб этилади, лекин натижалар ўзини оқлайди. Ўқитувчининг қарашлари, яъни установакиси ўзгаради, хавотирлик йўқолади, авваллари муаммоли ўқувчидан фақатгина ёмон хулқ-атвори кутган бўлса, энди ютуққа эришишга ишончи комил бўлади.

Ушбу режани қуйидагилар ташкил этиши мумкин:

-“ёмон” хулқ-атворнинг сабабини аниқлаш;

- уни бартараф этиш усуллари танилаш;

-ўқувчини қўллаб-қувватлашнинг келгуси тактикасини ишлаб чиқиш;



-муаммони ҳал этишга ота-оналарни ва педагогларни жалб этиш.

Режани амалга оширишда педагог кетма-кетликдаги 5та вазифани бажаради.

**1-вазифа.** Муаммоли хулқ-атворни холисона изоҳлаш. Барча ўқитувчиларга ўқувчининг хулқ-атворини изоҳлашда холислик этишмайди. Интизомни бузганда ўқувчи айнан нималар қилиши “ҳиссиётга берилмай” қисқа изоҳланиши керак. “У жуда ёмон бола”, “унинг фикри тарқоқ, паришонхотир”, “уни бошқариш жуда қийин”каби изоҳлар ўқитувчининг ўқувчига нисбатан берилган нотўғри баҳоси ҳисобланади. Бу изоҳлар ўқувчининг хулқ-атворига берилган баҳо бўлмай, балки айрим ўқитувчиларнинг ўқувчилар хулқ-атворини тузатишда натижага эриша олмаганлигини билдиради. Лекин битта ўқувчи ҳамма ўқитувчиларга нисбатан ҳам бундай хатти-ҳаракатни амалга оширмайди.

**2-вазифа.** Ёмон хулқ-атворнинг сабабини тушуниб олиш. Атрофдагиларнинг ўзига бўлган эътиборини хоҳлайдиган ўқувчилар ўзларини худди ҳақиқий артистлардай тутадилар ва кўп ҳолларда бундай хулқ-атворнинг сабаби шу бўлади. Шундай болалар борки, улар ёки бутун синфни жонлантиришлари мумкин, ёки аксинча, барча ишларни жуда секинликда амалга оширадилар. Бундай болаларни барча ишларда фаол бўладиганларга нисбатан “тузатиш” қийинроқ кечади, чунки улар интизомни расман бузмайдилар. Эътиборга бўлган эҳтиёж психологик жараён бўлиб, овқат ва сувдек зарур. Уйдаги эътиборнинг камлиги унинг мактабдаги хулқ-атворига таъсир этади. Бундай болалар ижобий мулоқот қилишни билмайдилар. Педагогдан бундай ўқувчиларга имкон қадар кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади.

Улар ўзларини кўрсатиш учун турли усуллардан фойдаланадилар, яъни барча ишларнинг аксини қилишга, масалан, назорат ишини ҳаммадан кейин бажарадилар ёки умуман топширмайдилар, синф олдида ўқитувчининг обрўсига путур етказадиган сўзларни айтадилар. Бу эса ўз навбатида хавотир ва зўриқишни юзага келтиради. Шундай болалар ҳам борки, улар бир



қарашдан интизомли, хушмуомала бўлиб кўринадилар, лекин ўзлари хоҳлаган ишни қиладилар, диққатларининг тарқоқлиги ва хотиранинг пастлиги, жисмоний ҳолатлари билан ўзларини оқлайдилар. Улар тартиб-қоидаларга ва ўзидан катталарга бўйсунуш кераклигини аниқ англаб етмайдилар. Агар ўқитувчи ўқувчидаги бундай характерли хусусиятларни тузатишга эришса, бундай ўқувчилар шахсида лидерлик ва мустақил фикрлаш қобилиятлари шаклланади. Улар мустақил фикрлашни, қарор қабул қилишни ва ўз ҳаётларини назорат қилишни хоҳлайдилар. Мураккаблик томони шундаки, бундай томонларни улар бошқаларга ҳам нисбатан қўллашга, уларни бошқаришга ҳам ҳаракат қиладилар.

Ўқувчи интизомни бузганда айнан қандай ҳатти-ҳаракатни амалга ошириши, қандай вазиятларда буни қилаётганини қайд этиш ва нима учун бундай қилаётганини аниқлаш муаммоли хулқ-атворни ҳолисона изоҳлаш имконини беради.

Эътибор ва биринчилиكنи талаб қилаётган болалар ўта ёқимли ва хушмуомала бўлишлари мумкин. Ножўя ҳатти-ҳаракатларни қасд олиш мақсадида амалга оширадиган ўқувчилар эса агрессив, хўмрайган, жаҳлдор бўладилар. Бундай хулқ-атвор боланинг нимадандир норозилиги ва ранжиганлигининг оқибатидир. Ўқитувчи ҳар кун боланинг олдида бўлганлиги сабабли у бошқалардан кўрган аламининг қасдини ўқитувчидан олади. У дарсга халақит беради, китобларни йиртади, синфдошлари билан жанжаллашади, мунтазам равишда кечикиб келади. Бундай ўқувчилар ўқитувчини турли йўллар билан жаҳлини чиқаришга ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда қасд олиш учун ўйлаб топилган ножўя ҳатти-ҳаракатлар болаларнинг ўзларига катта зарар етказиши, яъни улар ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйишлари, эрта жинсий алоқа ва жиноятга қўл уриш(қасд олишнинг фаол шакллари)лари мумкин. Лекин одамовилик, тортинчоқлик, бефарқлик каби қасднинг пассив шакллари ҳам мавжуд. Бундай ҳолатларда ўқитувчи болага ёрдам бермоқчи бўлади, лекин натижага эришиш бироз қийин кечади.

**“Ёмон” хулқ-атворнинг мотивлари:**

-эътибор талаб этиш;

- ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиш;
- қасд олиш истаги;
- омадсизликдан қочиш.

Бундай болалар бошқаларни хафа қилиш орқали ўзларини ҳимоя қиладилар. Агар одамови, ғамгин болалардаги бундай руҳий ҳолатларнинг ўз вақтида олди олинмаса, улар депрессияга тушиб суицид ҳолатларини ҳам содир этишлари мумкин.

Шундай ўқувчилар ҳам борки, улар ҳеч кимга зарар етказмайдилар, лекин яна омадсизликка учрайман деб, ўқитувчи сезмайди деб ҳеч нима қилмайдилар. Ўзларини “ҳаракат қилсам, буни қилаоламан, лекин ўзим хоҳламайман” деб оқлайдилар. Фанлар бўйича назорат ёзма ишларида бирдан касал бўлиб қоладилар ёки дарсдан кетиш учун асосли сабаб топадилар. Бундай тарзда улар ўзларини англанилмаган ҳолда ҳимоя қиладилар. Ўқитувчида кўп ҳолларда ўқувчининг самимийлигига шубҳа уйғонади. Мана шундай болалар ўқитувчидан кўпроқ “Сен буни уддалайсан, қўлингдан келади!” деган сўзларни эшитишлари керак. Мунтазам равишда улар ўқитувчининг қўллаб-қувватлашини сезсалар уларда ўзига нисбатан ҳурмати ва ишончи ортади, ўзини бундай хатти-ҳаракатлар билан ҳимоя қилиш эса камаяди.

**3-вазифа.** Ўқитувчининг нуқтаи назари ва муносабатининг ўзгариши. Ўқувчининг хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда ўқитувчининг шахси, унинг ўқувчилар билан мулоқот ва муносабатлари аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчилар ўқувчи билан маълум қоидалар доиралари асосида муносабат қилишлари лозим.

**1-қоида.** Ўқувчининг шахсига эмас, балки унинг айни вақтдаги хулқ-атворига диққатингизни қаратинг. Ўқувчининг хулқ-атворини муҳокама қилаётганда унга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилинг. Бунда айни вақтда содир этилган хатти-ҳаракат ҳақида “шу ерда ва ҳозир” гапиринг. Ўқитувчи томонидан бундай хатти-ҳаракатни аввал ҳам содир этгансан ёки келажакда ҳам содир этишинг мумкин деб танбех берилса, ўқувчи тушқунликка тушиб, бу хатти-ҳаракатни тузатиб бўлмас хато деб ўйлайди. Ўқитувчи ўқувчига нисбатан

қатъиятли, шу билан бирга хайрихоҳ бўлиши керак. Ўқитувчининг: “менинг сенга муносабатим жуда яхши, инсон сифатида мен сени ҳурмат қиламан, бу қилаётган ишингни ҳозироқ бас қилишингга ишончим комил” деган сўзлари ўқувчи учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўзини ҳурмат қилишга, хулқини яхши томонга ўзгаришига туртки бўлади.

2-Қоида. Ўзингизнинг негатив ҳис-туйғуларингизни назорат қилинг. Ўқувчи бизнинг айни вазиятда унга жаҳл қилсак, ғазабимизни билдирсак, бунга жавобан ўзини янада қасдма-қасд ёмон тутиши мумкин. Ўқитувчи қачонки ўз ҳис-туйғуларини назорат эта олса, ўқувчига ўзини ёмон тутишига имкон бермайди ва келгусида яхши шахслараро муносабатлар учун замин ҳозирлайди.

3-Қоида. Вазиятни янада кескинлаштирманг. Ўта баланд овозда гапириш, “бу ерда ўқитувчи мен, сен эмас” деган иборани ишлатиш, пичинг ва истехзо билан гапириш, шахсиятга тегиш, низога бошқаларни ҳам жалб этиш, ташқи кўринишини танқид қилиш, ўқувчиларни калака қилиш ва бошқалар қатъиян ман этилади. Буларнинг баъзилари қисқа вақтга ўқувчини тинчлантириши мумкин, лекин унда ўқитувчига нисбатан ҳурмат уйғонмайди ва ишончли мулоқотга кириша олмайди.

4-Қоида. Ўқувчининг хатти-ҳаракатини бутун синф олдида эмас, балки дарсдан сўнг бир ўзи билан муҳокама қилинг.

5-Қоида. Ўқувчилар одатда ўқитувчининг барча айтганларини “ўзлари хоҳлагандек”, яъни афтларини бужмайтириб, шошмасдан, бажарадилар. Агар ўқитувчи бунга аҳамият бермаса, ўқувчи ўз-ўзидан қоидаларга бўйсунishi мумкин, улар ўртасида қарама-қаршлик пайдо бўлмайди.

6-Қоида. Ўқувчига дўқ-пўписа қилиш, бақариш, уни айблаш каби агрессивликни намоён қилманг. Улар бу хатти-ҳаракатни сизга нисбатан ҳам “қўллаш мумкин” деб тушунади.

**Муаммоли хулқ-атворда педагогик таъсир усуллари.** Агар бола эътиборни талаб этса қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

1. Эътиборни камайтириш:

-кўп ҳолларда боланинг намоёишкорона хулқ-атворини тўхтатишнинг энг самарали усули – унга аҳамият бермасликдир;

-кўзлар орқали алоқа ўрнатинг. Ўқувчига разм солиб қараб туринг-кўз қарашларингиз орқали ўқувчи сизни унинг хатти-ҳаракатидан норози бўлаётганингизни тушунади;

-ҳеч қандай қарашларсиз ва сўзларсиз унинг ёнига келиб туринг. Болалар ниманидир нотўғри қилаётганларини тушунадилар ва уларни олдига яқинлашишингиз заҳотиёқ ножўя ҳаракатларини тўхтатадилар;

-дарс давомида интизомни бузмоқчи бўлган боланинг исмини дарс мавзусига боғлаб айтиб ўтинг. У тинчланиш кераклигини тушунади;

-ёзма тарзда огоҳлантиринг. Шунчаки боланинг олдига “илтимос, шу ишингни қилмагин” деган мазмундаги ёзувни қўйиб кетинг. Болага бу қандай таъсир қилганини кузатинг;

-ўз норозилигингизни тўғри изҳор этинг. Баъзида “ҳозироқ бас қилинг!” деб бақиргингиз келади. Лекин буни бошқа тарзда айтиш ҳам мумкин: “Лола, мен дарсни тушунтираётганимда сени гаплашиб ўтиришинг менинг хаёлимни чалғитади, илтимос, гаплашмай ўтиргин”.

2. Дарс давомида ўқувчиларга бирмунча вақт хоҳлаган ишларини қилишга рухсат беринг (“тақиқланган мева доим ширин”):

-ножўя ҳаракатлар (ўтиришни хоҳламасалар тураверсинлар, бир-бирлари билан гаплашаверсинлар) ва беъмаънигарчиликка маълум вақт рухсат беринг;

-“ҳамма нарса мумкин” усулини қўлланг. Бу усул шундан иборатки, ўқувчилар интизомни фақат аввалдан келишиб олинган ҳажмда бузишлари мумкин. Шунингдек бу ҳажм кичрайиши мумкинлиги ҳам айtilган бўлиши керак. Бу усул фақатгина ўқувчига эътибор керак бўлганда қўлланилади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бундай алоҳида муносабатлар натижасида ўқувчи ўзига нисбатан эътиборнинг керакли эканлигини ҳис этади.

3. Ўқувчиларнинг ёмон хулқ-атворини улар кутмаган тарзда тўсатдан тўхтатиш:

-кулги ва юмордан фойдаланинг;

-паст оҳангда гапиришни бошланг. Кўп ўқувчилар “Мақтабда сиз учун энг ёқмаган нарса нима?” деб савол берилганда “Бақириб ва ўдагайлаб гапирадиган ўқитувчилар” деб жавоб берадилар. Қачонки ўқитувчилар секин гапирсалар ўқувчилар ҳам шунга жавобан қўполлик қилмайдилар.

-дарсни бирмунча вақтга тўхтатиб турунг: “Аввал тинчланиб олинглар ва қачон дарсни давом эттириш мумкинлигини айтасизлар” деб, синфга мурожаат қилиш мумкин. Ўқитувчининг бундай енгил босими тезда таъсир этади.

4. Ўқувчиларни чалғитинг:

-“Сен бу саволга қандай жавоб берган бўлардинг?”, “Сенинг фикринг қандай?” каби тўғридан-тўғри саволлар болани “ёмон” хулқ-атвордан чалғитади;

-унга бирор бир вазифани (дафтарларни йиғиб олиш, бўр олиб келиш, синф журналини олиб келиш ва бошқ.) юклатинг;

-ўқувчиларнинг фаолиятини ўзгартиринг (ҳар бирига алоҳида топшириқ беринг).

5. Синфнинг диққатини интизомга риоя қилаётганларга қаратинг:

-сизни топширигингизни бажарган ўқувчиларга миннатдорчилик билдиринг;

-уларни мақтанг.

6. Ўқувчиларнинг жойини ўзгартиринг. Уларни бошқа жойга ўтказсангиз “томошабинлардан” маҳрум этасиз ва улар тинчланадилар.

Агар бола қасддан ёки бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилиш хулқ-атворини қўлласа қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Низо келиб чиқмаслиги учун дипломатик йўл тутинг.

2. Ўқувчининг нимага қодир эканлигини тан олинг. Ўқувчига қанчалик кўп босим ўтказсангиз, у шунчалик қаршилиқ кўрсатади “Сен топшириқни бажармаслигингни мен тушундим” деган мазмунда мурожаат қилсангиз ўқувчи буни буйруқ ҳам, насиҳат ҳам эмас деб

қабул қилади. Дарсни давом эттириш мумкин ва аксарият ҳолларда ўқувчи ҳеч қандай эътирозсиз бошқа ўқувчиларга қўшилиши мумкин.

3. Агар юзага келган низоли вазиятни муҳокама қилмоқчи бўлсангиз буни дарс вақтида эмас, балки танаффус вақтида бажариш мақсадга мувофиқ. Чунки атрофдагиларнинг гувоҳлиги қарама-қаршилиқни янада кучайтиради. “Томошабинларсиз” ўқувчи ўзгаради.

4. Юзага келган вазиятнинг муҳокамасини кейинроққа қолдиринг: “Мен ҳозир буни муҳокама қилмоқчи эмасман”, “Балки, сен ҳақдирсан, кел бу ҳақида кейин гаплашамиз”.

5. Муҳокама учун махсус вақт белгиланг. “Сен билан буни муҳокама қилишга розиман. Олтинчи дарсдан сўнг вақтинг бўладими?”. Ва яна хотиржам дарсни давом эттириш мумкин.

6. Ўқувчиларга топшириқ беринг. “Балки, сен ҳақдирсан... Лекин ҳозир дарсни давом эттирсак”, “Мен албатта бу ҳақида ўйлаб кўраман, ҳозир эса мавзуга қайтамиз...”. Ўқувчиларнинг ноҳўя сўзлари албатта қаттиқ таъсир этади, агар уларга жавоб бера олмасангиз мавзунини ўзгартиринг, вазиятни юмшатиш ва ўқувчиларга топшириқ беринг.

7. Ўқувчиларни вақтинча дарсдан четлаштириш техникасини қўлланг. Лекин шу ерда айтиш керак-ки, уларни коридорга ёки “манзилсиз” чиқариб юбориб бўлмайди. Синф ичидаги бошқа партага, бошқа синфга, психологнинг, директорнинг хонасига чиқариш мумкин. Бу энг сўнгги чоралардир. Ўқувчига таклиф қилинг: “Азиз, сенга нима кўпроқ маъқул, дарсда биз билан ўтиришми ёки директорнинг хонасига боришми? Сени кўринишингдан директорнинг хонасига боришни танлаганингни сездим”. Ўқувчи иккитасидан бирини танлаши керак. Агар шундай давом этса дарсдан чиқиб кетиши мумкин.

8. Жарима белгилаш. Интизомни бузиш оқибатсиз кечмаслигини болалар тушунишлари лозим. Интизом бузилишининг ҳар бир кўриниши учун маълум жарималар белгиланиши мумкин. Жарималар ноҳўя ҳаракатнинг ёки интизом бузишнинг характериға мос бўлиши, масалан, стулни синдирдингми-тузатиб қўй, хонани ифлос

қилдингми-тозала, ҳақорат қилдингми-узр сўра каби мазмунда бўлиши керак. Ўқувчиларга нисбатан бундай жарималар келгусида бу каби хатти-ҳаракатларни такрорламаслиги учун қўлланилади. Жарималар қуйидагича бўлиши мумкин:

-ўқувчини танаффусга чиқишдан маҳрум қилиш, дарсдан сўнг бирмунча вақтга олиб қолиш;

-дарсликдан, жисмоний тарбия дарсида бирон-бир спорт инвентаридан, компьютердан фойдаланишдан маҳрум қилиш;

-зарар ўрнини тўлдириш;

-мактаб маъмурияти билан учрашиш;

-ота-оналар билан учрашиш.

Педагогик таъсирнинг усуллари қуйидагича бўлиши мумкин:

-ўқув материални тушунтириш усулини ўзгартириш. М. Монтессорининг таърифига кўра, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар учун дарс мавзусини тушунтиришда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш самара беради. Улар учун махсус топшириқлар тайёрлаш, жуфт бўлиб ишлаш, ўқувчиларни бир-бирига бириктириш, “сен буни удалайсан, қўлингдан келади” деган сўзлар билан ютуққа эришиши учун шароит яратиш, муваффақиятга қозонишга ишончни шакллантириш, хатоликка йўл қўйганда тушқунликка тушмаслик, ўқувчининг кучли томонларини очиб бериш, ўқувчига индивидуал ёрдам бериш муҳимдир.

**4-вазифа.** Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш стратегияси.

1. Биз болани қандай бўлса шундайлигича, яъни унинг аҳмоқона қилиқларига, камчиликларига, ножўя ҳаракатларига қарамай қабул қилишимиз керак. Бу уларга ўзини ҳурмат қилиш ва ўз хулқ-атворини ўзгартиришига имкон беради.

2. Ўқитувчи ўқувчига дарс давомида қанчалик эътибор қаратса, уни эшитса, уни мактаса, шунга жавобан ўқувчи томонидан интизом бузиш ҳоллари камаяди.

3. Ўзининг тан олинганлигини ҳис этиш инсон учун жуда муҳимдир. Ўқувчиларнинг фикри ҳурмат қилиниши, уларнинг қилаётган ишлари синф ва мактаб учун фойдали эканлигини

кўрсатинг. Тўғри мақтов орқали интизомни тузатишга эришиш мумкин.

4. Маъқуллаш. Ўқувчиларга уларнинг ижобий характер хусусиятлари ёки бирон нарсани амалга ошириш учун қилаётган ҳаракатлари, уларнинг қизиқишлари, эришган ютуқлари ҳақида гапириб туриш лозим. Чунки уларнинг ижобий хусусиятлари ўқитувчи томонидан тан олинса улар ўқитувчиларга ҳам яхши муносабатда бўладилар.

5. Илиқ муносабатлар. Ўқитувчи келгусида ҳам қувонч билан эслаб туриладиган илиқ эмоционал муҳитни ярата олиши лозим. Чунки ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яхши муносабатлар синфда интизом бўлиши учун энг яхши воситадир.

**5-вазифа.** Ота-оналар ва бошқа фан ўқитувчиларини жалб этиш. Ўқитувчининг мазкур муаммо бўйича олиб бораётган ишининг самарадорлиги бу жараёнга ота-оналарни жалб қилиш орқали ҳам ортади. Қачонки ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳаракатлари бирлашса, бир мақсад сари ҳамкорликда иш кўрсалар натижага тезроқ эришилади. Сир эмаски, тарбияси қийин болаларнинг оилалари, ота-оналари ҳам шундайлар қаторига киради. Оилавий тарбиянинг авторитар ёки бепарволик усули таълим олишда яхши натижаларга эришиш имконини бермайди. Шунинг учун ота-оналар муносабатлари усулини ўзгартириш ўқувчининг хулқ-атворининг ўзгаришига ва унинг фанларни ўзлаштиришига сабаб бўлади. Тарбияси қийин болаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларини йўлга қўйиш учун бир неча қондаларга риоя қилиш зарур ҳисобланади.

**Ота-оналар билан ўзаро муносабатларнинг қондалари.**

Ота-оналарга фарзандининг ёмон хулқ атвори ҳақида шунчаки умумий тарзда эмас (“Сизни ўғлингиз...барча ўқитувчиларга ҳалакит беради”), балки аниқ далиллар келтирган ҳолда маълум қилинг.

Ота-оналарга бирданига фарзандининг барча ножўя ишлари ҳақида гапирманг, акс ҳолда ота-оналар даргазаб ҳолда болаларини дўшпослашга тушадилар.



Ота-оналар билан шунчаки содир бўлган вазиятни (“икки” баҳо олганлиги, кимдир билан жанжал, уй вазифасини бажармаганлиги, интизомни бузганлиги) муҳокама қилиш кифоя. Оқибати нима бўлиши ҳақида гапирмаган маъқул.

Ижобий ҳолатларни башорат қилиш эса фойдали бўлиши мумкин. Ўқувчининг ижобий сифатлари, унинг оз бўлсада ютуқларига урғу бериш ва келажакда ота-оналарнинг ўз фарзандларига ёрдами билан яхши натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч билдириш.

Ота-оналар ҳам оддий одамлар эканлигини унутманг. Уларнинг эътиборсизлигидан ранжимаслик лозим. Кўп ҳолларда сизнинг талабларингиз ўқитувчиларнинг муаммоси (масалан, бирон-бир ўқув предметиға бўлган муносабати, бирон-бир ўқитувчи ёки ўқувчиға нисбатан қўпол муомаласи) бўлиши мумкин.

Ҳамкорликка фақатгина ота-оналарни эмас балки ўқувчиларнинг ўзларини ҳам таклиф этинг. Бу билан уларға ҳам қандайдир масъулиятни юклаган бўласиз. Баъзида ўқувчилар ўзларида қандайдир ўзгаришларни катталарға нисбатан тезроқ англайдилар. Шу билан бирға агар ўқувчилар уларнинг хулқ-атворини ота-оналари ва ўқитувчилар биргаликда тузатишға ҳаракат қилаётганларини кўриб яхши томонға ўзгариш кераклигини тушунадилар.

### **3.3. Таълим муассасаси раҳбар ходимлар ва ўқитувчилари ўртасидаги конфликтлар**

Бугунги кунда замонавий ахборт майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизға алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Ота-боболаримиз онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус,

уйт ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар қадрланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "...агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чикмаса, ўзбек ҳалқини ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчилик ларни сиз билан биргаликда енгилшга ҳаракат қилади".<sup>10</sup>

Ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон, жамият тараққиёти ва уни янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини ўз турмиш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган кучли фуқоролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида намоён этиши даркор.

Муаммонинг ечимини топмасдан туриб, конфликтни ижобий ҳал этиб бўлмайди. Агар конфликтга эътибор берилмаса, муаммо ечилмай қолиб кетади, у йўқолмайди, билакс чуқурлашиб, ўт олиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Конфликтлар ечимини топа билишда эса махсус билимлар қўл келади. Муаммонинг ечимига қаратилган умумий сайи-ҳаракатлар эса унинг чуқурлашиб кетиб, оғир натижаларга олиб келишининг олдини олади. Шу боис, конфликт вужудга келганида ундан узоқроқда эмас, балки унга нисбатан фаол муносабатда бўлиш даркор. Конфликтга нисбатан фаол муносабат эса конфликтлар ечими бўйича махсус билим ва кўникмаларнинг қўлланилишини аңлатади.

Конфликтлар турли жойларда содир бўлиши мумкин. Мана шундай конфликтлардан бири – сиз ишлаётган меҳнат жамоасида содир бўлиши мумкин бўлган конфликтлардир. Жамоада содир бўлиши мумкин бўлган конфликтларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Жамоада содир бўладиган конфликтлар мана шу жамоада ишлаётган барча ходимларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди(7-расм).

<sup>10</sup>И.А. Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2009 – 122 б.



### **7-расм. Жамоа – ижтимоий муносабатлар ва ягона ижтимоий фаолият асосида бирлашган гуруҳ**

Меҳнат жамоасида вужудга келиши мумкин бўлган конфликтлар (1) сиздан ташқарида, яъни зиддият сизнинг манфаатларингизни ўзида жам қилмаган, ёки (2) унга сиз ҳам тортилган, яъни сизнинг манфаатларингиз конфликт орқали бузилаётган ёки аксинча, сизнинг манфаатларингиз ютиб чиқаётган ёки (3) алоҳида ҳолда сиз ва сизнинг ҳамкасбингиз, сиз ва сизнинг раҳбарингиз ўртасида ёки (4) умуман бутун жамоа орасида вужудга келиши мумкин. Жамоадаги конфликт ким ўртасида содир бўлаётганлигига қарамай мана шу жамоада ишлаётган ходимларнинг барчасини ўз домига тортиб кетади.

Нима сабабдан меҳнат жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

- алоҳида шахс ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;

- айрим алоҳида жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий, груҳий нормаларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, маҳсулотдаги брак, ишнинг самарасизлиги ва б.к.);

- жамоа аъзолари қарашларидаги номувофиқликлар;
- ишни ташкил этиш ва меҳнатга муносабатдаги фарқлар;

■ ишчи ходимлар ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳоказо.

Сиз жамоада содир бўлган зиддиятдан ташқарида бўла олмайсиз. Агар сиз конфликтга умуман аралашмасангиз ҳам, сиздан конфликтга нисбатан ўз муносабатингизни ойдинлаштириш сўралганда, хоҳланг-хоҳламанг зиддиятга нисбатан ўз фикрингизни, ўз хулосаларингизни айтишга мажбур бўласиз. Бу эса, қайсидир масалаларда бир ёки бошқа томоннинг манфаатларини устун қўйишингизга, бирор томоннинг ёнини олишингизга сизни мажбур этади. Агар сиз мақсадли равишда жамоадаги конфликтдан ўзингизни олиб қочиб, ўзингизни бетараф деб эълон қилганингизда ҳам, ҳар куни ўша жамоада бўлганингиз учун, конфликтнинг қандай ривожланаётганлиги, томонлар ўзини қандай тутаётганлиги беихтиёр кузатиб борасиз, охир оқибат ўзингизни ҳақиқатан ҳам зиддиятдан ташқаридаман, - деб ҳис қила олмайсиз.

Жамоада вужудга келган ҳар турли конфликтларга нисбатан ҳам пассив эмас, фаол ёндошган маъқул. Сиз ўзингизни бир томоннинг ёнини олган ёки иккинчи томон учун бўйсунган ҳолда эмас, балки аввал ўрганганимиздек, мана шу конфликт вазиятни вужудга келтирган муаммони аниқлашга сайи-ҳаракат қилиб, бутун жамоа диққатини шахслараро муносабатларни тафтиш қилишга эмас, балки муаммони аниқлашга, унинг ечимини қидиришга, томонларнинг ҳар бирининг манфаатларини ўзаро яқинлаштиришга, ҳар икки томонни ҳам ўзаро қониқтирадиган ечимни қидиришга сафарбар этишингиз лозим бўлади.

Меҳнат жамоасида ходимлар ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилиш ва бир-бирларига зарар етказмасликка ҳаракат қилиб ишлайдилар. Аммо шунга қарамасдан баъзан улар ўртасида, кўпроқ жамоа раҳбарининг ўз кўлидаги ходимларга нисбатан жамоа этикасининг бузилиш натижасида муаммоли ҳолатлар учраб туради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- 1) раҳбарнинг ўз қўлида ишлаётганларга нисбатан димоғдорлиги, яъни ўз раҳбарлик лавозимини суистеъмол қилган ҳолларда раҳбарлик қилиш тартибини бузиши;
- 2) ўзини катта тутиши, уларни беҳурмат қилиши;
- 3) берган ваъдалар устида турмаслик;
- 4) ўз фикрларидан ўзгача бўлган қарашларни ёқтирмаслик, қўл остидаги ходимларнинг фикрларини инкор этиши ва таъқиб остига олиши;
- 5) танқидли фикрларга йўл қўймаслиги;
- 6) ўз қўлидаги ходимлар ҳуқуқларини чеклаши;
- 7) ходимларга улар масъулиятидан ташқари шахсий мажбуриятларни юклаши ва уларнинг бажарилишини талаб этиши;
- 8) барча учун муҳим бўлган баъзи маълумотларни яшириб, улардан жамоани беҳабар қолдириши (масалан, шататлар қисқариши, мукофатлардан ёки чет элга кетиш учун келган командировка);
- 9) инсон нафсониятини пастга урадиган танқид билан шуғулланиши;
- 10) ходимлар орасига атайлаб ғалва ва нифоқ солиб қўйиши;
- 11) ходимларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, улар ўртасидаги низоларни келтириб чиқариши;
- 12) ходимнинг вақтини тежамаслик (масалан, ходим агар раҳбар билан муҳим масала юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлса, ўзини бир неча кун “кутиш”га ёки узоқ вақт кутишга мажбурлаш);
- 13) хонасига кирган одам билан ўз қоғозларидан кўз узмай суҳбатлашиши;
- 14) кириб келган одамга “ўтиришни” таклиф этмаслик ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланиб мисол келтиришимиз мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида директорни бошқа ишга ўтгани учун унинг ўрнига ёш, аммо қайсидир мактабда ўқув бўлимининг мудирини бўлиб ишлаган аёлни тайинлашди. Жамоа янги раҳбарни илиқ кутиб олди, айниқса, унинг ёшлиги ва “мен бу мактабда тартиб ўрнатишга келдим, ўзим ҳам кучимни аямайман ва сизлардан ҳам шуни талаб қиламан”, - деб ишонтириши кўпчиликка ёқиб қолди.

Чунки эски директорнинг баъзан ўз билганича, адолатсиз қарорлар қабул қилишини ўқитувчилар жамоаси ҳазм қила олмасди.

Ростдан ҳам мактабда тартиб-интизом анча яхшиланиб қолди. Олдинги директорнинг “эркалари”ни янги раҳбар “жойига ўтказиб қўйди”. Мактабнинг ўқув жараёнида, ташқи ва ички кўринишида сезиларли ўзгариш юз берди. Лекин, янги директор ёшлиги учунми, ўқитувчилар билан гаплашганда, йиғилишларда қўпол, ортиқча ўзига эрк бериб гапиришидан айримлар қаттиқ ранжий бошлашди. Шундайлар орасида мактабнинг ўқув бўлими мудирни ҳам бўлиб, у анча тажрибали, жамоада ўрни ва обрусига эга эди. Янги директор ўзидан анча ёш бўлишига қарамасдан айрим вақтда қўпол муносабатда бўлиши мудирнинг нафсониятига тегди. У бир-икки марта раҳбарга одамларга нисбатан муносабатини ўзгартиришни маслаҳат берди. Аста-секинлик билан мактаб жамоаси иккига бўлиниб, бир қисми раҳбар атрофида, иккинчи қисми мудир атрофида кичик гуруҳчани ташкил этдилар. Ташқаридан қараганда бу ҳолат сезилмас, одамлар бир-бири билан олдиндагидай қуюқ саломлашар, биргаликда тadbир ўтказишар эди, лекин ўртада ўзаро ишонч йўқолиб, “ўзимизники” ва “душман томон”га жадал равишда тақсимланишди. Ҳар бир гуруҳча ўзининг кейинги ҳаракат тактикасини ва стратегиясини бурчак-бурчакда яширинча муҳокама қиларди.

Ўзаро тортишувлар, бир-бирининг устидан шикоят хати ёзишлар, кичик-катта йиғилишларда даҳанаки жанглар авж олди. Баъзи бировларнинг асаби чидамасдан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди. У конфликт агарда шундай давом этса, нима билан тамом бўлишини ҳеч ким башорат қила олмасди.

Яхшиямки, туман Халқ таълими бўлими бу конфликтга аралашиб, директор ва мудирни ишдан олиб, ўрнига бошқа кишиларни тайинлаш билан барҳам берди.

Яна бир мисол, жамоада икки ходим ўртасида ўзаро конфликт вазият вужудга келди. Бўлим муҳим бўлган масала юзасидан йиллик ҳисобот тайёрлаши лозим эди. Ҳисоботнинг таркибий қисмлари турли ходимларга бўлиб берилди. Кимдир ҳисобот ёзишга масъулият билан ёндошди, кимдир масъулиятсизлик қилиб, кечикиб, ўзи

тайёрлаши бўлган саҳифаларни ёзиб улгурмади. Бунинг натижасида бутун бўлим йиллик “мукофот”дан қуруқ қолиши эҳтимоли вужудга келди.

Кимдир “Ўзи ким бу ландовурни ишга олиб келган”, - деди. Бошқа биттаси “Аввал сўрайликчи, оиласида бирор кор-ҳол бўлгандир”, - деди. Учинчилар “Мана биз кечалари ухламай, қоғозларни уйга олиб кетиб, хўжайинлардан гап эшитиб бўлса ҳам, ёзиб улгурдик-ку”, - деди. Бошқа бир ходим “Ҳайдаш керак бунақа безбетларни, бировлар хисобига кун кўрадиганларни. Кутулиш керак улардан. Ўзи ҳам ишламайди, бировларни ҳам оёғига болта уради”, - деди. Ҳамма гапга чидаётган ишни бажариб келмаган ходим, “Ким безбет? Кимнинг оёғига болта урибман?!” - деб қаршисида турган одамга ташланиб қолди. Орада шовқин-сурон бўлиб кетди. Сўз билан уришиш муштлашишга айланиб кетди. Шовқинга бўлим бошлиғи кириб қолди. Иккала уришган ходимни ўз хонасига таклиф этди. Бошлиқ ҳисоботни муддатида қилмаган одамни ўзи ишга олиб келган эди. Шу боис уни кўп уришмади. Гапларининг охирида “Ҳаммага айтиб, тинчлантириб қўйинглар. Ҳамма ўз мукофот пулини олади”, - деди. Сўнг, “Биз бир бўлимдамиз. Ўзаро жанжал қилманглар. Уят бўлади. Муроса-ю мадора. Қани бир-бирларингизга қўл бериб, ярашиб олинглар-чи”, - деди-да уларни қўйиб юборди.

Ана энди сиз жавоб беринг. Бошлиқ ўртадаги низо ва зиддиятни ечиб, муаммони ҳал қилган-ми?! Энг осон йўли, худди муаммо мавжуд эмасдек, томонларга “урушманглар”, - дейиш. Аммо, “урушманглар” дейиш билан одамлар урушмасдан қолмайди-ку... шу боис, жамоада вужудга келадиган конфликтларда ҳам ўзини тутиш ва конфликтда бўлган муносабалар бўйича маълум тартиб-қоидаларга риоя қилган маъқул бўлади. Жамоадаги конфликтлар бўйича мутахассислар конфликтни бошқаришнинг саккиз муҳим қоидаларини ажратишади.

Юқорида келтирилган мисоллар билан мактаб жамоаларида (ёки ишлаб чиқаришдаги меҳнат жамоаларида) низога фақат ўқувчи сабаб бўлади, демоқчи эмасмиз. Ўқитувчилар орасида ҳам иш юритиш шакли, хатти-ҳаракати, ҳулқ-атвори низога сабаб бўладиган

Ўқитувчилар анча бўлиб, улар ҳам ўқувчиларнинг мактабдан бешига, ўзига ишончсиз, кўрқоқ, ташаббуссиз, асабий бўлиб ўсишларига сабаб бўлар экан, бундай ўқитувчилар тиббий, руҳий ва асабий ёрдамга доимо муҳтож бўлиб юрадилар.

### **Жамоадаги конфликтни бошқариш тартиблари:**

1. Конфликтни вужудга келганини, унинг мавжудлигини тан олиш ва уни ўрганиш.

2. Конфликтга тортилган ходимлар, бевосита конфликт иштирокчилари ҳамда конфликтга алоқадор бўлмаган, аммо мана шу жамоанинг барча ходимларининг зиддият тўғрисидаги ҳолис фикр-мулоҳазаларини ўрганиш.

3. Конфликтнинг асл мазмунини, нима сабабдан келиб чиққанлигини аниқлаш. Зиддиятнинг шахслараро конфликт эканлиги, ёки томонлараро конфликт эканлигини белгилаш. Шунингдек, жамоадаги осойишталикни бузиш жамоага ўз салбий таъсирини ўтказишга, иш жараёнининг бузилишига сабаб бўлаётган одам мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш. Умуман конфликт вазиятининг субъектив ва объектив келиб чиқиш сабабларини ўрганиш. Объектив сабаблар мавжудлиги аниқланса, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, масалан, компьютернинг бузилиб қолганлиги, электр чироғининг ўчиб қолганлиги, қоғозларнинг етишмовчилиги в.х.

4. Конфликт ечимини режалаштириш. Конфликт ечимини топиш бўйича турли альтернатив усуллар, йўллар ва сценарийларни ишлаб чиқиш. Конфликтнинг қандай ривожланиб ва ўсиб бориши мумкинлигини аниқлаш. Конфликтнинг ўсиб кетмаслиги олдини олиш чораларини кўриш.

5. Конфликт ечими жараёнига барча ходимларни жалб қилишга ҳаракат қилиш. Кўпчилик ҳолларда баргаликда зиддият мазмуни, унинг келиб чиқиши ва унинг ечимини топиш бўйича чоратadbирларни белгилаш йўналишида ҳамкорлик ва биргаликда ишлашнинг ўзи конфликт вазиятни юмшатишга, томонлар манфаатларини уйғунлаштиришга, умумий мақсадларни топишга, шунингдек, уйғунлик асосида томонларни янгитдан бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Муаммони очиқ муҳокамага қўйиш,



ҳар бир ходимнинг фикр ва қарашларининг самимий баён қилинишига эришиш, қарашлардаги плюрализмга эришиш, конфликт ечими бўйича ҳар бир томон қарашларининг ифодалинишини йўлга қўйиш жамоадаги ҳар турли кескинликлар, мавҳумлик, гина-қудрат, ғийбат, ҳафагарчилик, фикрларнинг ичида қолиб кетиши, ғаламислик, фитна, бўхтон ва аниқ бўлмаган маълумотларнинг тарқалишининг олдини олади.

6. Бутун жамоадаги диққатни конфликтнинг мазмунини, муаммонинг моҳиятини англашга қаратиш ва йўналтириш яхши натижалар беради. Чунки конфликт – бу ҳаётнинг, ёки жамоадаги фаолият жараёнининг охири эмас. Коллектив бундан кейин ҳам биргаликда, ҳамкорликда ишлаши лозим. Иш юзасидан эса турли зиддиятлар бўлиши мумкин. Иш юзасидан бўлган зиддиятларга иш жараёнини яхшилаш учун вужудга келган янги вазият, иш унумдорлигини ошириш имконияти, меҳнат жараёнларидаги низоларни олиб ташлаш орқали янги муносабатларни ўрнатиш жараёни сифатида қараш ўринлидир. Конфликт – жамоада юзага келганда ҳам, оддий ва табиий ҳаёт жараёни бўлиб қолаверади. Конфликт кўпинча жамоада вужудга келган нотабиий ва низоли ҳолатнинг янги мазмунда қайта шакллантирилиши учун катта имконият беради. Катта ишлаб чиқариш жараёнларида, бизнес структуралар фаолиятида конфликт меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат жараёнини жонлантиришнинг муҳим ва зарур бўлган хусусиятларидан ҳисобланади. Конфликт келиб чиқишидан сўнг вужудга келган янги вазият айнан янги қарорлар учун йўл очиб беради. Йиғилиб қолган муаммоларни юзага чиқаради. Улар ечимини топишга бутун жамоани йўналтиради. Ташкилотдаги атмосфера қанчалик осуда ва тинч кўринмасин унинг ички ривожланиш тамойилларида конфликтлар режалаштирилган ва табиий ўрнаштирилган бўлади. Конфликт жамоадаги муаммони ёрқин ва аниқ кўриш, уни ҳис қилиш ва унинг ечимини топиш орқали, янги илғор ва тараққиёт тамойилларини белгилаб олиш учун шарт-шароитлар яратади. Бу ҳолат – конфликт мазмунида яширинган унинг яратувчанлик имкониятларини кўрсатади. Агар ташкилот

рахбари жамоада иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни олдиндан башорат қила олса, ёки вужудга келган конфликтларни яратувчанлик тамойиллари асосида ривожлантира олса, жамоа ичидаги зиддиятлардан қўрқмаса, мана шу ташкилотда ўсиш ва улғайиш таъминланган бўлади.

7. Конфликт ечими доирасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш ва конфликтли вазиятни ҳамкорликда қабул қилинган ечимга олиб келиш. Ҳар бир томоннинг амаллари аниқ, ўзаро мувофиқлашган, бир-бирини тўлдирган, адолатли ва оддий бўлиши зарур. Ечимни ўз вақтида топиш конфликтнинг кучайиб кетмаслигини таъминлашини эсдан чиқарманг.

8. Конфликтли вазият бўйича белгиланган қарор ва хулосаларнинг ўз вақтида жорий этилишини таъминлаш зарур. Конфликт вазиятда бир марта қарор қабул қилиб, қарор қабул қилингандан сўнг конфликт ўз-ўзича ечилади, деб ўйлаш нотўғридир. Конфликт ечими билан алоқадор бўлган қарорларнинг бажарилишигина конфликтнинг ҳақиқий ечими бўла олади. Вазият конфликт ечими топилганини кўрсатиши мумкин, аммо ана шу конфликт ечими амалга оширилдими, бу сизнинг кейинги сайи-ҳаракатларингизга бевосита боғлиқ бўлади. Агар сиз конфликт ечими топилганлиги босқичида муаллақ туриб қолсангиз, конфликт ўз ечими ижросини ҳеч қачон топмайди, конфликт – конфликт вазиятида қолиб кетаверади. Шу боис, зиддиятга доимий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Жамоадаги конфликтни тўғри ҳал этишда бошқарувчидан жуда кенг дунёқарашга эга бўлишни, ўта сабрли, ўткир мулоҳазали, маданиятли ва маънавиятли бўлишни талаб этади. Ҳар бир чиқарилган қарор жамоани тарқалиб кетишига ёки ҳамжиҳат бўлиб ишлашига сабаб бўлади. Шунинг учунконфликт масаласига шошмашошарлик қилмасдан, ишчилар томонидан билдирилган шахсий ва оммавий фикрларга берилиб қолмасдан чуқур таҳлил қилиш билан ёндашиш лозим. Конфликт ечимини тўғри ҳал этиш нафақат жамоани, балки жамоанинг ҳар бир аъзосини ва унинг яқинларини салбий оқибатлардан сақлаб қолади, осойишталигини

бузмайди. Донишмандларнинг фикрича: “Жанжал бўлган ердан барака қочади.”

### Мустақкамлаш учун саволлар:

1. Жамоадаги конфликт ва уни ечимига олиб келиш йўллари айтиб ўтинг?
2. Ўқитувчилар ва ўқувчилар билан келишмовчилик келиб чиқишига нима сабаб бўлади?
3. Кичик гуруҳчаларнинг юзага келишидаги конфликтлар.
4. Жамоадаги конфликтни ҳал этишда нималарга эътибор бериш керак?
5. Ўқитувчи ва ўқитувчи муносабатларида "Исм"нинг аҳамияти нимада?
6. Ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотида нутқ техникасининг роли.
7. Мутахассисларнинг таъкидлашича, катталар билан мулоқот интонацияси неча % ахборотга эга эканлигини тасдиқлаганлар ва изоҳланг?
8. Қандай ҳолларда конфликтга ўқитувчи сабаб бўлади?
9. Мулоқотнинг "новербал"воситалари ва тинглаш кўникмаси ҳақида маълумот беринг.
10. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларда учинчи кишининг таъсири.
11. Раҳбар этикасининг бузилиши натижасида конфликтларнинг юзага келиш сабаблари.

### Талабаларнинг мустақил тайёрланиши учун “Кейс”

#### топшириги

**2-вазият.** *Дилнозанинг уятчанлигини билиб, ўқитувчи огоҳлантирмоқда:*

— *Ҳозир сендан дарсни сўрайман. Тайёргарлик кўргин. Сен ўзинг мустақил уюдалай оладиган матн мана. У қизга матн ёзилган карточкани берди. Дилноза уни ўқиши керак. Дилнозанинг доводириш ҳолатини енгиб, фикрини бир нуқтага тўплашга вақти бор. Ўқитувчи кўпчиликка ушбу мавзу бўйича рағбатлантирувчи баҳо*

*қўйиб бўлган, Дилнозада эса ҳозирча баҳо йўқ. Дилноза табиатан жуда ҳаяжонланувчилардан.*

**Саволлар:**

1. Билимларни бундай назорат қилишни ташкил этишнинг педагогик қиммати нимада?
2. Педагог қандай кўрсатмалар бермоқда?
3. Ушбу вазиятда таълимни ташкил этишнинг қандай ёндашуви амалга оширилган?

## IV БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

### *Таянч тушунчалар:*

*Менталитет, муомала маданияти, ахборот, мулоқот маданияти, сўқиниш, қарғиш, кесатиқлар, қочиримлар, жеркимоқ, беҳурмат қилмоқ, идрокли, маънавиятли, инсоний қадриятлар, ички маданият, педагогик-психологик билимдонлик, педагогик-психологик мулоқот, тартиб-интизом, мотивация, истеъдод белгилари, Давлат таълим стандарти, ўқув дастур, ўқув режа, ёндашув, давлат дастури, тажриба-синов, имконияти чекланган, тарбияси қийин, лаёқат, ўзгани англаш, эшитиш, ўзини англашиш, фаол эшитиш, формализм, қатъийлик (категоричность), ўзини сохта тутиш, ўз фикрини сингдириш, эффектив эшитиш, омил, саботажчилик, эҳтиёж.*

### **4.1. Муомала маданияти ва мулоқот қоидалари**

Ўзбеклар менталитетида муомала маданияти кўпчилиқ ҳолларда ўзаро салом-алиқ қилиш, ҳол-аҳвол сўраш, оиладаги ҳолат бўйича ахборотларга қизиқиш кўрсатиш каби кўринишларда намоён бўлади. Аммо аслида муомала маданияти – ўзга инсонга бўлган муносабат маданияти билан белгиланади. Фақат салом-алиқ қилгандагига эмас, балки ҳаёт тартибида, ҳар кунлик ҳаёт тарзида инсонга кўрсатиладиган ҳурматли ва эъозли, самимий ва тўғри муносабатни англади. Ички маданиятга эга бўлган одамгина ҳар турли вазиятларда ҳар қандай бошқа инсонга нисбатан доимий тўғри, самимий ва аниқ муносабат кўрсата олади. Мулоқот маданияти инсондан бошқа инсонга нисбатан ҳар доим бир текис муносабат кўрсатилишини талаб этади. Қаршингизда турган одам бойми, қамбағалми, қишлоқликми ёки шаҳарликми, мансабдорми, ёки оддий ўқитувчими, бундан қатъий назар унга тўғри муносабат кўрсата олиш ҳақиқий инсонпарварлик мезони бўлиб келган. Аммо мулоқот

маданияти инсондан ўз устида мунтазам иш олиб боришни талаб этади. Мулоқот маданияти ўз-ўзидан вужудга келиб қолмайди.

Ҳаётда кўпинча одамлар орасидаги мулоқотда уларнинг расмий, хушомадгўй, кибр-ҳаволи муносабатлари шоҳиди бўламиз. Баъзан инсон юқори мартабага эришса, у ўзини бошқалардан устунлигини кўрсатиш учун, кўпчилик билан салом-алик ҳам қилмай қўяди. Асл маданиятда эса аксинча, инсоннинг қанчалик мартабаси кўтарилса, шунчалик оддий инсонларга ўзининг яқинлигини кўрсатиш зарур ҳисобланади. Шу билан бирга мулойимлик, халимлик, очиқлик, самимийлик, тўғрилиқ ва бошқа бир неча тамойиллар улуғланади ва тарғиб қилинади. Ёки, йигит тараф қудалар қиз тарафдагиларга сал юқоридан туриб, буйруқ бериб гапиришади. Бойвуччароқ қариндошлар ўзининг моддий тарафдан муҳтож қариндошларига нисбатан керилиб, бошқа тарафдан уларнинг моддий тарафидан уялиброқ муносабат кўрсатишади. Бундай вазиятларнинг барчаси – нотўғри ҳолатлар ҳисобланади.

Демак, реал ҳаётда, одам ёшлигиданоқ мулоқот маданиятига оид маълум инсоний кадриятларнинг бузилаётганлиги билан тўқнаш келади. Оқибатда, бола ҳаётида икки хил стандартлар ҳолати вужудга келади. Бир томондан, бола мулойим бўлиши лозим. Иккинчи тарафдан эса, атрофидаги кўпчилик одамлар, хатто-ки энг яқин ва ҳурматли кишилар ҳам бу тартиб-қоидаларга риоя қилмайди.

Масалан, “сўқиниш” – эркаклар риоя қилмайдиган нотўғри ҳолат, “қарғаш” - аёллар риоя қилмайдиган нотўғри ҳолат. Ўғил болалар “сўқиниш”ни одатда ўз оталаридан мерос қилиб оладилар. Кўпчилик “сўқиниш” ёмонлиги билади, аммо ишлатаверади. Унинг ёмон одатлигини ўйлаб ҳам кўрмайди. Уни ишлатганда бетарбия одамлар ички ғурур хис қилади, аслида бировларни камситиш, уларни менсимаслик, бировларга азият улашаётганлигини билмайди. Аёллар эса баъзан ўз фарзандларини “қарғаб” туриб уларга иш буюради, ёки уларни жазолайди. Аслида аёл кишига майинлик, меҳрибонлик хос бўлиши лозимлигини улар унутиб қўйишади. Агар, ҳақиқатда ҳам болалари билан бирор нохуш ҳодиса юз берса, улар куйиниши аниқ. Аммо тил ҳамма нарсани кўтаверади деб,

оғизларига эрк бериб юборишади. Доимий жеркиб, беҳурмат қилиб, фақат ўзиникини ўтказиб, боланинг эркини бўғиб яхши ҳулқли, идрокли, маънавиятли, баркамол фарзандни тарбиялаб бўлмайди. Демак, мулоқот ва муомала маданиятининг ҳам ҳаётда ўз ўрни ва аҳамияти мавжуд.

Шундай қилиб, муомала маданияти нима ва конфликт вазиятларда мана шу муомала маданияти талабларига риоя этиш зиддиятни енгиллашга кўмак берадими, деган саволлар долзарблик касб эта бошлайди.

Муомала маданияти бўйича билимлар зиддият ичида томонларни бир бирига яқинлаштириш, улар орасидаги мулоқотни янгиладан бир тизимга тушириш, томонларнинг ўзаро ахборот олишларини енгиллаштириш учун хизмат қилади. Муомала маданияти бировни эшитиш ва бировга ўз ахборотларини тўғри етказиш қоидалари ва тартибларидан иборатдир. Шу боис, конфликт ечими тартибларига муомала маданияти бўйича ўқитувчининг овоз хусусиятлари қоидалари киритилади.

Ўқитувчилик касби бевосита ўқитувчининг овоз хусусиятлари билан боғлиқ. Ёқимли ва жарангдор овозга эга бўлган ўқитувчи ўз талабаларини овозининг ширадорлиги билан асир этади. Бундай муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи ўз овозини кучини, ширадорлигини, ёқимлилигини билиши зарур. Лозим бўлганда ундан фойдалана билиш малакасига эга бўлиши керак. Ўз овозида камчилик сезган ўқитувчи уни йўқотишга ҳаракат қилади. Бунинг учун овоздан фойдаланиш ва уни яхшилаш техникаси устида ҳамма вақт узлуксиз машқ қилиб бориши лозим бўлади. Чунки бир-икки машқ билан овозни яхшилаб бўлмайди.

Ўқитувчининг овозида қуйидаги хусусиятлар бўлмоғи лозим: жарангдорлик (товушнинг тозаллиги ва тембрнинг ёрқинлиги); кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси); ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитувчанликка эга бўлиши); ихчамлик, ҳаракатчанлик; чидамлилиқ (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиши); мослашувчанлик (динамика, тембр, мелодиканинг эштилиш шароитига мослаша олиши); қарши

шовқинларга нисбатан барқарорлик (ҳалақит берувчи шовқинга тембр ва тесситураининг ўзгариб туриши); суггестивлик (овознинг ҳаяжонли ифодаланиши ва бу орқали, қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар, тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти).

Нутқ техникаси дейилганда - нутқнинг тингловчи ёки талабага етказишда қўлланиладиган воситалар тушунилади.

Нутқ икки хил кўринишда бўлганидан, унинг техникасини ҳам икки хил кўрсатиш мумкин: оғзаки ва ёзма нутқ техникаси.

Оғзаки нутқ техникаси товуш, бўгин, сўзларни, унинг шаклларини талаффуз этишни яхшилаш борасида нутқ органларини фаоллаштирувчи машқларни англатади. Бунга нафасдан фойдаланиш, товуш тембрларини яхшилаш, фиктсияга эътибор бериш, товушларнинг паст-баланд товланиб туриши, унли ва ундошларни талаффуз этиш, оҳанг кабилар киради.

#### 4.2. Муомала самимий бўлса...

“Қаловини топсанг қор ҳам ёнади”, дейди доно халқимиз. Ҳар бир ишда. хатти-ҳаракатда ўзига хос билимдонлик, устаомонлик қўлланилмаса, у кўнгилдагидек натижа бермайди. Биз яшаётган жамиятда ҳар кимнинг ўз ҳунари, ўз ўрни бор. Одам борки нимагадир қодир.

Алишер Навоий бобомизнинг “Маҳбубул-қулуб” асарида “Фалак жисмининг жони - сўз”, деган гапи бор. Дунёда жонсиз нарсани ўзи йўқ. Ҳамма жисмлар ҳаракатда, бир дам тўхтамайди.

Умар Ҳайём ҳам “Наврўзнома” асарида шундай ёзади: “Мен сўздан муътабарлироқ ҳеч нарса тополмадим.. Ундан афзалроқ нарса бўлганида эди, Ҳақ таоло Пайғамбар (с.а.в.)га ўша нарса билан мурожаат қилган бўлардим” (10 бет).

Афсуски оддийгина хушмуомилалик ва самимий муносабатни ўрнига қўя олмайдиган одамлар ҳам кўплаб учрайди. Улар кимнингдир дилини оғритиб гуноҳқор бўлаётганликларини англаб етишдан ожиздирлар. Ҳаммани ҳайрон қолдирадиган, бутун дунёга шов-шув бўладиган кашфиётлар яратмасин, муомала меъёрини ва



инсоний самимиятни тўғри йўлга қўя олмасалар, кўзланган мақсадларига эриша олмайдилар.



Уильям Джеймс  
(1842-1910)



#### 8-расм.

“Гарвард (8-расм) университетининг профессори Уильям Жеймс шундай ёзади: “Қандай бўлишимиз кераклигини қиёслаб кўрсак, биз ҳали мудраб ётибмиз. Ўз жисмоний ва ақлий имкониятларимизнинг арзимас қисмидангина фойдаланиб келмоқдамиз. Айтиш мумкинки, инсон ўз салоҳиятидан анча қуйида яшамоқда. У одатда фойдаланмаётган жуда кўплаб турли қобилиятларга эга.”” Шундай қобилиятлардан бири - инсоний муамала ва самимий муносабат. Бунда мақтовни ҳам, рағбатни ҳам ишга солиб суҳбатдошингизнинг ҳам меҳрини қозонасиз, ҳам улкан ишларни қилишга даъват этган бўласиз. Суҳбатдошингизнинг дилини оғритмаган ҳолда самимий муносабатда бўлиб, ўз таъсиригизни ўтказинг. Уй қурган бўлса уйини мақтанг, машина олган бўлса, машинасини мақтанг бирор ютуққа эришган бўлса, хайрихоҳлигингизни билдиринг, ҳатто рўзғорда рафиқангиз тайёрлаган овқатни мақтаб истеъмол қилинг, фарзандингиз мактабдан “5” баҳо олиб келган бўлса, қизингиз уйни тозалаб супурган бўлса, уларни ҳам мақтанг. Мақтовда ўртача, муомалادا самимий бўлинг.

Муносабатингиз ҳурматга йўғрилган бўлса, оддий одамларни, айниқса, оила-аъзоларингизни бошқариш осон кечади. Инсоннинг турмуш тарзи, яшаши, барча меҳнат ва ҳаракатларида муҳим бир қонуният бор. Кимки унга амал қилиб яшаса, қоқилмайди. Бироқ, унинг акси бўлса, ўзини кўп қийинчиликларга дучор қилиши мумкин. Сиз билан суҳбатдош бўлган кишиларни ўзлигини англашга, ўзининг шахсий аҳамиятини тушунишга унданг. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек: “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам”. Суҳбатдошингизга ўзини топишга ёрдам беринг. У аввало одам боласи эканини англасин. Инсонлараро муомала, муносабат нималигини тушунсин. Бошқа жонзодлардан инсон нимаси билан фарқланишини, одамлар ўртасидаги меҳр-мурувватни, увол ва савобни англасин.

Донишмандлар минг йиллар давомида инсонлараро муносабатлар меъёри хусусида бош қотирганлар. Бундай муҳокамалардан битта хулосага келишган: “Одамлар сизга қандай муносабатда бўлишларини истасангиз, сиз ҳам уларга шундай муносабатда бўлинг”.



Немис файласуф олим  
Йоганн Волфганг фон  
Гёте (1749-1832)

Шахс саодати ва жамият осудалиги борасида тотувлик ва иноқлик муҳим ўринга эга. Иноқ оила-аъзолари бахтиёр, тотув жамият осуда ва гўкин бўлади.

Ўзаро ҳурмат билан иш юритиш ҳамманинг ҳам қўлидан келиши мумкин. Агар у киши нотиклик маҳоратини эгаллаган бўлса. Бунинг учун кўплаб бадиий китобларни ўқиш, ҳаёт тажрибасини ишга солиш, гапирганда оҳангга эътибор бериш жуда муҳим. Немис файласуф олим Йоганн Вольфганг фон Гётедан университетда маъруза ўқигани борганида “шу бир жуфт соатлик дарсга неча соат тайёргарлик кўрдингиз”, деганида Гёте: “Бир умр”, деб жавоб берган экан. Шу улуғларнинг гапларидан ҳам кўриниб турибдики, муомала-муносабат осон иш эмас. Агар ҳамсуҳбатингизга бирор нарсани

тушунтирмоқчи бўлсангиз қисқа ва лўнда ҳамда таъсирчан қилиб етказинг. Кўп гапириб, уни бездириб қўймаслик йўлини тутинг... Кимларнидир гап билан кўрқитаман десангиз, хато қиласиз.

*“Буюк олимларнинг буюклиги унинг кичик одамлар билан муносабатида, муомаласида намоён бўлади”,* - дейди филолог олим Томас Карлейль.

Қадимда донишмандлардан ўнтаси йиғилишиб, бир масала устида баҳслашиб қолишибди. Баҳсга сабаб бўлган масала эса “Бу дунёда ким бахтли ҳаёт кечиради?” деган саволга жавоб топиш экан.



Филолог олим  
Томас Карлейль.  
(1795-1881)

Ҳаммаларининг фикрлари бир нуқтага бориб тақалибди. “Кимки хушмуомалали, ширин сўзли ва сўзларни қаерда ва қандай ишлата билса ўша одам бахтли ҳаёт кечиради”, деган қарорга келишибди. Бундай ўйлаб қарасак, атрофимиздаги баъзи одамлар ҳаёти мисолида буни яққол кўриш мумкин. Халқимизда “Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукур қил” деган мақол бор. Бу мақол замирида катта фалсафа ётибди. Ҳамма ўзининг турмуш тарзи ҳақида ўйлайди, қайғуради. Ўзидан тўқроқ одамни кўрса, фикр қилиб унинг йўлидан боришга ҳаракат қилади. Лекин кўплар ҳасад ҳам қилади – бу ёмон одат. Ҳавас қилиш керак ва меҳнат машаққатидан қочмаслик лозимлигини англамоғи даркор. Ўзидан пастроқ ёки ўта паст таъминланган одамларни кўрса, фикрида, тафаккурида ўйлаб кўриб шукур қилади. Агар ақл-идроки шунга етса, бўлмаса унақалар одамларни писанд қилмаслик йўлидан боради. Баъзан қийналиб юрган пайтларда кимнингдир бир огиз сўзи сизга катта йўлга чиқишингизга, бирор муаммоингизнинг осон ҳал бўлишига сабабчи ҳам бўлиши мумкин.

### Муомалада гап кўп

#### 1. Инсонларга ёқишнинг беш йўли:

1. Сухбатдошингиз билан чин дилдан қизиқинг;
2. Инсонларга очиқ чехра ва ним – табассум билан муносабатда бўлинг;

3. Унутманг, инсоннинг исми у учун энг ёқимли ва энг муҳим оҳангдир;

4. Энг яхши яхши тингловчи бўлинг. Бошқаларга кўпроқ ўзлари ҳақида гапиришга имкон беринг.

5. Суҳбатдошингизни қизиқтирувчи мавзулар тўғрисида кўпроқ гапиринг.

## **II. Инсонлар эътиборига эришишнинг ўн икки йўли:**

1. Тортишувлар пайтида маънавий баландликда бўлишнинг ягона йўли – тортишувдан вос кечишдир;

2. Суҳбатдошнинг ҳар қандай фикрига ҳурмат кўрсатинг. Инсонларга ҳеч қачон “ноҳаксан” деманг;

3. Агар сиз ноҳақ бўлсангиз, тез ва кескин тан олинг;

4. Суҳбатни дўстона оҳангда бошланг;

5. Суҳбатдошни ҳар қандай масала фикрингизга “ҳа тўғри”, деб айтишга унданг ва эришинг;

6. Суҳбат давомида камроқ гапиринг, уни кўпроқ гапиришга имконият яратинг.

7. Мазмунли фикрларни суҳбатдош ўзиники деб ҳисобласин;

8. Ҳар бир масалага суҳбатдошнинг нуқтаи назари билан қаранг;

9. Бошқаларнинг фикри ва хоҳишларига таъсирчан бўлинг;

10. Марҳаматли инсон эканлигингиз билиниб турсин;

11. Киноларда ва радиолардаги энг ёқимли ҳаракатларни ўзингизга сингдиринг ва кинорадио қаҳрамонларидек ҳаракат қилинг;

12. Оташин, аниқ, инсонга ички қувват берувчи гапларни гапиринг.

## **III. Инсонлар ҳурматини қозоношнинг тўққиз йўли:**

1. Гапни суҳбатдошни мақтаб ва яхши томонларини тан олиш билан бошланг;

2. Ўзгаларнинг хато-камчиликларини тўғридан-тўғри айтманг, бошқалар мисолида гапиринг;

3. Олдин ўзингизнинг хатоларингиз тўғрисида гапиринг ва шундан сўнг суҳбатдошингиз тўғрисида гапиринг ва шундан сўнг суҳбатдошингизни секинлик билан танқид қилинг;

4. Суҳбатдошга буйруқ бермасдан, унга савол бериш орқали ишни бажартиринг;

5. Инсонларга ўз муваффақиятларини сақлаб қолишлари ва янада оширишларига имконият беринг;

6. Ҳар бир инсоннинг энг кичик муваффақиятларигача қўллаб гапиринг;

7. Одамлар ўртасида соғлом, обрўли муҳит яратинг ва натижада улар шу даражада қолишга ҳаракат қилсинлар;

8. Шундай қилинки, инсон йўл қўйган хатоликларини осонлик билан тўғрилаши мумкинлигини ва қийин эмаслигини ҳис этсин;

9. Шунга эришингки, инсонлар сизнинг берган таклиф-мулоҳаза ва кўрсатмаларингизни бажариб, натижаларидан ўзлари завқлансинлар.

#### **IV. Оилани бахтлироқ қилишнинг 10 йўли:**

1. Ҳеч қачон тортишманг.

2. Ўз умр йўлдошингизни тўғридан-тўғри ўзгартиришга урунманг.

3. Бир-бирингизни танқид қилманг, яхшилаб ўйлаб, сўнг гапиринг.

4. Бир-бирингизга чин дилдан миннатдорчилик билдириб туринг.

5. Бир-бирингизга доимо эътиборли бўлинг.

6. Доимо ҳар бир масалага эҳтиёткорлик билан ёндошинг.

7. Бир-бирингиздан доимо яхши томонларни қидиринг!

8. Жаҳлингиз чиққанда масала ечимини кейинга қолдиринг ва мақсадга эришиш учун тўғри йўл тутинг.

9. Оиланинг ор-номусини ҳамма нарсадан устун қўйинг.

10. Оиланинг жамият ўртасидаги обрў-эътибори учун ҳар бир оила аъзоси масъулдир.

#### **Найранг ва ёлғонни фош этиш сирлари**

Инсон зоти бошқа жонзотлардан учта ҳусусияти билан фарқланади. Инсонга ақл, нутқ ва қалб берилган. Бошқа жонли мавжудотда бу неъматлар йўқ. Биз инсонлар қўпгина ҳолларда ўзимизни ҳақ, бошқаларни ноҳақ ҳисоблаймиз. Натижада нутқимизда бир-биримизни алдаймиз ва алданамиз. Албатта, алдаётган одам ўз манфаатини кўзлаб алдайди, алданаётган одам суҳбатдошига ишониб ўсал бўлиши мумкин. Нима қилиш керак? Суҳбатдошни зимдан кузатган одамни алдаш қийин.

### 4.3. Нутқий маҳорат педагогик конфликтларни бартараф этиш манбаи сифатида

Нутқий маҳорат нутқ соҳибининг матнга ҳамда шу матн асосида тингловчи, томошабин ёки ўқувчига оғзаки ёхуд ёзма шаклдаги мурожаати билан реаллашади. Ана шу мурожаат, муносабатга юқори даражадаги эътибор эса педагогнинг истеъдодидан далолатдир.

«Нутқ маданияти тугал фикр, гўзал ифода демакдир», — деб ёзади тилшунос олима Лола Хўжаева. Хақ гап. Изчиллик билан мантиқан бир-бирига боғланмаган тугал фикр ва унинг таъсирли ифодаси бўлмаса, у киши қалбу онгига сиғмайди, қабул қилинганда ҳам чуқур англашилмайди. Шундай экан, тугал фикр, гўзал ифодага эришиш учун нималарга эътибор бериш керак? Нутқ мезонлари қайсилар? Шу ҳақда тўхталамиз.

Ҳар қандай нутқ ўз хусусиятларига эга. Намунавий нутқнинг сифатлари ҳақида сўзлашдан олдин «нутқда нима бирламчи?» деган саволга жавоб бериш лозим. Машриқу мағрибда бунга жавоб излаш узоқ даврлардан буён бор.

Машҳур нотик Марк Тулий Цицерон «аниқлик ва тозалик - нутқнинг зарурий шарт», деса, Аристотель «чиройли сўзлаш, ишонтириш ва мантиқий асослаш»ни бирламчи ҳодиса деб қарайди.

Нотик Дионис Галикарнас эса нутқда «мақсадга мувофиқлик»ни муҳим ҳисоблайди.

Эътибор берган бўлсангиз, булар орасида хитой девори йўқ, бири иккинчисини тақозо этади. Ўзаро боғланган, бирини иккинчисисиз тушуниш қийин.

Ҳар қандай нутқ муайян шарт-шароитларда амалга оширилади. Бунда макон (жой), замон (вақт), мавзу, аудитория (омма) сингари омилларнинг ўрни бор. Бу алоқавий муносабат жараёни омма билан юзма-юз шаклда, аудиторияда, радио ёки телевидение орқали амалга оширилади.

Нутқ хусусиятлари айрим манбаларда нутқнинг алоқавий (коммуникатив) сифати деб ҳам юритилади.

Булар нутқнинг тўғрилиги, тозаллиги, аниқлиги, соддаллиги, жуялилиги, бойлиги, ифодавийлиги, мантиқийлиги, қисқалиги, таъсирчанлиги, образлилиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлигидир.

**Қоидали нутқ - фойдали нутқ.** Нутқнинг тўғрилиги, деганда, даставвал, унинг адабий тил меъёрларига мос келиши тушунилади. Бусиз бошқа алоқавий сифатлар бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биринчи хусусият сифатида эътироф этилади. Ҳатто, оддий сўзлашув жараёнини бусиз тасаввур этиб бўлмайди. Нутқ эса, соф ҳолда адабий тил нормаларига мувофиқ бўлган намунавий нутқ бўлиши зарур.

Нутқнинг тўғрилиги ҳақида фикр билдира туриб филология фанлари доктори, профессор, академик Виталий Григорьевич Костомаров (1973-2000, Пушкин номидаги Россия давлат рус тили ва адабиёти институти ректори бўлган) шундай ёзади: «**Нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва грамматик нормаларини эгаллашини тушуниш лозим бўлади**».

Демак, нутқ ҳам назарий, ҳам амалий ҳодиса. Уни билиш, ҳис этишгина эмас, амалда ўринли, қоидали қўллаш олиш нутқнинг муҳим талабларидан биридир. Нутқнинг тўғри бўлиши урғу ҳамда грамматик нормани пухта билишни талаб қилади. Матнни ўқишда, сўзлаб беришда бу мезон тўла амал қилади. Урғу ҳар бир тилнинг табиатига кўра турли ўринларда қўйилади. Сўзлардаги баъзи бўғинларнинг зарб билан айтилиши, яъни урғунинг маъно ва мазмунни ифодалашдаги аҳамияти катта.

Шундай экан, биз кўрган-билган, эшитган, ўқиб ўрганган ёки шохид бўлган ҳар бир нарсa-ҳодисанинг ўз таянч нуқтаси бор. Бу фақат курраи заминимиздаги воқеликка тааллуқли бўлиб қолмасдан, галактикадаги барча сайёра, юлдуз, самовий жинсларга ҳам даҳлдор. Таянч нуқтаси бор бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ бўлган тақдирда ҳам, у омонат. Эътибор беринг. Ҳашаматли, нақшинкор, баланд иморат олдида турибсиз. Қанчалик кўкка бўй чўзмасин, ёки қанчалик

«виқор»ли бўлмасин, унинг таянч нуктаси-пойдевори бўлмаса, у ҳеч нимадир. Эрта-индин қулаши, харобага айланиши тайин. Ҳатто, ернинг ҳам таянч нуктаси бор. Беруний, Архимедлар бу ҳақда қанчалик ўй суриб, умрини банд этган бўлмасин, таянч нукта мутлоқ ҳақиқат эканлигини англаб етишган. Ернинг таянч нуктаси бўлмаганда эди, у аллақачон орбитадан чиқиб кетган бўларди.

Инсониятнинг, элларнинг, тилларнинг ҳам ўз таянчи, суянчи бор. Тинчлик, тотувлик, ўзаро бирдамлик ҳар бир дамда, ҳар қадамда бир-бирини тушунишлик халқлар осойишталиги ва фаровонлигининг таянчи бўлса, ҳар бир тилнинг таянчи эса айна халқ нутқида истифода этилувчи сўзлардан иборат.

Аждодларимиз сўзни, нутқни илоҳий неъмат ва ҳикмат деб қарашганликларини юқорида қайд этиб ўтқанимиздек, Кайковус «Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир», - деган бўлса, Навоий «Кўнгил дуржи ичра гуҳар сўз дурур. Башар гулшанида самар сўз дурур», - деб ёзган эди. Ғарбда ҳам худди машриқ заминдаги сингари сўз қудратига катта ишонч билан қаралган. Сиёсатшунос олим Эмиль де Жирарден (1806-1884) «Сўзнинг кучи беҳаддир. Чекинаётган қўшинни тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни қутқариб қолиш учун гоҳо, ўринли айтилган биргина сўз ҳам кифоя бўлган», — деб ёзади. Файласуф олим Ральф Уолдо Эмерсон (1803-1882) эса «Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур этади», - дейди.

Шундай экан, ўринли сўз, жозибали нутқ халқ билан боғлиқлик ва бирликнинг таянчидир. Айниқса педагог, шу билан бирга электрон оммавий ахборот воситалари — телевидение ва радиода фаолият кўрсатувчилар нутқининг кўрки ва жозибаси халқ тилининг бойлиги ва нафосатини кўрсатувчи омилдир.

Нутққа хос бўлган, юқорида кўриб чиққанимиз аниқлик ва тўғрилиқ сифатларисиз нутқнинг мантиқийлигини тасаввур этиш қийин. Аниқ ва тўғри бўлмаган нутқ мантиқсиз ҳамдир. Чиройли ибора ва сўзларни қўллаган билан нутқ мантиқли ва мазмунли бўлмаслиги мумкин. Жумлаларнинг грамматик жиҳатдан нотўғри тузилиши ва унда ишлатилган сўзларнинг нотўғри қўлланилиши



мантиқнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи матнни ўқишдан олдин бир неча бор таҳририй назар билан кўриб чиққани дуруст.

Нутқнинг мантиқий бўлиши бу фақат тил ҳодисаси эмас, балки тафаккур диалектикаси билан ҳам боғлиқдир. Мантиқий фикр юритиш учун эса, кенг қамровли билим ҳам керак. Шунинг учун ҳам файласуф олим Николай Гаврилович Чернишевский (1828-1889) «нимани ноаниқ тасаввур қилсанг, шуни ноаниқ ифода этасан, ноаниқлик ва ифодани чалкаштириш фикрлар чигаллигидан далолатдир», - дейиши билан ҳақли эди. Сўйлаб туриб ўйлаш, фикр юритиш ва уни етказиш нутқнинг муҳим омилларидандир. Сўз бирикмалари ўртасидаги грамматик алоқани ҳис этмасдан айтишлик эшитувчига малол келади ва мантиқни бузади.

Моҳияти ҳар хил бўлган сўзларни автоматик равишда уйғунлаштириш мантиқли нутққа зиддир. Шундай хусусиятларнинг яна бири сўз тартибининг бузилишидир. Сўз ўрнининг алмашиниши жумлада мантиқнинг аниқ ва тиниқ бўлишига таъсир этади.

Тўғри, нутқда пауза, интонация орқали нуқсонни тўғрилаб кетиш мумкин. Лекин матн силлиқ, раvon ва тушунишлик бўлиши учун мантиқийликка риоя этилиши зарур.

Сўзларни билиб-билмасдан тушириб қолдирилиши ҳам нутқдаги мантиқни бузади. Бу хусусият ҳам кўпинча нутқда унчалик сезилмаса-да, диққат билан тинглаган киши нотабиийликни сезади.

"Ўйламасдан, эътиборсизлик билан қўлланган сўз маънони хиралаштиради, мазмунни бузади, эътиборни сусайтиради. "Ўйлаганда ҳам, сўйлаганда ҳам ўзни назорат этиш лозим. Нутқ, нотик, мантиқ сўзларининг бир ўзакдан ясалгани ҳам бекор эмас".<sup>11</sup>

**Тоза нутқ - андозали нутқ.** Қайси тилда маъруза ўқишдан қатъий назар, ўша тилнинг софлиги, бойлиги ўқитувчи нутқда акс этади. Бир тилга хос хусусиятларни ёки сўзларни иккинчи тилга қўшиб сўзлаш ёки адабий тил меъёрларига мос бўлмаган сўз ва ибораларни қўллаш нутқнинг тозалигига зид.

<sup>11</sup> Ёнгомишдан Маҳмудов "Ўзгучи ва нутқ техникаси" Тил ва адабиёт тазлими № 2-сон Т - 2007 йил -4-9 б

Демак, нутқнинг тозалиги, унинг адабий тил мезонларига мос келиш-келмаслиги, ғайри адабий тил унсурларидан холи бўлишидир.

Англашилаптики, деярли барча тилларда бор бўлган шева, варваризм, канцеляризм, профессионализм, академизм, вульгар каби сўз ва ибораларни адабий тилга аралаштириб қўллашдан қочиб маъкул.

Бадиий адабиётда буларни қўллаш ҳолатлари мавжуд. Унда миллий колоритни бериш, қахрамоннинг қалб-қиёфасини очиш учун хизмат қилади. Ўзбек тили шева ва лаҳжаларга бой. Шу боис адабий тил нормасида фикрлаш лозим бўлади.

Ана шу нуқтаи назардан ёндошилса, таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи педагоглар нутқи мақтовга сазовор бўлади. Шу сабабли, адабий тилда сўзлашга ҳаракат қилинса ҳам, шевада фикрлаш ғайри ихтиёрий тарзда диалектларга хос сўз ва атамаларни қўллаб юборишга олиб келади. Педагоглар нутқидаги шева унсурлари, айниқса, нутқ товушларининг талаффузида яққол сезилади.

Бу унли товушларнинг чўзиқ ёки қисқалигини, лабланган ёки лабланмаганлигини фарқлай олмасликда кўринади. «О» унлисини тожикча «ў»га яқинроқ қилиб талаффуз этиш. Масалан: бор-бўр.

«И» қисқа унлисини чўзиқ варианты билан алмаш қўллаш. Мисол: қыз-қиз.

«Қ» ундоши ўрнига «Ғ» ни («чиқмоқ - чиғмоқ»), «х» ундоши ўрнига «х»ни (бахор-бахор, ҳамма-хамма) қўллаш каби фонетик шева унсурлари кузатилади.

Чет тиллардан ўзлашган сўзларни қориштириб ифодалаш мавжуд. «Менталитет», «иммунитет» каби сўзларнинг муқобили бўлгани ҳолда, омма англаши мушкул бўлган атамаларни келтириш ножоиздир. Шу ўринда ушбу фикр эътиборлидир: «Турмушга оид турли хил нарса ва ходисалар борки, хаётга сингиб кетган. Тилда уни номловчи сўз бўлмаса, шундай сўзни қўшни тилдан олиш мумкин. Лекин тилда мавжуд сўзлар ўрнида бошқа сўзни қўллаш зарарлидир».

Нутқда канцеляризм (идоравий атамалар), академизм (илмий услуб) имкон қадар қўлланилмагани, оммавийлик етакчи ўрин тутгани дуруст. Кенг жамоатчиликка тушунарли термин ва атамаларни

ишлатиш мақсаднинг. нутқ моҳиятининг тез англанишини таъминлайди.

Баъзи ҳолларда ўқувчилар мулоқот мавзусини чуқур билмасдан, фикр ифодалашда қийналадилар ва одагга айланган ушбу сўзларни ишлатадилар. Мисол: «Хўш, ҳалиги, анақа, ўша, нимайди, дейлик, демакким» ва ҳ.к.

Булар тилшуносликда «паразит сўзлар» дейилади. Нутқнинг тозалигига путур етказувчи бундай сўзларни қўлламаслик учун мавзунини синчиклаб ўрганиш ва нутқий машқлар қилиш лозим. Нутқ тозалигига салбий таъсир этувчи ҳолатлардан бири вульгар (қўпол) сўзларни истифода этишдир. Қарғиш, ҳақорат маъноларини англатувчи бундай сўзлар ойнаи жаҳон орқали намойиш этилувчи бадиий фильм ва спектаклларда қаҳрамон қиёфасини, сажиясини, руҳий ҳолатини очишда баъзан қўлланилади. Нутқ учун софлик деганда, таълим берувчи билан таълим олувчи орасидаги мулоқотни осон тушунилиши англашилади. Бу эса бир жиҳатдан, нутқнинг соддалиги ва қисқалигини ҳам англатади. Алломалардан бири «тилнинг тозалиги, маъно аниқлиги ва ўткирлиги учун кураш маданият қуроли учун курашишдир. Бу қурол қанчалик ўткир, қанчалик аниқ йўналтирилган бўлса, шунчалик ғолиб бўлади », - деган.

Нутқ тозалигига эришиш учун ўқувчи оғзаки нутқ маданияти ва нутқ техникасини яхши билиши ва унга амал қилиши зарур бўлгани ҳолда ўз нутқини назорат қилиб, ўзгалар нутқи билан солиштириб бориши керак.

**Таъсирли нутқ - тасвирли нутқ.** Юқорида кўриб ўтилган нутқий сифатлар билан бевосита даҳлдор бўлган омиллардан бири нутқнинг таъсирчанлигидир. Таълим берувчи билан таълим олувчи орасидаги мулоқот қанчалик таъсирли бўлса, дарс шунчалик мазмунли, самарали бўлади.

Таълим берувчининг таъсирли нутқи нолисоний омилларга боғлиқ. Нутқ таъсирчанлиги, асосан оғзаки нутқ жараёнига тегишли. Айни пайтда аудиториянинг техник имкониятларини эътиборга олади. Ҳозирги кун талаби эса бутун бир манзара, ўқитувчининг

жойлашиши, кўриниши, туриши, сўзлаш манераси сингариларни ўз ичига олади. Албатта, таълим берувчи ёки таълим олувчининг касби, савияси, жинси, ўша ондаги ҳолати, кайфияти эътиборга олинсагина нутқнинг таъсири англашилади. Ўқитувчи нутқининг таъсири эса мавзу ҳақида кенг қамровли билимга эга бўлишлик, кнѐфа, овоз каби нолисоний факторларга ҳам боғланади. Булардан ташқари омма тез тушунадиган жонли тилда гапира олиш, суҳбат вақтини ҳисобга олиш, ҳаётий мисолларга мурожаат қилиш орқали фикрни исботлаш, турли тасвирий воситалардан, юмордан ўринли фойдаланиш, кийиниш, имо-ишора, муомаладаги самимийлик кабилар таъсирли нутқнинг гаровидир. Сўзлаётганингизда эшитувчининг кўз ўнгида тасвирий манзара ҳосил қила олсангиз, образли фикр юритсангиз, ўз сўзингизга ишонтира олсангиз, қизиқтирсангиз, нутқингиз раво бўлади ва таъсир даражаси ошиб бораверади.

Миссий таъсир ўтказиш ҳақида тарихчи, профессор Василий Осипович Ключевский (1841-1911) ёзади: «Жамоат орасида гапирганингизда, тингловчиларнинг қулоғига, ақлига мурожаат қилманг, шундоқ гапирингизки, улар сизни тинглаб туриб, сўзларингизни эшитсин, нарсаларни сиз билан кўриб, сизнинг ҳолатингизга киришсин. Тингловчилар сизнинг тасвирингизсиз ҳам ақли, юраги, фикри билан шу нарсани яхшироқ кузатади. Нутқда фикрни ривожлантира бориб, дастлаб унинг тузилишини тингловчининг ақлига етказиш, кейин унинг тасаввурига яққол таққосларни тақдим этиш керак, ниҳоят, чиройли, лирик тасвирлар билан эҳтиёткорона уни тингловчининг юрагига жо қилинг, ўшанда тингловчи асирингиз, қочиб кетмайди, хатто, сиз уни эркин қўйиб юборсангиз ҳам сизнинг адабий итоаттув мижозингиз бўлиб қолади».

Худди шунингдек, образли фикрлаш, тасвирий воситалардан фойдаланиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Эътибор қилинг. «Ҳар бир нарса-ҳодисанинг, бизни қуршаб олган борлиқнинг ўз таянч нуқтаси бор. Таянч нуқтаси бор бўлмаган нарса бари омонат. Баланд иморатга назар солинг. Унинг таянчи пойдевори бўлмаса, кўкка бўй чўзиши, ҳашамати ҳеч нимадир. Дарахтнинг гуллаши, мева қилиши, барг, шоҳ, новдалари унинг илдизига боғлиқлиги аён. Хатто, ернинг

ҳам таянч нуқтаси бор. Агар бўлмаганда эди, у аллақачон ўз меҳваридан чиқиб кетган бўларди. Ҳар бир юртнинг, элнинг ҳам таянч нуқталари бор. Бу тинчликсевар халқнинг эзгу мақсадларини ўзига жо этган ғояси, миллий мафкураси ва йўлбошчисидир.

Ўқитувчи нуткига мос, уни тўлдирувчи видео тасвирлардан фойдаланиш ҳозирги кун аудиторияларида имконияти ҳам мавжуд. Ундан унумли фойдалана олиш педагог маҳоратига боғлиқ.

**Жўяли нутқ - уяли нутқ.** Жўялилик қайсидир маънода нутқнинг бошқа хусусиятларининг самарасини сўзловчи ва қабул қилувчи ўртасидаги муносабатни, ҳолатни англади. Агар бу хусусият бўлмаса, иккала томон орасидаги муносабат тўла англашилмайди. Англашилган тақдирда ҳам, бутунлай нохуш, тесқари ҳолат юз беради.

Сўзни топиб, танлаб, ўз ўрнида айтилишини тақозо этувчи бу сифат сўзловчининг диди, характери, омма билан муомала қила олишига боғлиқ. Шу сабабли нима дейишиликдан кўра, нима демасликни билиш ҳам муҳим. Ҳар бир сўзнинг жумладаги ўрни тил ҳодисаси бўлса, унинг муайян даврада қандай айтилиши этик-эстетик ва психологик ҳодисадир. Ҳар бир сўзнинг, нутқнинг ўрнини билиш, аслида, аудиториядагиларнинг савияси, касби, қизиқиши, жинси, ёши сингариларни эътиборга олишдир. Шунинг учун ҳам айтилмоқчи бўлган сўзнинг, нутқнинг ўз уяси бўлади. Худди шу уяни англаган сўзловчи эътибор қозонади, обрў топади. Акс ҳолда, кулгили, аянчли ҳолатга тушади. Аудиторияда ўнғайсиз вазият туғилади.

Сўзнинг ўз ўрни, вазни, бўй-бастаи, ўлчови, ҳажми, хиди бор. Уни диди борларгина англашади.

Шундай экан, маълум шароитларда сўзнинг, нутқнинг ўз эгаси бўлади. Эътибор қилинг. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кекса, нуроний кишилар орасида ёш нотик «умр мазмуни» мавзуида суҳбат уюштира, ёки болаларга тажрибали, кекса нотик «Оила, уй-рўзғор ва турмуш муаммолари» мавзусида маъруза ўқиса, қай даражада кулгили ва ярашиқсиз бўлади. Ҳатто, шундай шароит бўладики, чин сўзни айтиш жоиз эмас. Фақат сукут орқали жавоб бериш мумкин. Алишер Навоий «Хирадманд чин сўздин ўзгани демас, вале барча чин ҳам

дегулик эмас» — деганида, шуни назарда тутган бўлсалар керак. Шоир Шухрат:

Ҳар сўзнинг ўрни бор, баъзан кўрку зеб,

Баъзида нам ўрик ўтидек сўник.

Қабристон қошига хуш келибсиз деб,

Ёзилса, қандайин бўларди хунук — дейиши билан ҳақ.

**Нутқнинг жўялилиги деганда, сўзловчи қайси фикрни, қайси даврада, қачон, қандай қилиб, қай ҳолатда, қай оҳангда айта олиши англашилади.**

Таълим берувчи нутқи эса дарс кимлар учун мўлжаллаб тайёрланганига қараб тузилади. Унинг оҳанги, йўналиши, муносабат тарзи шунга қаратилади. Болалар, ўсмирларга мос ҳолда нутқ танланади. Шундагина мақсад англашилади, нутқ жўяли бўлади.

**Содда нутқ - сара нутқ.** Инсон табиатан ҳар бир нарсани гўзал ва содда ҳолда қабул қилишга одатланади. Шундай экан, нутқнинг соддалиги ҳам муҳим хусусиятлардан.

Нутқ эса ниҳоятда содда, оддий бўлиши билан ажралиб туради. Ҳатто, мураккаб илмий кашфиётлар, фан ва техника муаммолари ҳам оддий тарзда, содда нутқ билан тушунтирилиши зарур. Шунинг учун ҳам соддалик истеъдоднинг белгисидир. Аслида, содда сўзлаш, содда ёзиш мураккаб. Кекса ёзувчиларнинг биридан «ёзиш санъатида орттирган тажриба ва хулосангиз қайси ? » - деб сўрашибди.

«Англаб етганим шуки, энг машаққатли, мураккаб иш - содда ёзиш экан», —деб жавоб берибди.

Бурама жумлалардан қочиш, айлантирма гапларни ишлатишдан ўзни тийиш, сўз жимжимадорлигидан кўра, фикр безагига кўпроқ эътибор қилиш муҳимдир. Акс ҳолда, тингловчи фикри чалғийди, тушунишда мавҳумлик бўлади.

Мумтоз адабий меросимизга меҳр билан қараб, ихлос қўйган, қадимий манбаларни кўп мутолаа қилган айрим ҳамкасбларимиз эски туркий насримизга хос бўлган гап қурилишларини қўллайдилар. Бу ҳам ўзига хос услуб, албатта. Ҳар ким ҳам бунинг уддасидан чиқолмайди. Лекин мазкур маҳобатли услуб ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Кўп сўзлардан таркиб топган узун жумлалар,

сифатлаш ва ташбеҳларга бой бўлган, эргашган қўшма гапларни қўллаш нафақат тингловчининг, балки сўзловчи ўзининг ҳам фикр тизгисини жиловлашига халақит беради, чалкаштиради. Тингловчи жумла тузилишига маҳлиё бўлиб, айтилмоқчи бўлган фикрдан узоқлашади.

Иқтидорли олим, марҳум санъаткор Ориф Алимахсумовнинг телевидение орқали қилган маърузалари, фикрий баёни шарқ адабиётидаги классик лисоний услубга хос оҳорли нутқ бўлса-да, ҳозирги ўзбек адабий тилининг меъёрларига ҳар доим ҳам мувофиқ келавермасди. Нутқнинг соддалиги қабул қилувчининг тез ва соз тушунишини таъминловчи лисоний мезондир.

**«Чин сўз - мўътабар, яхши сўз - мухтасар».** Алишер Навоийнинг бу ҳикмати нутқнинг муҳим сифатларидан бири қисқалик ҳақида. Халқ нутқнинг қисқа бўлишини одоб белгиси деб билган. Уни ахлоқий мезонлар сирасига киритишган. Мақолларга эътибор қилинг. «Кўп ўйла, кам сўйла». «Иzzат тиласанг, кам де, сиҳат тиласанг кам е». «Сўзнинг ози яхши, ишнинг сози яхши» ва ҳоказо. Нутқ қисқа шаклда кўп мазмун англатишга қаратилиши керак. Нутқнинг қисқа ёки кенглиги мазмун ифодаси талаби. Шундай тилшунослар борки, беш-олти дақиқада (ёки беш-олти саҳифада) айтиш мумкин бўлган фикрни бир дақиқада (ёки бир саҳифада) ифода этишга қодир.

Нутқ эса йўналтирувчи, боғловчи, изоҳловчи восита ролини ўйнагани дуруст. Тингловчининг тез фаҳмлиги нутқнинг қисқа бўлиши омилларида. Бунинг учун таълим берувчи қўйма фикрлар, кўчма иборалар, фалсафий мазмундаги шеърлар, мақол ва ҳикматли сўзларни ифодалаш билан мақсадига эришади. Бу воситалар изоҳ талаб, тафсилотли нутққа чек қўяди.

**Ифодали нутқ - иборали нутқ.** Нутқнинг бу хусусияти ўқувчининг эътиборини тортиши, қизиқтириши, унда ҳис-ҳаяжон уйғотиши билан алоқадор. Ифодавийликнинг замирида эса лисоний ўлчовлар ётади. Фикрнинг ифодавийлигини ошириш учун керакли сўз, сўз бирикмалари, образли ибораларни топиш, танлаш ва ўринли

қўллаш лозим. Нутқнинг ифодавийлиги худди шу хусусиятлари билан таъсирли ва образли нутққа уйқошиб кетади.<sup>12</sup>

Таълим берувчи нутқ ифодавийлигига эриша олмаса, тасвир кучидан фойдаланади. Нутқда таълим берувчи фикр ифодаси билан юз ифодаси уйғун келиши ҳам муҳимдир. Акс ҳолда, таълим олувчи уни ишонч-эътибор билан қабул қилмайди.

Муайян фикрни ифода қилишнинг йўллари кўп. Шу хусусда фикр юрита туриб, таниқли тилшунос Н.Маҳмудов ёзади: «Сўзга опшфталик, сўзнинг остини ҳам, устини ҳам кўра олишга интилиш, нутқ латифлигидан, нутқдаги сўзларнинг фавқуллоддаги уйғунлигидан завқланиш, она тилида таъсирли нутқ айта олувчига, китобат санъати соҳибига айрича ҳавас билан қараш ўзбекнинг азалий урфларидандир... Тилимизда муайян бир фикрни бир қанча шаклу шамойилларда ифодалаш имкониятлари бор. Айнан қайси шаклу шамойилни танлаш, мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ».<sup>38</sup>

Нутқ ифодавийлигида чуқур англаш бир томон бўлса, англашиш даражаси иккинчи томондир. Англашилаяптики, ҳар қандай ифодавий нутқ телебошловчидан билим, савия билан бир қаторда дид, қўлланаётган иборанинг таъсир кучини нозик илғаш ва мулоқот вазиятини тушуниб етишни ҳам тақозо этади.

Мухбир «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»га бағишланган тадбирни шарҳлай туриб, чиройли сўзлар ва иборалардан кейин ушбу мақолни тўлалигича келтириши ўринсиздир: «Болалик уй-бозор, боласиз уй-мозор». Мақолнинг иккинчи қисмини айтмаганда ҳам мазмун англашилиб турибди. Бу эса тингловчида нохушлик туғдириши табиий. Ҳар қандай ибора, ҳикматли сўз, мақол, матал нутқ ифодавийлигига хизмат қилавермайди. Ҳар бир сўзнинг, жумла ёки иборанинг ўрни ва таъсир доирасини билиш, таълим берувчи учун зарур.

---

<sup>12</sup> Раҳимбой Жуманиёзов "Нутқий маҳорат" ўқув методик қўлланма Т – 2005 – 91 б



**Нутқ бойлиги - нутқ чиройлиги.** Нутқ бойлиги фикрни равоң, жозибали, эътиборли қабул қилинишига замин ҳозирлайди.

Сўз бойлиги бўлмаган ўқувчи нутқда дудуқланади, «ҳалиги, нимаиди, анақа, ўша» каби сўзларни қўллайди, такрорларга йўл қўяди. Чайналиш, сўз такрори эса ўқувчининг сўз бойлиги сустлигидан далолат беради. Бадий ва илмий манбаларни ўқиш, ўқувчилар нутқини тинглаш, эшитганда ҳам эътибор билан ўрганиш нутқни назаридан қабул қилиш айтиш муддаодир.

Кўп сўз захирасига эга бўлишлик ва ундан унумли, ўринли фойдалана олишлик ўқитувчи нутқий маҳоратининг муҳим белгиси.

Сўз такрори эзмалик ва сўзга камбағалликдир. Араб афсоналаридан бирида айтилишича, Вайл деган шахзоданинг ўғли Саҳбон битта сўзни икки маротаба кайтармаган ҳолда бугун йил бўйи гапиришга қобил бўлган экан.

Сўзларнинг характерига кўра турлари, яъни синонимик, омонимик, антонимик хусусиятларини билиш нутқ чиройини белгилайди. Ўқувчилар нутқий нафосатнинг ана шу жиҳатларини кўп ҳам ҳис этавермайдилар.

«Хамманинг диққат-эътиборини яна бир диққатга сазовор мусобақага қаратмоқчимиз» («Давр» дастуридан.)

Шу фикрни сўз такрорисиз бундай ифодалаш мумкин-ку.

«Эътиборингизни яна бир муҳим мусобақага тортамыз».

Демак, такрор, аниқроғи, бемақсад айтилган такрор сўз оқибатсиздир. Шоир бу борада «такрор айтилганда рангсиздир калом», - дейиши билан ҳақли.

Юқорида нутқнинг асосий хусусиятларига умумий йўсинда тўхтаб ўтилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни қайд этиш мумкин.

Нутқнинг тўғри бўлиши унинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келишидир.

Нутқнинг аниқ бўлиши ундаги сўзлар, сўз бирикмаларининг маънолари улар ифодалаган тушунчалар кўламига мос келишидир.

Нутқнинг мантиқли бўлиши ундаги сўз ва сўз бирикмалари маъноларининг ўзаро муносабати мантиқ ва тафаккур қондаларига мувофиқ келишидир.

Нутқнинг тозалиги адабий тилга ёт бўлган ўзлашмаган сўзлар, гап қурилишларининг қўлланмаслигидир.

Нутқнинг таъсирли бўлиши сўзловчининг тингловчи онгини тамомила эгаллаб, ўзига, сўзига мафтун, тобеъ қилиб қўйишидир.

Нутқнинг жўялилиги деганда, ўз жойида, ўз вақтида, ўз жанри, шаклу шамоилида, ўз услубида айтилувчи, маълум шароит ёки вазиятга мос бўлган нутқ англашилади.

Нутқнинг соддалиги эса тингловчининг тушунишини осонлаштиришга хизмат қилувчи тил тузилишига эга бўлган нутқ ҳисобланади.

Нутқнинг қисқалиги деганда, қабул қилувчини зериктирмаслик, оз сўз орқали кўп фикр етказиш, маълумот беришликни назарда тутишдир.

Нутқнинг ифодавийлиги деганда, тил воситаларини танлаб топиб қўллаш, жойлаштириш, томошабинни онгигагина таъсир этиб қолмасдан, унга ҳис-ҳаяжон бахш этиш, уни қизиқтириш назарда тутилади.

Нутқнинг бойлиги унда кўп ва ҳар хил адабий тил белгиларидан, ифода воситаларидан такрорсиз фойдаланишдир.

Биз юқорида нутқнинг асосий хусусиятларига тўхтадик. Нутқий маданият фақат шу билан чекланмайди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай танганинг иккинчи ёни бўлганидек, нутқий маҳоратнинг ҳам иккинчи томони бор. Бу нутқий техникадир. Ҳар иккаласини пухта билиб, амалда қўллай оладиган педагог доим муваффақият қозонади. Нутқ воситалари дея юритилувчи нафас, овоз, тембр, дикция, урғу, пауза (тўхтам), интонация, темп ва ритм кенг маънода нутқ техникасини ташкил этади. Булардан ўринли ва унумли фойдаланиш мақсаднинг рўёбини ташкил этади.

#### **4.4. Педагогик конфликтларни бартараф этишда коммуникатив қобилият**

##### **Коммуникация:**

1) бир шахсдан иккинчисига, бир маданий бирликдан бошқасига ахборот (ғоялар, образлар, баҳолар, кўрсатмалар) узатиш;

2) ахборот алмашинуви иштирокчиларини ўзаро боғлаб турган линия ёки канал;

3) ахборотни узатиш ёки қабул қилишга ёрдам берадиган ўзаро ҳаракат, ахборот узатиш ёки қабул қилиш жараёни.

**Коммуникацияларнинг асосий вазифалари:** одамларнинг бир-бирига ўзаро таъсири; турли ғоялар, манфаатлар, кайфиятлар, ҳис-туйғулар билан алмашинув.

##### **Одамлар ўртасидаги коммуникациянинг хусусиятлари:**

1) ҳар бири фаол субъект бўлган икки индивиднинг мавжуд муносабатлари (бу ҳолда уларнинг ўзаро ахборот алмашинуви биргаликдаги фаолият йўлга қўйилишини кўзда тутуди);

2) ҳамкорларнинг бир-бирига белгилар тизими орқали ўзаро таъсир кўрсатиш имконияти (вербал ва невербал коммуникациялар);

3) коммуникаторда (ахборот йўллаётган одамда) ва реципиентда (уни қабул қилаётган одамда) ягона ёки ўхшаш кодлаштириш ва кодни очиш тизимлари мавжуд бўлган ҳолдагина коммуникатив таъсир кўрсатиш;

4) коммуникатив тўсиқлар юзага келиш эҳтимоли (бундай ҳолда мулоқот ва муносабат ўртасида мавжуд бўлган боғлиқлик аниқ-равшан намоён бўлади).

**Мулоқотнинг коммуникатив услублари** – бу бошқа одамлар билан мулоқот қилиш жараёнида бирга ҳаракат қилиш усуллариدير.

##### **Коммуникатив мулоқотнинг ўн услуби:**

1) доминант – коммуникацияда бошқалар ролини (ўрнини, аҳамиятини) камайтиришга йўлланган стратегия;

2) драматик – маълумот (хабар) мазмунини бўрттириш ва унга эмоционал бўёқ бериш;

3) баҳсли – коммуникатив мулоқотнинг тажовузкор ёки исботлашга қаратилган услуби;

4) тинчлантирувчи – бўшаштирадиган, мақсади, айниқса конфликтли вазиятларда ҳамсуҳбатининг хавотирини камайтиришга қаратилган мулоқот услуги;

5) таассуротли – музокаралар бўйича ҳамкорда таассурот қолдиришга қаратилган стратегия;

6) аниқ – хабарнинг аниқ-равшанлигига қаратилган;

7) эътиборли – ҳамсуҳбатлар коммуникатив мулоқот жараёнида нималарни сўзлаётганига қизиқиш билдириш;

8) кўтаринки (руҳланган) – новербал ахлоқ – кўз, имо-ишора, тана ҳаракатлари кабилардан тез-тез фойдаланиш;

9) дўстона – ҳамсуҳбатини очиқ рағбатлантириш ва унинг мулоқотга қўшган улушидан манфаатдорлик;

10) очиқ-ойдин – ўз фикри, ҳис-туйғулари, эмоциялари, ўзлигини, шахсини намоён этадиган жиҳатларини қўрқмай ифодалашга бўлган интилиш.

**Коммуникация канали** – улар ёрдамида ёки улар орқали ахборот узатиладиган воситалар ёки йўллар.

**Коммуникация канал турлари:**

1) бевосита (тўғридан-тўғри) – бунда ахборот бевосита ахборот ташувчидан хабардор шахсга узатилади;

2) билвосита – бунда ахборот учинчи шахслар орқали узатилади;

3) расмий – аниқ ва ишонарли ахборотни тақдим этади;

4) норасмий – ишончли манбаларга ишора қилмаган ҳолда миш-мишлар, фикр алмашинуви орқали текширилмаган ахборот тақдим этади.

Коммуникация қуйидаги сабаблар туфайли конфликт манбаи бўлиб келиши мумкин: фикрлар, қарашлар, воқеаларни баҳолашдаги фарқлар; воқеа-ҳодисани икки хил талқин қилиш; одамлар ахлоқи (ўзини тутиши)даги фарқлар.

Одамлар ахлоқига турли омиллар таъсир кўрсатади: ҳаёт тажрибаси, муайян вазият, шаклланган қарашлар ёки индивиднинг баҳолашга мойиллиги.

**Уч элементи:** когнитив (билимлар), уларнинг аффектив (кучли эҳтирослар), ахлоқий (ўзини тутиш шакли) мавжуд.

**Социал қарашлар** – рухий-асаб тизимининг тайёрлик ҳолати, тажриба асосида шаклланиб боради ва индивиднинг у боғлиқ бўлган барча объектлар ва вазиятларга нисбатан реакцияларига йўналтирувчи динамик (ўзгарувчан) таъсир кўрсатади.

**Ишонтиришнинг икки усули** – бевосита ва билвосита.

**Бевосита усул** – манфаатдор аудитория бутун эътиборини мақбул (ижобий) далил-исботларга қаратган ҳолда мавжуд бўлган ишонч. Бунда далил-исбот (аргумент)ларнинг ўзигина эмас, балки улар келтириб чиқарадиган фикр-мулоҳазалар ҳам ишончли (ишонарли) бўлади.

**Билвосита усул** – одамларга тасодикий омиллар таъсир кўрсатиб, улар онгига мурожаат қилиш талаб этилмайдиган ҳолда мавжуд бўлган ишонч (ишонтириш). Бу таъсир усулида ишора(шама)лар қўлланиб, улар ўйлаб ўтирмай қўллаб-қувватлашга рози қиладилар.

**Ишончнинг тўрт таркибий қисми:**

- 1) коммуникатор;
- 2) ахборот (хабар);
- 3) узатиш канали;
- 4) аудитория.

Ахборот узатиш хусусияти: нафақат ким гапираётганлиги, балки унинг айнан нимани гапираётганлиги ҳам муҳим.

Ўзини тутишига қараб аудитория қуйидагича кўринишларда бўлиши мумкин:

1) фикрлайдиган, мулоҳаза қиладиган, манфаатдор, яъни бевосита ишонтиришга бўйин бериш, мойил бўлиш. У айниқса онгли далил-исботларга таъсирчан бўлади;

2) эътиборсиз, яъни билвосита шамалар таъсирида қолиш. Унга ҳаммасидан кўпроқ коммутатор ёқиш, ёқмаслиги таъсир кўрсатади.

**Яхши кайфият самараси.** Ижобий ҳис-туйғулар қобигига “ўралган” хабарлар ишонарлироқ бўлиб чиқади. Яхши кайфиятдаги одамлар оламни ижобий тарзда кўриб, шошилинч қарорлар қабул қилишга мойил бўлиб, кўпроқ билвосита шамаларга ишонадилар.

**Қўркувни фаоллаштириш самараси.** Баъзан салбий (негатив) ҳис-туйғуларга қаратилган хабар ҳам ишонарли чиқиши мумкин. Саломатлик билан боглик хабарлар қўркув уйғотишда кўпроқ таъсир кўрсатиб, одамни “чеккага” тақаб қўйишга хизмат қиладилар ва бунда ахборотни қабул қилмаслик ёки сиқиб чиқариш ҳодисаси юз беради. Самарали ҳимоя стратегиясини таклиф қилиб, бунинг олдини олиш мумкин.

**Ахборотни бузиб кўрсатиш механизми.** Ахборотнинг қабул қилиниши қуйидагиларга боглик:

1) хабар берувчига бўлган ишонч, унинг билимдонлиги, хабардорлиги. Аудиториянинг ишончини қозониш усулларидан бири – аудитория қўшиладиган (рози бўлган) мулоҳазаларни билдириш, яна бир усули – ушбу масаладан хабардор киши сифатида таништириш (тақдим этилиш)дан иборат;

2) коммуникаторнинг сўзлаш услуби – у ишончга сазовор услуб тарзида қабул қилиниш ё қилинмаслиги;

3) нутқ ишончлилиги ва суръати, тўғри кўзга қараб сўзлаш, бирон-нимани ўз манфаатлари зарари ҳисобига бўлса ҳам ҳимоя қилиш.

Кўпгина одамлар машҳур шахслар фикри уларга таъсир кўрсатишини тан олмайдилар, чунки улар бу йўналишда мутахассис эмаслигини англаб етадилар. Бу ҳолда бир қанча жиҳатларига эга бўлган жозибадорлик муҳим ўрин тутати: жисмоний ёқимтойлик, симпатия (далил-исботлар чиройли, ўктам шахслар томонидан билдирилганида, кўпроқ таъсир қиладилар) ва ўхшашлик (биз ўзимизга кўпроқ ўхшайдиган одамларга мойиллик билдирамыз).

**Фикрлар ҳар хиллиги:** 1) агар коммуникатор билимли ва шу билан бирга ишончли манба бўлсаю, аудитория бу муаммога у қадар қизиқиш билдирмаса, у ўта зиддиятли, экстремистик нуқтаи назарни тақдим этиши мумкин. Нифоқ-келишмовчиликлар қанча кўп бўлса, дастлабки позициянинг ўзгариш эҳтимоли шунча катта; 2) агар коммуникатор ишонарли манба бўлмаса, у нохуш хабарни тақдим этиш билан умуман ишончдан маҳрум бўлиши, ўзини шахсий манфаатларини кўзлаган ва ноҳолис шахс сифатида намоён этиши

мумкин. Аудиторияни мазкур муаммо қизиқтирса, биров фарқли, айниқса қарама-қарши нуқтаи назарга асосланган фикр унга радикал қараш бўлиб туюлиши мумкин.

**Асил далил-исботларга мурожаат қилиш:** 1) бир томонлама хабар усиз ҳам билдирилаётган фикрга қўшилган одамлар учун айниқса самаралидир; 2) асил далил-исботларни кўриб чиқадиغان хабар, дастлаб унга қарши бўлганларга кўпроқ таъсир кўрсатади; 3) икки томонлама таъсири хотирада узоқроқ вақт сақланиб қолади.

Агар аудиторияга қарама-қарши қарашлар (фикрлар) тўғрисидаги хабар (маълумот) маълум бўлса, бу ҳолда икки томонлама хабар кўпроқ самара келтиради. Бир томонлама хабар (ахборот) аудиторияни асил далил-исботлар (контрагументлар) тўғрисида ва коммуникаторни бир томонга ён босяпти деб ўйлашга мажбур қилади.

**Бирламчилилик ва иккиламчилилик самараси:** биринчи келиб тушган ахборот ишончлироқ янграйди, сўнгги ахборот (хабар) яхшироқ эсда қолади.

Иккиламчилилик самараси камроқ учрайди. Ёддан чиқариш қуйидаги ҳолларда иккиламчилилик самарасини ҳосил қилади:

1) икки хабар (ахборот) ўртасида анча вақт ўтган бўлса;

2) аудитория иккинчи хабар (ахборот)дан сўнг кўп ўтмай қарор қабул қилади.

**Коммуникация каналини танлаш муаммоси.** Коммуникация канали – хабар (ахборот) узатиладиган усул (юзма-юз, ёзма равишда ёки бошқа йўл билан).

**Коммуникация каналини танлаш хусусиятлари:** бунда чоп этилган сўз (матн) кучи устувор ҳисобланади. Одамлар аввалроқ ўзлари ўқиган ёки баҳолаган фикрларни нисбатан ҳаққоний деб биладилар.

**Коммуникация каналини танлаш қондаси:** хабар (ахборот) нақадар образли қилиб узатилса, тақдим этилаётган хабар (ахборот) шу қадар ишонарлироқ чиқади. Осон тушуниладиган (англанадиган) хабарлар айниқса видео тасвир кўринишида ишонарлироқ бўлади. Нашр этилган хабар (ахборот)лар унинг маъноси ичига чуқурроқ

кириш ва уни яхшироқ тушуниб етишни таъминлаб, тушунилиши мураккаб хабар узатилган ҳолатда ишонарлироқ чиқади. Ишонарлилик хабарнинг мураккаблиги ва танланган коммуникация воситаси турининг ўзаро мувофиқлиги билан белгиланади.

Одамларга билвосита узатилган ахборот эмас, балки улар билан бевосита, юзма-юз учрашиш кўпроқ таъсир кўрсатади. Аммо оммавий ахборот воситалари ва шахсий қарашлар ўзаро боғлиқдир, чунки улар айнан ОАВ таъсирида шаклланадилар. ОАВ таъсири икки табақали коммуникация оқимида юз беради: ОАВдан – одамга, одамдан – оммага.

Ижтимоий (социал) ва сиёсий установа(қараш)ларнинг ёшга боғлиқ равишда табақаланиши кузатилмоқда. Бу икки омил билан изоҳланади:

1) ёш ўтиши билан ҳаёт циклига боғлиқ равишда қарашлар ҳам ўзгариб боради;

2) катта ёшдаги (қари) одамларнинг ёшлиқда ўзлаштириб олган қарашлари асосан ўзгармай қолаверади, авлодлар ўртасидаги узилиш (ажралиш) ана шу қараш(установка)лар орасидаги фарқланиш туфайли пайдо бўлади.

#### **Аудиториянинг хабарга турлича реакция билдириши:**

1) агар хабар шунга мувофиқ фикрлар келтириб чиқарса, у ишонтиради;

2) агар хабар контраргументлар (асил далил-исботлар) тўғрисида ўйлаб қолишга мажбур қилса, аввалги фикрни ўзгартириш мураккаброқ кечади;

3) ҳозир ишонарли бўлмаган хабар келиб тушиши тўғрисидаги огоҳлантириш аксил далил-исботларни рағбатлантиради (кучайтиради) ва унинг ишонарлилик даражасини пасайтиради;

4) аудитория эътиборини эҳтимол тутилган эътирозларни бартараф этиш даражасида чалғитишнинг имкони бўлса, мунозара(баҳс)ли хабарнинг ишонарлилиги ортиб боради.



### **Фикрлаш жараёнларини рағбатлантириш усуллари:**

1) риторик саволлар, коммуникаторлар қатори (барча уч далил-исботни келтирадиган битта нотик ўрнига биттадан далил келтирган уч нотикнинг кетма-кет чиқиши);

2) хабарга баҳо берганлик ёки унга нисбатан эътиборсизлик учун масъулият ҳиссини пайдо қилиш;

3) нотик томонидан эркин ҳолат(поза)ларни, кўп маротаба такрорлашлар ва аудиториянинг тарқаб улгурмаган эътиборини жалб қилиш услубларининг қўлланиши.

### **Конфликтли вазият шароитида қарор қабул қилиш жараёни**

Конфликтни ҳал қилиш конфликтни келтириб чиқарган сабабларни тўлиқ ёки қисман бартараф этиш, ёхуд конфликт иштирокчилари мақсадларини ўзгартиришдан иборатдир.

Конфликтли вазиятни ҳал қилишдаги қийинчиликлар қуйидагилардир:

1) ахборот етишмаслиги – низолашаётган тарафлар конфликтни ҳал қилиш учун барча зарур маълумотларга эга бўлмаган жараён;

2) коммуникациялар чекланганлиги – ахборот алмашиниш иштирокчилари ни ўзаро боғлаб турган каналлар етишмаслиги.

### **Конфликтли вазиятни ҳал қилиш:**

**1. Конфликт мавжудлигини тан олиш.** Оппонентларнинг қарама-қарши мақсадлари, услублари мавжудлигини эътироф этиш, ана шу иштирокчиларни ўзини аниқлаб олиш. Баъзан конфликт кўпдан мавжуд бўлишига қарамай, аммо у очиқ эътироф этилмаган бўлиб, ҳар бир томон бошқа тарафга таъсир кўрсатиш йўли ва услубини танлайди ҳамда юз берган вазиятдан чиқиб кетишнинг иложи йўқ.

**2. Музокаралар имкониятини аниқлаб олиш.** Конфликт мавжудлиги эътироф этилиб, уни “йўл-йўлакай”, бирданига ҳал қилиш имкони йўқлиги аниқланганидан сўнг музокаралар, айнан қандай, яъни воситачилар иштирокидаги ёки уларсиз музокаралар ўтказиш, ким ҳар икки томонни ҳам қониқтирадиган воситачи бўла олиши мумкинлиги тўғрисида келишиб олиш.

**3. Музокаралар амалиётини мувофиқлаштириб олиш.** Музокаралар қасрда, қачон ва қай тарзда бошланишини аниқлаб олиш: ўтказиладиган музокараларнинг муддатлари, жойи, амалиётини, биргаликдаги фаолиятнинг бошланиш вақтини келишиб олиш.

**4. Конфликт мавзусини (предметини) ташкил қилган масалалар доирасини белгилаб олиш.** Асосий муаммо шундаки, бирга ишлатиладиган атамалар ёрдамида нималар конфликт предмети эканлиги, нималар эса йўқлигини аниқлаб олишдан иборат. Бу босқичда муаммога бўлган биргаликдаги ёндашувлар ишлаб чиқилиб, томонлар позицияларига аниқлик киритилади, кўпроқ мунозарали масалалар ва позицияларни ўзаро яқинлаштириш эҳтимоли имкониятлари аниқлаштирилади.

**5. Ечим вариантларини ишлаб чиқиш.** Томонлар бирга ишлашда ҳар бири юзасидан ҳаражатлар ҳисоб-китоби билан, эҳтимол тутилган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда бир неча ечим вариантларини таклиф этадилар.

**6. Келишилган қарор қабул қилиш.** Ўзаро муҳокама қилиниб, эҳтимол тутилган бир қатор вариантлар кўриб чиқилганидан кейин, томонлар ўзаро битимга келиши шарти билан, бу умумий қарорни ёзма, яъни коммюнике, резолюция, ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома кўринишида тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

**7. Қабул қилинган қарорни амалда татбиқ этиш.** Дастлабки конфликтни келтириб чиқарган сабаблар йўқолмай, бажарилмаган ваъдалар туфайли фақат кучайган бўлса, қайта музокаралар ўтказиш анча мураккаб кечади.

**Коммуникация тўсиқлари** – ўзаро мулоқот қилаётган ҳамкорлар ўртасида адекват ахборот узатиш йўлидаги рухий (психологик) тўсиқлар. Коммуникация жараёнида турли барьерлар юзага келишлари мумкин:

- 1) тушунмиш (тушунмаслик) баръери;
- 2) ижтимоий-маданий фарқларга оид барьер;
- 3) муносабатлар баръери.

Тушунуш (тушунмаслик) барьерининг келиб чиқиши, одатда, рухий, ҳамда келиб чиқиши ўзгача турли-туман сабаблар билан боғлиқ. Бу ахборот узатиш каналининг ўзидаги хатоликлар туфайли юзага келиши мумкин – бу фонетик тушунмовчилик (тушунмаслик) деб номланади. Фонетик тушунмаслик баръери (тўсиғи) тез ва тушунарсиз сўзлаш (нутқ) ва кўп микдордаги паразит-товушлар иштирокидаги нутқ каби омиллар сабабли пайдо бўлади. Шунингдек, мулоқот иштирокчиларининг маънолар (тезауруслар) тизимидаги лингвистик фарқлар туфайли келиб чиқадиган семантик тушунмаслик тўсиқлари ҳам мавжуд. Шахслараро нормал коммуникация йўлига стилистик тўсиқ ҳам тўғоноқ бўлиши мумкин ва у коммуникатор нутқ услуби, мулоқот вазияти ёки реципиентнинг ҳозирги рухий ҳолати номувофиқ келган шароитда юзага келади. Шунингдек, мантиқий тушунмаслик тўсиғи (баръери) ҳам мавжуд бўлиб, у коммуникатор томонидан таклиф этилган мулоҳаза юритиш мантиқи реципиент идроки учун жуда мураккаб ёки унга нотўғри бўлиб туюлган ҳолларда пайдо бўлади.

Шу билан бирга ижтимоий-маданий, яъни ижтимоий, сиёсий, диний ва касб-ҳунарга оид фарқланишлар ҳам тушунмаслик сабаби бўлиб келиши мумкин, чунки улар мулоқот жараёнида қўлландиган у ёки бу тушунчалар нинг турлича англанишига олиб келадилар. Мулоқот қилинаётган ҳамкор(сухбатдоши)ни муайян касб эгаси, миллат, жинс вакили ёки маълум ёшдаги шахс сифатида қабул қилиш, идрок этишнинг ўзи ҳам тўсиқ вазифасини ўташи мумкин. Барьер(тўсиқ)ни олиб ташлаш йўлида коммуникаторнинг реципиент назаридаги обрў-эътибори ҳам муҳим ўрин тутади.

**Муносабат тўсиқ(барьер)лари** – коммуникатор ва реципиент ўртасидаги мулоқот жараёнида юзага келадиган соф психологик (рухий) ҳодисалар бўлиб, улар қаторига коммуникаторни ёқтирмаслик, унга нисбатан ишончсизликни руҳан киритиш мумкин бўлиб, буларнинг бари узатилаётган ахборотга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Реципиентга келиб тушаётган ҳар қандай ахборот унинг хулқи (ўзини тутиши), фикри, қарашлари ва истакларини тўлиқ ёки қисман ўзгартириш мақсадида у ёки бу таъсир кўрсатиш элементига

эга бўлади. Бу маънода коммуникатив тўсиқ –иштирокчилар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёнида ўтказиладиган бегона руҳий таъсирдан ўзига хос психологик (руҳий) ҳимояланиш шакли деб айтиш мумкин. Коммуникациялар тескари алоқа боғлиқлик мавжуд бўлган жараён сифатида конфликтда коммуникация каналларини ўрнатишда:

**Коммуникатив жараён модели** – бу мулоқотни ташкил этувчи компонентларидир (субъект ва объектлари). Одатда улар бешта бўлади: коммуникатор – хабар (матн) – канал – аудитория (реципиент) – тескари алоқа (боғлиқлик).

**1. Коммуникатор** – ахборот узатаётган шахс. Коммуникаторнинг уч позицияси:

1) коммуникатор очикдан-очик ўзини баён этилаётган нуқтаи назар тарафдори деб эълон қиладиган, унинг тасдиғи сифатида турли фактлар келтирадиган ҳолат;

2) четлашган позиция – коммуникатор ўзини кўра-била туриб нейтрал (бетараф) тутадиган ҳолат;

3) ёпиқ позиция – коммуникатор ўз нуқтаи назари тўғрисида фикр билдирмайдиган ҳолат.

**2. Хабар (матн)** – коммуникация жараёнида узатиладиган ахборот.

Ахборот икки типли бўлиши мумкин – ундайдиган ва қайд этадиган

**Ундайдиган ахборот** - буйруқ, маслаҳат ёки илтимос кўринишида намоён бўлади.

**Стимуляция (рағбат)** қуйидаги турларга ажратилади:

1) фаоллаштириш (активизация) – берилган йўналишда ҳаракат қилишга ундаш;

2) интердикция – исталмаган фаолият турларини тақиқлаш;

3) барқарорлаштириш (стабилизация) – муайян ўзини тутиш ёки фаолият автоном шакллариининг бузилиши.

**Қайд этадиган ахборот** хабар шаклида намоён бўлади ва ўзини тутиш (ахлоқ)ни бевосита ўзгартиришни назарда тутмайди.

**3. Коммуникация канали** – улар ёрдамида ёки улар орқали ахборот узатиладиган восита ёки йўллар. Жамиятда ахборот тарқалиши ўзига хос “ишонч-ишончсизлик” фильтри орқали ўтади. Бундай фильтр ишлаши натижасида ҳақиқий ахборот рад этилиб, аксинча – сохта (ёлғон) ахборот эса қабул қилиниши мумкин. Ахборот қабул қилинишига кўмаклашадиган ва фильтрлар ишини бўшаштирадиган воситалар мавжуд бўлиб, улар йиғиндиси **фасцинация** деб номланади. Фасцинацияга мисол тариқасида нутққа мусиқа, ранг ёки макон(бўшлик)нинг жўр кузатилишини келтириш мумкин.

**4. Аудитория (реципиент)** – ахборотни қабул қилувчилар (идрок этадиганлар). Улар норефлексив ва рефлексив тинглаш каби коммуникация кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади. Норефлексив тинглаш, ёки эътибор билан сукут сақлаш муаммони кўйиш босқичида, у сўзловчи томонидан мулоқот мақсади – ҳолатни эмоционал юмшатиш, бўшаштириш бўлганида қўлланади. Рефлексив тинглаш сўзловчи муайян муаммоларни ҳал қилишда ёрдамга муҳтож бўлган ҳолатларда ишлатилади.

**5. Тескари алоқа (боғлиқлик)** – коммуникатив мулоқот жараёнида муҳокама қилинадиган турли вазиятлар ёки муаммолар юзасидан умумий мазмун, ягона нуқтан назар ишлаб чиқиш ва келишиб олиш мақсадидаги фаолият.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ўзбеклар менталитетида муомала маданияти қандай намоён бўлади?
2. Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқотини қандай талаблар асосида мукамал ташкил этиш мумкин?
3. Илик муомала юзасидан келтирилган 10 маслаҳатга муносабатингиз?
4. Конфликтли вазият юзага келган эмоционал танг ҳолатда инсон қандай ўзини ҳимоя қилиши лозим?
5. Инсонлараро муносабатларда ўз ҳиссиётларини таҳдидсиз ва адекват тарзда баён қилиш деганда нимани тушунасиз?

6. Мулоқотни “совуқлаштирувчи” ва “илиқлаштирувчи” омилларни санаб беринг ва тушунтиринг.
7. Одамлар фикрини фаол эшитишнинг қандай кўникма ва талаблари мавжуд?

**Талабаларнинг мустақил тайёрланиши учун “Кейс”  
топшириғи**

**3-вазият.** *Сиз информатика ўқитувчиси, дейлик. Дарсда, аълочи ўқувчилардан бири қатор бўйича қозғоз узатмоқда. Қозғозни тортиб олиб, тасодифан уни очасиз ва ўша ўқувчининг синфдош қизга атаб ёзган шеърига кўзингиз тушади.*

Ушбу вазиятда сизнинг муомалангиз қандай бўлади?

## У БОБ. ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛИ ВАЗИЯТДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

*Таянч тушунчалар:*

*Салбий интизом, конструктив таъсир этиши, ижобий муносабат, таъхис муаммоси, мотивация, истеъдод, педагогик-психологик хизмат, имконияти чекланган, тарбияси қийин, лаёқат, медиация, воситачилик, медиатор, нейтрал, маҳфий (конфидициал), конфликт ечими, келишув жараёни, халқаро, миллий, ҳуқуқий, экологик, шахсий конфликтлар, баҳс.*

### **5.1. Ўқувчиларга педагогик-психологик хизмат кўрсатиш орқали ўқув жараёнига ижобий муносабатни шакллантириш**

Маълумки, шахснинг ижтимоийлашуви асосан мактаб йилларига тўғри келади. Шунинг учун мактаб олдида қўйилган асосий вазифалардан бири боланинг камолоти учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг энг мақбул шаклларини жорий этишдир. Лекин ҳаммага маълумки, ҳозирги шароитда мактаб олдида кўплаб муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжудки, улар барчаси мактабга ҳар тарафлама ёрдамни тақозо этмоқда. Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг кўрсатмаларига асосан, ёшларнинг лаёқатларини илк ёшлигидан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари ўқувчига индивидуал ёндашувининг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда.<sup>13</sup>

**Таълим жараёнини бошқариш.** Кўпгина педагог-психологлар таълим жараёнини таҳлил қилар эканлар, уни етарли даражада бошқариб бўлмайдиган жараён деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб бўлмайдиган стихияли равишда тартиб топадиган

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиятининг пойдевори. - Тошкент: Шарк, 1997 - Б 31-60

жараён деб аташ нотўғри - бу ҳол аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш ғоясининг ўзига зид бўлар эди. Бироқ ўқитувчи таълимни ташкил этади, унга раҳбарлик қилади, уни амалга оширади ва йўналтиради, деган факт таълим етарли даражада бошқариладиган ва тартибга солинадиган жараёндир деган маънони англатмайди, чунки биз бошқариладиган таълим деб, шундай таълимни айта оламизки, бунда ҳар бир боланинг ҳаракатидаги ҳар бир қадам назорат қилинади, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ҳар бир босқичида муайян билимларни ўзлаштириши ёки муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилиши ҳақида узлуксиз ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштириш характерга қараб тақдим қилинади. Албатта, ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини ва ақлий ривожланишнинг бориши ҳар бир пайтда, ҳар бир ўқувчига нисбатан ҳамма тафсилотни назорат қилмайди ва назорат қила олмайди. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан материал қандай ўзлаштирилаётгани ҳақида жуда умумий тасаввургагина эга бўлади, ўқитишда эса у одатда ҳар кимнинг индивидуал имкониятларини эмас, балки ўртача ўқийдиган ўқувчи кўзда тутаяди. Мумкин бўлган йўллардан бири-ўзлаштириш жараёнини берилган топшириқни ўзлаштириш жараёни сифатида махсус ташкил этишдир. Бу жиҳатдан анча ишланган тизим Россия психология фанлари доктори, профессор Пётр Яковлевич Гальперин(1902-1988)нинг ақлий ҳаракатларини этап бўйича таркиб топтириш назариясига асосланган таълим топтириш назариясига асосланган таълим тизимидир. Бу назария Россия психологи Лев Семёнович Виготский (1896-1934)нинг таклифлари асосида вужудга келган бўлиб, Л.С.Виготскийнинг шогирди педагогика фанлари доктори, профессор Алексей Николаевич Леонтьев (1903-1979) нинг ақлий ҳаракатларини таркиб топтириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тадқиқотларида ривожлантирилган мазкур назария одамнинг психик фаолиятини таркиб топтиришга оид умумий назариянинг таркибий қисмидир. Ана шу назарияга мувофиқ, одамнинг аногенетик ривожланишида ҳаракатлар интериоризацияси



деган жараёнлар, яъни ташқи ҳаракатларнинг секин-аста ички, ақлий ҳаракатларга айланиш жараёнлари рўй беради.

Таълим жараёнини бошқаришнинг бошқа имкониятларини қидириш дастурлаштирилган (режалаштириш) таълимнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш билан боғланган. Психологик нуқтаи-назардан қараганда, дастурлаштирилган таълим нима у одатдаги таълимдан нима билан фарқ қилади? Буни тушуниш учун ўқув жараёнини унинг қатнашчилари; таълим берадиган, билимларни етказадиган ўқувчи томонидан схематик тарзда тасаввур қилиб кўрмоқ керак. Ўқитувчи билан ўқувчи, маълумки ўқув жараёнининг икки қисмидир. Ўқитувчи тушунтиради, исботлайди, далил келтиради, чизади, расм солади, тажриба қилиб кўрсатади. Ўқувчи кўради, тинглайди, тушунишга, ўзлаштиришга, эсда олиб қолишга ҳаракат қилади, фикр юритади, умумлаштиради. Бунинг маъноси шуки, «тўғри алоқа канали» орқали ахборот субъектидан объектга, ўқитувчидан ўқувчига етказилади. Ўқитувчи ўқувчининг қандай таълим олаётгани ҳақида ахборотга эга бўлмай туриб, кўр-кўрона таълим бера олмайди.

Дастурлаштирилган (режалаштириш) таълимда оддий, анъанавий таълимнинг барча ана шу салбий томонларига барҳам берилади, дастурлаштирилган таълим ўқув жараёнини домий назорат қилиб туриш ва бошқаришни таъминлайди.

Дастурлаштирилган таълимнинг моҳияти унинг машиналашган бўлишида (техника воситаларини қўллаш ҳолда) ҳам, шунингдек, машиналашмаган бўлишида ҳам эмас.

Дастурлаштирилган таълим ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадикки, бунда ўрганаётган ўқувчи олдинги материални эгаллаб олмасдан туриб ўзлаштиришда навбатдаги қадамни қўя олмайди.

Бунинг учун ўқув материали қатъий мантиқий изчилликда жойлаштирилган кичик қисмларга бўлинади.

Дастурлаштирилган (режалаштириш) таълим билиш фаолиятининг ҳар бир қадамини ҳақиқатда назорат қилишни таъминлайди ва бу билан ўқув жараёнини тўла-тўқис бошқариш

имконини беради. Қайтарма алоқа ҳамма вақт ҳаракатда бўлади ва ўзлаштиришнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ равишда ўқув жараёнини тартибга солиб туриш имконини беради.

Дастурлаштирилган таълим ўқитувчини четлашгирмайди, унинг ўқув жараёнига ўтказадиган таъсирини пасайтирмайди, балки уни қора, техник ишлардан ҳалос қилади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқув жараёнининг боришига фаолроқ таъсир кўрсата олади, таълимга индивидуал ёндошишни муваффақиятлироқ амалга ошира олади, тарбия жараёнига кўпроқ эътибор бера олади, кўрсата олади, таълимга индивидуал ёндошишни муваффақиятлироқ амалга ошира олади.

Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди.

Таълимдан кутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш. Ана шу мақсадлар бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, таълим жараёни бошқаришнинг:

- биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;

- иккинчи вазифаси-бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир.

Шунингдек, бу вазифа ўқувчиларнинг кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади. Афсуски, кўп йиллар давомида бошқаришнинг ана шу ижтимоий вазифасига жуда кам эътибор берилган.

Бошқарувнинг иккинчи вазифаси бу ижтимоий-психологиядир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Таълим жараёнини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллашлари лозим:

1. Берилган ўқув топшириқларини бажариш учун воситалар танлаш.
2. Топшириқларни бажариш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини баҳолаш.
4. Ўқув топшириқларини бажарилганлигини текшириш.
5. Ўз олдига мақсад қўя олиш.
6. Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатлари мувофиқлигини кўра олиш.

Ўқитишнинг иккита усули мавжуд. Бири анъанавий ўқитиш усули – бунда ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни аниқлайди ва муаммони ечиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур шаклланади.

Ривожлантирувчи таълим ўқитишнинг муаммоли усулида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқаради, уни ташкил этади ва назорат қилади. Ўқувчи эса муаммони тушунади.

Уни ечиш йўллари кидиради ва уни ечади. Бундай ҳолларда ўқувчи тафаккурининг маҳсулдорлиги ошади ва унинг мустақиллиги ривожланади.

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги қоидаларга таяниши лозим:

1. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак.

2. Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиб керак.

3. Ўрганилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айна шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак.

4. Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.

5. Ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим.

**Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ёки билимнинг аҳамиятини кўрсатиш.** Ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим. Лекин таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди, шунинг учун ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол топтирилиши ниҳоятда зарурдир. Ана шу хислатлар ўқувчининг келгусида ўз-ўзини назорат қилишга ўз-ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишга асос бўлиш керак.

Таълимни индивидуаллаштириш устидан махсус тўхталиб ўтиш керак. Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчи индивидуал (алоҳида) бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда таълим олади деган маънони билдирмайди (гарчи принцип жиҳатидан шундай таълим бўлиши мумкин бўлса ҳам).

Ҳар бир ўқувчи ўргатувчи машина ёки дастурлаштирилган дарслик билан ишлайди. Ҳар ким индивидуал равишда таълим олади, бунда ҳар хил тезлик билан ва маълум маънода турли йўл билан ҳаракат қилади, ўқувчи олдинги материални ўзлаштирганлигини исботлаб бермагунча машина ёки дарсликлар уни олға қараб ҳаракат қилишига имкон бермайди.

Таълимни индивидуаллаштиришнинг маъноси шуки, у ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига таянади, ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қурилади. Шу нуқтаи-назардан синфдаги оддий таълим усулини қандай рўй беришини қараб чиқамиз. Синф ривожланиши тайёргарлик даражаси бир хил бўлмаган, ўзлаштириш турлича ва ўқишга муносабати ҳар хил, қизиқишлари хилма-хил бўлган ўқувчилардан ташкил топган, ўқитувчи анъанавий ташкил этилган таълим шароитида ҳаммага бир хилда баробар кела олмайди. Шунинг учун у таълимни ўртача даражага - ўртача ривожланишига, ўртача тайёргарликка, ўртача ўзлаштиришга татбиқ қилган ҳолда олиб боришга мажбур бўлади.

Бу нарса муқаррар равишда шунга олиб келадики, «кучли ўқувчилар ўз ривожланишида сунъий равишда ишлаб турилади, ўқишга қизиқишлари қолмайди, ўқиш улардан кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилмайди, «кучсиз» ўқувчилар эса сурункасига орқада қолишга мубтало бўлганлар, улар ҳам ўқишга кўпроқ ақлий куч сарфлашни талаб қилади. «ўртача» даражага кирувчилар ҳам жуда ҳар хил бўладилар, қизиқиш ва майллари турлича, идрок, хотира, хаёл ва тафаккур хусусиятлари хилма-хил бўлади. Бир ўқувчи кўргазмали образлар ва тасаввурларга асосли равишда таянмоги зарур, иккинчиси бунга камроқ эҳтиёж сезади, бири секин фикрлайди, иккинчисининг ақлий мўлжал нисбатан тезлиги билан ажралиб туради; бири тез эса олиб қолсада мустаҳкам эмас; иккинчи-секин эса олиб қолсада, кўп нарсани ёдида сақлайди; бирини уюшган ҳолда ишлашга ўрганган, бошқаси кайфиятига қараб асабийлашиб ва нотекис ишлайди; бири астойдил, иккинчиси мажбуран шуғулланади.

Австрия композитори Альбан Берг (1885-1935) бу ҳолатни образли қилиб қуйидагича таснифлаб берган. (Москвада ҳарорат-10дан +19 гача, ўртача йиллик ҳарорат + 5) лекин кийим бошни йиллик ўртача ҳароратдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ҳақиқий ҳарорат ҳисобга олинади. Аммо, таълимда худди шундай ўрталаштиришга йўл қўйса бўлади ва ҳатто муқаррардир, деб ҳисоблайди.

Таълимни индивидуаллаштириш принципи ўқитишда ўқувчиларнинг реал тоифаларига таяниш зарурлигига асосланади.

Бу принципни, биз кўриб ўрганишимиздек, дастурлаштирилган таълим жуда яхши амалга оширади. Лекин одатдаги таълим шароитида ҳам бу принцип татбиқ этилиши мумкин ва лозим.

Ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари таълимнинг айрим методлари ва усуллари танлаш ҳамда қўлланиш вақтида, уйга берилган топшириқларни қисмларга бўлишда, синф ва ёзма ишларнинг вариантларини, (уларнинг қийинлик даражасига қараб) аниқлашда ҳисобга олинади.

Синф билан олиб бориладиган ишни айрим ўқувчи билан олиб бориладиган индивидуал иш билан бирга қўшиш мумкин. Бу орада психологлар ва педагоглар анча изланиш олиб бормоқдалар. Таълим методлари турлича бўлиши, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига қараб ўзгартирилиши керак. Лекин бу 40 та ўқувчи бор бўлган синфда 40 хил индивидуал ёндошишни, таълим методикасининг 40 хил индивидуал вариантини амалга ошириш зарур деган маънони англатмайди. Одатдаги мактаб таълими шароитида бундай ҳаддан ташқари индивидуаллаштириш мумкин ҳам эмас. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятининг асосий тоифаларини фақат ҳисобга олиш кифоя қилади. Ўқувчи тафаккурининг индивидуал характеристикасини, унинг бирон-бир тоифага мансуб эканлигини қандай аниқлаш керак?

Тегишли психологик ва педагогик адабиёт билан танишиб чиқилгач, бу ишни амалга ошириш унчалик мураккаб бўлмайди. Чунки, ҳар бир ўқитувчи одатда ўз ўқувчиларини, уларнинг индивидуал хусусиятларини, улар тафаккурининг кучли ва ожиз томонларини яхши билади. Россия педагог-психологи Наталия Александровна Менчинская (1905-1984) билан психология фанлари доктори, профессор Дмитрий Николаевич Богоявленский (1898-1981) тўғри кўрсатиб ўтишганидек, ўқитувчи муайян ўқувчи нимани ўзлаштирган ва нимани ўзлаштирмаганлигини билиш билангина чекланиб қолмаслиги керак.

Тарбия психологияси мақсадга мувофиқ равишда ташкил этилган педагогик жараён шароитида инсон шахсий шаклланишининг қонуниятларини ўрганати. Тарбия ҳар қандай жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Тарбия – бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Президентимиз И.А.Каримов «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни

тарбиялаш имкониятига эга бўламин»-деб таъкидлаганларидек “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бугунги кунда шахс тарбиясига жиддий эътиборни қаратмоқда.<sup>14</sup>

Тасаввур қилинг: илмли, катта ихтироларга қурби етадиган қонунларни яхши ўзлаштирган мутахассис – маънавиятсиз, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлса нима бўлиши мумкин? У ўз манфаатини ўйлайди, ватан учун бирор нарса қурбон қила олмайди, чунки у худбин, унда меҳр-оқибат, фидоийлик, ватанпарварлик, миллий ғурур йўқ, у мухтожларга ёрдам бермайди, чунки унда тарбия шаклланмаган.

Тарбия жуда мураккаб жараёндир. Одамзод фарзандини оқ юзиб, оқ тараб, боқиб, таълим бериб вояга етказиш учун қилинадиган ғамхўрлик тарбия дейилади. Одамга касб-ҳунар ўргатиш ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ҳам тарбиядир.

Тарбия-шахс оқимини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни иқтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир.

Таълим билан тарбия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таълим-тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб, мақсад ва вазифаларга у орқали эришилади. Оила, турли жамоат ташкилотлари, фан-техника, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам тарбияга кучли таъсир кўрсатади.

Болага аввал таълим бериш керакми ёки тарбия бериш керакми деган саволлар юради, эл орасида тарбия иши фарзанд дунёга келиши биланок дарҳол шифқат туйғусини уйғотади, дейдилар.

Педагог-психологлар тарбиявий иш методларининг технологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбия уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланадилар. Бу методлар қўлланилаётганда, биринчидан, тарбияланаётган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиятининг пойдевори. - Тошкент: Шарк, 1997. - Б 31-60.

жамоасининг хусусиятларини, ниҳоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян аниқ шароитларни ҳисобга олиш зарур.

Тарбия методи деб тарбиячи, мураббийнинг тарбияланувчилари да онглилик, иймон, эътиқод ва инсоний хулқ-атвор қоида нормаларини шакллантириш мақсадида уларга педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш усулига айтилади.

2. Шахснинг ижобий йўналиши таркиб топтириш учун мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тутишини исташи ҳамда тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишини билиши, ўзи ҳурмат қиладиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриши ва ўзи ҳам тўғри хулқ-атворли бўлишини машқ қилиши зарур.

Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилиши талаб этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун қуйидагиларга амал қилиш керак, эътибор бериш керак.

**Ишонтириш тарбия методи сифатида:** Ўқувчилар ахлоқини, дунёқарашини шакллантиришда ишонтириш асосий методлардан бири ҳисобланади. Ишонтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларда ҳар томонлама комплекс тарбияни амалга оширади. Ўқитувчи томонидан, Президентимизнинг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати-иктисодий ривожланишининг Республикамизга хос тамойиллари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари тушунтирилганида ўқувчилар, талабалар келажакда республикамиз ҳаётига ўзларининг шахсий иштирокчилигини чуқур сезадилар ва шунга яраша билим, кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

**Ижобий шахсий намуна тарбия методи сифатида.** Шахснинг ривожланишида турли таъсирлар, ўқув жараёни ва бошқа воситалардан ташқари тарбиянинг шахсий намунаси катта аҳамиятга эга. Болалар балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётни бошлагунларига қадар кўпчилик шароитларда билиш, ўрганиш жараёнида асосан ўқувчига ота-она, кўни-кўшнига, дoston, драма қаҳрамонларига тақлид қилишади.

**Машқ тарбия методи сифатида** – яхши, ижобий одатларга ўргатишда ахлоқий кўникмаларни ҳосил қилишда машқ методининг



аҳамияти катта. Бунда ўқувчи маълум бир фаолият бўйича бирон-бир вазиятда айрим ҳаракатларни такроран бажаради. Машқ ҳаракатларини такрорлаш бўлиб, ахлоқий кўникма, малака ва одат ҳосил қилиш мақсадида ўқувчиларнинг махсус уюштирган фаолиятида

**Рағбатлантириш ва жазолаш тарбия методи сифатида.** Интизомлиликни шакллантиришнинг классик методларидан бири рағбатлантириш ва жазолаш методи ҳисобланади.

Тарбиядаги рағбатлантириш ва жазолаш методи ўқувчилардаги ижобий хислатларини ривожлантиришдаги уларнинг ижобий фазилатларини такомиллаштиришда восита бўлмоғи лозим. Рағбатлантиришнинг ёзма, оғзаки ёки имо-ишоравий шакллари қўлланилади. Имо-ишоралар билан бошни қимирлатиб, табассум ва юз-кўл ҳаракатлари билан маъқуллаш, «баракалла», «кўп яша», «рахмат», ва ҳақозолар. Рағбатлантиришнинг яна бир тури мукофотлашдир.

Тарбия жараёнида **жазолаш** ҳам катта аҳамиятга эга. Мактабда жазо чоралари ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг оғзаки танбеҳи, синф ўқувчиларининг ўртасида огоҳлантириш, уй вазифасини бажартириш учун дарсдан кейин олиб қолиш чоралари кўрилади.

Тарбиячининг, ўқитувчининг шахсий-намунаси ўқувчилар шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маъқуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўқувчининг хулқ-атворини бошқариш ва тузатишнинг ҳақиқий воситасидир. Маъқуллаш, рағбатлантириш хатти-ҳаракатларнинг тўғри мотивлари ва шакларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Қоралаш, жазолаш хатти-ҳаракатлардаги салбий кўзгалишларни ҳамда нотўғри шаклларни тормозлаб туриш воситасидир.

**Ақлий тарбия.** Мустақиллик ўқувчи шахсининг ҳар томонлама тараққий этиши учун зарур бўлган барча имкониятларни вужудга келтиради. Ўқувчиларни мустақил Республикамиз, Ватанимизга

садоқат руҳида тарбиялаш иши дастлаб фан асослари билан қуроллантириш йўли билан бориши лозим.

**Эстетик тарбия.** Эстетик тарбия дунёни билишга санъат асарларини ўрганиш орқали олиб борилади. Санъат асарларида кишилиқ жамиятининг гоёвий катта тажрибаси акс этирилган. Шунинг учун энг яхши санъат асарларидан фойдаланиб, болаларни, образлар орқали, фикрлаш йўли билан воқелиқни тушунишга ўргатиш, уларнинг эмоциясга таъсир қилиш, истиқлол ғояси, мафқурасини амалга ошириш учун бўлаётган актив курашга уларни рағбатлантириш зарур. Эстетик тарбия болаларни санъатнинг бирор тармоғидаги турли ижодий ишларни бошқаришга жалб этиб, уларнинг ҳис-туйғуларини бойитиб, хаёлини ва ижодий қобилиятини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Эстетик тарбия болаларда табиатдаги гўзалликлардан лаззат ола билиш ҳамда меҳнатни ва кундалиқ маиший турмушни, шу жумладан бўш вақтни янада гўзалроқ ўтказиш қобилиятини ўстиришга қаратилган.

**Меҳнат тарбия.** Меҳнат кишининг ва кишилиқ жамиятининг энг зарур яшаш шартидир. Меҳнат ва меҳнат фаолияти бўлмаганда, одамнинг ўзи ҳам бўлмаган бўлур эди, меҳнат тарбияси вазифасига кишини ўз-ўзига хизмат қилишнинг биринчи кўникмалари болалиқдан бошланади. Юқорида қайд этилган инсон тарбиясининг таркибий қисмлари дарсда, дарсдан ташқари тадбирларни амалга ошириш орқали бажарилади.

**Жинсий тарбия.** Умуминсоний тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири жинсий тарбия ҳисобланади. Ўсмирлик даври инсонни болалиқдан-ёшлиққа ва бошқа даврларда ўзининг кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқ қилади. Бу давр психологик-педагогик адабиётларда «ўқитиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби иборалар билан аталади. Бу даврларда ўсмирларга назоратни кучайтириш керак. Ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар томонидан турли-туман чора-тадбирларни амалга ошириш орқали жинсий тарбия берилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб тарбиянинг янги омили ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларини ижтимоий-қимматга

эга бўлган шахс хислатларини таркиб топтириш соҳасида хулқ-атвордаги камчиликларга салбий ҳислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда мунтазам ишлай бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир тизимдир.

**Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда 4 вазифани кўзда тутиши керак.**<sup>15</sup>

*Биринчидан*, ўқувчи ўзида шахснинг ижобий хислатларини тараққий эттиришга ва ўз хулқ-атворидаги ёмон томонлардан холос бўлишга интилиш истагини уйғотишдир.

*Иккинчидан*, ўқувчига ўз шасхига танқидий муносабатда бўлишда ўз хулқ-атворидаги хусусиятларини диққат билан одилонга тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фаҳмлаб ёрдамлашишдан иборат.

*Учинчидан*, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тўзишда, шахс хулқ-атвори ҳислатининг хусусиятларини (ўзини тута билиш; катъийлик, мардлик ва ҳаказо)

*Тўртинчидан*, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид мақсадга мувофиқ ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар.

«**Тарбияси қийин**» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир. Л.С.Виготский фикрича, «қийин» ўсмир ҳаёти муносабатлар характернинг натижасидир.

Булар аввало қайсар, инжиқ болалар, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усулларидан биридир.

Уларнинг маълум бир қисми интизомсиз, қўпол болалардир. Уларнинг фаоллигини мақсадга мувофиқ ўзгартириш, уларга баъзи ҳуқуқларни бериш йўли билан уларга таъсир ўтказиш мумкин. Психологияда «**тарбияси қийин**» болаларнинг бир қанча классификациялари мавжуд.

<sup>15</sup>Р.Ҳ.Джурев. Ф.И.Кучукбаев ва бошқалар. Таълим-тарбия жараёнида дирога салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этиш технологияси. Инжибларнинг педагог-ўқитувчилари ва психологларни учун илмий методик қўлланма. Т.: 2012.-100 б.

Биринчи гуруҳ-ижтимоий салбий мустаҳкам қарашларга эга болалар;

Иккинчи гуруҳ-қонун бўзарларга тақлид қилувчилар;

Учинчи гуруҳ-ижобий ва салбий хулқ-атвор стеритоифалари ўртасида иккиланувчи, ўз хатоларини тушунувчи болалар;

Тўртинчи гуруҳ-иродали болаларга бўйсунувчилар;

Бешинчи гуруҳ-қонун бузарлик йўлига тасодифан кириб қолганлар.

Шуни айтиш лозимки, тарбияси оғир болалар учун улар яшаётган муҳит, оила, улар ўқиётган жамоа синфнинг роли жуда каттадир.

### **Мустақиллик шароитида тарбиянинг асосий вазифалари**

Хитой файласуфи Конфуций; «Эскини ўзлаштириш ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» деган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунарга ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бугунги кунда тарбия жараёнида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик фақат билим ва малака эмас, айна пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашилиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, характер, таъб, куй, рақс, маънавият, қадрият ҳамда руҳият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади, миллий, умумбашарийлик хислатлари ўртасида адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асрда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини орттиришда диннинг, хусусан «Ҳадис» илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик,

самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антоифаатия, ҳамдардлик, севгимухаббат сингари миллий хусусиятларини таркиб топтиришда ҳадисларнинг роли янада ортмоқда.<sup>16</sup>

Ўзбек oilасида тарбия моҳияти, мазмуни тарбиянинг кундалик ва истиқлол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ аъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».<sup>17</sup>

Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, аъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш;
- б) хайрихоҳлик, одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат;
- в) катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулойимлик;
- д) ишбилармонлик, моҳирлик, ишчанлик, иқтисодий тафаккур;
- е) кичик ёшдан меҳнатсеварлик
- ж) жисмоний бақувватлик;
- з) ахлоқ-одоблилик;
- и) oilапарварлик;
- к) аёлларга ҳурмат
- л) ўзаро ҳамкорликка интилувчанлик.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан oilа, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёни барча иштирокчиларнинг

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ. 1997. - Б. 31-60.

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ. 1997. - Б. 31-60.

ҳамжихатлик билан олиб борадиган ишларигина ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин. Ҳамжихатликда гап кўп.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш вазифалари ана шуни тақозо қилади.

**Ўқитувчи психологияси.** Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади. Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришида жамият олдида жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдида қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ҳал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи-синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб ҳаёти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маъруза ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тарғиботчиси ҳамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдида қўядиган талаблари тушунарлидир.

Маълумки, педагогик фаолият киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган.

**Ўқитувчининг энг муҳим хислатлари қўйидагилардан иборат:**

-ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғоясида яшашидан ибратдир;

-ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;

-олижаноблиги, ақли, фаросати, маънавий поклиги, маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

-ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчи олдида қўядиган асосий талаблари қўйидагилардир:

-шахсни маънавий ва маърифий томонидан табиалашнинг, миллий уйғониш мафқурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

-кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

-ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

-ўзи дарс берадиган фан бўйича мустақкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳаси бўйичажаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

-таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

-болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;

- педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишига интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича халқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим хислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар. Жумладан, халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукаммал ўзлаштирилишини талаб қилсалар, мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни учинчи ўринга қўядилар. Шу билан бирга халқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб жамоаси билан қандай мулоқотда эътибор бермайдилар, мактаб директори эса бундай хислатларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ичида биринчи ўринга қўядилар.

**Ўқитувчининг касбига хос хислатлари.** Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажи ва ёши қандай бўлишидан қатъий назар, фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш маҳоратини кутадилар. Ўқувчилар эса ўқитувчиларни уч хил хислатлари бўйича характерлаб берадилар. Жумладан, биринчидан, ўқитувчининг одамгарчилиги, адолатлилиги, соф виждонлилиги, болаларни яхши кўриш хислатлари; иккинчидан, ўқитувчининг сезгирлиги, талабчанлиги билан боғлиқ ташқи хислатлари ва хулқ-атвориға қараб; учинчидан, ўқитувчининг ўз фанини билиши, уни тушунтира билиши каби таълим жараёни билан боғлиқ хислатларига қараб характерлаб берадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар билан бирга,



Ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормоқда.

Ўқитувчилар жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариха талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятига нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Шуниси муҳимки, замонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатларни батафсил кўриб чиқиш керак. Бу қандай хислатлар экан?

Кўпчилик психологлар шу билан бирга Ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради.

Россия психологларидан Н.В.Кузьмина, В.Сластенин, Ф.Н.Гоноболдин, Ўзбекистонлик психологлардан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А.Жабборов, М.Қопланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар ўқитувчилик касбининг профессиограммасини яратилишига асос бўлган. Профессиограмма психологик нуқтаи-назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикаси (аниқ бирорта касб-бўйича келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши керак) устида боради.

Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига камраб олиши лозим.

Психологик тадқиқот ишларини олиб борган М.Абдуллажонов, Е.Гладкова, А.Машкуров, Т.Ҳамроқулов, Э.Хидиров ва бошқаларнинг илмий изланишлари ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти, математика, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари каби қатор мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессиограммасининг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини берди.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган характеристикасини назарда тутган профессиограммаси тузилади.

Жумладан, мактабнинг ўқитувчи-мураббийси профессиограммасини мисол қилиб келтирамиз. Профессиограммада муҳим ҳислатларидан борган сари бирмунча ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг қуйидаги ҳислатлари кўрсатиб бериши лозим.

*1. Ўқитувчининг шахсий ҳислатлари:*

- болаларни яхши кўриши, уларни севиш;
- амалий-психологик ақл-фаросатлилиқ;
- меҳнатсеварлик;
- жамоат ишларида фаоллик;
- меҳрибонлик;
- камтарлик;
- одамийлик, дилкашлиқ;
- уддабуронлик, мустақкам ҳарактерга эга бўлиш;
- ўз билимини оширишга интилиш.

*2. Касбига хос билими:*

- таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;
- педагогик-психология асосларини билиши;
- этнопсихологик билимларн эгаллаш;
- ҳозирги замон педагогикаси асосларини билиши;
- ҳозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;
- мактаб ёшида болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушуниши;
- ўз фанини ўқитиш методикасини билиши;
- ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши;
- ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

*3. Ўз касбига хос ҳислатлари*

- миллий қайта қуриш мафқураси билан мустақил давлат мафқурасини тушуниши;

- замонавий мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнида умуминсоний бойликлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини тушуниши;

- ўқитувчининг кузатувчанлиги;
- ўз диққат-эътиборини тақсимлай олиши;
- педагогик фантазия (хаёл) нинг ривожланиши;
- ўзига танқидий муносабатда бўлиши;
- ўзини қўлга ола билиши, ўзини тута олиши;
- педагогик такт;
- нутқнинг эмоционал ифодаланиши.

#### *4. Шахсий-педагогик уддабурунлиги:*

- дарс машғулоти учун зарур материалларни танлай билиши;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгининг тараққий этиб боришини истикболли равишда режалаштира олиши;

- педагогик вазифаларни шакллантириш ва табиавий ишларни режалаштиришни билиши:

- болалар жамоасига раҳбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;

- ўқув мақсадларини режалаштира олиши;

- ўзининг таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши.

#### *1. Ташкilotчилик малакалари:*

- болалар жамоасини уюштира билиши;

- турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиши;

- болаларни бирор нарсага қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши;

- амалий масалаларни ҳал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан тез қўллаш олиши.

#### *б. Коммуникатив малакалари:*

- болаларни ўзига жалб этишни билиши;

- болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши;

- болаларнинг жамоалараро ва жамоа ичида ўзаро муносабатларни тартибга солишни билиши;
- болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

### *1. Гностик малакалар:*

- болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши;
- салбий муносабатларини, хулқ-атворидаги ўзгаришларни кузатиш;
- ўзининг тажрибаси ва педагогик натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;
- психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;
- ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг хулқ-атвор сабабларини тушунтиришни билиши.

### *2. Ижодий ҳислатлари:*

- педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиши;
- ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;
- ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган ҳодисаларга унинг назари билан қарай олиши;
- аввалги воқеалар, ҳодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиш қобилияти;
- ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тариқасида қуйидагилар келтирилади;

- шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;
- педагогик маҳорат ва қобилияти;
- характернинг психологик хусусиятлари;
- билиш фаолияти;
- ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилият ва шахсий хислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

**Қобилият** - бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиқ даражаси ва шу фаолиятни амалга оширишидир.

**Педагогик қобилият** - бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг тузилиши қандай? Қуйида бу масалани кўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1. Дидактик қобилият** - бу болаларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккаброғини соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган ўқувчилар одатда: «ўқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ ва тушунарли қилиб беришида-да. Бундай ўқитувчининг қўлида мацца қилиб ўқигин келади»; «Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «ўқув материални олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ мужмал қилиб тушунтиради. Биз бундай ўқитувчиларни ёқтирмаймиз»-дейдилар.

Кўпчилик ўқитувчиларга, айниқса ҳафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материални оддийгина ва ҳеч қандай алоҳида тушунтириш ҳамда изоҳ беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки биринчи ҳолда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун ҳам ўқув материаллини ўзига қараб танлайдилар.

**2. Академик қобилият** - математика, физика, биология, она-тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.

Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат ҳажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузата бориб, ўқув материаллини мутлақо эркин эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли, ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўлмоғи лозим.

**3. Перцептив қобилият** - бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

**4. Нутқ қобилияти** - кишининг ўз ҳис туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга ўзатиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизиминутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади.

Дарсда қобилиятли ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтирадими, ўқувчилар жавобини шарҳлаб берадимихуллас, нима қилишидан қатъий назар, нутқи ҳамма вақт ўзининг ишончлилиги жозибадорлиги, каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга халақит бериб, болаларни тез толиқтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зерикашга олиб келади.

Нутқи, имо-ишоралар турли кескин ҳаракатлар ўқувчиларни жонлантиради.

**5. Ташкилотчилик қобилияти** - бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкилқила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақида турлича фикрда бўладилар.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик-ишини вақт бўйича тўғри тақсимлаб, мўлжалланган вақтдан тўғри фойдалана олиш кўникмаси пайдо бўлади.

**6. Авторитар қобилияти** - бу ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятидир.

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростиўлиги, иродавий уддабурронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий хислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби хислатларга ҳам боғлиқдир.

**7. Коммуникатив қобилият** - бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

## **5.2. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив ёндашув ва уни лойиҳалаш**

Дарс жараёнида ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали механизмларини излаб топиш ва қўллаш, ўқув-билув жараёнини модуллашган интеграл дастурлар, таълимнинг модуллашган шакллари асосида ташкил этишга эришиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштириш

нинг турли йўл ва вариантларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида қўллаш ўқитувчи фаолиятида ҳам самарадорликка эришиш имконини беради. Агар, ўқувчи фаолиятида тўхташ ҳоллари аниқланса, уни тузатиш йўллари излаш мақсадга мувофиқдир. Мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига салбий муносабатдаги сифатларига нисбатан конструктив таъсир этиш орқали таълим мазмунини модуллашган шакллари амалиётга татбиқ этиш истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун-қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали жамият ва инсоният тараққиёти сабабларини ёритишга уринганлар. Лекин биз учун ижтимоий тараққиёт ва инсон тафаккури рифожланишини тезлаштирувчи, унинг давр ва кишилар руҳига ҳамоҳанг тарзда кечишини таъминлаб берувчи татбиқий хусусиятли ишлар ва илмий изланишлар зарур. Зеро, мамлакатимизда рўй бераётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар айнан шуни талаб қилмоқда. Бунда эътиборга лойиқ долзарб муаммолардан бири-ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий жиҳатдан тайёрлашдир.

Бу вазифани адо этишда психологиянинг ўрни ва ролини аниқлаш, татбиқий изланишларни амалга ошириш ва ижтимоий психологик амалиёт доирасида ушбу вазифани амалга ошириш йўллари топиш учун ҳозирги замон психологиясининг асосий татбиқий йўналишларини белгилаши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг татбиқий соҳалар доирасини ҳам кенгайтиради. Унинг асосий-татбиқий амалий соҳаларга: саноат-социал психологияси, бошқарув психологияси, оилада ва никоҳ борасидаги социал-психологик ишлар, сиёсат ва иқтисодиётни такомиллаштириш муаммолари, қонунбузарликни олдини олиш эҳтиёжи ҳамда оммавий ахборот воситалари борасидаги амалий вазифалар киради.



Мактаб ўқувчиларининг дарс интизомига салбий муносабатдаги сифатларига нисбатан конструктив (амалий, ишчан) таъсир этишга хос умумий хусусиятлар мавжуд, уларга:

а) ўқувчи сифатларига нисбатан конструктив таъсир этишнинг бевосита талаб эҳтиёжига кўра ташкил этилиши;

б) шу йўналишда қилинган татбиқий ишларнинг «тили» муаммосининг борлиги, яъни, профессионал тил (жаргон) билан тадқиқот натижаларини баён этишдаги уйғунлик масаласи;

в) амалий эҳтиёжларга монанд илмий фаразларни ишлаб чиқиш;

г) самарадорлик мезонларининг ўзига хослиги, яъни бажарилган ишга қараб самарадорликни баҳолаш;

д) «ўқитувчи-амалиётчи» билан «ўқувчи-назариётчи» роллари нинг аниқ фарқланиши муаммолари;

е) салбий муносабатдаги боладаги хусусиятларни ўрганиб чиқиб, уларга нисбатан муносабат билдириш;

ж) ўқитувчи-амалиётчи ва ўқувчи-назариётчи ўртасидаги муомалани психологик хусусиятларини ташкиллаштириш;

з) ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини ошириш ва қобилиятларига қараб психологик таъсир этиш;

и) дарсда бевосита таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш.

Юртимизда маънавият соҳасидаги ислохотлар ва амалга оширилган ва оширилаётган ишларнинг аҳамияти шундаки, улар ёшларда ўз халқининг маданияти, Ватанининг ўтмиши ва бугуни, миллий қадриятларга тўғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу - зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатлардир. Акс ҳолда олам сиру-асрорларини чуқур билган, қизиқишлари доирасида жиддий изланишлар олиб боришга тайёр шахс, агар у, бу билимларни аввал ўз халқи, миллати, яқинлари манфаатига йўналтира олмаса, унинг жамият тараққиётига алоқасини тасаввур қилолмаса, маънавияти қашшоқ, иқтидори эса самарасиз, худбин шахс сифатида баҳоланади.

Шунинг учун ҳам якин келажакда мактабларда ўқувчилар учун психологлар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Дарсга салбий муносабатдаги болалар ўртасидаги вертикал муносабатларни ўрганиш (ўқитувчига бўлган муносабатлари, дарсдан қониқишлари).

2. Дарсга салбий муносабатдаги болалар ўртасидаги горизонтал муносабатлар, яъни жамоанинг уюшганлиги шахслараро муносабатларининг ўзига хослиги ва уларнинг тоифалари, зиддиятлар уларнинг олдини олиш чоралари.

3. Ўқишга ва меҳнатга муносабат, ундан ўқувчилар дарсдан қанчалик қониқишлари ва унинг самарадорлик таъсири, дарсда фаолият мотивлари амалга оширилаётган фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий фойдали жиҳатларини қай даражада тасаввур қилиши ва ҳ.к.

Психологнинг юқоридаги масалаларини ўрганиши учун табиий методик воситалар зарур. Амалиётчи психолог оддий кишидан шу томонлари билан фарққиладики, у ҳар бир яққол шароитда ўзига керакли мақбул услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўради, агарда улар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштиради. Олинган натижаларга асосланиб у дарсга салбий таъсир этувчилар учун руҳий муҳитни «яхши, ёмон, ўртача, қарама-қарши» тоифаларга бўлади ва уларнинг ҳар биридан ўзига хос илмий-амалий хулосалар чиқаради.

Мактабларда ташкил этиладиган психологик хизматнинг ижтимоий психологик йўналиши аввало турли тоифадаги ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий зиддиятларни бартараф этишга ўргатиш, шахслараро муносабатларнинг демократик соғлом шаклларига ўтиш, маҳорат сирларини ўзлаштириш ва улардан кундалик фаолиятда оқилона фойдаланиш малакаларини шакллантиришдир. Бунда шубҳасиз психолог томонидан ташкил этиладиган турли тренинг машғулотлари муҳим аҳамиятга эга.

## Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқлар ва уни бартараф этиш йўллари


### Онгий нотўғри тўсиқлар

1. Тафаккур.
2. Хато ўйлаш.
3. Бир-бирига нотўғри муносабат.
4. Қизиқишнинг йўқлиги.
5. Ҳақиқатни менсимаслик.

### Ҳис-туйғулар ва эмоция

1. Қўрқув туйғуси.
2. Изтироб туйғуси.
3. Ёмон кайфият.
4. Нафрат, жирканиш.
5. Муносабатни заруратини тўлиқ анламаслик.
6. Нутқ.

Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқлар бола руҳиятига ва ўзаро муносабатларига таъсир этиши қайд этилган (9-расм).




9-расм.

## Шахснинг мулоқот давридаги тўсиқлар



## Онгий нотўғри тўсиқлар




Дарсда салбий ҳолатлар юз бермаслиги учун ўқувчиларни педагогик-психологик муносабатларини чуқур ўрганиш, улардаги бир-бирига бўлган муомала ва маданиятни тўғри ташкил этиш зарур.

Муносабатларнинг ёмонлашуви дарсда бошқа ўқувчиларга салбий таъсир этади. Натижада бу ҳолатлар дарснинг бориши, машғулотларнинг ўтилиши ва таъсири бошқа болалар учун қизиқиш уйғотмайди. Бу ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳамма ўқувчилар учун бир хиллик бўлиш яъни, барча болаларга нисбатан бир хил муомала ва эътибор қилиш муҳим. Чунки баъзида болалар ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муомала ва муносабатларга кўпроқ эътибор қаратадилар. Менга бошқача муомала ва муносабатда, бошқа болаларга яхши муносабатда, чунки у яхши ўқийди, оилавий шароити яхши - деган мазмундаги гап-сўзлар бола миясига ўтириб қолади. Унинг психикасига яъни руҳиятига ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи оқ-қорани таниган ҳолда, болаларни

жерикмасдан, пала-партиш, кийимлари кирроқ болалардан жирканмасдан, уларни озодаликка ва одобга чақиритишлари зарур.

Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқларни бартараф этишда, шахснинг мулоқот давридаги тўсиқлар ва онгий нотўғри тўсиқлар пайдо бўлмаслигини таъминлашлари керак. Бунинг учун юқорида кўрсатилган барча бандларни яхшилаб ўрганиб чиқиб, бола руҳиятини қийнамаган ҳолда, уларни бу вазиятдан олиб чиқишга ёрдам беришлари чуқур аҳамият касб этади. Синфда болалар 3 гуруҳга бўлинади (10-расм).



10-расм.

Дарс интизомига салбий таъсир этувчи ўқувчилар онгий нотўғри ривожланиб, улардаги эмоционал ҳолатлар муносабатларнинг заруратини тўлиқ англамайди. Дарсда тинч ўтиролмайди, ўқитувчининг ва ўртоқларининг асабига тега бошлайди. Натижада дарс бузилади, ўқитувчининг кўпроқ вақти болаларни тинчлантиришга кетади. Бу ҳолат бошқа болалар асабига тегиб, дарсдан тўлиқ қониқа олмайдилар. Актив ўқувчини яхши ўқийдиган, интизомли деб, ижобий баҳоладик; -пассив ўқувчини аралаш турига киритдик; суст яъни паст ўқийдиган, хулқи ҳам яхши эмас ўқувчилар тойифасига киритиб салбий баҳоладик.

## Тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ўқувчилар томонидан мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи ёндашув ҳисобланади. Таълим технологияси таълим жараёни нинг моҳияти, унинг босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида кечадиган таълимий муносабатларнинг мазмунини англаштиришга хизмат қилади.

Баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янги ёндашувни қарор топтириш, мазкур жараённи технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ҳамда ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши демакдир.

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараённи технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндашиш зарурлигини тақазо этади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида маълумки, узоқ йиллар давомида мазкур муассасада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан тарбиявий ишлар режасида белгиланган тадбирларни ўтказишга мажбурман қабилда ёндашиб келганлар.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда мазкур жараённи лойиҳалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Унда тарбиявий тадбир мавзусига доир материаллар йиғилади, тарбиявий тадбир мақсади ва вазифалари белгиланади, унинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари танланади. Тарбиявий тадбирни ташкил этишда унинг вақти белгиланади ва

сценарийси ишлаб чиқилади. Ўқувчилар фаолияти ва фаоллиги назорат қилинади. Яқиний қисмида хулоса чиқарилади.

Бу жараёнда тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув моҳияти ўқувчилар мустақиллигини таъминлашда қуйидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратиш ҳам тақозо этади.

Ўқувчиларда тарбиявий тадбирларни ўтказилишига нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги таъминланади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида юқорида баён этилган омилларни инобатга олиш ва шу асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш уларнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлаб қолмай, балки ўқувчиларда уларнинг ўтказилишига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради, маънавий-ахлоқий сифатларнинг тарбияланиши учун қулай шароитни ҳосил қилади.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Кўпгина педагог-психологлар таълим жараёнини таҳлил қилар эканлар, уни етарли даражада бошқариб бўлмайдиган жараён деб таъкидлайдилар, шу фикрга муносабатингиз.

2. Маъқуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўқувчининг хулқ-атворини бошқариш ва тузатиш воситасими, нима учун?

3. Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда 4 вазифани кўзда тутиши керак, санаб ёритиб беринг.<sup>18</sup>

4. «Тарбияси қийин» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир, бу фикрга муносабатингизни билдиринг.

5. Л.С.Виготский фикрича, «қийин» ўсмир ҳаёти муносабатлар характерининг натижасидир, деб таъкидлайди, ушбу фикрга ўз муносабатингизни билдиринг.

6. Қайсар, инжиқ болалар билан ишлашнинг қандай усулларини биласиз?

<sup>18</sup>Р.Х.Джурев, Ф.М.Кучубаев ва бошқалар Таълим-тарбия жараёнида дарга салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъбир этиш технологияси. Мактабларнинг педагог-ўқитувчилари ва психологлари учун илмий методик қўлланма. Т. 2012. -100 б.

7. Интизомсиз, кўпол болаларга қандай йўл билан таъсир ўтказиш мумкин?

8. Психологияда «тарбияси қийин» болаларнинг бир қанча классификациялари мавжуд, улар қайсилар?

9. Педагогик-психологик мулоқотдаги шахсга боғлиқ тўсиқлар ва уни бартараф этишда қандай йўллари мавжуд?

### **Талабаларнинг мустақил тайёрланиши учун “Кейс” топшириғи**

**4-вазият.** *5-синф ўқувчиси Алишер шеър ва ҳикояларни яхши эслаб қола олмайди. Синф тахтаси олдида, одатда, бошланғич 2-3 жумлани айтади ва жим бўлиб қолади ёки умуман бошқа нарсаларни гапирди. Ҳар бир “2” баҳо, адабиёт ўқитувчисининг ҳам, ўқувчининг ҳам юрагида аламли кечар эди. Ўқитувчи болалардан Алишерни ўзига жуда бино қўядиганлардан бири эканлигини билиб олди. – Мен унинг ўзига бино қўйиш хусусияти билан яқиндан танишимоқчи бўлдим, - деган эди, кейинчалик адабиёт ўқитувчиси Жамила Маматова, ўзининг ҳамкасбларига. Қунлардан бир кун, ўқитувчи Алишерни синф тахтаси олдига чақириб, уй вазифасини сўради, кейин, унга бугун аввалгидан анча яхшироқ тайёргарлик кўрибсан, агар нутқинг оҳангида хатолар бўлмаганда сенга “тўрт” баҳо қўйса ҳам булар эди, деб “уч” баҳо қўйди. – Эртасига мен Алишерни яна синф тахтаси олдига чақирдим. Ҳаммадан қизиги шуки, у ҳикоянинг мазмунини аълога айтиб берди. Унинг кундалигида ва синф журналида адабиётдан биринчи “5” баҳо пайдо бўлди. Бу галаба эди. Тез орада Алишер адабиётдан муваффақиятли ўқий бошлади.*

#### **Саволлар:**

1. Ўқитувчи ўзининг қарор ва ҳаракатларида ўқувчининг қандай психологик ва шахсий хусусиятларига асосланган?
2. Педагог бундан кейин қандай ҳаракат қилиши зарур?




## **VI БОБ. ЎЗАРО КЕЛИШУВГА АСОСЛАНГАН БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

### *Таянч тушунчалар:*

*Ўзаро дўстона муносабат, педагогик ҳамкорлик, муомала маданияти, таълим-тарбия жараёни, тартиб-интизом, педагогик-психологик тарбия, таъхис муаммоси, мотивация, истеъдод белгилари, оқилона фикр, илгор, лаёқат, оила иқтисоди, оилавий маданият, галхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат, ижтимоий институт, индивидуализм, толерант, тафаккур, элат, бағрикенглик, гоё, мафкура, барқарорлик, ҳамкорлик, қаноатли, ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик, тасамул, эъозли, мультикультурализм, полиэтник, мономаданият, полимаданият, маданиятлараро диалог.*

### **6.1. Педагогик конфликтларни бартараф этишда педагогик ҳамкорлик**

“Педагогик конфликтология” назарияси билан шуғулланувчи мутахассислар таълим жараёнини инсонпарварлаштирилган, шахсга йўналтирилган модели сифатида баҳолайдилар. Чунки, педагогик конфликтга асосланган педагогик жараённинг мақсади ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилишасосида таълим-тарбиявий таъсир кўрсатишни назарда тўтади.



**10-расм. Таълим-тарбия жараёнида педагогик конфликтларнинг юзага келиш турлари.**

Таълим-тарбия жараёнида педагогик конфликтларнинг юзага келишида: ўқитувчи-синф жамоаси, ўқитувчи-кичик гуруҳ, ўқитувчи катта гуруҳ, ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи, кичик гуруҳ-кичик гуруҳ, кичик гуруҳ-синф каби турларида намоён бўлади. Педагогик конфликтология фанини ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос педагогик-психологик ва услубий асослари яратилмоқда. Улар: ДТС ва уларга мувофиқ даражада ўзлаштирилиши талаб қилинадиган янги билимлар ҳажми асосида ўқувмашғулоти иштирокчиларининг ҳамкорликда ишлашлари учун шарт-шароит белгилаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ўқув режа, ўқув дастур, ўқув материаллари, дарс мавзуси, ўқув жараёни модели, технологик харитаси, дарс ишланмаси ва ҳ к; Ҳамкорлик муҳитига киришадиган ўқувчиларнинг психологик, ёш хусусиятлари ва ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олиш, машғулотларда ҳар бир ўқувчи учун қулай, эркин, ҳиссий кўтаринкилик муҳитини яратиш, эркин мулоқотни сифатли уюштиришда дарс мавзуси, мазмуни, қўлланилаётган тушунчалар, атамалар, таърифлар, формулалар ва бошқаларнинг ўқувчилар учун тушунарли, қизиқарли

бўлишини таъминлаш; машғулот учун зарур дидактик, когнитив, визуал воситаларни олдиндан тайёрлаш, мулоқот усуллари ҳамда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш кабилар. Шунини таъкидлаш керакки, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги ҳамкорлик - таълим жараёнининг асосини ташкил қилиши лозим. Педагогик конфликтлар ечимини топишга асосланган педагогик жараённинг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион усуллар;
- инсонпарварликка асосланган демократик ёндашувлар;
- ўзаро ишчан мулоқотга асосланган диалог муҳити;
- ишчан педагогик муҳит кабилар.

Педагогик конфликтлар ечимини топишда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга. Улар: интерактив усуллардан фойдаланиш. Ўқувчиларга ахборотларни жадал тарзда тақдим қилиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, изланувчанликка асосланган ижодий муҳит яратиш, диалогдан самарали фойдаланиш, ўқувчиларнитурли дидактик ўйинларга жалб қилиш кабилар.

Педагогик конфликтлар ечимини таъминлашнинг мақсадли йўналишлари мавжуд. Жумладан:

- педагогик талабдан педагогик бевосита ва билвосита муомала, мулоқот ва муносабатга ўтиш;
- ўқувчиларга эркин, ҳиссий, инсоний ва шахсий ёндашув асосида таълим бериш: ўзаро ҳамжиҳатлик, тушуниш, англаш, қабул қилиш, ҳамдардлик, кўмаклашиш, ижобий ҳис-туйғуларни ифодалаш муҳитини таъминлаш кабилар.

Педагогик конфликтлар ечимини топишга асосланган таълим жараёни ўзига хос жиҳатларга эга. Бундай ўзига хосликлар сирасига:

**1. Ўқувчиларни фаоллаштирувчи, ривожлантирувчи дидактик мажмуаларга эга бўлиш.** Мавжуд дидактик мажмуалардан ўқув-билув жараёнида кенг фойдаланилади. Ушбу мажмуалар билан ишлаш ўқувчиларга қувонч бағишлаши, уларда ҳаётий кўнижма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши, ўқувчиларга ўқув материалларидан эркин танлов асосида

фойдаланиш имкониятининг берилиши, ўқув материаллари ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, изланишлари, хоҳишларига мос келиши, ўқувчиларга ҳар бирдарсда янги билимлар билан учрашиш имкониятини бериши, ўқув материаллари ёрдамида ўқувчиларнинг дунёқарашлари ва тассавурлари кенгайиши, ўқув материаллари таркибига таълимий ўйинларнинг сингдирилиши, ўқув материаллари ўқувчилар маънавиятини юксалтириши, уларни мустақил ва танқидий фикрюритишга ўргатиши лозим.

**2. Ўқувчилар шахсига нисбатан инсоний ёндашувни таъминлаш.** Бунда ўқувчилар билан демократик муносабатларни ўрнатиш шахслараро дўстона муносабатларни ўрнатишнинг муҳим тамойили бўлиб, бундай муносабат ўқув-билув жараёни самарадорлигини таъминлайди. Бундай муносабат замирида ҳар бир ўқувчини мустақил шахс сифатида тан олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳис-туйғуларини тушуниш, уларнинг қарорларини эътироф этиш ва унга ишониш, ўқувчиларнинг эркинликлари таъминланиши, аълочилар билан паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш, уларнинг бир-бирларига кўмакдош бўлишларини таъминлаш имконияти вужудга келиши лозим.

**3. Инсонпарварликка асосланган ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш.** Педагогик конфликтлар ечимини топиш ўқув-билув жараёнида инсонпарварликка асосланган педагогик муҳитни қарор топтириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Инсонпарвар, демократик, жамоавий ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларда мустаҳкам билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларга нисбатан мурувват ва меҳр-муҳаббат, садоқат билан муносабатда бўлиш, уларни эзгу ишларга руҳлантириш, ҳамкорлик, ўзаро муомала ва мулоқотда педагогик маҳорат кўрсатиш, ўқувчилар орасида ижобий муҳитни қарор топтириш, уларнинг камчиликларига нисбатан бағрикенглик билан бардошли муносабатда бўлиш лозим.<sup>19</sup>

---

<sup>19</sup>Сафарова Р.Ф., Ш.Нисматов ва бошқ. Ўқув предметларини таълимий аниқловчи асосий параметрлар - Т. Фан антехнология. 2011 -160 б

Демократик муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги демократик муносабатлар қуйидагиларни таъминлаш имконини беради:

1. Ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатларни барқарорлаш тириш.

2. Дарсда ҳамжиҳатликка асосланган ижобий муҳитни вужудга келтириш.

3. Ўқувчиларда эркин танлов ва ўз фикрини ҳимоя қилиш кўникмасини шакллантириш.

4. Педагогик жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро тенгликка асосланган муносабатларни қарор топтириш кабилар.

Педагогик жиҳатдан ўз фаолиятини ташкил этиш ўқитувчининг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга лаёқатлигидир. Бу унинг фаолиятига инсоний мазмун беради. Ички имкониятларни рўёбга чиқариш муайян ташаббускорликни талаб қилади. Онг таркибининг истиқболдаги фаолиятга кўрсатадиган таъсирини белгилаш ғояси мустақил билим олиш тажрибаси нинг шаклланишида педагогикага ҳамкорлик назариясига оид тадқиқотлар орқали кириб келган. Бу ўз фаолиятини ҳамкорлик асосида амалга ошириш соҳасидаги ёндашувга таянади. Бу жараёнда ўқитувчи янги сифат кўрсаткичига эга бўлган билимларни ўзлаштиришга кўмаклашади.

Инсоний нуқтаи назардан шахснинг ўз фаолиятини ташкил этиши педагогик конфликтлар ечимини топишга оид асосий тушунчаларни англаш имконини беради. Педагогик конфликтология фани уйғунлашган дидактик жараёнларни таҳлил қилиш ва ўз фаолиятини ташкил қилиш методларини изчил татбиқ этишга йўналтирилгандир. Бу ўта мураккаб, очиқ, номунтазам ривожланувчи тизим бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати ўз фаолиятини мустақил ташкил этишида намоён бўлади. Мазкур тизимнинг ички имконияти ўзида янги сифатга эгабўлган ҳаёт учун зарур келишув жараёнини намоён қилишидадир. Педагогика фанида бундай тизимни шахс онгини шакллантиришга йўналтирилган дидактик жараён сифатида баҳолаш мумкин. Унда амалга ошадиган ички ўзгаришлар шахс онги

структурасининг фаолиятини таъминлайди. Бу ўз навбатида, таълим-тарбия сифатига таъсир кўрсатади. Ўқувчи онгида янгича, кучлироқ таркибнинг вужудга келиши унинг ёрдамида билимлар, ахборотлар ва тажрибаларнинг ўзлаштирилиши бир қатор шарт-шароитларга амал қилишни тақозо қилади:

1. Эски тизимлар инқироз ҳолатида бўлиб, танқидий ҳолатни бошидан кечириши, бундай вазиятда эски структуралар янги вазиятларнинг талабларига бардош бера олмайди. Таълим тизимида бугунги кунда ҳам анъанавий ўқитиш жараёни устувор ўрин эгаллаб, шахсга йўналтирилган ҳамкорликка асосланган таълим тизимига ўз ўрнини бўшатиб бера олмаяпти.

2. Мазкур тизимда мавжуд бўлган янги сифатлар вужудга келишининг асосий манбаи унда жойлаштирилган ички ҳолатлардир. Ўз фаолиятини мустақил тарзда ташкил этиш механизмини ҳаракатга келтириш ташқи манбалар ёрдамида амалга оширилишилозим.

3. Тадрижий тараққиёт жараёнида янги структура ва уни йўналтирувчи бўшлиқлар тасодифий тарзда мустақил яшashi, муайян барқарорликка эришиш имконини бериши керак.

4. Таълим тизимида янги сифатларнинг шаклланиши ҳамкорлик тамойиллари ва шартлари ёрдамида аниқланиши лозим. Бу шуни англатадики, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги аниқ ҳамкорлик таълим-тарбияда биргаликда ижод қилишга асосланган ҳолда амалга ошиши мумкин. Бу жараёнда уларнинг мустақил ривожланишлари ва ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун ташқи озиқлантирувчи воситалар вужудга келтирилади. Бу амалий тажрибалар ва хулқ-атворни шакллантиришга хизмат қиладиган дастлабки методлар ва усуллар ёрдамидагина эмас, балки педагогик ҳамкорлик ёрдамида амалга оширилади.

Бугунги кунда таълим тизимида вужудга келган вазиятни ҳамкорлик атамаси ёрдамида ифодалаш мумкин. У эски структурани бузишга хизмат қиладиган танқидий нуқтаи назарга эга. Шу асосда мазкур тизимнинг янги сифат босқичига кўтарилишига ишонч вужудга келади. Унинг ишончли тарзда тараққий этиши ўта мураккаблик шаклдаги янгича ривожланиш имкониятига

эгалитидадир. У номунтазамлилик, кўп вариантлилик хусусиятига эга бўлиб, бу жараёнда тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини башорат қилиш мумкин эмас. Чунки бу тизим ўзаро барқарорлик ва тенглик характерига эга эмас. Мазкур тизим ижодий фаолият кўрсатиш учун очиқҳисобланади.<sup>20</sup>

Педагогик ижодкорлик - ўқитувчига хос хусусият бўлиши керак. Унинг ўзига хос хусусиятлари яхлит тарзда тарихий, миллий, табиий, ахлоқий омилларга боғлиқ бўлиб, ижодкорлик ўзбек халқининг миллий хусусияти сифатида эътироф этилади. Ушбу нуқтаи назарга таянган ҳолда биз таълимни янгича инсоний моҳиятга эга бўлган жараён сифатида талқинқиламиз. Бунда биринчи ва иккинчи даражага эга бўлган педагогик ҳодисалар ҳақида фикр юритиш ўринлидир.

Танқидий нуқтаи назар таълим тизимининг инқирозини кўрсатувчи ҳолатдир. Бу ўз навбатида, давлат ва жамиятнинг таълим тизими олдига қуяётган талабларни бажара олмаслигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Янгича мақсад ўқувчиларни ўқув жараёнининг субъекти сифатида фаолият кўрсатишга ундайди. Уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга йўллаш имконини беради. Анъанавий таълимнинг ўқувчилар жиноятчилиги, тажовузкорлиги, гиёҳвандлигининг олдини олиш, уларга ахлоқий қадриятларни тақдим этиш маромини тезлаштириш, уларни онгли фаолият ва ўзаро ҳамкорликка ундаш, шахсий, содда, бироқ расмий ижтимоий, тарбиявий ишга зид бўлган диний, тоталитар тариқатлар ва радикал сиёсий бирлашмаларга жалб қиладиган ҳолатларни бартараф этишга етарлича қодир эмаслиги яққол намоён бўлмоқда.

Эски тузилмалар маълум муддат ҳаёт кечирадиган педагогик фаолиятни тушуниш, таълим жараёнида билимларни кўчириш, уларнинг муайян миқдорини тўплашдан иборат эканлигини ифодалайди. Таълим-тарбия ўқувчиларга ижтимоий тажрибани тақдим этиш ва хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш жараёни сифатида алоҳида қимматга эга. Ривожланиш ўқувчиларда зарур

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ таёёрлаш миллий дастури" // Бирқанчал яқлол - Ўзбекистон таркибистининг пойдевори - Ташкент: Шарк, 1997 - Б. 22-60

сифатларни шакллантирувчи жараён сифатида ўқитувчининг монологик таъсири натижаси ҳисобланади.

Янги сифатлар - ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида ўз ўрни ва моҳиятини янгича тушуниш кўникмасидир. Таълим-тарбиявий кадриятларни тушуниш, ўқитиш ва ривожлантириш, давлат манфаатлари, ўқувчи шахсининг қизиқишлари, имкониятлари, шахсияти, фикрлари ва тафаккури, тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Педагогиканинг асосий ғояларини янгича тушуниш унга кўпроқ шахсий мазмун-моҳият бериш, ўқувчилар билан улар учун тушунарли ва қулай бўлган ҳолатларда кўпроқ ҳамкорлик қилишга асосланади. Ўқувчи онги кўплаб вазифаларни бажариб педагогик ҳамкорлик доирасида унинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Улар орасида энг муҳими объектив борликни акс эттириш вазифасидир. Бу вазифанинг киритилиши педагогик фаолиятни ташкил этишни чеклаш уни ўқувчиларнинг имкониятларига мослаштиришга асос бўлади.

Педагогик ҳамкорлик учун инсон онгига бўлган нуқтаи назарнинг ўзгариши субъектга бўлгани каби функционал, қувватни сақлаш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ўқувчи онги нафақат вазифа, балки мазмунга эга бўлган тизим сифатида фаолият, атроф-муҳитга нисбатан шахсий, кадриятли муносабатлар, ўқув ва хулқ-атвор кўрсаткичлари сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, онгнинг ривожланганлиги ҳақида фикр юритиш имконияти вужудга келади. Шахснинг сифатлари ҳақида нафақат пайдо бўлган вазифалар йиғиндиси, балки унинг намоён бўлиш сифатлари ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Шакллантирувчи ёндашув таълим-тарбия жараёнини ўқувчи шахсига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш имконияти, яъни сиёсий, давлат нуқтаи назаридан, иқтисодий таъсир кўрсатиш имконияти сифатида ҳам талқин қилишни тақозо қилмоқда. Бу алоҳида шахснинг манфаатларидан юқори бўлган қизиқишлар сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, бундай таълим-тарбиянинг мавжуд йўналиши, онгли фаолият асослари ва хулқ-атвор



тажрибасини шакллантириш ўзида ижобий қувватни мужассамлаштиради. Бу ўз навбатида, ўқувчи шахсининг истикболдаги тараққиёти учун бошлангич нуқта ҳисобланади.

Таълим олдида турган ижтимоий буюртма шундан иборатки, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ижрочилик кўникмаларини шакллантириш билан чекланмаслик керак. Вазифанинг мураккаблиги шундаки, таълим-тарбия ўқувчиларда хулқ-атворнинг шахсий, ички асосларини шакллантириши лозим. Бу амалда ўқувчининг шахсий сифатларини намоён қилиш имконини бериши зарур.

Ўқувчининг шахсий сифатлари - бу ҳар бир кишида ўзига хостарзда ҳосил бўладиган, унинг умумий қадриятларга бўлган муносабатини намоён қиладиган, шахсий аҳамиятга эга бўлган сифатларидир. Улар маданиятчилик, ижодкорлик, эркинлик, мустақиллик, танлов имкониятига эгалик, фидоийлик, байналминалилик, шахсий яратувчилик, бунёдкорлик, ўзига хослик, фуқаролик жамиятига мансублик, ҳақгўйлик, интизомчилик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик кабилар.

Ўқувчининг шахсий сифатлари унга хос бўлган онгли фаолиятнинг мазмун-моҳияти ва даражасини белгилайди. Шахсий тузилмалар - бу ўқувчи онгининг қадриятларга асосланган таркиблашган мазмундир. У ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ва хулқ-атвори орқали намоён бўлади. Унинг ҳамкорликдаги муайян фаолиятга онгли мослашишини таъминлайди. Мазкур фаолият ўқувчини йўналтиради, бошқаради, унинг фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради. Унинг қадриятлар ва маданиятга бўлган муносабатини аниқлайди. Шу билан бир қаторда, ўқувчининг билимлари, тажрибалари, ҳаётий ва касбий мақсадларини ҳам ифодалайди.

Ўқувчи ўз онгининг фаолияти ёрдамидагина ўзининг шахслик сифатларини намоён қилади. У ўзининг шахсий фикрини ифодалаш, хатти-ҳаракатларини бошқариш, ўз фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил этиш, қабул қилинган талабларни астойдил бажариш ва ўз фаолиятини шу талабларни амалга оширишга сарфлаш ўқувчилар ўқув фаолиятларининг таркибий қисмидир.

Шахс онгли фаолиятининг муҳим кўринишларидан бири – назоратдир. Ўқувчининг онги унинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини йўналтиради ва назорат қилади. Бу жараёнда ўқувчионги ҳақиқатдан ҳам ташқи таъсирларни акс эттиради ва бу таъсирларга муайян даражада жавоб қайтаради. Ушбу ҳодисанинг педагогик моҳияти шундаки, у нафақат таъсир кўрсатиш, балки ўқувчи онгининг моҳиятини ҳам ифодалайди. Мазкур назорат қилувчи бирликнинг ҳаракати қанчалик кучли бўлса, онгнинг маънавий-ахлоқий шаклланиши шунчалик юқори бўлади.

Онгнинг вазиятларни мустақил тарзда назорат қилиш лаёқати шахсий тузилмаларнинг мужассамлашган кўрсаткичларини вужудга келтиради. Жумладан:

- танқидийлик шахснинг ўзидан ташқарида ва ўз вужудида ўзгаришлар ва мантиқий ҳолатларга баҳо бериши, мавжуд тартибга нисбатан норозилик ва шубҳанинг вужудга келиши, қайта фикрлаш жараёнларига йўналтириш ва уларга танқидий баҳо беришни англатади. Қатъий танқидий нуқтаи назар –

1) ўз қарашлари, фикрлари, кадриятли йўналишларини ўта аҳамияти ва ҳ деб ҳисобламасдан, балки тажрибада ифодаланган фикрлар ва кадриятларнинг таркибий қисми сифатида баҳолаш кўникмаси;

2) ўзининг шахсий ташаббусига кўра ўз ғояларини синаб кўриш ва унга зид тарзда илгари сурилган ғоялардан ҳимоя қила олиш кўникмаси;

3) муайян салбий ҳодисаларда ижобий ҳолатларни топаолиш кўникмаси;

4) нотўғри ва майда танқидлардан қочиш кўникмаси;

5) бари бир бизда ҳаммаси яхши, деган ақидадан ўзоқлашиш кўникмаси;

6) муайян вазиятларда ўзини объектив баҳолай олиш, салбий омиллар таъсиридан сақланиш кўникмаси;

- тарихий тажрибаларни таҳлил қила олиш, ўз кўлаמידан ташқарига чиқиш, фикрлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш;

конструкциялаш, ўзлитига содиқ қолиш, ўз-ўзига ҳаққоний муносабатда бўлиш;

- воқеаларнинг яширин сабабларини аниқлай олиш, ўхшатиш, тенглаштириш, таҳлил қилиш, уларнинг асосларини аниқлаш, ижтимоий, шахсий кадриятлар, ноаниқ ҳолатларга нисбатан ёндашувларни намоён қилиш; ҳодисалар вужудга келишининг ташқи сабабларини аниқлаш;

- йўналтириш - олам манзарасини тасаввур қилишнинг шахсий йўналишларини аниқлаш, индивидуал дунёқарашига эга бўлиш;

- мустақиллик - ташқи таъсирларга берилмаслик лаёқатига эга бўлиш, ахлоқий қоидалар доирасида уларга муносиб жавоб бера олиш;

- фикрий-ижодий - шахсий фикрлар тизимини аниқлаш вавужудга келтириш, фаолиятли муносабатлар ва мулоқот кўникмаларини таркиб топтириш, фаолият жараёнида фикрлаш ва ижодқилиш;

- ўз фаолиятини долзарблаштириш - маънавий ва ижодий қувватларнинг юқори даражада намоён бўлишини таъминлаш, ўзининг шахсий имкониятларини тўлиқ тарзда намоён қилиш ва ривожлантириш, имконият ҳолатидан ҳаққонийлик ҳолатига ўтиш;

- ўз фаолиятини амалга ошириш - атрофдагиларнинг ўзлигини олишларига интилиш, унинг тўлиқ намоён бўлишига мустақил тарзда шароит яратиш;

- ҳаётини фаолиятининг маънавий даражасини таъминлаш – ўз ҳаётини юксак даражадаги кадриятлар билан уйғунлаштириш лаёқатига эга бўлиш кабилар.

Бундай шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида ўқувчилар орасида ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш уларда ижобий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантириш учун қулай шароит вужудга келтирилса, таълим ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Янгича педагогик тафаккур билан боғлиқ тарзда, ўз фаолиятини мустақил тарзда ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараённинг асосий тизими, унинг мақсади, мазмуни, шахсий-қадриятли моҳияти

касб этиб, технологик асосга эга бўлади. Ҳамкорликка йўналтириш асосида ўз-ўзини бошқариш тизимини таркиб топтиради. Бу эса, педагогик ҳамкорликнинг умумий ҳамда хусусий тамойиллари ва йўналтирувчи шароитларига боғлиқ.

**Педагогик ҳамкорликнинг дастлабки тамойили инсонийлик характериға эға бўлган шахсий билишға асосланган онглиликдир.** Шунга кўра ҳамкорликка асосланган таълим жараёни уни таҳлил этишда тадқиқотчилардан янғича фикрлашни талаб қилади. Ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳам таълим жараёнининг фаол субъектларига айланадилар. Бунинг учун таълим-тарбия жараёни кузатиш майдониға айланиши лозим. Бунинг натижасида назарий билимлар ва амалий тажрибалар ўқитувчидан ўқувчиға ўтказилмасдан, мантиқий тафаккурға таянилган ҳолда ўзаро мулоқот асосида бир-бирларига тақдим этилади ва ўзлаштирилади.

**Иккинчи тамойил тўлдирувчилик тамойилидир.** Мазкур ғоянинг асосини қарама-қаршилик ривожланишнинг негизи сифатида ўзаро бир-бирини тўлдириш асосида ўқувчиларнинг билимларини бойитишни ташкил этади. Бу жараёнда ўқитувчининг очиқ монологи ўрнини ишчан, фикрий мулоқот эгаллайди. Ўзаро биргаликдаги ҳаракат, шерикчилик, ривожланувчи шахснинг мустақиллигига асосланиб йўналиш олиш кабилар ташкил этади.

**Учинчи муҳим тамойил таълим-тарбиявий ахборотларининг очиқлиги тамойилидир.** Очиқлик ўзининг кўглаб аниқловчилари орасида яна бир муҳим сифатға эға бўлган педагогик ҳодисадир. Очиқ характердаги билимлар ўзига хосликка эға бўлиб, ўз ҳудудида билувчи шахсға нисбатан очиқлик касб этади. Ўқувчи кўз ўнгида унинг билиш фаолияти жадаллигига асосланган ҳолда билимлар дунёси намоён бўлади. Бу билимлар ва ўқувчининг билиш фаолияти унинг асосий қадрияти ҳисобланади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчиларға билимларни тайёр ҳолда тақдим этмайди, балки уларға турлича ақлий операцияларни бажартириш орқали янғи билимларни тақдим этади.

**Хавфли ҳолатлардан бири - педагогик ҳамкорлик тамойилларига юзаки ёндашишдир.** Педагогик ҳамкорлик доирасида қўлланиладиган мақбул усулларнинг моҳияти шундаки, ҳамкорлик асосидаги билиш жараёни унинг очиклиги билан характерланади. Агар педагогик ҳамкорлик жараёни очик бўлса, мураккаб тарздаташқил этиладиган, бўш тарзда таркиблашган, номунтазам тарзда ривожланадиган, мослашувчанлик хусусиятига эга бўлган ўз фаолиятини мустақил ташқил этадиган жараёнларни билиш методлари ҳам очик бўлиши лозим.

Таълим мазмунининг шахсий моҳият касб этиши учун ўқитувчи ва ўқувчилар онгининг шахсий таркибига эътибор қаратиш лозим. Ижодкорликка асосланган ўз фаолиятини мустақил ташқил этишга йўналтирилган ўқув жараёнининг негизи ва механизми сифатида ўқиш, ўрганиш, тарбиялаш ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш намоён бўлади. Уларда ўқувчиларнинг ўз фаолиятини мустақил ташқил этишга қаратилган ўқув материаллари ва ахлоқий кадриятлар ўз ифодасини топган. Унинг ёрдамида ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлашга асосланган таълим технологиялари вужудга келади.

Ўқувчининг янги, яъни ҳамкорлик ҳолатига ўтишида вазиятнинг ўзи билан боғлиқ тарзда унинг онги ва кечинмалари ҳам фаоллашади. Бу жараёнда педагогик ҳамкорлик ўз ўрнига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида шахсий нуқтаи назарнинг икки кўринишини вужудга келтиради:

1) ижтимоий жиҳатдан мослашиш ёки вазиятни ташқил этиш жараёнида фаол ижодий фаолият кўрсатиш;

2) ўзфаолиятини мустақил ташқил этишга асосланган ижодкорлик, таълим олиш, ўрганиш, тарбиялаш, ўз-ўзини тарбиялаш педагогик фаолиятнинг мақсади сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолияти босқичма-босқич устозона насихатғўйликдан ўқувчини тушунувчи, унинг қайғуларига шерик, таълим жараёнининг ўзаро тенг имкониятларга эга бўлган ҳамкорига айланмоқда. Ўқувчига педагогик ёрдам кўрсатиш, биргаликда хулқ-атвор меъёрларини

Ўзлаштириш таълим жараёнида асосий ўрин эгалламоқда. Бундай ёндашув натижасида ҳамкорлик жараёни иштирокчиларининг нуқтаи назарларини ёппасига ўрганиш ва таҳлил қилишга йўналтирилган педагогик фаолият шаклланимоқда. Бунинг натижасида ўқитувчи фаолиятига бўлган талаблар ўзгармоқда. Ўқув дастурида кўрсатилган билимларни ўқувчига кўчириш, унинг билимдонлигини шакллантириш кўникмаси ўрнини ижодий масалаларни ечиш, кўп тармоқли онгни шакллантириш, ўз фаолиятини амалга ошириш лаёқатини таркиб топтириш кўникмаси эгаллаши лозим. Шунга кўра, ўқитувчи кўп жиҳатдан фан ўқитувчиси ва методист сифатида намоён бўлмаслиги, балки янгича педагогик конфликтлар ечимини топишга асосланган таълим тизимининг бошқарувчиси сифатида фаолият кўрсатиши керак. Чунки, бугунги кун талабига кўра ўқитувчи ўқувчилар онгининг ривожланиш йўллари таҳлил қилувчи субъектдир.

Танлов, эркинлик, мустақиллик, ахлоқийлик, ўз фаолиятини амалга ошириш ҳодисаси нафақат ташқи омиллар таъсирининг натижаси, балки ички омиллар, яъни шахс онги, унинг ичкимазмуни ва шахсий таркиби билан боғлиқдир. Ички омиллар ўқувчиларнинг мақсадга йўналтирилганлик даражаси, қизиқишлари, ўз фаолиятини амалга оширишга бўлган ихтиёри ҳамда ўз-ўзини тасдиқлашини ифодалайди. Бундай йўналишларни тайёр ҳолда қўлга киритиш мумкин эмас. У ўқувчининг билишга асосланган онгида ҳамкорлик жараёнида янгидан вужудга келиши керак.

Ўқувчиларда билишга асосланган онгни ривожлантиришнинг самарали йўлларида бири - педагогик ҳамкорликдир. Педагогик ҳамкорликнинг инсоний жиҳати ўқувчининг ўқувчи, ўқитувчининг ўқувчиларга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Бугунги кунда таълим жараёнида педагогик ҳамкорликни йўлга қўйишда муайян тўсиқлар ҳам мавжуд. Бу тўсиқларнинг аксарияти ўқитувчи ва ўқувчилар онгида намоён бўлмоқда. Буамалда мавжуд бўлган педагогик анъаналар билан боғлиқ. Мазкур фикрни ойдинлаштиришга интилар эканмиз, бугунги кунда таълим

жараёнида педагогик онгни янгича, яъни ҳамкорлик асосида ривожлантиришга бўлган ҳаракатлар сусти кечмоқда.

Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчида мустақилликка ва ҳамкорликка интилиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Билимларни ўзлаштириш фақатгина мавжуд объектив ҳодиса сифатида талқин этилиши мумкин эмас. Унда ўз-ўзини ривожлантиришнинг бир қатор ички қувватлари ҳам иштирок этади. У субъективлик белгиларига ҳам эга. Шахсий тажрибага хос бўлган, унинг табиийлигини баҳоламаган, илмийлиги, илмий-тарихий онгга зид бўлмаган хусусиятидир. У ўзида муайян шахс онгига хос бўлган хусусиятларни ифодалайди.

Ўқувчининг ахлоқи ўзоқ вақт мобайнида мустақилликка назарий эмас, балки амалий ишонч бағишлайди. Бугунги кунда ўқитувчилар танлаган мавқе аниқ имкониятларни эгаллашга йўналтирилган. У педагогик фаолиятнинг янги қадриятлари вамазмун-моҳиятини аниқлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, бугунги кунда педагогик жараён ахборотли-йўналтирувчилик қувватидан ахлоқий қадриятларга жалб қилувчи нафис технологияларни қўллашни талаб қилишга йўналтирилган педагогик вазиятга ўтишни талаб қилмоқда.

Мазкур икки хил педагогик фаолиятнинг ўзаро бир-биридан фарқли жиҳатлари:

а) аниқ, оддий, бироқ, фақатгина тайёр билимларни ўқувчиларга узатишга хизмат қилади;

б) кўпроқ даражада долзарб ва самарали, таълим-тарбиянинг мустақил тарзда ташкил этилишини таъминлашга қаратилган.<sup>21</sup>

Бироқ, у ўта мураккаб, муайян ва қатъий технология кўринишида намоён бўлмайди. Ушбу технологияларга ҳамкорлик асосида ёндашув бир қадар объектив аҳамият касб этади. Мазкур воқелик муайян даражада аниқ жараёнлар билан боғлиқдир. У ўзига хос белгилар, хусусиятлар, тамойиллар, мазмун, мавжудлик шартларига эга. Бўларнинг барчаси унинг ўқувчилар онгида намоён бўлишини таъминлайди.

<sup>21</sup>Сафарова Р.Ф. Ш. Незматов ва бошқ. ўқув предметлари мазмувони аниқловчи асосий параметрлар - Т. Фан ватехнология. 2011 -160 б

Ҳамкорликнинг педагогик қиммати шундан иборатки, у ўқувчига хос бўлган ўлчовларни билишнинг асосий методи сифатида ўқув-тарбия жараёнида қўллаш имконини беради. Педагогик ҳамкорликнинг ўзига хос методлари ва тамойиллари ёрдамида ўқитувчи таълим жараёнида ўзининг инсонпарварликка асосланган педагогик фаолиятини амалга оширади. Шу билан бирқаторда, у ўқувчиларни яхшироқ тушунишга муваффақ бўлади. Педагогик ҳамкорлик ёрдамида конфликтлар ечимини топишга педагогик фаолиятда янгича инструментарий вужудга келади. Бу эса, ўқувчиларни тушунишнинг фикрий-изланувчи ва педагогик ҳодисаларни қайта баҳоловчи методидир. Педагогик ҳамкорлик педагогик маданиятнинг янги, янада назокатли ўлчовларини, толерантликни намоён қилиш имконини беради.

Педагогик синергетика, яъни ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини ҳамкорликда, мустақил тарзда ташкил этишга оид назарий ёндашувларни ўз ичига олиб, мазкур назария фаолиятни ташкил этиш ҳодисаси билан боғлиқ бўлган янги дунёқарашдир. Синергетика (юнон. *Sunergeia* –ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) - таълим жараёни субъектлари фаолиятини ўзаро ҳамкорликда мустақил тарзда ташкил этиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, номунтазам ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва педагогик-психологик мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, янгича тафаккур услуби. **Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш назариясини яратиш XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида педагогиканинг ўта долзарб муаммоси сифатида намоён бўла бошлади.**<sup>22</sup>

Ўқувчиларда ўзаро дўстона келишув орқали биргаликдаги фаолиятлари ва муносабатлари уйғунлашади ҳамда кўпроқ ижобий

---

<sup>22</sup>Аминова Ф.Х. Ўқувчиларни мулоқот матни яратишга ўргатишнинг дидактик асослари. Пед.фан номз. автореф. - Тошкент, 2007. - 23 б.



характер касб эта бошлайди. Бунинг натижасида жамият аъзолари орасида дўстона муносабатларга асосланган ижодий ҳамкорлик муҳити вужудга келади. Ўқувчиларда ўзаро дўстона келишув таълим жараёни субъектлари орасидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олишни такозо қилади. Бундай мақсадга эришиш учун эса мазкур йўналишда кенг қўламли фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи мавжуд. **Ҳамкорликда таълим олиш ва ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш педагогик конфликтология фанининг муҳим методи ҳисобланади.** Бу жараёнда ўқувчилар ўқув вазифалари билан боғлиқ тарзда бир қатор муаммолар устида изланадилар, муайян лойиҳаларни ишлаб чиқадилар. Дўстона муносабатларга асосланган ҳолда ҳамкорликда фаолият кўрсатиш синф-дарс тизими таркибида вужудга келиб, ривожланадиган педагогик ҳодисадир. Ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият кўрсатишлари жараёнида билимлар ва ахборотлар уларга ўқитувчи томонидан тақдим этилмайди. Балки замонавий педагогик назариялар ва концепцияларни қўллаган ҳолда ўқувчилар орасида фаол, ишчан диалог натижасида вужудга келади. Ўқувчиларнинг дўстона муносабатларга асосланган ҳолда фаолият кўрсатишлари натижасида уларнинг ўқув-билув майллари ривожланади, ўқув мақсадига эришиш учун қулай ижобий муҳит таъминланади. Ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона муҳитни вужудга келтириш шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Мактабдаги ўқув-билув жараёни ўқувчининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосида ташкил қилиниши лозим. Ўқувчиларда ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмалари вужудга келганда уларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўзаро тенглик муҳити ҳукмронлик қилади. Ўқувчиларга нисбатан дўстона муносабат муҳити ўзаро адолатли муносабатлар замирида яратилади. Адолат бор жойда ҳақиқат, ҳақиқат бор жойда ўзаро ҳурмат муҳити ҳукм суради. Ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат шаклланган таълим

жараёнида дўстона муносабат, ўзаро ғамхўрлик, меҳр-мурувват қарор топади. Бу жараёнда барча ўқувчилар бир-бирларига меҳр кўрсатадилар, уларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Ўқувчилар орасидаги дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- ўқувчилар фаолиятини муайян тартиб асосида ташкил этиш;
- ўқувчилар жамоаси орасида ижодкорлик ва бағрикенгликка асосланган ўзаро дўстона муҳитни вужудга келтириш қабилар. Ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш учун мазкур мақсадга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил этиш ва дидактик жиҳатдан таъминлаш лозим. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёнининг очиқ характер касб этиши ва ўзаро ахборотлар алмашинуви учун қулай бўлишини таъминлаш керак. Таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ўқувчиларда онгли фаолият кўрсатиш кўникмасини таркиб топтириш, уларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ўқувчилар мураккаб, руҳий инқиروزлар вужудга келадиган, юқори қувватга эга бўлган, шижоатли, янгиликка чанқоқ оламни ўзлаштиришга интилувчан, мустақиллик ва мослашувчанликка мойил, хулқ-атворида ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши жадал суръат билан кечадиган бўладилар. Шунга кўра, қуйидагиларнинг муҳимлиги кўзатилмоқда:

- ўқувчиларга тақдим этиладиган ахборотлар ҳажмининг кенглиги ва уларни ўзлаштириш ўзаро ҳамкорлик ва фикр алмашиниш муҳитини тақозо қилишига эришиш;

- ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисми сифатида намоён бўлишини таъминлаш;

- ўқувчилар орасидаги дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик негизида ўзаро ахборот алмашиниш ва жадал ўзлаштириш имкониятини кенгайтириш қабилар.

Жамият ҳаётида инсон учун ҳамкорликда фаолият кўрсатиш қуввати билан бир қаторда, ҳамжиҳатликда ривожланиш имконияти ҳам мавжуд. Бугунги кунда ҳамкорлик шахс тафаккурининг ўзгариши натижасида вужудга келмоқда. Ҳамкорликни ташкил этувчи тушунчаларнинг таркиби инсоннинг замонавий тафаккурини ифодалайди.

**Педагогик ҳамкорликни ифодаловчи синергетика атамаси ўзбек тилига яқиндагина кириб келди.** У ўзаро келишувга асосланган биргаликдаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро дўстлик маъноларини англатади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, синергетика шахсларо ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг таркибий асослари, ривожланиш динамикаси ва эски структураларнинг инкирозга учраш сабабларини қиёсий жиҳатдан ўрганади. Мутахассислар ҳамкорликнинг турли жиҳатларига кўра, унинг таснифини яратишга муваффақ бўлганлар. Жумладан, улар томонидан ҳамкорликнинг когнитив модели ҳам тақдим қилинган. Бу модел шахснинг амалий фаолияти билан боғлиқ ижодий ҳамкорликни ифодалайди. Ҳамкорликнинг билишга асосланган модели ҳам мавжуд. Инсон очиқ доим тўпланган тажрибалардан ўз фаолиятида фойдаланишга эҳтиёж сезади. Бугунги кунда ҳамкорлик назарияси бошқа методологик парадигмалар орасида муҳим ўрин эгалламоқда. Бу айниқса, педагогика, социология, психология ва фалсафага оид ёндашувларда яққол намоён бўлмоқда. Ҳамкорликка асосланган билиш жараёни таълим тизимида таяниладиган қонуниятларни тақозо қилади. Биринчи навбатда, уларнинг ривожланишидаги зиддиятлар ва тадрижийлик назарда тутилади. Бундай шароитда кўплаб муаммоли педагогик ҳолатларни ҳисобга олиш имконияти мавжуд.

Педагогик конфликтология фани шак-шубҳасиз педагогик тадқиқотлар методологиясини бойитади. Бу ўринда интуицияга асосланган башоратлар конфликтларни бартараф этишнинг конструктив модели сифатида намоён бўлади. Ҳамкорлик категорияларининг уйғунлиги педагогик конфликтларни юзага келишига янгича назар билан қарашни тақозо қилади. Бунинг учун, педагогикада шахсларо боғлиқликнинг жуда кам ишланган

жиҳатларига мурожаат қилинади. Педагогик конфликтология фанининг бугунги кунга қадар республикамізда тадқиқ этилмаганлигининг асосий сабаби таълимнинг тўла маънода ўқувчилар шахсига йўналтирилмаганлигидадир. Педагогик конфликтология фанининг ўзига хос жиҳатларини анъанавий таълим шароитида татбиқ қилиш ўта мураккаб масаладир. Биз амалиётда бундай уринишларнинг мавжудлигини ҳам кузатдик. Ҳамжиҳатлик ёрдамида ўқувчилар ўзаро дўстона келишув асосида бир-бирларига янгича назар билан қарай бошлайдилар. Педагогик ҳамкорлик назариясини кенг кўламда ёритиш учун мазкур педагогик конфликтларга мурожаат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Аксарият педагоглар гуруҳ билан ишлайдилар. Бунинг асосий сабаби, улар гўёки кўплаб номаълум нарсаларни ечиш жараёнини мувофиқлаштирадидилар.

Педагогик конфликтология фани бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбия жараёнида турли низоли вазиятлар, тўқнашувларга, шунингдек, жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга тайёр туриш кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлган таълим мақсади устуворлик қилмоқда. Таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқувчиларда шахсий сифатларни шакллантириш кўп жиҳатдан умуминсоний эҳтиёжлар билан боғлиқ тарзда вужудга келмоқда. Таълим тизимини такомиллаштириш, педагогик конфликтология фан тармоғини кенгайтириш, авторитар педагогикадан воз кечиш, ўқувчи шахсиятини биринчи ўринга қўйишни тақозо қилмоқда. Ўқувчининг талабларини қондириш учун унинг ўзига хос некбин(ҳар нарсани яхши томондан кўрувчи, оптимист)лиги, лаёқатлари, қобилиятини ривожлантириш лозим.

Ўқувчиларда ўзаро келишувга асосланган биргаликдаги фаолиятини ифодаловчи тизимда жамоанинг ижодий қувватлари ва фаолият самарадорлиги намоён бўлади. Янги мақсадларни рўёбга чиқариш имконияти таъминланади. Бу мақсад - ўқувчилар жамоасини уларнинг кучлари ёрдамида қўшимча ижодий натижани қўлга киритишга ўргатишдан иборат. Ўқувчиларда ўзаро келишувга асосланган биргаликдаги фаолиятини ифодаловчи тизимянги ўқув

воситалари ёрдамида мулоқот жараёнини оптималлаштиради ҳамда ахборотли маҳсулотларни ишлаб чиқади ва ўқув жараёнига татбиқ этади. Шунинг учун ҳам, педагогик конфликтларни ечимини топиш фан соҳаси таълим-тарбия жараёнида ўқув материалларига ишлов беришда янги таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, таълим жараёнида бир қатор зиддиятларнинг мавжудлиги туфайли ҳам ўқув жараёнини ўзаро келишувга асосланган биргаликдаги фаолиятини ифодаловчи тизим асосида ташкил этиш вазифаси янада долзарблашмоқда.

## **6.2. Конфликтларни бартараф этишда толерантлик**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлади. Дунёвий давлатчилик асосларининг бош тамойилларидан бири эса толерантлик ҳисобланади. Шу боис XXI аср такомилини толерантлик тафаккурисиз тасаввур этиб бўлмайди. Толерантлик тафаккури миллатлар, элатлар, халқлар, маданиятлар, қарашлар, мафқуралар хилма-хиллиги шароитида уларнинг барчасининг ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қабул қилиш, тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида яшаш жараёнларини англатади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”, - деб таъкидлайди.

Толерантлик тафаккури қадимданок турли халқ ва миллатларни бир-бирига мослаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш талаби

асосида ривожланиб келган. Аммо айни XXI асрда дунё иқтисодий, маънавий, маданий муносабатларидаги умумлашиш ва унинг асосидаги глобализация жараёнлари, давлатлардаги инсонлараро ва мафкуралараро зиддиятларнинг ортиши толерантликни инсоният истиқболи тақдири ва умумбашарий бунёдкорлик ғояларини белгиловчи замонавий тафаккурга айлантирди.

Демак, **толерантлик** (лотинча “tolerantlo” чидамлилиқ, бағрикенглиқ, сабр-тоқатлилиқ, ён бериш) – динлар, ижтимоий тартиблар, миллий ва диний урф-одатлар, маданиятлар, ўзга диний, сиёсий қарашлар, эътиқодлар ҳамда турмуш тарзига нисбатан сабр-бардошлиқ, чидамлилиқ, одоблилиқ, андишали бўлиш маъноларини англатади. Толерантлик деганда, тор маънода, динлар ранг-баранглигини инкор этмаслик, динлараро бағрикенглиқ тушунилади. Айни пайтда, толерантлик кенг маънода фақатгина динлараро муносабатларга тегишли эмас, балки бутун дунё халқлари, мавжуд барча миллатлар ва элатларнинг ҳозирги замондаги ўзаро ҳурмати, бағрикенглиқ, бир-бирини инкор этмаслик, уларнинг мавжуд турли-туман турмуш тарзларига тегишли тушунча эканлигини англаш даркор бўлади.

Маълумки, ҳозирги давр турли мафкуравий зиддиятларнинг кучайиши ва кескинланиши билан характерланади. Улар сирасида диний ақидапарастлик, диний риёкорлик “оммавий маданият”, “ахборот хуружлари”, “сохта демократиялар”, “рангли инқилоблар”, “превентив ревалюциялар” каби мафкуравий таъзийқ ва замонавий мафкуравий таҳдидлар соғлом тафаккур, давлат ва миллат озодлигини муҳофазалашга қаратилган, миллий манфаатлар асосига қурилган ғояларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Толерантлик худди ана шундай соғлом ақида ва ғоя сифатида инсонлараро муносабатларни тартибга солади, уларни ўзаро соғлом мулоқот қилишга ўргатади. Шу нуқтаи назардан, толерантлик тушунчаси экстремизм каби тушунчаларга қарши бўлиб, фалсафий-ижтимоий онг таркибидан ўрин олади ва инсон тафаккурида намоён бўлади.

**Тафаккур** (арабча – фикрлаш, ақлий билиш) бўлиб, предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлари акс этадиган билишнинг рационал босқичи саналади. Тафаккур жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятлари, истиқболи ҳақида билимлар, ғоялар, фаразлар, ҳосил бўлади. Тафаккур жараёнининг натижаси ҳамиша бирон-бир фикрдан иборат бўлади. Тафаккурнинг асосий шакллари, тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса кабиларда намоён бўлиб, масалан, “толерантлик” тушунчаси ўз мазмунига кўра жамиятдаги ижтимоий воқелик билан узвий алоқадорликни намоён этади. Толерантлик замонавий бағрикенглик таффақурининг негизини ташкил қилади.

Ўқувчи-ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш давлатни мустақкамлаш, унинг ҳавфсизлигини муҳофаза қилиш, ёшларни турли мафкуравий ёт ғоялардан асраш, уларни бағрикенглик асосларида ҳаётга тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Толерантлик дунёвийлик давлатнинг энг зарур хусусиятларидан ҳисобланади. Дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши толерантлик тафаккурининг жамият аъзолари, хусусан, ўқувчи-ёшлар тафаккурида шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлган ижтимоий-маънавий воқелик бўлиб, толерантлик тафаккурини бутун аҳоли, хусусан, ўқувчи-ёшлар онгида шакллантиришни педагогика фани олдида турган энг долзарб масалага айланган.

Толерантлик бошқа миллат, ирқ, халқ, уларнинг маданияти, тили, урф-одати, қарашлари, удумларига бўлган “қаноатли” ва ҳурматли муносабатни англатади. Толерантлик тафаккури қадимданоқ турли халқ ва миллатларни бир-бирига мослаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш зарурати асосида ривожланиб келган. ХХI асрда дунё иқтисодий, маънавий, маданий муносабатларида бир томондан, умумлашиш ва унинг асосида юзага келаётган глобализация жараёнлари, иккинчи тарафдан, мазкур умумлашиш ва ўзаро яқинлашиш асосида давлатлардаги инсонлараро ва мафкуралараро зиддиятларнинг ортиши дунё давлатлари ва халқлари ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратилишини кўндаланг



қўймоқда. Шу боис, толерантлик бугунги кунда башариятнинг энг зарур замонавий қарашлари ва тафаккурларидан бирига айланмоқда<sup>23</sup>.

Тарихий жиҳатдан толерантлик инсонларга ҳамдард бўла олиш хусусиятлари асосида Шарқ цивилизацияси таркибида шаклланган. Қадимги хитой, ҳинд, миср, зардуштийлик маданиятларида шакллантирилган бағрикенглик ғоялари кейинчалик ислом фалсафаси орқали қадимги даврлардан ижодий ўзлаштирилган. Ислом маданиятининг Ғарб илғор тафаккурига таъсири орқали бағрикенглик Ренессанс даврининг инсонпарварлик ғоялари асосида янгитдан шакллантирилган. Толерантлик тушунчаси барча Европа тилларида мавжуд бўлиб, унинг луғавий маъноси инглиз, испан, француз, немис тилларида бошқаларга нисбатан сабр-бардошли бўлиш, ўз фикри ва мулоҳазалари, қарашларининг бировларникидан ўзгачароқ бўлиши мумкинлигини тушуниш, бировларнинг ҳаракатлари ва онги ўзиникидан ўзгача эканлигини тан олиш деган мазмунларни билдиради.

Толерантлик тарихий илдишларга эга ҳодиса ҳисобланади. Тарихан ўз шаклланиш жараянларида толерантлик маънавий ва диний бағрикенглик ғояларига таянган. Толерантлик ва динлар тарихи ўзаро боглик ҳодисалар бўлиб, дунё динлари ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳурмат толерантликсиз ривожлана олмас эди. Толерантлик диний эътиқодларга бўлган ўз муносабатини анъанавий диний мазҳабларнинг улуғланиши асосига қуради. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир дин таркибида ўзига ҳос толерантлик тамойилларига асосланган конфессионал кадриятлар тизими шаклланиб келган.

Хитой маданиятида толерантлик бировларга нисбатан меҳрли муносабатни қабул қила олиш ва меҳрибон бўла олишликни

<sup>23</sup>Асмолов А. Формирование установок толерантного сознания как теоретическая и практическая задача. -М. 2006. Асмолов А.Г. На пути к толерантному сознанию. М. 2000. Валитова Р.Р. Толерантность как этический проблема. Автореф. дис. канд. филос. наук. -М.: 1997. 20 с.; Зопотухин В. М. Генезис и актуальность понятия "терпимость" в европейской философской традиции. Автореф. дис. канд. филос. наук. Екатеринбург, 1993. -22 с.; Круглова Н.В. Толерантность: генезис и типология // СПЕГУ. СПб, 1998. -19 с.; Луковская В. Г. Социально-психологическое значение толерантности к неопределенности. Автореф. канд. псих. наук. СПб., 1998. -19 с.; Магомедова Е. В. Толерантность как принцип культуры. Автореф. канд. филос. наук. Ростов н/Д., 1999. -22 с.; Болотина Т. Толерантность // Гражданиноведение / Прил. к Учительгаз. 2001. № 3.С.5-8; Глазачев С. Н., Андиямов О. С. Методологические аспекты создания педагогичекой толерантности // ЭКО. Экология. Культура. Образование. Ставрополь. 2002. № 6. С.13-19.



билдирган. Араб ва мусулмон маданиятида толерантлик “тасамул” тушунчасига мос келиб, кечиримли бўлиш, юмшоқлик, меҳрибонлик, ҳайрихоҳлик, сабр ва қаноат, бировларга нисбатан ҳурматли муносабатни англатади. Дунё динлари ичида буддизм толерантликни бировларни ҳурмат қилиш, меҳрли бўлиш, ўз сўзи устида туриш, бировларга худди ўзидек иззатли бўлиш маъноларини англатади. Хитой файласуфи Конфуций толерантликни “Ўзингга нисбатан хоҳламаган нарсаларни бировларга ҳам раво кўрма” ақидаси асосига қуради. Ана шундай гоёни христианлик, индуизм, жайнизм ва бошқа диний конфессияларда кўриш мумкин. Буддавийлик толерантликни “Инсон ўзининг қариндошлари, ёру-биродарларига бўлган муносабатини беш восита орқали изҳор этиши мумкин: уларга эъозли, эътиборли, меҳрли, ҳайрихоҳ, ўзига қарагандек қараш ва ўз сўзи устидан чиқиш”, индуизм - “Ўзингни оғритган нарсаларни бировга раво кўрма”, жайнизм - “Бахтсиз онларда, хурсандлик ва ғамгинликда биз ҳар бир жонзотга ўзимизга бўлгани каби муносабатда бўлмоғимиз даркор” зароастризм - “Ўзига ёмон бўлган нарсаларни бировларга раво кўрмаган одамгина яхши одам бўлади”, христианлик - “Ўзингизга қандай муносабатни истасангиз, ўшандай муносабатни ўзгаларга ҳам истанг” ақидалари ва тамойиллари асосига қуради. “Бирортангиз ўз биродарингизни ўзингиздек яхши кўрмасдан туриб, эътиқодли бўлолмайсиз” деган ақида ислом динидаги толерантлик тушунчасининг бош мазмуни бўлиб хизмат қилади.

### **Толерантликни замонавий тушуниш ва англаш жараёнлари**

XX асрнинг сўнгги чорагидан бошланган. 1995 йили 16 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташкилотининг йигирма саккизинчи Сессиясида 185 дунё давлатлари иштирокида “Толерантлик тамойиллари Декларация”<sup>24</sup>си имзоланди. Ушбу декларация ЮНЕСКО ташкилотининг Бош Ассамблеяси конференциясининг 5.61 Резолюцияси билан тасдиқланди. Мазкур ҳужжат толерантликни дунё ранг-баранглиги асосидаги эркинлик ҳуқуқи сифатида

<sup>24</sup>Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО вайолатхонаси нашри. Нашр учун масъулар: А.Свилов, К.Жўраев. -Т.: 1999. Декларация принципов толерантности // <http://tolerance.bsu.edu.ru/Publicatsii/Declaracion.htm>. Декларация принципов толерантности // М.: - Учительская газета, 2000, 12 сент. № 35. -С. 20 – 21.

баҳолайди. Шу даврдан бошлаб 16 ноябрни дунё миқёсида толерантлик куни сифатида нишонлаш анъанага айланди.

“Толерантлик тамойиллари Декларацияси”да сўнгги даврларда дунё миқёсида кўпайиб бораётган “зўравонлик, терроризм, ксенофобия, агрессив миллатчилик, расизм, антисемитизм, этник, диний ва тил нуқтаи назардан кичик гуруҳлар, шунингдек қочоқлар, гастарбайтерлар, иммигрантлар, ижтимоий муҳофазага муҳтожларга нисбатан эътиборсизлик ва ҳурматсизлик” каби ҳолатлар мавжудлигини тан олади ва ёшлар тарбиясида толерантлик масалаларига бўлган махсус эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

“Толерантлик тамойиллари Декларацияси”нинг преамбуласида таъкидланишича, “Биз, Бирлашган Миллатлар ташкилоти халқлари, бўлажак авлодларни уруш талофотларидан муҳофаза қилиш мақсадларида яна бир бор инсон ҳуқуқлари, инсон ҳаётининг қадр-қимматига бўлган эътиборни тиклаш учун толерантлик гоёларига таяниб, инсонларнинг биргаликда, яхши қўшничилик анъаналари асосида яшашларини истаймиз”, - деб айтилади.

Толерантлик тушунчаси “мультикультурализм”, “полиэтниқлик”, “мономаданият” ва “полимаданият”, “маданиятлараро диалог” каби ижтимоий-сиёсий воқеликларнинг тўғри баҳоланишини, шу билан бирга *геноцид, расизм, ксенофобия, экстремизм, этноцентризм, фундаментализм, радикализм, миллатчилик, миллий шовинизм, миллий худбинлик, гуруҳли худбинлик, диний ақидапарастлик ва диний рижкорлик* каби толерантликка қарши бўлган тушунчаларнинг салбий қирраларини билишни, уларнинг барча кўринишларига қарши огоҳ бўлишликни талаб этади.

Демак, бугунги кунда толерантлик тушунчаси инсонларнинг ўзаро муносабатларини уларнинг миллати, ирки, насли насаби, маданияти ва урф-одатлари, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини ўзида мужассам этади. Толерантлик – инсоннинг турли иқтисодий, маънавий, мафкуравий, диний муносабатларга киришишининг қонун-қоидаларини белгилаб беради.

Ўзбек миллатининг этик-эстетик, ахлоқ ва одоб, маънавий ва маърифий, фалсафий кадриятлари тизимида толерантлик ғоялари энг қадимги даврлардан бошлаб ривожлантирилган ва ўзига хос тарзда шакллантирилган<sup>25</sup>. Ўзбеклар миллий анъаналарида толерантлик тушунчаси анча кенг ва асосли тарзда тушунтирилган ва авлодлар тарбиясининг муҳим омилларида бири саналган. Толерантлик тушунчасида инсон ахлоқига оид *сабр-бардошли бўлиш, ҳурмат, эъзоз, иззат кўрсата олиш, раҳмдиллик, меҳру-муруват* каби сифатлар анъанавий хусусиятга эга бўлган. Толерантликнинг тарихий илдиэлари энг қадимги даврда “Авесто”, “Ўрхун-Энасой битиклари”, “Сўғд ёзувлари”<sup>26</sup> каби адабий ёдгорликларда шакллантирилган ва инсон одоби, унинг маънавий-руҳий ақидаларининг зарур талабига айланган. “Каттани ҳурмат қилиш, кичикка иззат билан қараш” ўзбекларнинг миллий ахлоқий талабларидан ҳисобланган.

Ўзбеклар миллий кадриятлари тизимида толерантлик тушунчаси таркибига анъанавий тарзда қўйидаги инсоний хислатлар ва тафаккур кираларини киритганлар: *инсоф, адолат, ҳурмат, эъзоз, иззат, сабр, қаноат, меҳр, кенг феъллик, билимдонлик, маданиятлар тарихини билиш, бошқа маданият ва дин вакилларига эъзозли ва ҳурматли муносабатда бўлиш, тақводорликнинг ҳар қандай кўринишларига чуқур ҳурмат, бағрикенгликни кундалик турмушга нисбатан қўллаш, бағрикенгликни оилавий тушунча даражасида амал қилишини таъминлаш, дўстлик, биродарлик, бир-бирига азизлик кадриятларини оилавий муносабатларга ўтказиш, ўзаро тенглик, ўзаро тенгликка ҳурмат, тенглик тушунчасини жуда кенг англаш, ўзаро*

<sup>25</sup>Қодирова З. Формирование толерантности у молодежи основа построения гражданского общества в Узбекистане // “Миллий истиқлол ғояси: миллатлараро тоғувлик ва дипломатия бағрикенглиги ўқувчи ва талаба ёшлар дунёқараши шакллантиришдаги роли” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари 164-166 бетлар. Самарқанд, 2005, 26-27 май.

<sup>26</sup>Қодирова З. Взаимосвязь общечеловеческих и национальных ценностей // «Миллий тоғ ва маънавий мерос» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, 2005, 15-16 сентябрь, 20-22 бетлар.

Қодирова З. Толерантность и ее место в современной жизни/Илмий ишлар тўплами «Архитектура – қуриш фани ва дари – Т. 2006. 146-148 бетлар.

Қодирова З. Толерантность – высшая ценность // Народное слово, 24 ноябрь 2006 года.

Қодирова З. Бағрикенглик – миллий кадриятни асоси // Ёшларда ижтимоий толерантликни шакллантириш масалалари мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. 1-китоб. Тошкент, 2006, 51-54 бетлар (хатм муаллифликда).

Шарипов М. Миллий маънавий кадриятлар тиклаши ва тарихий жараён – Т. Муълка, 2005. Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси – Т. Ўзбекистон, 1998; А. Тикелнов, М.Смирнов. Межнациональные отношения современности – Т. Рафур Фулом, 1991; Т. Тошонов. Миллий ва диний урф-одатлар – Т.: Ўзбекистон, 1986; И.Синфинзаров. Миллий биримлик ва илмий маданият – Т. Шарк, 2001; Ҳ.Бобоев, З.Ғофуров. Ўзбекистонда илмий ва маънавий-маърифий таълимлар тараккиети – Т. Инги аср авлоди. 2001. Ақарова Г.Р.Бошланғич сифат ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари. ПеД фн. – дис. авт., – Т.: 2007.

<sup>27</sup>Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Солиқов Қ. Қадимги эма ёдгорликлар – Т. Ўзбекистон, 2000. –Б. 75-80. Ҳасенов С. Хорам маърифати – олам кўзгуси – Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 46. Умарзода Мухсин. Авесто сирлари // Жалон адабиети, 1997, 4-сон, –Б. 199-200. Йилдошев Ж., Ҳасенов С. “Авесто да ахлоқий-таълимий қиралар – Т.: Ўқитувчи, 1992. –Б. 24. Бобоев Ҳ., С.Ҳасенов. Авесто – айнавистимий саратнамаси – Т.: Адолат, 2001, –Б. 107, Сулаймонова Ф. Шарк ва Ғарб – Т.: Ўзбекистон, 1997, –Б. 28; Қаюмов А. Кадрият обидалари. – Т.: 1972; Исҳоқов М. Унутилган подшоҳликдан хатлар – Т.: 1994; Насиҳон Раҳмон. Турк ҳокониғи – Т.: 1993,

*ҳамжиҳатлик, тинчлик, тинчликка чуқур ҳурмат ва эъзоз, уни энг улуғ қадриятлардан ҳисоблаш, жанжал ва низолардан қочиш, яхши ниятли ва амалли бўлмоқ, содиқлик, инсонпарварлик ва инсонни ардоқлаш, ватанпарварлик, илмга чанқоқлик, ҳурфиқрлилик ва эрк, тафаккурга ишонч, меҳр-мурувват, яхшилик, она ва аёлга эҳтиром, ота-онага чуқур ҳурмат, ота-онага хизмат, диний бағрикенглик, ҳақсўйлик, ҳалимлик, камтаринлик, тавозули бўлмоқ, оғир-босиқлик, салмоқлилик, вазминлик, етти марта уйлаб, бирор қарорга келиш, барқарорлик, пешқадамлилик, илгорлик, қилган амаллар ва ниятларда пок бўлмоқлик, эътиқодда қатъийлик в.б.*

Ислом дини – тинчликсевар дин деб тан олинади. Тинчлик, тотувлик, барқарорлик, инсонлараро ҳамжиҳатлик ҳам диний, ҳам дунёвий тафаккур доирасида амал қиладиган маънавий қадриятлардан ҳисобланади. Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳолини бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, ер юзини “обод қилиш”, тангрининг ердаги барча мавжудотларига нисбатан меҳрли, шавқатли бўлиш инсоннинг асл вазифалари эканлиги ислом динида ҳам, дунёвий тафаккур доирасида ҳам тарғиб этилади. Шундай қилиб, маънавий-диний бағрикенглик ақидалари ва толерантлик тамойиллари Шарқ мутафаккирларининг ислом маданияти таркибидаги фалсафа, фикр, санъат, тарих, адабиёт каби илмлар доирасида ривожлантирилган, тарғиб ва ташвиқ этилган, инсон тарбияси ва комиллигининг муҳим жиҳатларидан деб саналган. Инсонлараро, миллатлараро, давлатлараро ва бошқа турдаги барча зиддиятларни ҳам толерантлик тафаккурисиз бирор тўхтам ва ечимга олиб келиб бўмаслиги аён. Демак, толерантлик тафаккурининг конфликтлар ечимидаги ўрни ўзгачадир. Толерантлик тафаккурига эга бўлган одам ўз ҳаёти ва атрофидаги ўзига яқин инсонлар ҳаётини турли зиддиятлардан мунтазам муҳофаза қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Инсон туғилиб, ўзининг илк нафасини олиши биланок, унинг шахс сифатидаги шаклланишининг узоқ ва мушаққатли жараёни бошланади. Оиламизда фарзанд туғилса, бутун оила, куда-андалар, қўни-қўшнилар, яқин қариндошлар – ҳаммамиз энг қувончли

дамларни бошимиздан ўтказамиз, ўзимизни энг бахтиёр инсон сифатида англаймиз. Фарзанд туғилишидан ортиқ бахт йўқ, деб ҳисоблаймиз. Фарзандимизнинг соғлиғи ва униб ўсиши учун парвона бўламиз. Чунки у - мурғак, чунки у - бизнинг эътиборимиз ва меҳримизга жуда муҳтож. Агар биз болани боқишда кичик бир хатога йўл қўйсақ, гўдакнинг униб-ўсишида қийинчиликлар келиб чиқиши, ҳаммамиз куйинишимиз аниқ ва муқаррардир. Бола ўстирар эканмиз, биз кўпроқ ана шу томонга, яъни унинг саломатлигини таъминлаш учун барча чораларни кўришга ўзимизни қурбон қиламиз. Бу вазифани ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз, мазкур масалада ҳар доим эътиборли ва сезгир бўлишга ҳаракат қиламиз. Ҳеч қачон бизнинг хотирамиздан чиқмай, бизнинг масъулиятимизни доимо таъминлаб турувчи масала - фарзандимиз соғлиғи ва саломатлиги ҳисобланади.

Шундай экан, бир томондан, ўз тафаккурини толерантлик тамойиллари асосда шакллантириш, иккинчи томондан, диний бағрикенглик талабларига риоя қилиш, шу билан бирга, турли замонавий таҳдидлардан ўзини ва ўз атрофидагиларни муҳофаза қила олиш каби тамойиллар конфликтлар ечимига қаратилган махсус ижтимоий билимлар мажмуасига киритилади. Уларни мутаносиб англаш, уларга риоя қилиш, инсонлар эрки ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш жамиятларда турли ижтимоий конфликтларнинг юзага келмаслигини олдини олиш тадбирларига қаратилгандир.

### **6.3. Педагогик конфликтларни бартараф этишда оила**

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласининг педагогик аспекти мустақилликнинг илк йиллариданоқ тадқиқотчиларнинг диққатини тортди келди. Ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш тафаккури айнан мустақиллик йилларида кенг ривож топди, аҳоли ўртасида тарғиб ва ташвиқ этила бошланди, давлат дастурларининг бош моҳиятини ташкил қилди.

Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроқ қисмини ёшлар ташкил қилиши, ўсиб бораётган ёш авлодни жамиятда мустақил яшашга

тайёрлаш вазифасининг долзарблиги ёшларни жамият ҳаётига ва оилавий турмушга тайёрлаш ишларини жадаллаштиришни талаб этади. Инсонларнинг ўзаро муносабатларида кескинликларнинг ўсиб бораётганлиги, замонавий зиддиятларнинг инсон тафаккури ва онгига таъсир этиши орқали унинг психологик ҳолатида салбий ва асабий оқибатларнинг вужудга келиши, ёш оилалардаги ажрим ҳолатларнинг мунтазам ўсиб бораётганлиги, болалар ва ўсмирлардаги агрессия ҳолатларининг вужудга келаётганлиги каби муаммолар талаба-ёшларни оилага тайёрлаш вазифасини тўлақонли олиб бориш талабини кун тартибига қўяди.

Дарҳақиқат, оиладаги соғлом муҳит, одабийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзанднинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатларини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Она қизида мулойимлик, ширинсуҳанлик, қизларга ҳос орият, уйатчанлик, ибo, иффат каби фазилатларни тарбиялаш билан бирга, унга уй-рўзгор юмушларини ўргатиш ҳам лозим. Ота ўғлида тўғри сўзлик, меҳнатсеварлик, олижаноблик, фидойлик, саҳоват пешалик каби ҳислатларни шакллантириши билан бирга уйда эркаклар бажарадиган барча юмушлардан хабардор қилиши керак. *Айрим статистик маълумотларга қараганда, бугунги интенсив турмуш тарзини кечираётган оилаларда идеал сиймога яқин ота ҳафтасига фарзандлари тарбиясига атиги 1,5 соат, она – 4-5 соат, иш билан машғул деб қаралувчи ота - 12 минут, она – 3 соат вақтини ажратар экан. Бундан кўришиб турибдики, бу ажратилган вақт болаларнинг баркамол шахс сифатида қарор топшишида етарли эмас.*<sup>27</sup> Яна муҳим масалалардан бири ичкиликбозлик, кашандачилик инсон соғлиғига, оиласига, наслига, жамиятимизга қанчадан-қанча нохушликлар олиб келмокда. Бу масалада давлатимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинган, аммо унга салбий иллат сифатида қараб, енг шимариб курашмоқдамизми? Умуман, унинг оқибати ҳақида ўйлаб кўряпмизми? Менимча, “менга нима” кабилида кўпроқ томошабинга айланиб

<sup>27</sup> Ибрагимов Х., Абдулпашаев Ш. Педагогика назарияси. Т. Ҳан ва технология, 2008. 127-129 бетлар.

қолгандаймиз. Бу вақтда эса тўйларимиз, туғилган кунлар, гап-гаштакларда дастурхонимизнинг асосий беазаги спиртли ичимликлар бўлиб қолмоқда. Энг ачинарлиси шуки, бу тадбирларнинг асосий иштирокчилари ёшлардан иборат. Улар тўйларда, туғилган кунларда, гап-гаштакларда шунчаки хордиқ чиқаришларда соғлиқ учун деб кўтараётган қадаҳларининг организмга салбий таъсирини билишармикан? Оила иқтисодиётини, оила риштасини, жамиятимиз фаровонлигини бузаётганликларини, айниқса, ёш авлодга таъсирини-чи? Кўплаб нохуш ҳолатлар, безориликлар, ҳатто жиноятлар ушбу тадбирларда “тўйиб-ичиш” оқибатида содир бўлмоқда. Ваҳоланки, ёш болаларда асосан катталарга тақлид қилиш кучли бўлади. Юқорида айтиб ўтилган тадбирларда катталарни ароққа муккасидан кетишларини кўриб ҳаёт гашти шундай сурилар экан-да деган тушунчаларга бориб қолмасмикан?

Бу масала юзасидан маҳалла оксоқоллари кенгашида аниқ, самарали тадбирлар ишлаб чиқилганми? Маҳалла фаоллари ушбу масалани ҳал этишда ожизлик қилаётганлари ўз-ўзидан маълум. Келинг спиртли ичимликнинг асорати ҳақида илмий маълумотларга таянган ҳолда фикр юритиш мумкин.

Кузатишлар шундан далолат берадики, 1000 га яқин жинни болаларнинг 500 нафарининг онаси, 70 нафарининг ота ёки онаси спиртли ичимлик истеъмол қилар экан. Француз врач Демма йигирма саккиз йил давомида эри ҳам, хотини ҳам ичкиликка берилган. Ўнта оилани кузатган. Бу оилада туғилган 57 нафар боланинг 25 нафари бир ёшга етмай ўлган, 5 нафари тутқаноқ, 5 нафарининг бош мияси суюқ, 12 нафари ашаддий жинни бўлиб ўлган. Фақат 10 нафаригина нисбатан соғлом туғилган.

Тутқаноқ касали билан оғриган ҳар 100 боладан 60 нафарининг ота-онаси ашаддий ичувчи эканлиги аниқланган. Ичкилик турли хил жиноятни келтириб чиқарувчи асосий сабаб ҳисобланади. Унинг асосида оқибат қотиллик, безорилик ва бошқа салбий кўринишлар билан тугалланмоқда. Далилларга эътиборимизни қаратайлик: 70 % га яқин қотиллик, 80-90 % безорилик асосан мастлик вақтида содир этилар экан. Фараз қилайлик агар спиртли ичимликни истеъмол қилиш 35 % га



камайтирилса, қотиллик 40 % га, безорилик 25 % га камаяди. Демак, миллий мафкурамизда белгиланган халқ фаровонлиги, комил инсон тарбияси учун курашишимизда аввалом бор ичкиликбозлик масаласига миллатимиздаги иллат сифатида қарашимиз лозим. Яна фактларга мурожаат этамиз: 100 грамм ароқ ичиш жисмимиздаги фаол ишлаётган 7500 та тўқимани ишдан чиқаради. 75 грамм ароқ истеъмол қилгандан сўнг мускулларнинг кучи 20-40 % га камаяди. Энди байрам туғилган кун, тўй ёки дўстлар даврасида тўйиб, меъёрдан ошириб ичган ишчи, хизматчининг эртанги кун меҳнат унумдорлигини тасаввур этинг.<sup>28</sup>

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш болалар ва аёлларга тез таъсир этади. Аёл учун алкоголизмга рўжа қўйиш 2-3 йилни ташкил этса, 13-14 ёшли ўғил ёки қиз болага истеъмол қилган бир қадах вино организмга бир шиша ароқ каби таъсир этади. Афсуски, ёшлар ўртасида ароқ, вино, пивога қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Бизнингча, алкоголизмга жиддий иллат сифатида қарашимиз, уларни кенг ёйилишига сабаб бўлаётган тадбирлар юзасидан самарадорли фаолият юритишимиз лозим. Баркамол шахснинг шаклланиши субъектив ва объектив омилларга боғлиқ. Оилада ҳар бир ота-она бош педагог ҳисобланади. Улар фарзандларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришда асосий роль ўйнайди. Бу борада эса ҳар бир ота-она етарли билим, маълумотларга эга бўлишлари лозим.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, қадимги пандномаларда ёзилишича, инсон бошида учта кулфат бор эмиш. 1) ўлим; 2) қариллик; 3) ноқобил фарзанд. Уларнинг иккитасидан қутилишнинг иложиси йўқ. Аммо, учинчисидан қутилишнинг иложиси бор эмиш. Бу илож, фақат фарзандни тўғри тарбиясига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Фарзандларимизга зарарли одатларнинг салбий хусусиятини, моҳиятини далилий мисоллар асосида онгига етказиш, мантикий тушунчаларини таркиб топтириб бориш, ҳамда тўй, базмларимизда алкоголь ичимликларсиз ўтказиш нафақат оила тарбияси муаммоси бўлиб қолмай, балки миллатимиз соғлом авлоди масаласида ёндашишимиз давр тақозасига айланмоқда.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси олий ва бунтаъхус тазлим вазирлиги, Республика "Миллий гон ва мафкура", "Ота" илмий аналитик марказлари ҳамда ТДПУ ҳалқароликда "Ёшларни оқил-тарбия ота-оналикка таъбирларга олишнинг роли" маълумотида Республика маълумотидаги илмий-аналитик марказдан материаллари. 29-март 2013 йил. 224-225 бетлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25-майдаги ПФ-3434 рақамли фармони ва унда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5-июлдаги “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг мақсадли дастури тўғрисида” ги 242-сонли қарорнинг бажарилиши мамлакатимизда соғлом оилаларнинг вужудга келишига замин яратмоқда. Шу билан бир қаторда 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан “Соғлом бола йили” Давлат дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш эса таълим ва тарбия сифат ва самарадорлигини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.<sup>29</sup>

Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу-умид билан яшайди. Лекин бу билан иш битмайди, у шу ниятига етиш учун ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши, яхшилик кўриши учун яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий кадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори қурилади ва мустаҳкамланади. Юртбошимиз айтганлари дек, ҳалқимиз қадим-қадимдан оилани муққадас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳуқум суради.

Оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади.

Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болага нисбатан бағри кенглик, меҳри дарёлик, ўта фидойилик ўзбекларгагина хос хусусиятдир. Шу боисдан ҳам, ота-оналаримиз фарзандларнинг бахти

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19-февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури.

учун келажаги учун қайғуради. Уларнинг пухта билим олишлари, кизиқишлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилишлари учун мавжуд имкониятларни яратадилар. Чунки оилада болани туғри тарбиялаш – мустаҳкам пойдеворли жамият барпо этилишининг гаровидир. Бола тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш қурадиган йигит ва қизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади.

Бўлажак ота-онанинг соғ-саломатлиги, насил-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги фарзанд кўриш ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуқлигининг гаровидир. Соҳибқурон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришда келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати – соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонини тиккан инсонлар қўлида.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги родини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизида ҳам айнан шу ғоя ётибди. Миллат генафондини сақлаш – айнан шундан бошланади. Эр ёки хотин насл-насабида мавжуд ирсий касалликлар, маънавий қашшоқлик каби салбий ҳолатлар келгуси авлодлар тақдири, миллат келажаги учун ҳам хавфлидир. Дарҳақиқат, оиласининг бахт-саодатини, роҳат-фароғатини ўйлаган одам шу масалаларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги шарт.

Чунки фарзанд эр-хотиннинг меҳр-муҳаббат асосида қурилган ихтиёрий иттифоқининг мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: “... уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир”.

**Оила** – жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғинидир. У ўзида оила аъзоларининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, маиллари, тарбияси ва бошқа ижтимоий фаолият турларини акс эттиради. Ота-оналарнинг бола шахсига илмий дунёқараш асослари, маънавий-ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига **оилавий тарбия дейилади**.

Оилалар Республикамиз ва қишлоқларнинг ягона ижтимоий-иқтисодий умумийлиги асосида ривожланади. Айна пайтда оилавий турмуш ва оилавий тарбия ўзининг миллий хусусиятларига ҳам эгадир. Педагогик диагностикада оила тарбияси ўз миллий ва демократик хусусиятлари билан бир-биридан фарқланишини ҳисобга олиш, оилавий тарбияда оиланинг моддий фаровонлиги, маданий-маънавий савияси, осойишталиги, оила аъзоларининг сони, таркиби алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқув масканларида бериладиган таълим-тарбия даражаси билан ўқувчи-талаба шахсининг оилавий турмуш тарзи орасидаги алоқадорликнинг педагогик жиҳатдан таъминланганлиги ҳамда таълим олувчиларнинг ютуқлари, уларда шахсий сифатларнинг таркиб топиб боришини жадаллаштиради.

**Ёшларнинг хулқида учрайдиган нуқсонлар:** ёлғончилик, агрессивлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда

ўқув масканларида бериладиган таълим-тарбиянинг таъсирини ошириш йўллари тадқиқ этишда оила диагностикасининг муҳим аҳамияти мавжуд.

Педагогика ва психология фанларида ота-оналар билан иш олиб боришга доир турли хил ёндашувлар мавжуд. Булардан К.Леонгард, Г.Мюнстерберг, Дембо-Рубинштен, Э.Климов, И.Гребенников, А.Қ.Мунавваров, М.Қуронов, О.Мусурмонова, Л.Маҳмудовалар томонидан ёш ва педагогик-психологияга асосланган ҳолда яратилган маърифий-ахборотли ёндашувлардир. Бу ёндашувларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ота-оналарга узлуксиз ва маълум тизим асосида ёрдам бериш мақсадида оила учун оммавий таълим дастурлари ҳам ишлаб чиқилган. Бу дастурлар асосида оиланинг ёшлар тарбиясидаги ролини фаоллаштиришга муваффақ бўлинмоқда.

**Ўзбек халқининг миллий хусусиятлари:** ахлоқийлик, ўзини-ўзи англаш, миллий туйғу, миллий маданият, миллий кийиниш ва юриш-туришда ўз аксини топадики, ўзбек оиласининг тузилиши ва шахслараро муносабатини ўрганишда буларни четлаб ўтиш мумкин эмас.

**Ўзбек оилалари тузилишига қуйидаги сифатлар хосдир:** кўп болалик; оилада отанинг бош тарбиячи сифатида намоён бўлиши; қариндошчилик, бир неча авлодларнинг биргаликда яшаши.

Оилашунос олимлар: С.Т.Инамова, В.Каримова, О.Мусурмонова, Ф.Ҳабибуллаевалар томонидан оиланинг асосий функциялари турлича классификация қилинган. Бу ўринда оила функцияларини санаб ўтиш билан кифояланмай, балки уларни бир томондан одамларнинг моддий хўжалик-маиший ва иккинчи томондан, эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирувчи функцияларга фарқлаш муҳим.

**Жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш - оилаларнинг вазифалари турли-туман:** Ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида қуйидаги асосий функцияларни бажаради: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, фелситологик, коммуникатив, релаксация, регулатив (бошқарув).

**Оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий тарбиявий функциясидир.** Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинонинг фақат пойдеворини қўйиш билан чекланмай, балки унинг сўнги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш ҳозирги замон оиласининг муҳим функцияси даражасига киради. Чунки шахснинг ижтимоийлашуви даставвал оилада амалга ошади.

**Оиланинг коммуникатив функцияси** – оила-аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

**Оиланинг рекреатив функцияси** – никоҳ-оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлган хусусиятлардан бири, оила-аъзоларининг ахлоқий педагогик-психологик ҳимояланишини таъминлаш, ёш болаларга ва меҳнатга яроқсиз кишилар ёки кекса қариндошларга моддий-маънавий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган. Бу ҳолат оиланинг рекреатив функциясини ташкил қилади. Оиланинг рекреатив функцияси – ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш функцияларидан бири ҳисобланади.

Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири – бу унинг **репродуктив** (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясидир. Бу функциянинг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатдир. Оиланинг вазифаси фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништирган ҳолда, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир.

**Оиланинг фелиситологик функцияси** – ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелиситологик функциясидир (италиянча “felicite” – бахт дегани). “Шахсий фаровонликка эришишга интилиш оилавий муносабалар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлиб бормоқда. Оилада, эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши-

уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий имкониятларини (иқтидорни) рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради”<sup>30</sup>. Кейинги вақтларда инсоннинг имкониятлари ортган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда.

**Оиланинг регулятив функцияси** – оила-аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек, бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ифодалайди. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.

**Оиланинг релаксация функцияси** – унинг энг асосий функцияларидан биридир. Бу дегани оила аъзоларининг жинсий, эмотционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилятини яна қайта тиклаш демакдир.

Оила функцияларининг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила бахтини таъминловчи мезон ҳисобланади. Шунинг учун оиланинг ўз функцияларини муваффақиятли бажарилиши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади.

2012-йил Ўзбекистон Республикасида “Мустақкам оила йили”, 2013-йил “Обод турмуш йили”<sup>31</sup> ва 2014-йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши<sup>32</sup> муносабати билан жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Обод турмушимиз да жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустақкам оилада соғлом болани шакллантиришга доир аниқ мақсадга

<sup>30</sup> Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. -Т. Фан ва технология. 2008. 127-129 бетлар

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013-йил “Обод турмуш йили” Давлат дастури.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19-февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури

йўналтирилган кенг кўламли чора тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилди, амалга оширилмоқда.<sup>33</sup>

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб юз берган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий характердаги салбий жараёнлар оқибатида оилада бола тарбияси институти сифатида чуқур таназулга юз тутди. Боланинг ўз оиласидан сиқиб чиқрилиши билан боғлиқ аянчли анъаналар пайдо бўлди.

Замонавий ўзбек оиласи ичидаги зиддиятлар ва инқирозлар нуқтан назаридан оила институтига назар солинса, юқоридаги ҳолатлар ўзини очиқ намоён этаётган ҳолатлар ҳисобланади. Шу билан бирга, ўзини пинҳона намоён қилаётган ҳолатлар, оила ичида кечиб, ташқарига кўп ҳам чиқмаётган, аммо кўпайиб бораётган салбий вазиятлар ҳам мавжуд (12-расм).

Халқимизда шундай гап бор: келишмовчилик, зиддият, жанжал бўлган уйда роҳат, барака бўлмайди, - деб ҳисоблашади. Оилада унинг аъзоларини хўрламаслик, ғийбат қилмаслик, қилган ишларидан айб топмаслик, емоқ-ичмоққа қизғанмаслик кабилар ҳар доим тарғиб қилинган. Оила-аъзолари муомаласида салбий ҳис-ғуйғуларни жиловлай билиш, бир-бирини тушуниб етиш, зийрак бўлиш, рашк, гина-кудратнинг олдини олиш йўлларига ёшларни ўргатиш даркор.

Конфликт бизда қандай ҳиссёллар,  
эмоцияларни уйғотади?



12-расм.

<sup>33</sup> Каримов И.А. "Муҳташам оила билан" Давлат дастури туғрисида"ги Қарори. 2012-йил 27-февраль 1-бет

Энг аввало ёш йигит ва қизларни оилавий турмушнинг барча ўзига хосликларига очиқ ва самимий ўргатиш лозим. Эркаклар ва аёллар психологияси, уларнинг физиологияси, маънавий-руҳий ва жисмоний эҳтиёжлари каби масалаларда замонавий қарашларнинг барчасини ёшларга бермоқ зарур. Аёлларимизда эркакларга нисбатан “ғаразли”, “шахсий моддий талабларни қондирувчи” сифатидаги эгоистик муносабат кенг тарқалган. Эркаклар эса ўз аёлларига оиланинг хизматкори, унинг юмушларини бажарувчи, барчага бўйсунуши лозим бир жиҳоз сифатида қарашади. Иккала стереотип ҳам нотўғри ҳамда ўзгариши лозим бўлган стереотиплардан ҳисобланади. На эркакка, на аёлга “ғаразли”, фақат “манфаат олиш”га йўналтирилган муносабат кўрсатиб бўлмайди. Ғаразли муносабат инсон нафсониятини ерга уради. Шу билан бирга ҳеч кимга устунлик асосида муносабат ҳам билдириб бўлмайди. Эр ва хотин муносабати раҳмдиллик, меҳр-оқибат, бир-бирини асраш тамойиллари асосига қурилмоғи лозимлиги барчага аён.

*Улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой оиладаги муносабатлар уйғунлиги ва эркак билан аёлнинг мажбуриятлари борасида ҳозир ҳам долзарб бўлган тамойилни айтиб ўтган: “Пишириб-қуйдириш, тикиб-ямаш, кир ювиш, болаларга қараш фақатгина аёлларнинг иши, буни қилиш эркакларга уят деган ғалати, илдиз отиб кетган янглиш фикрлар мавжуд. Ваҳоланки, бунинг акси уятлироқ: ҳолдан тойган, қачон қарасанг нимжон, ҳомиладор аёл зўр-базўр овқат тайёрлаётган, кир юваётган, касал боласига қараётган бир пайтда, кўпинча бекор юрган, вақтини бўлар-бўлмас ишлар билан ёхуд бутунлай бесамара ўтказаятган эркакларга уят”.*

Йигит ва қизларни замонавий билимлар асосида оилавий муносабатларга тўғри йўналтириш зарур. Оила – муқаддас даргоҳ. Шу боис, оилага муқаддас муносабатда бўлиш лозимдир. Оилавий ҳаётни тўғри ташкил қилиш ва уни зиддиятлардан асраш оиланинг барча аъзоларидан маълум тамойилларга бўйсуниб яшаш, маълум билим ва кўникмаларни қўллаш заруриятини талаб этади.



#### 6.4. Конфликтларни бартараф этишда медиация

Баъзи ҳолларда, барча уринишларингиз ва саъй-ҳаракатларингизга қарамасдан конфликт ечимини топишга ўзингизда куч ва эҳтиёж қолмагандек туюлади. Шунга қарамасдан, бу ҳолатда албатта зўравонликка эрк бериши лозим, деб ҳулоса қилишингиз нотўғри бўлади. Сизни жуда қийнаб қўйган ва ўзингизнинг кучингиз етмаётган конфликтлар вужудга келганда воситачилик йўлидан борганингиз маъқул. Воситачиликни, конфликтлар ечими назариясида медиация деб аташади.

**Воситачилик** – бу кўнгиллилик асосида махфий, яъни конфидициал тарзда учинчи, нейтрал, яъни ҳар иккала томонига ҳам ҳолис бўлган томон - яъни воситачи – даллолнинг баҳс қилаётган томонларга конфликт ечимини топишдаги ёрдами ҳисобланади. Медиатор воситачининг вазифаси – конфликт нимадан бошлангани, ким айбдор эканлиги, ким ҳақ ким ноҳақ эканлигини эмас, балки муаммони келишувга олиб келадиган йўллارни ўрганиб, уларни топишдир. Воситачи баҳслашувчи томонларга биргаликда иккала томонни ҳам қаноатлантирувчи ҳамда иккала томон ҳам ўзини ғалабага эришган деб ҳисобловчи ягона тўғри йўлни топишига ёрдам беришдан иборатдир.

**Воситачи** бу вазифани ҳар иккала томон билан мунтазам олиб бориладиган мулоқотлар орқали амалга оширади. Воситачи келишув жараёнининг ҳар иккала томон учун маъқул бўлган қонун-қоидаларини белгилаб беради, ҳар иккала томонга конфликт келиб чиқиши ва муаммолари бўйича ўзининг версиясини сўзлаб беришга имкон яратади, диққат билан ҳар икки томон сўзларини эшитади, қизиқтирган саволлар беради, келишув учун асос кидиради ҳамда ақлий ҳужум орқали ечимга келиш имкониятини топади. Воситачилик ҳар қандай конфликтлар ечимини кидириш учун қулай ва фойдали механизмдир. Воситачилик йўли билан тарихда жуда кўп халқаро, миллий, ҳуқуқий, экологик ҳамда шахсий конфликтлар ўз ечимини топган.

**Воситачилик** жараёнининг муҳим шартларидан бири воситачи шахсидир. Масалан, халқаро конфликтларда, воситачи ролидаги томон, ҳар иккала халқнинг фикри ва ўйлари, урф-одатлари, стереотип тоифалари ва хатолари билан яхши таниш бўлиш лозим. Воситачи энг аввало ҳар иккала томон ҳам тўлиқ ишонадиган, унинг холис эканлигини англайдиган одам бўлиши шарт. Келишув жараёни ҳар доим воситачи учун ғолиблик нишонаси эмас. Масалан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Жимми Картер келишув жараёнидан олдин кечган кўпдан-кўп деталларга алоҳида тўхталиб ўтган эди. Масалан: қачон ва қаерда музокаралар ўтказиш лозим; муҳокамалар махфий бўлиши керакми ёки очик тарзда ўтиши лозимми, ким асосий воситачи бўлиши лозим, кимлар муҳокамада қатнашиши керак, қандай масалалар ёзма тарзда баён этилиши лозим, қайси ёзма материалларни сақлаб қўйиш ва қайсиларидан қутулиш лозим, музокаралар натижалари қаерда ва ким томонидан эълон қилиниш лозим ва шу кабилар. Шу билан бирга ҳар қандай конфликт ечимида муҳокамага қўйилаётган масалалар тартиби келишиб олинishi зарур.

Жараённинг мураккаблигига қарамай воситачилик мўъжизалар яратади. Воситачилик жуда кўп халқаро конфликтлар ечимида қўл келган. Воситачилик сизнинг ўқув муассасангиз учун ҳам жуда фойдали бўлиши мумкин. Дунё бўйича минглаб мактабларда медиация дастурлари мавжуд. Агар Сиз ҳам ўз мактабингизда ана шундай медиация дастурига муҳтож бўлсангиз ўзингиз уни амалга оширишингиз мумкин.

Медиация – воситачиликнинг асосий қоидалари:

1. Конфликт ечимини қидиришга хоҳиш ва ирода;
2. Фақат ҳақиқатни сўзлаш;
3. Гапни бўлмасдан эшитиш;
4. Бировнинг нуқтаи назарига ҳурмат эътибор, ҳеч қачон уни ерга урмаслик;
5. Икки томонлама шартноманинг қарорларини амалга ошириш учун мажбуриятни ўз зиммасига олиш.

Медиация (воситачиликнинг) беш асосий устунликлари:

1. Келишув жараёнида Сизни ҳеч ким ҳафа қилишга, нафсониятингизга тегишга ҳаракат қилмайди. Воситачилик сизнинг ҳавфсизлигингиз ва дўстона музокаралар жараёнининг гаровидир.

2. Воситачилик мутлако маҳфий жараён. Агар сиз ўзингизни номақбул тутсангиз ҳам, сизнинг ҳаракатларингиздан ҳеч ким хабар топмайди.

3. Сиз ҳақиқатдан ҳам у ё бу нарсаларни ўрганишингиз мумкин. Муҳокама жараёни Сизга қарши томоннинг фикр-ўйларини тушунишга, англашга имкон яратади. Сиз қарши томонни душман тараф сифатида эмас, балки инсон сифатида қабул қила бошлайсиз.

4. Воситачилик эркин фаолиятдир.

5. Воситачилик албатта зарурий эҳтиёж бўлиб, унда ҳеч ким нима қилиш лозимлигини айтмайди. Чунки, сиз ва оппонентингиз ҳар бир қарорни ўзларингиз ишлаб чиқасиз ва ўзинг унга розилик билдирасиз. Ҳар бир ечим бу сизнинг ва фақат сизнинг қарорингиздир.

### **6.5. Педагогик конфликтларни баргараф этишда “Ғолиблик стратегияси”**

Нима учун конфликтлар ечимини ўрганиш лозим? Чунки, бу билимлар ҳаётий заруратдир. Агар тинч, осуда ҳаёт кечиришни хоҳласангиз, конфликтлар ечимини ўрганиш зарур. Бу билим ва малакалар сизнинг муваффақият ва ютуқларингиз, сизнинг равнақингиз гаровидир. Конфликтлар ечимини топа билиш – бу икки қарама-қарши томонларнинг ғолиблиги асосидаги энг осон келишув йўлидир. Конфликтлар ечими – энг ижобий ва яхши муносабатларни шакллантира билиш, улар мунтазамлигини сақлаш истеъдодидир.

Аmmo ғолиб-ғолиб йўналишида ишлаш, уни таъминлаш ҳамда икки томонни ғолиб-ғолиб шарт-шароитларига олиб келиш осон иш эмас. Бу билим ва малакалар инсонда тарбияланган ва ёшлиқдан унинг психологик ва эмоционал, этик ва эстетик қадриятлари тизимига, тафаккурига сингдирилган бўлиши керак. Агар бу билим, кўникма ва малакалар тарбияланган бўлса, конфликтни сезган заҳоти, унинг қандай ривожланиб келаётганлигини таҳлил этиш, унинг

ривожига қарши маълум чоралар кўриш, унинг “оловини” ўчириш имкониятларини ишга солиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, кўпчилик ҳолларда биз конфликтнинг келиб чиқиши мумкинлигини сезсак ҳам, унинг олдини олиш чораларини кўришда “безътиборлилик”, “эринчқлик” қиламиз ва одатдаги кундалик ишлар гирдобида унинг чуқурлашиб кетганлигини фақат кузатиб борамиз холос.

Одамларнинг идрок қилиш қобилияти турличадир. Инсоннинг идроки, яъни унинг нарсаларга қараб уларни англаши кўп объектив ва субъектив факторларга боғлиқ бўлади. Тажриба, маънавий кадриятлар, ҳис-туйғулар, психология, шахс тафаккури, улар эҳтиёжлари ана шундай факторлардандир. Мана шу идрок қилишдаги фарқлар конфликтга олиб келиши мумкин. Кўпчилигимиз ҳаётимиз давомида ўзимизни баъзи анъанавий ва жамият томонидан қабул қилинган талаблар асосида чегаралашга ҳаракат қиламиз. Конфликт ечимида ана шундай чегара «ғолиб-мағлуб» стратегик усулига тенг келади. “Ғолиб-Мағлуб” ҳолати бизнинг онгимизга ўрнашиб қолган нотўғри тамойилдир. Яъни зиддиятга қираётганда биз “Ғолиб-Ғолиб” стратегияси мавжудлигини билмасак, ундан беҳабар бўлсак, бизнинг онгимизда мавжуд стереотипи ишлай бошлайди, бу стереотипи эса – мен албатта ғолиб чиқишим керак, оппонентимга кескин “қаршилиқ” кўрсатишим керак, деган нотўғри тафаккурга асосланган бўлади. Бунинг мазмуни шундаки, конфликт ечимини қидирганда биз фақат шу чегара доирасида фикр юритиб, янги усулларга йўл бермаймиз. Шу боис, конфликт ечимида «Ғолиб-Ғолиб» стратегиясига етишиш учун янгича қараш, ижодий ёндошиш, ҳар турли вариантларни кўриб чиқиш талаб қилинади. Бу мақсадга етишиш учун эса биз ўз дунёқарашимизни ўзгартиришимиз лозим. Шу боис, биз “Ғолиб-Ғолиб” стратегияси учун куйидаги тамойилларни сизларга тавсия этамиз.

## **“Ғолиб-Ғолиб” стратегиясига амал қилиш учун нима ҳаракатлар қилмоқ керак?**

**Биринчи қадам:** оппонентингиз нимани истайди ва нима учун айнан шуни истайди, билиб олинг.

**Иккинчи қадам:** сизинг ва оппонентингизнинг фикридаги қарама-қаршиликда баъзи бир умумий томонлар, уларни ўхшаш қилиб турган нуқталар мавжудми, шуни аниқланг.

**Учинчи қадам:** сизинг ва оппонентингизнинг муаммога қаратилган ечим вариантлари қандай, аниқланг.

**Туртинчи қадам:** конфликт муҳокамасини ҳамкорликда амалга оширинг. Сиз ўзингизча, оппонентингиз ўзича вариантларни ўйласа, орангизда яна узилиш бўлади. Жараён биргаликда ҳаракат қилиш асосида ташкил қилинса, орада ишонч ва ҳамкорлик юзага келади. Сиз эса ўз оппонентингизга қарши томон сифатида эмас, балки ҳамкор сифатида қараётганлигингизни кўрсатинг. Ҳамкорлик йўли ҳар доим бирга сайи-ҳаракат қилиш йўли бўлиб, томонлар муносабатини яқинлаштиришга ёрдам беради.

Конфликт жараёнида томонлар музокарасини ташкил қилганда, ўз сўзингизни куйидаги жумлалар билан бошлашингиз яхши натижа беради: “Мен иккаламиз учун ҳам адолатли ечим топиш тарафдориман”, “Келинг, қарайликчи, иккаламизни ҳам қониқтирадиган, иккаламиз учун ҳам муҳим бўла оладиган йўл бормикан”, “Мен бу ерга иккаламизга муҳим бўлган муаммони ечишга келдим, фақат ўзимнинг муаммоим эмас, сизинг муаммоингиз ҳам ўз ечимини топиши тарафдориман”.

Ундан сўнг, иккала томон учун муҳим бўлган муаммонинг ички моҳиятини англашга, уни чегаралаб олишга йўналтирилган саволлар беринг, масалан, “Нима учун сизга айнан бу қарор энг яхши йўл деб кўриняпти?”, “Нима учун сиз айнан шуни таклиф этяпсиз?”, “Шу ҳолатда сиз учун муҳим бўлган нарсалар нимада?”, “Масалан, сиз айтган гап ҳал бўлди, дейлик, кейинчи...?”. бу саволлар билан сиз ўз оппонентингизнинг фикрлаш жараёнига, яъни унинг мақсадларига аниқроқ кириб борасиз. Уни тушунишингиз осонлашади. Унинг мақсадлари сизга ойдинлашади. Сиз оппонентингиздан ахборот ола

бошлайсиз. Бу ахборотлар эса ҳамкорликда масала ечимини топишга кўмаклашади. Бировни эшитмасдан, англамасдан туриб, конфликтни ечиб бўлмайди. Шу билан бирга орадаги ўрнатилган ҳамкорлик фаолиятдан ҳам сиз фойдаланиб қоласиз. Ўрни келганида ўзингизни қизиқтирган ўринларни ҳам таъкидлашга имкон яратилади.

Ғолиб-ғолиб йўналиши учун тавсиялар:

- барча иштирокчилар мақсад ва манфаатларни белгиланг;
- уларни қониқтиришга сайи-ҳаракат қилинг;
- бошқалар кадриятлари ва манфаатларини ўзингизникидек қабул қилишга уриниб кўринг;
- объектив бўлишга ҳаракат қилинг, муаммога шахсдан ажраган ҳолда муносабат билдириг;
- муаммога ижодий ёндошинг, ноординар қарорлар топишга урининг;
- муаммога бешавқат бўлинг, одамларни авайланг, уларга шавқатли бўлинг.

Аслида, конфликтнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари, фаол яшаш кўникмаларини талаб этади. Агар сиз конфликт шароитида одатдаги стереотипфалар асосида фикр юритсангиз, демак, сизнинг тафаккурингизда унинг ечимига қаратилган илмий-назарий ва замонавий билимлар тарбияланмаган. Кўп ҳолларда шундай бўлади, чунки конфликтология янги ривожланиб, ўсиб ва кенгайиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Конфликтга муносабат масаласида кўпчилик онгига ўрнашиб қолган қатъий, аммо нотўғри, амалий бўлмаган усулларни қўллайди.

*Конфликт билан тўқнашганда кўпчилик куйидаги стереотипфалар асосида ҳаракат қилади:*

**Конфликтдан қочиш.** Агар сиз конфликтдан қочиш стереотипфайни танлашга мойиллик кўрсатсангиз, сиз ўзингизда унинг кейинги ривожига фаол таъсир кўрсатиш, унинг ечимини ўзингиз учун қулай ва зарур мақсадларда ҳал этиш имкониятини бой берган бўласиз. Аммо баъзан конфликтдан қочиш жисмоний тўқнашув, зўравонлик ва куч ишлатишнинг олдини олган бўлади. Конфликтли вазиятдан қочиш агар мана шу конфликт айнан сизнинг

шахсий манфаатларингизга қарши қаратилмаган бўлса, ўйланган ва тўғри ташланган қадамлардан бўлиши мумкин. Бу ҳолда унинг ҳар қандай ечими – сизнинг ҳаётингизга таъсир ўтказмайди. Аммо, конфликтдан қочиб, сиз ўз дўстларингиз ва яқинларингизга кўмак беришдан воз кечган бўласиз. Баъзи ҳолларда конфликтдан қочиш тактикаси атайлаб, ўз оппонентини жазолаш, унинг “ақлини” киритиб қўйиш, “қани нима ҳам қила оларди?” қабилда иш тутиш мақсадлари асосида қилинган бўлади. Бундай ҳол, сизнинг инсон сифатида одамлар томонидан ижобий қабул қилинишингиз учун ҳеч ҳам ёрдам бермайди ва муҳими, ораларингиздаги зиддиятни ечиб ҳам бермайди. Бу ҳол ўз оппонентингизни конфликтга бўлган муносабатини ҳам ойдинлаштирмайди, балки мураккаблаштиради. Куйидаги амаллар сизнинг конфликтдан қочиш тактикасини қўллаётган эканлигингизни англатади:

- гаплашмаслик;
- атайлаб кўрсатиб, жаҳл билан бошқа жойга кетиш;
- бўлганлигини кўрсатиб, бошқа уйга чиқиб кетиш;
- “яширинган”, узок вақт давомида ҳис қилинган қаҳр ва ғазаб;
- депрессия;
- ўз оппонентини очикчасига тан олмаслик (игнорирование);
- одамлар орқасидан мазаҳ қилиш ва гапириш;
- яқинларингиз билан фақат иш юзасидан гаплашиш;
- индифферент муносабат;
- уришиб қолган томон билан умуман, на дўстона, на қариндошлик, на иш юзасидан муомала қилмаслик, муносабатларни батамом узиш.

**Конфликтга майин босим ўтказиш.** Агар уришган, жанжаллашган, яъни конфликт вазиятига кирган одам бизга қадрли бўлса, кўпинча мана шу йўл танланади. Бизнинг онгимиз ўзаро зиддият мавжудлигини тан олгиси келмайди, чунки бу одам бизга яқин. Бизнинг бу одамга нисбатан ижобий ички эмоционал-руҳий ҳолатимиз зиддиятнинг чуқурлашиб кетишидан бизни табиий ва инстинктив тарзда ҳимоя қилишга ўтади. Биз нима бўлса ҳам яхши муносабатларни сақлаб қолиш йўлидан кетамиз. Бу йўл ўзини икки

ҳолатда оклайди, биринчиси, агар муҳим бўлмаган нарсалар устида конфронтациянинг кучайиб кетиши, бизга яқинларнинг кучли стресс олиши кузатилса, иккинчидан, оппонент сўзларимиз ва аргументларимизни тинглашга тайёр бўлмаса, ўзини очик мулоқотдан олиб қочса. Бу вазиятларнинг ҳар бирида ҳам танланган тактика аста-секин зиддиятни ўз-ўзидан кескинликдан олиб чиқиб кетиши мумкин. Чунки биз дўстона ва илиқ муносабатдан воз кечмаган бўламиз.

Аммо конфликтга нисбатан майин босим ўтказиш уни келтириб чиқарган муаммолар йўқ бўлди дегани эмас. Агар очик мулоқот бўлмаса, сизнинг оппонентингиз қалбингизда бўлаётган эмоцияларни билмай қолаверади. Натижада, у ногўғри хулосаларга келиши табиий. Агар у нимадир одатдагидай эмаслигини сезса ҳам, айнан бу “нима” – нимада эканлигини билмай қолаверади. Муносабатлардаги “танглик” йўқолмайди, балки кўнгилларнинг ич-ичига сингиб кетади.

**Майин босим ўтказиш куйидагиларда ўзини намоён этади:**

- сиз ўзингизни “ҳамма нарса одатдагидек” қабилида тутасиз;
- ҳеч нарса бўлмагандек ўз муносабатларингизни давом эттираверасиз;
- тинчлик ва осудаликни сақлаш учун, бўлаётган вазиятга бепарво бўласиз;
- ўзингизни жаҳл ва газабни ҳис қилганингиз учун койийсиз;
- бутун маҳоратингизни ишга солиб, фақат илиқ муомалага ўтиб оласиз;
- аввал “жим” бўласиз, аммо кўнглингизда маълум истиқбол режалар тузасиз;
- ҳамма негатив эмоцияларингизни босасиз, улардан фойдаланмасликка ҳаракат қиласиз.

Шундай қилиб, конфликтнинг ечимини топиш усуллари мавжуд, уларни билиш керак ва уларни реал ҳаётда қўлаш зарур. Конфликтларнинг “голиб-голиб” усули ҳар икки томоннинг манфаатларини сақлаб қолишга қаратилган йўлдир. Демак, мазкур параграфда кўриб чиққан масалалар асосида “Конфликта ким ютиб чиқади?” деган саволни “Конфликта ҳамма ютиб чиқиш имконияти



мавжуд-ми?” саволи билан ўзгартириш лозим. Чунки, ҳақиқатан ҳам зиддиятли вазиятда барча иштирок этувчи томонлар ғолиб бўла олади. Конфликтлар ечими айнан Ғолиб бўла олиш қонуниятларини ўргатади. Бунинг учун “Ғолиблик стратегияси”ни қўллаш лозим:

- ғолиб бўлишликнинг биринчи талаби ўз оппонентига қарши кураш эмас, балки унинг мақсадлари ва манфаатларини тушунишга ҳаракат қилишдир;
- норозилликка розилик амалларини қўллаш;
- бошқаларнинг фикрлари, қарашлари ва хулосалари бизникдан ўзгачароқ бўлиши мумкинлигини тушуниш ва қабул қилиш;
- очиқ самимий мулоқотга тайёрлик;
- бировларнинг ҳис-туйғулари ва эмоцияларини ҳурматлаш;
- бошқаларнинг манфаатларини аниқ белгилашга ҳаракат қилиш;
- манфаатлар орасидаги уйғунлик асосида ягона стратегияни ишлаб чиқиш.

Конфликтли вазиятлардаги стереотип ҳаракатлар ўзини конфликтдан қочиш ва унга майин босим ўтказишда намоён бўлади. Аммо бу сайи-ҳаракатлар конфликтни тўла ечиб бермайди ва томонлар орасидаги муаммони ҳам ҳал эта олмайди. Фақат ўзаро умумий келишув асосида томонларнинг бир мақсад сари самимий интилиши, бутун куч ва диққатни қарши томон шахсиятига эмас, балки конфликтни келтириб чиқарган муаммога қаратиш зиддиятнинг тўла ва ҳақиқий ечими учун асос бўла олади. Конфликт ечимига тўғри муносабатни шакллантириш масаласида шунини билиш ва риоя этиш зарурки, зиддиятда ҳар икки томон ҳам ғолиб бўлиши мумкин. Ҳар икки томоннинг ғолиблиги конфликтнинг тўғри ҳал қилинганлигини намоён қилади, аммо мана шу ғолиблик ортида ҳар икки томоннинг меҳнати, сайи-ҳаракатлари, иродаси ва интилиши ётганлигини ҳам билиш, ғолиблик ўз-ўзидан келиб чиқмаслигини англаш зарур.

## 6.6. Педагогик низоларни бошқариш ва уларни бартараф қилиш усуллари

Низоли вазиятларни бошқаришнинг бир қатор самарали усуллари мавжуд. Уларни қуйидаги икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин. Улар қуйидагилар: таркибий – ташкилий усуллар ва стратегик усуллардир. Ўз навбатида таркибий – ташкилий усуллар тўрт усулдан иборатдир: булар

- Ўқишга бўлган талабни тушунтириш;
- Мувофиқлаштириш ва интеграциялаш;
- Умумташкилий комплекс мақсадлар;
- Рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

Стратегик усуллар эса ўз навбатида беш усулдан ташкил топган бўлиб булар қуйидагилардан иборатдир:

- Узоқлашиш;
- Силлиқлашиш;
- Мажбурлаш;
- Келишув;
- Муаммони ҳал қилиш усуллари.

Таъкидлаганимиздек, педагог низоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини фақат ўқувчилар ҳаракатларидаги тафовутлардан деб билмасликлари керак. Албатта, бу ҳам қандайдир аниқ ҳолатда низоли вазиятнинг вужудга келишида муҳим омил вазифасини бажариши мумкин. Аммо у таъсир этувчи омилларнинг фақат биттасидир. Шу сабабли, педагог, энг аввало низони келтириб чиқарувчи омилларнинг таҳлилини қилиши, сўнгра эса у ёки бу усулни қўллаш бўйича қарор қабул қилиши керак.

Таркибий-ташкилий усулларига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин.

**Ўқишга бўлган талабни тушунтириш усули.** Бу усул дисфункционал усулга мутлақо зид бўлиб, бунда ҳар бир ўқувчи ва гуруҳлардан қандай натижа кутилиши тушунтирилади. Бу ерда уларга қуйидагилар эслатилади:

- *эришиши лозим бўлган натижа қўлами;*

- *вазифаларни қай тартибда топиради ва ким уни қабул қилади;*

- *масъулият, жавобгарлик ва ҳуқуқ тизими;*

- *аниқ сийёсат, тартиб-қоидалар ва ҳоказолар.*

Педагог бу масалаларни ўзи учун аниқлаштириш мақсадида эмас, балки ҳар бир вазиятда, ҳар бир ўқувчи ва гуруҳ қай тарзда йўл тутишини, уларни нима кутишини тушунтириб бермоғи лозим.

**Мувофиқлаштириш ва интеграциялаш усули.** Бу усул *огзаки буйруқ занжир*и деб юритилади.

Таълим жараёнида ўқувчи бурчлари иерархиясини, яъни билим даражасига кўра даражама-даража бевосита ёрдам бериш ёки консултациялар ташкил этиш, билим савиясини тартибини ўрнатиш ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракатларини, таълим жараёнига боғлиқ ахборотлар оқимини, қарорлар қабул қилишни тартибга туширади, мувофиқлаштиради.

Агар икки ёки ундан кўпроқ ўқувчилар ўртасида у ёки бу вазифа юзасидан қарама-қаршилик, келишмовчилик чиқиб қоладиган бўлса, бундай ихтилофни уларнинг шу соҳадаги ўқитувчига айттириб ҳал қилиш мумкин. Бу ерда яқка ҳокимлик принципи жуда ҳам қўл келади.

Мақсадли гуруҳлар ва йўналишлараро мажлисларни **интеграциялаш** ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

**Умумташкилий (комплекс) мақсадлар.** Бу усулнинг моҳияти — барча қатнашчиларнинг ҳаракатини, бутун кучини бош мақсаднинг амалга ошишига сафарбар қилиш.

**Рағбатлантиришнинг таркибий тизими.** Дисфункционал оқибатлардан ҳоли бўлиш ҳамда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларига ижобий таъсир ўтказиш туфайли, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва уларни бошқариш учун рағбатлантириш тизими кенг қўлланилади. Таълим жараёнида эришган ютуқлари, ташкилий ишларда жонбозлик кўрсатган, муаммонинг ечимига комплекс ёндошиб ён атрофдагиларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилганлар албатта:

- *ташаккурнома;*

- *мукофот*;
- *мақтов ёрлиги кабилар билан тақдирланишлари лозим*.

Бу ўринда фақат рағбатлантириш эмас, балки ғайри қонуний йўл тутган, ёки таълим муассаси манфаатига зид хатти-ҳаракат қилган ўқитувчи ва ўқувчиларга тегишли жазоларни белгилаш ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини таъкидламоқ жоиздир.

Низоли вазиятларнинг олдини олиш ёки зиддиятни юмшатишнинг бешта стратегик усули маълум.

**Узоқланиш.** Малакали ва тажрибали педагог жанжалдан узоқлашишга ҳаракат қилади. Келишмовчилик авжига чиқганда у муҳокамага қатнашмайди. Бундай усул низоли вазиятнинг ечилишига манфаатдор бўлмаган ва ўзаро муносабатларнинг зоҳирий яхшилигича қолишини исташган ҳолларда томонлар тарафидан қўлланилади. Бундай ҳолатли зиддият ҳали етилмаган ёки зиддиятга чиқувчиларнинг билим даражалари узоқ бўлган ҳолларда кузатилади.

Агар низонинг субъектив сабаблар туфайли бўлган бўлса, у ҳолда узоқлашиш стратегияси маъқул стратегиядир. Чунки у томонларга тинчланишга, вазият устида яна бир бор фикр-мулоҳаза юритиб, фаҳм-фаросат ила англаб олиш, оқибатда эса қарама-қаршиликка боришга, уни давом эттиришга ҳеч қандай асос йўқ деган хулосага келишига имкон беради. Агар зиддият объектив сабаблар туфайли юзага келган бўлса, узоқлашиш стратегияси ҳар иккала томонни мағлубиятга олиб боради. Чунки узоқлашиш даврида вақт чўзилади, низоли вазиятни чақирувчи сабаблар чуқурлашади, қисқаси *"яра гасак"* олади.

**Силлиқлашиш.** Бу усул ўқувчиларни яхшиликка ундаш йўли билан низоли бартараф қилишга қаратилган. Зиддиятли вазиятда ўқитувчи ва ўқувчи бир-бири билан хушмуомалали бўлишга, арзимаган нарсага аччиқланиш, умуман, бир вақтнинг ўзида бирга сузаётган қайиқни *"қалтис тебратиш"* ярамаслигига чақиришади.

**Мажбурлаш** – бу ўқитувчи ўқувчига хоҳиш-иродасини, сўзини мажбуран, зўрлаб қабул қилдиришдир. Сўзини ўтказмоқчи бўлган ўқитувчи ўқувчининг фикри билан қизиқмайди, уни инкор этади.

Бундай стратегияни қўллайдиган педагог тажаввузкорлик билан ўз хохишини ўқувчига мажбурлаб ўтказди. Бу усулни кўпроқ педагог таълим олиш жараёнида суст қатнашадиганларга нисбатан қўллашади.

Мажбурлаш стратегияси ташаббусни бугади, таълим жараёнида *"руҳий иқлим"* нинг беқарорлигига олиб келади. Айниқса, бу усул юқори катгароқ ўқувчиларга, нисбатан ёш ўқувчиларда нафрат уйғотади.

**Келишув.** Низоли ҳолатдан муваффақиятли чиқишнинг энг муҳим шarti — бу мурасага кела олишдир. Келишув билан юз берган низоларни ҳал этиш, бу юқори баҳоланувчи стратегик усул бўлиб, бунда иккала томонни қаноатлантирувчи ечимга келинади.

**Муаммони ҳал қилиш.** Бу усул барча педагог ва ўқувчини қаноатлантирувчи ечимни топиш учун низони чақирувчи сабабларни чуқур таҳлил қилиш ва барчанинг фикрларини инобатга олишга асосланади. Бу усул тарафдорлари ўз мақсадига бошқалар мақсади орқали эмас, балки педагогик низонинг энг оқилона ечимини топиш эвазига эришишни хоҳлайдилар.

Таълим муассасида педагог ва ўқувчилар ўртасида юзага келувчи низо *"бутун жамоага"* эмас, балки *"танланган"* одамларгагина ёмон таъсир этиши мумкин. Бундай низони бир йўла, катта ҳажмда уддалаш, бартараф этиш мумкин эмас. Бу низони бартараф этишда педагог оқиллиги, адолатлилиги, маданий савияси билан ҳамкорликка интилиши керак. Яъни, ушбу низоли вазиятда мавқеида эмас, балки тэнг ҳуқуқийлик асосида ечимни топиши лозим. Масалан, бу жараёнда қуйидагилар жуда ҳам муҳимдир: ўқувчи ёки ўқитувчини тан олиши; гапни бўлмастини тинглаш; ўзга киши сифатида тушуна олишни намойиш қилиш; низо жараёнидаги ҳолатни ўзга педагог ёки ўқувчи қандай қабул қилиши (тушуниши)ни англаш; муҳокама қилинаётган мавзунини аниқ тасаввур қилиш; мавзуга нисбатан умумий қарашларни ҳосил қилиш; мураса қилинаётган оқибатни аниқлаш; низо мазмунини ёзиб чиқиш (таҳлил) қилиш; низони бартараф этиш учун ҳамкорликда ягона йўл танлаш; ҳамкорликда умумий хулоса

(мураса)га келиш. Бундай йўл машаққатли, ammo оқилона йўлдир. Бунинг учун тажриба керак.

Ҳозирги шароитда ўқитувчи фақат ўз соҳасини яхши билибгина колмай, балки яхши ташкилотчи, руҳшунос (психолог) ва тарбиячи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи социология, психология, педагогика, касбий этика фанларини мустақил эгаллаши керак.

Гуруҳ аъзоларига, ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топа билиш ўқитувчининг иш фаолиятида асосий аҳамиятга эга. Буни билган ўқитувчи ўз жамоаси ичида таълим жараёнида вужудга келадиган ҳар хил низоларни ўқувчи билан, гуруҳ ўқувчилари билан бирга, юқоридагиларга чиқармасдан ўзида ҳал қилишга қодир бўлади.

Бундай ўқитувчи ўз ишини тўғри ташкил қилади, гуруҳ олдига қўйилган мақсад ва режа топшириқларини ўз вақтида муваффақиятли бажаради. Ҳар бир низоли вазиятни педагог босиқ, ҳовлиқмасдан ҳал этиши керак.

## **6.7. Зиддиятлар ечимида адолатпарварлик мезонлари**

Конфликтлар – табиий ҳаётини воқелик эканлигини биз энди биламиз. Бундай билимлардан сўнг ўз ҳаётимиздаги тинчлик ва осойишталик учун бизнинг масъулиятимиз ортади. Чунки тинчлик ва осойишталик ҳар доим ҳам ўзича давом этавермайди. Ҳар бир жойда тинчлик ва осойишталикни таъминлай олиш зарур. Конфликтли вазиятлар эса мана шу осойишталик тизимини бузади.



Кўпчилик ҳолларда конфликт зўравонликнинг қўлланишига олиб келади. Бироқ, зўравонлик – одатдаги ҳаётини воқеа эмас. Конфликтда зўравонликнинг қўлланилиши бу зиддиятнинг ниҳоят даражада эскалация ва агрессияга олиб келиш натижаси ҳисобланади. Ҳар қандай конфликтли вазиятнинг олдини олса бўлади. Афсуски,

кўп ҳолларда конфликтларни тинч йўл билан ҳал этиш имконияти бой берилади.

Бундай ахволдан қандай чиқиб кетиш керак?! Бу ҳолда «Адолатпарварлик мезонлари» бизга қўл келади ҳамда конфликтни зўравонликсиз ва куч ишлатмасдан муваффақиятли ҳал этишга имкон яратади. «Адолатпарварлик мезонларини» қўллаш, ҳеч ким мағлуб эмаслигини, балки барча ғолиб бўлиб қолишини исботлайди. Конфликтлар ечимида қўлланиладиган адолатпарварлик мезонлари, яъни қоидалари куйидагилардан иборат:

*1. Муаммони аниқлаш.* Муаммо – нима? Муаммонинг ички мазмунини англашга ҳаракат қилинг. Муаммо чегараларини белгилашда ҳолис ҳамда виждонли бўлинг. Муаммони аввал ўзингиз аниқ идрок этиб олишга ҳаракат қилинг. Муаммони англаш жараёнида сабрли ва босиқ ҳаракат олиб боринг. Конфликтли жараёндаги ҳақиқатни англашга сайи-ҳаракат қилинг. Ўзингизнинг ҳиссиётларингиз ҳамда бошқаларнинг сўзлари, уларнинг эмоцияларига ҳам диққат-эътиборли бўлинг. Муаммони қандай қабул қилаётганлигингизни тўғри ва аниқ англаб етинг. Муаммони умумлаштиринг, уни маълум миқдорда хулосалашга эришинг. Фикрларингизни умумлаштирувчи ва яқинлаштирувчи ўринларни топиб, умумкелишув йўлида улардан тўғри фойдаланинг. Муаммони рўкач қилманг. Оппонентингизга ҳам муаммони ўзи англаб етиши учун имкон беринг. У ҳам сиз англаб етган муаммони сизнинг даражангизга яқин даражада ҳис қилишини кутинг. Муаммони иккалангиз қандай кўраётганлигингиз ҳақида сабр билан суҳбат ва мушоҳада қилинг. Муаммони англашда сизларнинг фикрингизни умумлаштирувчи хусусиятлар ва белгиларни аниқлаб, белгилаб олинг. Оппонентиз билан ўз диққатингиз ва эътиборингизни айнан муаммога қаратишга келишиб олинг. Оппонентингиз бирор нарсани тез англаб етмаса, уни шошилтирманг. Унинг мушаҳадага, хулосага етиши учун имкон беринг. Конфликт - муаммо мавжудлиги учун келиб чиқаётганлигини ўзингиз қабул қилинг ҳамда ўз диққатингизни муаммога қаратинг. Конфликтнинг келиб чиқишида муаммо роль

Ўйнашини эсингиздан чиқарманг. Энг муҳими – диққат ва энергияни ўзга шахсга қарши эмас, балки муаммога қаратиш.

**2. Муаммода фикрни жамлаш.** Муаммо – конфликт, яъни келишмовчиликнинг юзага келиши учун сабаб бўлган вазият, ҳодиса, воқеа ҳисобланади. Мана шу вазият, ҳодиса, воқеа ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Унинг сабаблари мавжуд. Сизларни тўқнаштирган нарса худди шу вазият, ҳодиса ва воқеадаги мақсадларингиз, манфаатларнинг тўқнашуви ҳисобланади. Муаммони юзага келтиришда роль ўйнаган сиз ва оппонентингизнинг мақсадларини бир-бирига солиштириш орқали, улардаги умумий ва қарама-қарши томонларни белгиланг. Аммо бу жараёнда, шу билан бирга умуман конфликт ечимида, қўллаш мумкин бўлмаган қоидалар мавжуд.

**Улар:**

- зиддият баҳонасида оппонентингиз билан умр бўйи бўлиб ўтган барча низоларни санаб чиқиш, уларни улар келиб чиққан пайтда эмас, айнан янгитдан вужудга келган зиддиятли вазиятга қўллаш, эсга олиш ва оппонентингизни аввалги айблари учун жазолашга интилиш – **мумкин эмас!** Шунингдек, “у сизни қачон беҳурмат қилган-у, қачон сизга бошқача кўз билан қараган”, яъни барча низолар тарихини дoston қилиш, ҳиссиётларга берилиб кетиш, бутун ҳаётингиз давомида оппонентингиз билан бўлиб ўтган барча низоларни қайта таҳлил қилишга уриниш – **мумкин эмас!** Конфликт жараёнида “Сен ҳар доим менга шундай муносабатда бўлгансан, бир йил аввал бу қилгансан, икки йил аввал бошқа нарса қилгансан...” қабилида низолар тарихига муккасидан кетиш, уларни доимий ёдда сақлашга уриниш, ҳар гал низо чиққанида уларни атайлаб эсга солиш – **мутлақо мумкин эмас!** Оппонентингизга доимий таъна қилиш, муҳокама этилган ва авваллари кечиримлар билан тугалланган конфликт вазиятларни ҳам эсдан чиқармасдан, уларни ўз психологик-руҳий ҳолатининг муҳим “юки” сифатида асраб-авайлаб юриш – **бу ҳам мутлақо мумкин эмас!** Шу билан бирга, эътиборни муаммога эмас, балки ўз ҳиссиётлари ва улардан қолган ҳафагарчиликка қаратиш – **мутлақо мумкин эмас!**



Конфликтдан чиқиб кетиш аввало инсон ўзининг эмоционал-психологик ҳолатини покиза тутиши ва озода қилишдан бошланиши лозим. Агар сиз ўзингизнинг конфликтга бўлган муносабатингизни тарихий ҳодисалар ва зиддиятлар гирдобида бошласангиз ва уларга суянсангиз ҳеч вақт зиддиятни муваффақиятли еча олмайсиз. Ўзига ва ўзгаларга кечиримли, ҳақиқий кечиримли бўла олиш – зиддиятлар ечимига қаратилган қадамлардан бири ҳисобланади. Демак, биринчидан, аниқ конфликт даврида аввалги конфликтларни янги конфликтга қўшиб бўлмайди, иккинчидан, зиддиятлар тарихини кўзгаб бўлмайди. Чунки оппонентингиз ҳам худди шу йўлдан кетиши мумкин. Олдин ўтган зиддиятларни эслаш йўлидан эмас, балки муаммони аниқлаш йўлидан кетган маъқул.

Конфликт шароитида, унинг келиб чиқишида, умуман унинг ривожида ким кўпроқ айбдор эканлигига бор кучни бериш мумкин эмас. Умуман конфликт вазиятда ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини аниқлаш – конфликтни туپикка киритиш усули ҳисобланади. Чунки ҳар бир одамнинг ўз ҳақиқати мавжуд бўлади. Шу боис, зиддиятни ечиш – ким айбдор эканлигини қидириш эмас. **Конфликт ечимини қидириш – зиддиятдаги айбдор инсонни топиш ва уни жазолаш ҳам эмас!** Чунки конфликтларда одатда барча ўзини ноанъанавий тутиши мумкин. Ҳамма ҳам ғазабга кириши, ўзини ҳимоялаш, ёки дағдаға учун қўпол сўзларни ишлатиши мумкин. Ёки агрессия билан дуч келганда инсон фақат ўзини ҳимоя қилиш йўлига ўтиб олиши мумкин. **Конфликтларда айбдор шахс бўлмайди!** Конфликтларда икки қарама-қарши манфаат бўлади холос.

➤ конфликтларда икки қарама-қарши инсон ҳам асли бўлмайди, чунки конфликтда инсонлар қарама-қаршилиги аслида манфаатлар қарама-қаршилиги мавжудлигини кўрсатади, уни ойдинлаштиради холос. Шу боис, агар сиз зиддиятда оппонент шахсни айбласангиз, диққатингизни конфликтни келтириб чиқарган муаммога эмас, балки шахсга йўналтирган бўласиз. Сиз конфликт ечимини эмас, балки айбдор шахсни қидираётган бўласиз. Сиз учун бировни жазолаш, айбига иқрор қилдириш муҳим, аслида ҳақиқат эса бошқа тарафда бўлиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга, сиз бошқа манфаатни, яъни

Ўзингизга ёқмай турган инсонни айблаш, Ўзингизни эса оклаш йўлидан кетган бўласиз. Аслида сиз ўзингизни оклашингиз керакми? Йўқ. Чунки сиз ҳам айбдор эмассиз. Иккинчидан эса, сиз конфликт ечимидан узоқлашиб, унинг ечимини бошқа йўлдан олиб кетган бўласиз. Бир-бирини турли айбларда, қилган ишларда айблаш орқали ҳали бирор бир конфликт ечилмаган. Бу усулда, яъни **томонлар фақат бир-бирларини айблаш усулини қўллаган вақтда конфликтни келтириб чиқарган муаммо ютиб чиқади**. Чунки муаммо борасида ҳеч ким ўйламайди, муаммо эса сизнинг ва оппонентизгизнинг салбий ҳис-туйғулари ичида янада чуқурлашиб боради. *Демак, конфликт ечимида ким айбдор эканлигини қидириш мутлақо мумкин эмас. Бу нотўғри, хато бўлган йўл. Конфликтда айбдор шахслар бўлмайди.* Айбдорни қидириш – уни жазолашни талаб этади. Оппонентингизга “Сен айбдорсан” десангиз, у “Мени жазолашмоқчи” деб англаши табиий. Аммо у ўзини айбдор ҳис қилмайди-ку?! Демак, у “Нима учун мени жазолашмоқчи?!”, - деб контр-ҳужумга ўтади. *Бу ҳолатда, оппонентнинг контр-ҳужуми, аслида, ҳужум қилиш учун эмас, балки ўзини ҳимоя қилиш учун йўналтирилган бўлади.*

➤ конфликт ечимини топишда фикр ва эмоцияларни муаммога йўналтириш, вужудга келган муаммо борасида кайғуриш, бутун энергияни муаммо мазмунини белгилашга қаратиш яхши натижалар беради. Муаммо бўйича фикрлашинг, ундан четга чиқиб кетишга ўзингизга ва оппонентингизга йўл берманг. Гапларингиз ва сўзларингиз осуда, босиқ, тинч, ҳурмат ва иззат қилган ҳолда юзага чиқсин. Чунки сиз конфликтнинг келиб чиқишида қаршингизда турган инсон эмас, балки унинг манфаати ётганини биласиз. Ўйлаб кўринг, балки мана шу манфаатларда жуда кўп умумий томонлар мавжуддир. Балки оппонентингиз ўша умумий томонларни сизга билдирмоқчидир. Муаммони аниқ белгилаб олсангиз, мана шу саволларга жавоб топган бўласиз.

➤ конфликтли вазиятни манфаатлар тўқнашуви деб атадик. Шу билан бирга конфликтда ҳар икки томон ҳам ғолиб чиқиши мумкинлигини билдик. Шундай экан, ўз олдингизга конфликтда

ғолиб келиш, ютиб чиқишни мақсад қилиб қўйманг. Сизнинг мақсадингиз ўз манфаатларингиз билан оппонентингиз манфаатларини уйғунлаштиришдир, уларнинг ўхшаш томонларини топиб, сизни ҳам, уни ҳам қониқтирадиган ечимга келишдир. Сизнинг ютуғингиз унинг ютуғига тенг келган ҳолдагина сиз конфликт ечимини топган бўласиз. Яъни, конфликт вазиятдан ҳар икки томон қониққан ва тинчланган, унинг ечимидан хурсанд бўлган ҳолдагина “ғолиб-ғолиб” шароити яратилган бўлади. Шу боис, сизнинг бош мақсадингиз – конфликтнинг адолатли ечимини кидириш ва топишдан иборат бўлмоғи керак.

**3. Шахсга эмас, муаммога хужум қилиш.** Конфликт кўп ҳолларда бир-бирига яқин одамлар ўртасида содир бўлади. Танимаган одамлар ўртасидаги конфликтнинг ечимга келиши осонроқ кечади. Масалан, кўчада авария бўлиб, икки машина бир-бирига урилса, дарров ҳайдовчилар ўзаро келишишга ҳаракат қилишади. Чунки бундай зиддиятларнинг ўзаро келишилган ва халқ ичида қабул қилинган тартиблари мавжуд ҳамда уларга кўпчилик роия қилишга, мавжуд конфликтни янада чуқурлаштирмасликка ҳаракат қилади. Бегона одамлар келишув йўлидан боришади ва зиддиятда келишилган мажбуриятларни тўла бажаришга уринади. Конфликтдаги низо шартлари бажарилгандан сўнг, яна ҳар икки томон ўзаро бегоналашиб кетаверади. Зиддият уларни ўзаро муомала қилишга мажбур этади, конфликт ечимидан сўнг улар ўзини эркин, мажбуриятларсиз ҳис қилаверади.

Кўриб чиқилган мана шу вазиятда, кўпчилик, ўзининг эмоционал ҳолатини маълум тартибда ушлашга, ўзини контрол, яъни назорат қилишга ҳаракат қилади. Чунки, зиддиятда тўқнашган одамлар уларга таниш эмас. Бу эса, бир нарсани кўрсатади. Низо келиб чиққан вазиятдаги одамлар қанчалик бизга яқин бўлса, биз шунчалик ўзимизни табиий ушлаймиз, бунинг натижасида эса бизнинг ҳиссиётларимиз очиқчасига баён қилинаверади. Биз ўз ҳиссиётларимизга эрк берамиз ҳамда буни оддий ҳол деб биламиз. Чунки олдимизда турган одамлар бизга яқин одамлар. Улар бизни билади. Аслида, тескариси бўлиши керакдек. Бизга яқин одамларга

чиройли муносабат билдириш керак, ўзгаларга эга ўз эмоцияларимизни кўрсатаверсак бўладигандек. Ҳаётда эса бунинг тескариси бўлади. Биз ўз яқинларимизга бор агрессия ва нохуш ҳолатимизни бемалол тўкиб солаверамиз, четдаги танимаган одамлар билан эса “ўйлашиброқ” муомала қилишга ҳаракат қиламиз. Аммо аслида, ҳар қандай зиддият ҳолатида ўз эмоцияларини **назорат қилиш – энг тўғри йўл ҳисобланади**. Зиддиятнинг келиб чиқишида, агар сиз уни бирор бир ечимга келтирмоқчи бўлсангиз, шахсга эмас, балки муаммога ҳужум қилиш керак бўлади.

Ф. Ларошфуконинг таъкидлашича, “Одамлар ҳеч қачон мислсиз яхши ёки ҳаддан ташқари ёмон бўлмайдилар”. Уларнинг яхши ва ёмон фазилатларини намоён этувчи вазиятлар бўлади ҳолос. Мана шундай вазиятларда одам ўзини тутиши унинг маданийлик белгиси бўлади. И.Гёте эса, “Яқин кишиларимизга ўзларига муносиб муомала қилиб, биз уларни баттар бузамиз. Агар биз уларга ўзларидан кўра яхшироқ одамлар дея ёшдошсак, уларни биз янада яхшироқ бўлишга мажбур этамиз”<sup>34</sup>, деган.

Конфликт ечимининг топилмаслиги, ёки уни қандай тўхтамга келтиришни билмаслик айнан яқин бўлган одамлар орасини бузади. Бу конфликтнинг мавжуд катта вайрон этувчи кучи натижасидир. Шу боис, конфликтда ҳар доим унинг ечимини топиш йўлларини қидириш шарт! Конфликт ечимини топиш яқин одамлар муносабатини мустаҳкамлаш деганидир. Шу боис, конфликтли вазиятда муаммо ҳақидаги ўз ғояларингизни шакллантириш, уларни ҳаётга тағбиқ эта олиш муҳим аҳамият касб этади. Ғоялар қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши. Бу йўллар ичида иккила томон учун ҳам энг мақбулларини аниқлаш лозим бўлади. Муҳими, **шахсга эмас, муаммога ҳужум қилиш зарурдир**. Чунки кўпинча бу шахс сизга яқин инсон бўлиб, унинг айби исботланмаган бўлади.

**4. Фиол тинглаш малакаси. Тинглашга тайёрлик.** Конфликтли вазиятнинг ўзига хослиги ҳар иккила томон учун ҳам ҳис-туйғуларнинг беқиёс даражада ўсганлиги билан характерланади. Инсон эса энг авало ўз ҳис-туйғуларига қулоқ солишга одатланган

<sup>34</sup>Тафаккур гузашани. –Т.: Адабиёт ва санъат нашрияти. 1989. –Б. 39.

бўлади. Инсон учун, унинг ички “мени” азизроқ бўлади. Аммо ҳамма ҳам ўз хиссиётларини тўғри англайдими? Уларни тўғри “талқин” (расшифровка) қиладими? Бу – муҳим савол. Иккинчидан, конфликтдаги муаммони англаш учун фақат ўзингизнинг ўйларингиз, фикрларингиз, эмоцияларингиз, шунингдек мушоҳадаларингиз, яъни аргументларингиз етарли бўладими? Шу боис, **конфликт ечими ҳар иккала томондан фаол тинглаш, ўзгани эшитиш, унинг ўйлари, фикрлари, эмоциялари, шунингдек мушоҳадалари, яъни аргументлари қандайлигини билишни талаб этади.** Муаммони аниқ белгилаш ва унинг чегараларини кўриш учун ўз оппоненти фикр ва ўйлари, хиссиётларини тўғри белгилаш лозим. Оппонент фикрларини билиш эса фаол тинглаш, оппонент фикрларини тўғри баҳолай олиш ва талқин қилиш, оппонент қарашларини англаш орқалигина таъминланиши мумкин.

Фаол тинглаш кўникмалари ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уларни шахс ўзида тарбиялаши лозим. Фаол тинглашнинг ўз тартиб ва қонуниятлари мавжуд. Очиқ чехралик, самимийлик, мушоҳадалик, босиқлик, вазминлик, аргументларни очиқ ва асосли баён қилиш, бировни айбламай гапириш, меҳрли бўла олиш, гаплашганда четга қараб турмаслик, кўзни олиб қочмаслик, самимий ва очиқ назар билан қараш, таҳдид солувчи ҳаракатлар ва сўзлардан ўзини тийиш, мулоқотга тайёрликни кўрсатиш, сохта хушомаддан ўзини тийиш, пичинг ва истехзодан мутлақо фойдаланмаслик, бировни камситмаслик, ўзини катта олмаслик кабилар ана шундай тартиб-қоидалардан ҳисобланади.

Л.Фейербах, “Инсонни билиш учун уни севиш керак”, деб айтган. Агар оппонентингиз сизга қўпол муомала қилса ҳам, сиз унинг қўполликларига босиқлик ва ҳурмат билан муносабат билдирсангиз, унинг ўзи уялиб қолади, чунки ҳеч кимса ўзининг қалбида “мен – маданиятсизман” деб тан олгиси келмайди, ҳамма “яхши одам” бўлишга интилади. Сиз билан гаплашаётган, ўз дарду ҳасратини айтаётган одамдан юзингизни тескари қилиб, безътибор, эснаб,

юзингизни бошқа томонга буриб гаплашсангиз, бу одамни инсон ва дўст сифатида ўзингиздан узоқлаштирган бўласиз.

Баъзан одамга унинг сўзларини эшитганингизнинг ўзи кифоя қилади. Сиз унинг сўзларини диққат билан эшитганингизнинг ўзи унинг қалбидаги барча гина ва қудратларни ювиб кетади. Орадаги мавжуд эмоционал танглик ҳолати йўқотилади. Бировни эшитиш – жуда муҳим фазилат ва зарур хислатдир. Бировни эшита олиш қобилияти – инсоннинг комил шаклланганлик белгисидир. Чунки эгоист одамларгина фақат ўзига қулоқ солади. Бошқа, сизга қарама-қарши бўлган томоннинг фикрини, унинг гапларини бўлмасдан ва баҳоламасдан, шунингдек, унинг сўзларидан айб қидирмасдан, уни таҳқирламасдан диққат билан эшитиш ва тинглаш, ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қилиш конфликт ечимини топиш тартибларидан ҳисобланади. Д.И.Писарев бу ҳақида шундай деган: “Бировни тушунмоқ учун ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўрмоғинг, унинг севинчи ва дардини ҳис қилмоғинг лозим”<sup>35</sup>.

Икки томоннинг суҳбати ва мулоқоти конфликтли вазиятларда бирданига ва ўзича юзага келмайди. Музокара олиб бориш икки томондан ҳам мулоқотга тайёрликни талаб этади. Мулоқот жараёни ҳам бирданига тинч ва осуда кечмайди. Бунга ҳаракат қилмоқ ва юқоридаги талабларни бажаришга мойииллик даркор бўлади. Шу боис, лозим бўлган ўринларда, ўзингизнинг ноҳақ эканлигингизни тан олишга тайёр бўлиш керак. Чунки, конфликт ечими айёрликни кўтармайди, унинг муҳим қонуниятларидан бири – самимий ва тўғри бўлишлиқдир.

**5. Бировнинг ҳис-туйғуларига эътиборли бўлиш.** Конфликтларда манфаатлар тўқнашувидан ташқари эмоционал-ҳиссий тўқнашув ҳам юз беради. Яъни, эмоционал-ҳиссий қарама-қаршилиқ мавжуд низонинг ташқи кўриниши сифатида ўзини намоён этади. Конфликтда ҳам ўз манфаатларини ифода этиш мақсадида, ҳам ўзини ҳимоя қилиш учун ҳар бир инсон ўз ҳис-туйғуларига берилиб, эсанкираб қолиши мумкин. Эмоционал эсанкираш эса конфликт жараёнининг тўғри ва адолатли ҳал этилишига зарар етказиши

<sup>35</sup>Тафаккур гулшани. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –Б. 39.

мумкин. Шу боис, конфликтнинг ечимида бир томондан, ўзининг ҳис-туйғуларини жиловлай билиш, иккинчи томондан, ўз оппонентининг ҳис-туйғуларига эътиборли бўлиш талаб қилинади. Бировнинг ҳис-туйғулари мазкур конкрет(аниқ) шахснинг айнан конкрет шарт-шароитдаги аҳволининг намунаси сифатида баҳоланиши маълум хулосалар қилинишига ёрдам беради. Яъни, конфликтдаги ҳис-туйғулар инсоннинг бошқа инсонга йўналтирилган доимий мавжуд муносабатини эмас, балки бирданига уйғонган ва портлаш орқали ўзини ифода этаётган туйғуларини ифода этади, холос. Эмоционал портлаш - ўтиб кетади. Уларнинг ортида инсоннинг азалий, шаклланган ва ҳурматли муносабати ётган бўлиши мумкин. Шу боис, диққатни бир сонияда вужудга келиб, жўш урган эмоцияларга эмас, балки азалий мавжуд бўлган ҳурматли муносабатлар ва эмоцияларга қаратишга ҳаракат қилишга йўналтириш лозим. Ҳурмат ва эътибор ишончга олиб келишини ёдда тутиш лозим. Бировнинг ҳис-туйғуларига эътиборли бўлиш, фақат конфликт шароитига нисбатан эмас, балки умуман ҳаётдаги барча босқичларга нисбатан қатъий қоидалардан бири бўлиши лозим.

Масалан, ўз отангиз билан сиз учун муҳим бўлган масалада баҳслашиб қолдингиз. Масалан, сиз ўзингиз ёқтирган қизга уйланмоқчисиз, аммо отангиз бунга қарши. Отангиз сизни тушунишни истамайди. Орада жанжал юзага келади. Сиз жаҳл қилиб, кўчага чиқиб кетасиз. Отангиз орангизда бўлган ҳодисадан қийналиб, уйда қолади. Отангиз аслида сизга ёмонлик истамайди. Отангиз, балки сиз танлаган қизнинг қайдайлигини билса, ўз фикрини ўзгартирар. Бунга эса вақт талаб этилади. Кечкурун келсангиз, отангиз ҳафа. Аммо сиз чекинишни истамайсиз. Сиз яна унга нисбатан ўз сўзингизда қолганингизни кўрсатмоқчи бўлиб, безътибор бўласиз.

Аммо отангизнинг кечкурундаги салбий кайфияти кундузи бўлган жанжал оқибатида ўзини ёмон ҳис қила бошлагани натижаси бўлиши мумкинлигини ҳаёлга ҳам келтирмайсиз. Сиз, ўзингизни ўз бахти устида қурашаётган одам сифатида қабул қиласиз, ўз сўзингиздан қайтмаслигингиз аниқ. Аммо, бу дегани, умуман безътиборлилик



дегани эмас-ку?! Отангиз сизни хафа қилмаслик учун ўз аҳволи ҳақида сўз демайди, у индамайди, ўзини ёмон ҳис қилаётганлигини яширади. Унинг юрак хуружи оғирлашади. Сиз эса ўзингиз билан ўзингиз овора бўлиб қолаверасиз. Бундай, яқинларингиз эмоционал ҳолатига бўлган безътиборлилик жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини сиз ҳали билмайсиз.

Конфликт шароитида ҳар икки томон ҳам ишончга муҳтождир, ўзаро ишонч эса конфликт ечимини топишга имкон беради. Юқоридаги ҳолатда, кечкурун уйга қайтгандан сўнг, (аслида кўчада юрганда ҳам бир телефон қилиб аҳвол сўрасангиз бўлади), “Дада, майли хафа бўлманг. Бу масалалар бирданига ҳал бўлмайди. Ўйлашиб кўрармиз... Бирор чораси чиқиб қолар... Сиз менга яқин одам.. Ўзингизни авайланг...”, десангиз, отангиз юрак хуружи безовта қилаётганлигини очиқ айтади. Ўртада, икки томон орасида яна ишонч вазияти туғилади. Инсон инсонга ҳар жиҳатдан зарур ва муҳтож эканлигини ёдингиздан чиқарманг. Чунки инсон ахлоқи унинг бошқаларга бўлган муносабати орқали билинади, ўзини кўрсатади, аммо унинг ахлоқийлигини яратувчи моҳият инсон ички оламида тарбияланган бўлсагина, у юзага чиқади.

**6. Ўз амалларига масъул бўлиш.** Энг қадимги даврлардан бошлаб инсон цивилизацияси тарбия ва ахлоқ масалаларига эътибор билан қараган. Инсон ахлоқий нормалари ичида ўз сўзида туриш, бурч, масъулиятли бўлиш, бировларга берилган ваъдаларга ҳурмат ва уларни сўзсиз бажариш инсон комиллигининг олий қадриятларидан ҳисобланган. Аммо ҳаётда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Кўпинча биз ўз ваъдаларимизни эсдан чиқариб қўямиз, ўз сўзимиз устида турмаймиз. Бу – жуда ёмон одат. Баъзан, бошқаларнинг бизга берган ваъдасини ўз вақтида бажармагани учун азият ҳам чекамиз. Инсоннинг энг ҳалокатли хатоларидан бири – яхши ишни ҳам ёмон бажариб, барбод этишдир. Конфликтлар шароитида ўз сўзи устида туриш - конфликт ечимига қаратилган ваъдаларнинг устидан чиқишни англатади. Агар конфликт ечими ичида сиз ўз хоҳишингиз бўйича ўзингизга баъзи масъулиятли вазифаларни олсангиз, уларни бажаришга сайи-ҳаракат қилишингиз лозим. Агар уларнинг уддасидан



чиқолмаётган бўлсангиз, улар борасида ҳам очиқ мулоқотда сўзлаб, ишни бажара олмаётганлигингиз ҳақида ўртоқлашишингиз лозим бўлади. Конфликт шароитида куйидаги амалларга риоя қилиш маслаҳат берилади:

– томонлар ўртасидаги турли шартномалар ва ўз масъулиятингиздаги вазифаларни албатта бажаринг.

– агар сизнинг саъй-ҳаракатларингиз беҳуда кетаётганлиги ва ёрдам бермаётганлигини сезсангиз, ҳаракатларингизни қайтадан бошланг ва оппонентингиз билан самимий ўртоқлашинг.

### **Бу амаллар нотўғридир!**

1. Таҳқирламоқ;
2. Айбламоқ, доимо айб қидиришга интилиш;
3. Нафратланиш, ҳазар қилиш ва одамлар устидан кулиш;
4. Ҳамсуҳбатдошни тингламаслик, унинг сўзлари ва фикрларига беписандлик, эътиборсизлик;
5. Тенгма-тенг бўлиш;
6. Ўтган ишларни юзига солиш;
7. Босим ўтказишга ҳаракат қилиш;
8. Бошқаларнинг сўзларини эпитмаслик, улар сўзини қўпол равишда бўлиш;
9. Таҳдид қилиш, қўрқитиш, нафсоният ва ҳаётга ҳавф солиш;
10. Психологик ва жисмоний шантаж;
11. Киноя, пичинг қилиш, истехзо билан муносабатда бўлиш;
12. Бошқаларга тазйиқ ўтказиш;
13. Агрессив муносабатга ўтиш ва зўравонлик кўрсатиш;
14. Куч ишлатиш, қўлга эрк бериш;
15. Ўз дилисиёҳлигини ўзидан заиф одамларга тўкиш;
16. Бошқалар ҳақида бўхтон гаплар тарқатиш, ғийбат, гап ташувчилик;
17. Ранжитиш, дилисиёҳлик, бошқалар кўнглини оғритиш;
18. Буйруқбозлик, ўзини бошлиқ деб билиш;
19. Масъулиятидаги вазифаларни бажармаслик;

## 20. Масъулиятли қарорлар қилишдан чўчиш.

Шундай қилиб, зиддиятлар ечимида адолатпарварлик мезонларидан саналган - эътиборни муаммога қарата олиш, муаммода шахсларни айбламаслик, муаммони аниқлаш, муаммо мазмунида фикрни жамлаш, шахсга эмас, муаммога хужум қилиш, ўзгани тинглашга тайёрлик ва фаол тинглаш малакаларини қўллаш, бировнинг ҳис-туйғуларига эътиборли бўлиш, ўз ваъдалари ва амалларига масъулиятли бўлиш каби қоидаларига риоя этиш конфликт ечимини қидириш ва уни ҳал этишга йўналтирилган талаблардан ҳисобланади. Ана шу талабларга катъий бўйсунуш муаммода ҳар икки томоннинг азият чекмасдан, ҳафа бўлмасдан, ўз инсоний қадриятларини сақлаган ва ўзга киши нафсониятига тегмаган тарзда чиқиб кетиш, муаммони ҳал этиш имкониятини беради. Конфликт ечимида ва бўлиб ўтган воқеа таҳлилида умр бўйи бўлиб ўтган низолар ва улар тарихини эмас, балки келажақда қандай қилиб мазкур низолар ва улар тарихисиз яшашни ўрганиш лозим бўлади. Конфликтда ортга, тарихга қараб эмас, балки олдинга, истиқболга қараб яшаш лозим бўлади.

### Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогик конфликтларни олдини олишда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш муаммоси ҳақида нималарни биласиз?
2. Педагогик ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган масалалар билан кимлар шуғулланганлар?
3. Ўқитувчиларнинг ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда таяниладиган тамойиллар ва назарий ёндашувларни билишларини қандай параметрлар ёрдамида аниқлаш мумкин?
4. Эркин фикрловчи ўқитувчилар ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнида қандай вазифаларни бажаришлари керак?
5. Педагогик ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда қандай ташкилий шакллар намоён бўлади?

6. Ҳамкорликка асосланган таълим жараёни қандай ўзига хос жиҳатларга эга?
7. Синергетика атамаси қандай маънони билдиради?
8. Бугунги кунда толерантлик тушунчаси қандай меъёрларини ўзида мужассам этади?
9. Толерантликнинг тарихий илдилари ҳақида сўзланг.
10. Диний бағрикенглик деганда нимани тушунасиз?
11. Толерантликни замонавий тушуниш ва англаш жараёнлари нечанчи асрдан бошланган?
12. 1995 йили 16 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташкилотининг нечанчи Сессиясида неча дунё давлатлари иштирокида қандай “Декларация” имзоланди?
13. Қарда 16 ноябрни дунё миқёсида толерантлик кунини сифатида нишонлаш анъанага айланди?
14. Воситачиликни, конфликтлар ечими назариясида нима деб аташади?
16. Воситачилик йўли билан тарихда қандай конфликтлар ўз ечимини топган?
17. Конфликта «ҳар ким ҳам голиб бўла олади»ган йўл ёки усул мавжудми?

### **Талабаларнинг мустақил тайёрланиши учун “Кейс” топшириғи**

**5-вазият.** (Ўзининг қилган қилигидан виждон азоби).

Онаси қизи Анорага: “Бугун вақтлироқ келишга ҳаракат қилгин. Янги кўчиб келган ён қўшнимиз бизни бир пиёла чойга таклиф этди, чиқиб танишамиз”, – деди.

— Хайр, онажон. Соат олтида келаман, – деб Анора тезда кўчага чиқиб кетди. Кейинчалик Анора буни эслаб, шундай дейди:

– Уйга қайтаётган вақтда, Ширин билан автобус ўриндигига ўтириб мактабда бўлган воқеалар ҳақида гаплашдик. Бир бекатдан қария аёл чиқди ва бизнинг олдимизга туриб олди. Унинг қўлидаиккита тўла сумка бор эди.

— Қизлар, сумкали аёлга жой берсангиз бўлар эди — деб кимдир гапираётганини эшитдим.

— Ана бўлмаса! — тезда жавоб қайтардик биз.

— Ҳа, ҳозирги ёшларда.....

— Ана, бошланди...

Биз Ширин билан гапга шунчалар берилиб кетибмизки... Кейин автобус йўловчиларининг бир қанчаси қўпол оҳангда гапирган ҳолда, бирин-кетин бизни «тарбиялай» бошладилар. Бу жараёнда биз ҳам «қарздор» бўлиб қолганимиз йўқ. Кечкурун соат саккизда кийиниб, биз онам ва отам билан биргаликда янги қўшнимиз эшигини тақиллатик.

— Марҳамат, келинлар, — уй эгаси шундай деб эшикни очди. Оёқларим ерга қадалиб қолди. — Остонада автобусдаги ўша аёл турар, стол усти эса иккита огир сумкада келтирилган озиқ-овқат ва масаллиқлар билан тўла эди...

### **Саволлар:**

1. Янги қўшни автобусда Анора ва унинг дугонаси Ширин билан учрашганда, уларнинг тарбияланганлиги ҳақида қандай тасаввурга эга бўлди?

2. Қўшни Аноранинг оиласи ҳақида нима деб ўйлаши мумкин?

3. Тарбияланган инсон бўлиш деганда нимани тушунасиз?

4. Сизнинг фикрингизча бу ҳодиса нима билан тугаши мумкин?

## ХУЛОСА

Конфликтлар ечими бўйича билим ва кўникмалар билан илк бора яқиндан танишиш уларнинг инсон кундалик ҳаётида керакли ва зарур билимлар эканлигини тасдиқлайди. Ўқув қўлланма доирасида биз жуда кўп масалалар борасида тўхтаб ўтдик. Улар ичида - конфликтларга фожеага карагандек эмас, балки уни ҳаётнинг оддий таркибий қисми сифатида англаш зарурлиги, педагогик конфликтологиянинг илмий-назарий асослари, конфликтларнинг юзага келиш омиллари, турлари, конфликтли вазиятда педагогик-психологик хизмат, педагогик конфликтларни бартараф этишда ўзаро келишувга асосланган биргаликдаги фаолият, конфликтлар замирида конфликтогенлар ётиши, зиддиятда ҳар икки томон ҳам ғолиб бўла олиши, низоларда ўзига ҳос адолатпарварлик мезонларининг мавжудлиги, конфликтларни бошқариш мумкинлиги, зиддиятли вазиятда тўғри мулоқот олиб бориш қоидалари, тана забонининг аҳамияти, агрессия ва зўравонлик мазмуни, агрессия ва зўравонликдан ўзини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, жаҳли чиққан одам билан мулоқот қилиш қоидалари, жамоадаги конфликтни ечиш усуллари, оилавий конфликтларда ўзини қандай тутиш кераклиги, медиация ва унинг тартиблари борасидаги билим ва малакалар эди. Ўйлаймизки, мазкур ўқув қўлланмада муҳокамага қўйилган конфликтларга алоқадор бўлган барча мавзулар ўз ҳаётингизни, яқинларингиз ва оилангиз истиқболини ташкиллаштиришда сизга тинчлик, осойишталик, раванқ ва ўсиш омили бўлиб хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011. - 438 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2009. - 176 б.
5. Каримовнинг И.А. Конституция кунига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқи. 1999 йил 8 декабр. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. «Ўзб.» 13-17-бетлар.
6. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида “Устоз-шогирд” тизими тўғрисидаги НИЗОМ. Маънавий-маърифий ишлар ва ижтимоий ҳимоя Кенгашининг 2005 йил 21 январь мажлиси қарори билан тасдиқланган. (2004 йил 25-август 87-02-1279-сонли модемномаси).
7. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова. “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба. -Т.: “Tafakkur qanoti”, 2012. - 134 б.
8. Анцупов А.Я. Основы конфликтологии. – М.: 1998;
9. Ахмедова М.Т. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш давр талаби. Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: 2013. 222-224 б.
10. Ахмедова М.Т., Ахмедова Н.Э. Овоздан фойдаланиш ва нутқ техникаси. Формирование гармонично развитого поколения в современных условиях. Сборник научно-методических статей. -Т.: 2011. -109-111стр.
11. Ахмедова М.Т., Рашидов Ҳ.Ф. Педагогик конфликтларни бартараф этиш дарс интизомини яхшилаш омили сифатида. Мактаб ва ҳаёт. –Т.: 2015.1-сон. -Б. 12-16.

12. Ахмедова М.Т., Шайзакова Н.С. Низоларнинг юзага келишидаги шарт-шароитлар, шахс тоифалари ва уларнинг ҳислатлари. Мактаб ва ҳаёт. -Т.: 2014.2-сон. -Б. 2-4.
13. Ахмедова М.Т., Умарова М.Х. Балоғат ёшидаги ўсмирларнинг ўтиш давридаги педагогик ва психологик ўзига хос хусусиятлари. Мактаб ва ҳаёт. -Т.: 2015. 7-сон. -Б. 8-10.
14. Бабаева М. ва бошқ. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва ўқув юртининг ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари ва босқичлари. Олий таълим муассасалари педагог ва бошқарув кадрларнинг малакасини ошириш назарияси ва амалиёти мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. I қисм. -Т.: ТДПУ, 2012. -372-375 б.
15. Баныкина С.В. Педагогическая конфликтология: состояние, проблемы исследования и перспективы развития.
16. Баныкина С.В. Конфликт в современной школе: изучение и управление /С.В.Баныкина, Е.И.Степанов. -М.:КомКнига,2006. -184 с.
17. Бурдыгина Т.Н., Королёва Е.В., Юрченко П.Г. Проблемные ситуации в школе и способы их решения: практическое пособие. – М.: АРКТИ, 2006. – 234 с.
18. Грачева В.И. Введение в педагогическую конфликтологию: Учебное пособие / В.И. Грачева. М. Моск. ун-т МВД России, 2004. - 98 с.
20. Жумаев Р.З. Конфликтология асослари, асосий тушунча ва тамойиллари. Ўқув қўлланма. 2015.
21. Захаров А.И. Как предупредить отклонения в поведении ребёнка: 1986.
22. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази “Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш сўровномаси” 2012 й.
23. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. -Т.: Фан ва технология, 2008. -288 б.
24. Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. –М.: 1995;
25. Леонов Н.И. Конфликтология. Москва-Воронеж, 2006. -232 с.

26. Махмуд Ҳасанийнинг араб, форс, турк, татар ва озарбайжон тилларидан таржимаси., Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. -Т.: Фан, 1994. - 218 б.
27. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий гурур. -Т.: Ўқитувчи, 2000. - 200 б.
28. Пантелеева О.В. «Справочник классного руководителя» 2013 г. № 9.
29. Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов: Учебное пособие. -М.: Издательство ЛКИ, 2008. - 176 с.
30. Степанов Е.И., Баныкина С.В. Конфликты в современной школе. Изучение и управление./ Серия "Социальные конфликты: экспертиза, прогнозирование, технологии разрешения. - М.: КомКнига, 2006.;
31. Самарин А.Н., Степанов Е.И., Шаленко В.Н. Духовные проблемы нашего времени /Социальные конфликты в контексте глобализации и регионализации. -М.: URSS, 2005.;
32. Самарин А.Н. Конфликты в духовной сфере современного общества: состояние и проблемы урегулирования// Конфликтология. Теория и практика. 2004. №4.;
33. Светлана Алексеевна Володина. Конфликтологическая компетентность классного руководителя тема диссертации и автореферата по ВАК 13.00.01, кандидат педагогических наук. 2010.
34. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси // Маърифат, 1993. март.
35. Тохир Малик. Одамийлик мулки. (Ахлоқ китоби) -Т.: Шарқ, 2013. -936 б.
36. Тўйчиева Г. , Асадова Э. Ёшлар ва конфликтлар ечими. Мануал.– Т.: 2003.
37. Холиқов А. Педагогик маҳорат. –Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011. - 420 б.
38. Шаленко В.Н. Социальные конфликты/ Под ред. Добренькова В.И., Кравченко А.И. / Фундаментальная социология: в 15 томах, т. VI: Социальные деформации. Гл. 4, раздел 1. - М.: Инфра-М, 2005.;



39. Шейнов В. Конфликты в нашей жизни. Возникновение, развитие и разрешение конфликтов. Два аспекта проблемы. –М.: 2001.
40. Шипилов А.И. Ситуация успеха на уроке // Начальная школа. – 2003. – № 4. – С. 90–93.
41. Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. -Т.: А.Навоний номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. -232 б.
42. Эгамбердиева Н.М. Маҳалланинг оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигини таъминлашдаги ўрни ва роли. Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: 2013. 219-220б.
43. Қодиров С., Қодирова Н. Маънавий устоз ва шогирд масъулияти. - Т.: 2006. -56 б.
44. Қаюмов Б.Э. Тарбияда ёшларни салбий иллатлардан ҳимоялаш оила, мактаб ва маҳалла фаолларининг асосий вазифаси. Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.:2013.224-226 б.
45. Ҳодиев Б.Ю., Болтабаев М.Р. Олий ўқув юртидаги тарбиявий ишларга психологик ёндашувлар. -Т.: 2009. -119 б.
46. Handling Conflicts. Conflicts: a positive approach. Participant's manual. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation. Inc., Miami, Florida, 1997;
47. WIN WIN. Based on the Fighting Fair model created by Fran Schmidt and Alice Friedman. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation. Inc., Miami, Florida, 1998;
48. Fran Schmidt/ Alice Friedman. Fighting Fair. For families. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation. Inc., Miami, Florida, 1994.

# **ИЛОВАЛАР**

## ЎЗИНГИЗНИ БОСИНГ!

**Жаҳд ва ғазабни жиловлaш бўйича 10 фойдали маслаҳат:**

**1. Паузадан фойдаланинг**

Агар сиз жаҳд туфайли ўзингизни йўқотиб, ғазабга берилиб кетаётганингизни сезсангиз, пауза қилинг. Суҳбатдошингизга жуда жаҳлингиз чиқаётганини айтиб, «Мен - тасдиқ»лардан фойдаланинг. Албатта кейинроқ яна қайта мавзу муҳокамасига қайтишга ваъда бериб, жаҳддан пауза ёрдамида қутулишга ҳаракат қилинг.



**2. Жисмоний машқлар билан ўзингизни чалгитинг**

Кўчага чиқиб сайр қилинг, велосипедда учишингиз мумкин, тошлар кўтаринг, сузинг, тўнкалар ёринг, тоққа чиқинг, телевизор каналларини пультсиз ўзгартиринг, бирор жисмоний машқ қилиш билан ғазабингизни енгиб чиқинг.



**2. Санаб кўринг**

Ғазаб устун келаётганида, ичингизда 10 гача санаб кўринг, ёки 2000 гача. Диққатингизни рақамлар тартибига бериш орқали сиз барибир жаҳддан тушасиз.

1,2,3,4,5,6,7,  
8,9,10,...

#### 4. Хат ёзинг

Агар кимдандир жаҳлингиз чиқаётган бўлса, унга хат ёзинг. Унга юрагингиздаги ҳамма дард аламларингизни тўкиб солинг, уни сўкишга эринманг. Хатни ёзиб бўлгандан кейин, хатни ўкиб чиқинг-да, кейин йиртиб ташланг.



#### 5. Медитация қилинг.

Қулай жойлашиб олинг. Тинчланинг, кўзларингизни юминг. Чуқур нафас олинг. Нафасни бироз ушлаб туринг. Аста-секин нафас чиқаринг. Ҳаёт мазмуни ҳақида ўйлаб кўринг... Сизни нима роҳатлантиради?! Узоқ ва чиройли ўлкаларга учиб кетаётганингизни тасаввур қилинг. Агар сиз машҳур эстрада хонандаси бўлсангиз зўр бўларди-а? Йўқ, ундан яхшироқ орзу-ҳаваслар бор. Сиз – миллионерсиз... Етим болалар учун махсус мактаб қурдингиз... Яқинда сизнинг фабрикангиз очилади... Қанча одам иш билан таъминланади... Ўшанда, сизни ҳафа қилган одам билан ўзингиз биласиз қанақа гаплашишни...



**7. Китоб ўқинг ёки ижод билан шугулланинг.**

Ғазабнинг расмини чизинг. Ғазабингиз ҳақида шеър ёзинг ёки ўқинг. Масалан, жаҳл тўғрисидаги мадҳия. Ашула тўқинг – «Менинг ғазабим - ҳаётим, роҳатимдир». Рақс саҳналаштиринг - «Мен ғазабдаман». Ҳайкал ясанг - «Ғазаб ва мрамор». Илмий асар ёзинг – «Ғазаб келиб чиқишининг тарихий ва динамик жараёнлари». Ёки, аниқроқ, назарий бўлмаган мавзу - «Ғазабнинг ички структураси». Ўз ғазабингизнинг ижод орқали чиқиб кетишига ёрдам беринг.



**7. Иссиқ ванна қабул қилинг.**

Жуда ёрдам беради. Агар ванна бўлмаса, душ ҳам тўғри келаверади.



**8. Суҳбатлашув ва дардлашув.**

Яқин дўстингиз билан гаплашиб кўринг. Дўстингизга ўз ҳиссиётларингиз ҳақида гапириб кўринг. Баъзан дил изҳори ҳар қандай усулдан кўпроқ ёрдам беради.



**9. Уй ҳайвонингизни эркалатинг**

Ўй ҳайвонлари тинчланишнинг яхши воситаси ҳисобланади. Ўз кучугингиз билан ўйнанг ёки мушугингиз билан мудраб олинг, қушларингиз билан гаплашиб кўринг, балиқларингизнинг сузишини томоша қилинг в.ҳ.



**10. Диққатингизни бошқа нарсага беринг.**

Ўзингизни бирор иш билан машғул қилинг. Телевизор кўринг.

Кассеталар эшитинг. Кинога боринг. Компьютерда ўтиринг.

Сизни ҳавотирга солаётган фикрлардан ўзингизни чалғитиш учун бирор бошқа нарса билан шуғулланинг.

Масалан, фарзандингизни эркалатинг.



**ТАНА ЗАБОНИ ЁХУД ИЧИМДАГИНИ ТОП!  
IT'S WHAT YOU DON'T SAY THAT COUNTS!**



**LEARN TO READ AND INFLUENCE PEOPLE THROUGH  
NONVERBAL COMMUNICATION.**

ТАНА ЗАБОНИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ



Рис.1 "Ат с. 100-101".

**Хаммаси жойида.**



Рис.2 "Ат с. 100"

**Муаммо йўқ.**



Рис.3 "Ат с. 100"

**Ха деб тутилдим, йўқ  
деб қутулдим.**



**Алдаш йўлининг белгилари.**



Рис.4 "Ат с. 100"

**У сизни диққат билан  
тингламоқда.**



Рис.5 "Ат с. 100"

**Пайт пойлаш**




Рис. 16.  
Пальматрафик  
позициясе ладони

Рис. 17  
Доминантлик  
позициясе ладони

Рис.18  
Агрессив  
позициясе ладони

**1. Очик  
ҳолатдаги  
самийий  
ахборот бериш**

**2.  
Агрессив  
ҳолат**

**3. Доминантлик  
ҳолат**





Рис. 58. Тўқиб қўлиб қўйибди қўлини устидан.

**У ўз гаплари билан  
сизни  
ишонтирмоқчи**



Рис. 59. Қўлини қўлига қўлиб қўйибди қўлини устидан.

**У сизни  
тингламаяпти, ҳаёли  
бошқа жойда**



Рис. 60. Тўқиб қўлини устидан.

**“Вақт”  
ТАҚСИМОТИ**



Рис. 61. Қўлини қўлига қўлиб қўйибди қўлини устидан.

**Шубҳаланмоқ.**



Рис. 61. Женский вариант поглаживания подбородка.

**Ишларини  
режалаштирмоқда**



Рис. 62. Во время принятых решений.

**Қарор қабул қилиш  
ҳолати**



Рис. 63. Тўқиб қўлини устидан.

**Ўйчанлик**



Рис. 64. Қўлини қўлига қўлиб қўйибди қўлини устидан.

**Тушқунлик ҳолати**



Рис. 65. Қўлини қўлига қўлиб қўйибди қўлини устидан.

**Ўзига юқори  
баҳо бериш**



Рис. 25. Табиқ ҳимоя (қўлларни қўй)

**Ўзини рамкага  
солиш ҳолати**



Рис. 26. "Ҳақоратлаш" (қўл қўйиш)

**Ҳақоратлаш**



Рис. 27. Табиқ ҳимоя (бирор, бирорчани қўйиш)

**Ўз-ўзини ҳимоя  
қилиш**



**Лоқайдлик**



Рис. 28. Табиқ ҳимоя (қўл қўйиш)

**Кўркув**



Рис. 29. Қўл қўйиш (қўл қўйиш)

**Таваккалчи**



Рис. 30. Табиқ ҳимоя (қўл қўйиш) (қўл қўйиш)

**Эҳтимол бу қиз  
совуқ қотган балки  
табиий эҳтиёж**



Рис. 31. Табиқ ҳимоя (қўл қўйиш)


**Ҳаётдан мамнун**



Рис. 32. Табиқ ҳимоя (қўл қўйиш)

**Конфликтли вазият**

**Тана забонидан ўринли фойдаланинг!**



**1-расм**



**2-расм. Ортиқча қўл ҳаракатларидан фойдаланманг!**

## ОДАМЛАРНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚҚАНИДА... АГРЕССИЯ ВА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН ТЎҚНАШ КЕЛГАНДА....

Аввало, жаҳлга жаҳл билан жавоб қайтарманг. Оппонентингизнинг жаҳли жуда каттиқ бўлса, бу томонлар тўқнашувига олиб келиши муқаррар.

Оппонентингизнинг ҳиссиётларига нисбатан сабрли муносабат ва жавоб қайтаришга уриниб кўринг. Унинг жаҳли чиқаётганлигини сиз аслида англаганингизни мулойим тарзда билдиринг, аммо истехзо қилманг. Сиз истехзо қилсангиз танг вазиятни янада оғирлаштириб юборган бўласиз.

Ўз оппонентингиз нуқтан назарини тушуниб етканлигингизни унга билдиринг. Кейинги муҳокамаларга тайёрлигингизни кўрсатинг. Мазкур жаҳл, қаҳр ёки ғазаб эмоциялари ортида нима турганлигини аниқлашга уриниб кўринг. Унинг ҳиссиётлари, сўзлари ва унинг “ҳақиқатини”ни эринмай эшитинг. Сабр қилинг. Ўз эмоцияларингизни босишга ҳаракат қилинг. Ҳозир ўз эмоцияларингизга эрк берадиган пайт эмас. Ғазаб – ўзи ҳам ғазаб уйғотишни яхши кўради. Жавобий ғазаб уйғонишига йўл қўйманг. Агар мана шу амалларни тўғри бажарсангиз оппонентингиз аста ўз ғазабидан қайта бошлайди.

Ўз муносабатингизни оппонент психологик ҳолати ва эмоцияларига бағламаган ҳолда билдиришга ҳаракат қилинг. Фақат муаммони таҳлил қилинг. Эмоционал қарама-қаршилик пасайганда ўз қарашларингизни янада очикроқ баён қилишга уриниб кўринг. Оппонентингиз ҳам, кўп ҳолларда, ўзингизни ундан паст ва хотиржам тутганингиз сабабли, жаҳли тушганидан сўнг ўзини айбдор ҳис қила бошлайди. Оппонентингиздан мавжуд вазиятда нима қилиш лозим ва мумкинлиги борасида маслаҳат сўранг. Агар оппонентингизнинг яна жаҳли чиқса, сиз яна фаол эшитиш ва қабул қилиш позицияга ўтинг. Фаол эшитиш позицияси ўзингизни пастга урганлигингизни билдирмайди, балки сизни мураккаб вазиятда донороқ эканлигингиз, босиқлик билан вазиятни ўз манфаатларингизга бўйсундира олишингизни англатади. Шу боис, фаол қабул қилиш позицияси сизга ёрдам бераётганлигини ўзингиз ҳам англаг.

## **ЗИДДИЯТНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН ОДАМЛАР ТОИФАОЛОГИЯСИ**

Кўп конфликтлар ҳаётда баъзи бир одамларнинг мураккаб характери, уларнинг ўз характерини уддалай олмаслиги оқибатида вужудга келади. Шу боис, конфликтологияда зиддиятга мойил одамлар тоифаологиясида белгиланган бўлиб, бундай одамларнинг ўзини тутишини билиш улар билан фаол муносабатлар ўрнатиш учун имкон яратади.

**“Ўзини кўрсатишга интилувчилар”.** Ўзини барча вазиятларда одамлар диққат марказида тутишга интилувчи одамлар. Улар доим муваффақиятли эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўз муваффақиятларидан ғурурланиб яшайди. Баъзан ўз манфаатларини кўрсатиш ва бошқалар диққатини ўзига қаратиш мақсадида конфликтларни келтириб чиқарадилар. “Шароитга қараб мослаша олмайдиганлар” (Ригид ҳолатдагилар).

Улар ўзини катта тутадилар, ўзига бино қўйган одам бўладилар. Бировга мослашишини ўзига эп кўрмайдилар ва мағлубият сифатида баҳолайдилар. Ўзгалар фикрига беписандлик билан қарайдилар. Уларнинг бу характери кўпчилик ҳолатларда бошқалар манфаатлари билан маълум тўқнашувларни келтириб чиқаради. Улар ўзларини кўпол, буровларга беҳурматлик, жиззакилик, кўпириш асосида тутадилар ва буни оддий ҳолат деб ҳисоблайдилар. Ўзларининг кўполлигини тан олмайдилар, бировнинг кичкина тергов ёки танқид сўзини ҳам жуда қаттиқ эътироз билан қабул қиладилар.

**«Бошқариб бўлмайдиганлар».** Бундай одамлар характери импульсив бўлиб, унинг эмоционал ҳолати доимо ўзгариб туради. Бунинг оқибатида бир одам ўзида бир неча характер тамойилларини мужассам этади ҳамда уларни бир тўхташга келтириш жуда қийин бўлади. Уларнинг ҳаракатлари ва сўзлари асоссиз, бетайин, қарама-қарши фикрларга тўла, ўз-ўзини назорат қилишдан йироқ бўлади. Улар агрессив мулоқотга энг мойил одамлардир.

**«Жуда аниқ ва чўрткесар одамлар».** Аниқлик ва тўғрилиқка интилган одамларнинг кўпчилиги ўзига ва атрофидагиларга жуда катта талаб қўядилар. Ўзлари жуда қаттиқ меҳнат қиладилар, ўзгаларнинг ялқовлиги уларни каттиқ ранжитади. Улар кўп ҳолларда жуда катта танқидчи бўладилар. Танқидни ёқтирадилар ва кези келган ҳолда бошқаларни мириқиб танқид қиладилар. Танқид пайтида улар одамни аямайдилар. Ўзлари бировларни бошлаб танқид қилганликлари боис, бошқалардан ҳам танқид кутадилар. Шунинг учун таҳликали, бесарамжон, бировларга таҳдид билан қарайдилар. Улар танқидга доим тайёр бўлганликлари учун ҳам ўзини йўқотиб қўймайдилар, балки акс таъсир ўтказишга жуда уста бўладидар. Улар ҳар доим ўзлари учун қулай вазиятни яратишга улгуришади. Аммо улар бошқаларга бўйсуниб яшайдиган одамлар турига кирмайди.

**«Рационалистлар».** Рационалистлар ҳамма шароит ва хусусиятларни ўз манфаатларига бўйсундиришга ўрганган одамлардир. Агар конфликтли вазият улар учун фойда келтирса, улар карьераси учун хизмат қилса, улар қўрқмай зиддиятни ўзлари келтириб чиқарадилар. Узоқ вақт улар ўз асл мақсадларини яшириб юришлари мумкин, аммо улар ўсиши ва ривожланиши учун қулай вазият пишиб етилган бўлса, улар ҳаммани “сотиб” бўлса ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлидан борадилар.

**«Иродасиз, қатъиятсизлар».** Иродасиз одамлар кўпинча бошқа одамлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолганликлари учун ҳам зиддиятли вазиятларда улардан устамонлик билан фойдаланиб қолишади. Улар конфликтларда бирор томон учун жуда катта хизмат қилиб бериши мумкин бўлади. Уларда шахсий фикр, муносабат бўлмайди. Шу боис, улар бошқа гуруҳ ёки инсонлар атрофида ўралашиб юришади. Улар ўзлари зиммасига мажбурият олишдан қўрқадилар. Шу боис, бошқаларнинг қарорларига сўзсиз итоат этадилар. Улардан келадиган ҳавф шундаки, уларни кўпчилик “раҳмдил”, “меҳрибон” одам сифатида қабул қилади. Уларга алданиб қолиш мумкин. Уларга кучлироқ одамлар буюрса, улар қутилмаган ҳолда жуда катта зиён келтириши мумкин бўлади. Шу боис, бундай одамлардан фойдаланиб, улар конфликтда бирор фикр айта бошласа, кўпчилик

“Бу одам яхши. Демак, у тўғри айтаяпти”, - деб алданиб қолади. Иродасиз ва қатъиятсизларнинг бошқа барча зиддиятли тоифалардан фарқи шундаки, улар конфликтга ўзлари мустақил бормайдилар, улар зиддиятга боришга мажбур бўладилар. Юқорида санаб ўтилган бошқа барча тоифалар мустақил равишда зиддиятни уюштирувчи ва ундан фойдаланадиган тоифалар ҳисобланади. Иродасиз ва қатъиятсиз одамлар эса конфликт вазиятларни ўзлари келтириб чиқармайдилар.

***Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс ҳислатлари:***

- низоли вақтда ўз мақсадларига етишиш учун омил сифатида қарайди;
- низоларни ҳал этишда фаол томон сифатида ўзини намоён этади;
- ўзаро муносабатларда таъсир кўрсатишга мойил;
- низоларда мақсадли ҳаракат қилади, томонларнинг ҳолатини баҳолай олади, турли ҳолатларни ҳисоблайди;
- Жанжалли вазиятларда муомаланинг самарали таъсир этиш усулларини қўллай олади.



## ЖАҲЛИ ЧИҚАЁТГАН ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР

1. Вазиятни ҳолис баҳолашга ҳаракат қилинг. Ақлингизни ишга солинг, ҳиссиётларга берилиб кетманг. Сиздан жаҳли чиқаётган одам билан келгуси муносабатлар нақадар сиз учун қадрли эканлигини баҳоланг. Муаммо нимада? Оппонентингизнинг қайси ҳиссиётлари жабр кўрган? Шуларни аниқланг.

2. Бошқа одам ўз ҳиссиётларини ушлаб тура олмаслиги ва рационал фикр юрита олмаётганлигини ҳам англаг, тушунинг. Одам газабланаётганда, одатда тинчлик даврида айтмаган гапларни ва қилмаган ҳаракатларни қилиши мумкин, шу билан бирга, бу ҳаракатларни ўзи ҳоҳламаган ҳолда ошкора қилаётган ва айтаётган бўлиши ҳам мумкин. Бошқа одамни эринмай эшитинг, унинг йиғилиб қолган эмоцияларининг чиқиб кетишга имкон беринг. Ўзингизнинг эмоционал вазиятга тортилишингиз ва қалбингизда жавоб қайтариш нияти туғилишидан эҳтиёт бўлинг. Бир-бирингизни таҳқирламанг. Эсингизда турсин - шахсга эмас, муаммога ҳужум қилиш лозим.

3. Бошқа одамга ўзингизнинг ҳам конфликт ҳақида ўйлаётганингиз, безовта бўлаётганлигини айтинг. Муаммо сиз учун ҳам муҳим эканлиги, сиз ҳам уни қўлдан келганча ечишга ҳаракат қилаётганлигингизни, унга қарши юрагингизда адоват йўқлигини айтинг. Бошқа одамдан, мавзу бўйича суҳбатланиш учун қачон вақти бўлишини сўранг. У билан самимий гаплашиш учун доим тайёр эканлигингизни айтинг.

4. Суҳбат учун қулай ва тинч жой топинг, ҳеч ким ҳалақит бермайдиган, осуда, кенг ва очиқ жой жаҳлдор одам билан суҳбатланиш учун энг қулай жойдир, одам кўп, тор жойларни танламанг, кенг суҳбат кенгликни талаб этади.

5. Баҳслашманг, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги муҳим эмас. Муҳими суҳбатдошингизни тинчлантириш ва муаммо ечимини қидиришдир.



6. Бошқа одамнинг тана забонига эътибор беринг. Агар унинг ҳаракатларидан сизнинг ҳаётингиз ва саломатлигингизга зарар етишини тушуниб қолсангиз, зудлик билан бу одамни ҳоли қолдириш йўлини қилинг. Агар ҳаётингизга хавф бўлмаса, қочманг.

7. Ўзингизнинг тана забонингизни назорат қилинг, ўзингиз ҳам суҳбатдошингизга дўқ-пўписали ҳаракат рамзлари ҳамда сигналлари жўнатмаётганлигингизга ишонч ҳосил қилинг. Унга жуда яқин ўгирманг.

8. Ўз овозингиз интонациясига эътибор беринг, юмшоқ, тинч, самимий овозда гапиришга ҳаракат қилинг. Тинчлантирадиган сўзларни топиб ишлатинг.

9. Сиз билан бошқалар ўзларини қандай тутишларини хоҳласангиз, ўшандай ўзингизни тутинг. Ўзингизни на такаббурлик ва манманлик билан, шунингдек, марҳаматли қилиб ҳам қилиб кўрсатманг. Такаббурлик унинг жаҳлини баттар оширади, марҳаматли бўлишингиз унинг нафсониятига тегади. Сизнинг тенг муносабатингиз конфликт ечимининг энг муҳим шартларидандир.

10. Адолатли конфликт ечими бўйича ўз зиммангизга маълум мажбуриятлар олинг. Баъзан ҳаммасига қўл силтаб, кетиб қолгингиз келади. Баъзи ҳолларда бу ёрдам беради ҳам. Аммо муаммо ечимини кидириш устида ишлаш фойдалироқдир.

**ИНСОНЛАРНИНГ НУҚСОНЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ:****Бекорчилик**

*Бекорчилик ўз-ўзига қилинган суиқасддир.*

**Худбинлик**

*Шахсий худбинлик – разилликнинг бошидир.*

*Худбинликнинг уч тоифаси бўлади: ўзи яшаб, бошқаларнинг яшашига ҳалақит бермайдиган худбин; ўзи яшаб, бошқаларга кун бермайдиган худбин; ўзи ҳам яшамай, бошқаларнинг яшашига ҳам кун бермайдиган худбиндир (И.С.Тургенев).*

**Ҳасад**

*Ҳасад кишилар орасида жанжални бошлаб беради (Демокрит).*

**Хасислик**

*Хасислик қанча кучли бўлса, раҳм-шавқат шунча кучсиз бўлади (Ф.Петрарка).*

**Ғаразғўйлик**

*Ғаразғўй одам ҳақғўй ҳам, қатъий ҳам, мард ҳам, бурчига содиқ ҳам бўлолмайди (В.А.Сухомлинский).*

**Журъатсизлик**

*Журъатсизлик – қанчадан-қанча яхши амалларнинг бошини ейди.*

**Қўрқоқлик**

*Энг тубан туйғулар ичидаги энг тубан туйғу – бу қўрқувдир (В.Шекспир).*

*Қўрқоқлик – раҳмсизликнинг бошидир (М.Монталь).*

**Шухратпарастлик**

*Шухратпарастликка берилиш қадимдан доноларни беақл қилиб келган (И.Кант).*

*Шухратпараст одам ҳалмиша насткаш бўлади(П.И.Чайковский).*

### **Такаббурлик**

*Такаббурлик - ожизлик белгисидир.*

### **Мақганчоқлик**

*Мантанчоқ одамлар доноларга кулги, аҳмоқларга эса ҳайратомуз неша, ҳушомадгўйларга осонгина ўлжа ва ўз шуҳратпарастлигининг қулидир (Ф.Бэкон).*

### **Димоғдорлик**

*Майда одамларда димоғ катта бўлади(Ф.Вольтер).*

### **Айёрлик**

*Айёрлик жуда ҳам чегараланган кишиларнинг ҳаёт тарзидир.*

### **Ёлғончилик**

*Иродасиз юрак, фаросатсиз ақл ва бузуқ характери ёлғончилик фош этади (Ф.Бэкон).*

### **Риёкорлик**

*Ҳушомадгўй одамлар сурбетларча риёкорликка ҳурмат билан қарайдилар (О.Бальзак).*

### **Ҳушомадгўйлик**

*Одамни ўзига мақташ ҳушомадгўйлик белгисидир (Арасту).*

### **Иккюзламачилик**

*Фақат пасткаш одамгина олдинда мақтаб, орқангда гийбат қилади (Пифагор).*

### **Эзмалик**

*Эзмалик – сўздаги беодобликдир.*

### **Золимлик**

*Золимлик – ўзгалар ҳаётига қарши йўналтирилган кучдир.*

### **Зўравонлик**

*Ўз сўзини ўтказа олмаган ожиз одам, куч ва зўравонликка эрк беради.*

### **Жиззакилик**

*Жиззакилик – ўзини тута билмаслик оқибатидир.*

### **Ғазаб**

*Ғазаб – бир мuddатлик ошкора нафратдир; нафрат эса – яширин, доиллий ғазабдир (Ш.Дюкло).*

### **Чиқиша олмаслик**

*Барча жанжалларнинг ўзига хос хусусияти – иккала томоннинг заифлигидир (Ф.Вольтер).*

### **Бекорга ваъда бериш**

*Ассосиз умид бериш – инсонни эркин нафасдан маҳрум этишдир.*

### **Ўз сўзи устида турмаслик**

*Ўзини беҳурмат қилган одамгина ўз сўзи устида турмайди.*

### **Баҳслашиш**

*Баҳслашиши кўпларнинг кўлидан келади, оддийгина суҳбатлашишини эса камдан-кам киши уddалайди (А.Олкотт).*

### **Ўзини тута билмаслик**

*Фақат душманларини енгган киши мард бўлмасдан, ўз хиссийлари устидан ғалаба қилган киши ҳам марддир (Демокрит).*

### **Жаҳолат**

*Инсоннинг биттагина золими бор, у ҳам бўлса – жаҳолатдир (В.Гюго).*

**МЕРОСИМИЗДАН НАМУНАЛАР:**

1. Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир, мулоимлиги эса фойдали.  
Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир (А.Навоий).
2. Устозга келганда у шоғирдига жуда қаттиқ зугм қилишга ҳам, хаддан ташқари кўп ён беришга ҳам интилмаслиги лозим, чунки ортиқча зугм шоғирда устозга нисбатан нафрат уйғотади (Абу Наср Фаробий).
3. Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат, ким улфатдир боши узра юзминг кулфат (А.Яссавий).
4. Бир калима ширин сўз қилишни қинга киритади (А.Темур).
5. Ақл ила олам юзин обод қил, хулқ ила олам дилин шод қил (А.Навоий).
6. Фақат бир томон айбдор бўлганда эди,  
жанжал бу қадар узоқ чўзилмасди (Ф.Ларошфуко).
7. Ғазабнинг эмас, ақлнинг овозига қулоқ сол (В.Шекспир).
8. Жанжаллашаётган икки кишининг ақллироғи – кўпроқ айбдор (И.Гёте).
9. Мард кишига қараганда кўрқоқ одам кўпроқ жанжал чиқаради (Жефферсон).
10. Нафрат – разилликни, баъзан ақли заифликни яширувчи ниқобдир,  
нафрат саҳоват, ақл ва одамларни тушуниш ҳислати етишмаслигининг белгисидир (А.Добе).
11. Сўқиниш одати кучайгани сари беихтиёр ёмон хатти-ҳаракатларга мойиллик ҳам кучая боради (Аристотель).

12. Ғазаб билан бошланган нарса уят билан тугайди(Л.Н.Толстой).
13. Ғазаб устида жазо бериши жазолаш эмас – қасо олишидир(И.Буаст).
14. Ғазаб учун далилнинг кераги йўқ. У фақат сабаб ахтаради(И.ҒеҒе).
15. Яхшиликка буюринглар, агар ўзларинг қила олмасаларинг ҳам (Ҳадисдан).
16. Ёмонликдан қайтаринглар, гарчи унинг ҳаммасидан ўзларинг четлана олмасаларинг ҳам (Ҳадисдан).
17. Назар тоза бўлса, тоза нарсани кўради!( Санойй).
18. Инсоннинг қалби ҳуррият оламидир (Мавлоно Жалолиддин Румий).
19. “Ҳукмдоримга” қалб кўзи билан қараб, ундан сўрадим: “Сен кимсан?”, у жавоб бердики: “Сен”( Ибн Халлож).
20. “Тақво” нимадир?  
“Тақво” -бу кўзни ёмон манзарадан, қулоқни ёмон гапдан, тилни ёмон сўзлашдан, оёқни ёмон жойга боришдан, қўлни ёмон нарсаларга чўзишдан сақлашдир”( Имом Муҳаммад ал-Ғаззолий).
21. Инсоннинг чин инсонлиги баҳс ва сафарда англанади (Ж.Геберт).
22. Ўз вақтида фикр билдириши катта маҳорат талаб қилганидек, ўз вақтида сукут сақлаш ҳам ҳизилакам маҳорат эмас (Ф.Ларошфуко).
23. Суҳбатни ақл эмас, ўзаро шиош ҳамма нарсадан кўпроқ қизитади (Ф.Ларошфуко).

24. *Кўп гаптириши билан кўп фикр айтиши бошиқа-бошиқа нарса (Софокл).*
25. *Гаптиришини билмасанг, тинглашни ўрган (Помпоний).*
26. *Билгинки, сенинг фаросатисиз, совуқ, бепарво сўзинг хафа қилиши, дилни оғритиши, ранжитиши, изтиробга солиши, ларзага тушириши, доводиратиб қўйлиши мумкин (В.А.Сухомлинский).*
27. *Яхши суҳбатдош бўлишининг фақат битта усули бор, бу тинглай билишидир (К.Морли).*
28. *Мадомики бир икки ширин сўз одамни бахтиёр этса, шунини қизганган одам аблаҳдир (Т.Пэн).*
29. *Кўполлик букрилик каби майибликдир (М.Горький).*
30. *Баҳслашиши кўпларнинг кўлидан келади, оддийгина суҳбатлашишини эса камдан-кам киши уддалайди (А Олкотт).*
31. *Ҳеч кимга сўз бермай суҳбат мавзуини улаб кетавериши шахсият-парастликнинг энг жўн кўринишидир, унинг қораланиши тўғри (Г.Спенсер).*
32. *Биз биттагина сўз билан ўзимизга ва ўзгаларга қандай зарур етказа олишимизни етарли тасаввур қилмаймиз, бу зарарни деярли тузатиб бўлмайди (Ф.Ламенне).*
33. *Кўп одамлар яхши гапларни сўйлаши мумкин, бироқ камдан-кам одам тинглай билади, чунки тинглаш ақл ишлатишни талаб қилади (Р.Тагор).*

34. Тинглаш ақли одам кўп ҳолларда аҳмоққа кўрсатадиган мурувватдир, лекин аҳмоқ ҳеч қачон бунга мурувват қайтармайди (П. Декурсель).

35. Қандай гап айтсанг, жавобига ҳам ўшани оласан (Гомер).

36. Яхши гаптириш учун инсонда ақл етмаслиги ва индамайгина кўя қолиш учун идрок етишмаслиги мусибатдир (Ж.Лабрюйер).

Ҳар даврнинг ўз сўзи бўлганидек, ҳар бир ижодкорнинг ҳам сўзга ўз қарши бор. Ана шу фикрларни тўлдирши, бойитишни инобатга олган ҳолда «Сўз ҳақида сўз» рукнида адибларнинг айрим мулоҳазаларини келтиралмиз.

«Сўздан кучлироқ нарса йўқ». **Менандр.**

«Сўздан қудратлироқ нарса йўқ. Ўткир далил ва юксак фикрлар сафини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яксон этади, қалъаларни йиқади. У кўзга кўринмас қурол. Сўз бўлмаса, дунё дагал кучлар кўлида қолар эди. Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ». **А. Франс.**

«Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир». «Сўз буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириши, сўз орқали уларни бир-бирлари билан юз кўрмас қилиб юбориши мумкин, сўз билан меҳр қозониши, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиши мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан». **Л.М.Толстой.**

«Тил - энг хатарли қурол. Сўз ярасидан кўра тиг ярасини доволаш осон». **П.Кальдерон.**

«Қаердаки, сўз тирик экан, у ерда ҳали иш ҳам ўлмаган». «Сўз қандай ишга йўллаши билангина қимматлидир». **А.И.Герцен.**

«Жонли сўз муъжизалар яратади». **И.Бурденко.**

«Сўзни кўнгулда пишқормагунча тилга келтурма,

Ҳар неким кўнгулда бор - тилга сурма». **А.Навоий.**

«Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатни ўйла». **И.П.Павлов.**

«Сўз - гул, иш - мева». **Ал-Хоразмий.**

«Сўз шамолга қараб учадиган уйинчоқ пуфак эмас. У иш қуроли: у маълум даражадаги оғирликни кўтариб турмоғи лозим. Ўзгалар



кайфиятини қанчалик ром этиши ва ўзгартиришига қарабгина биз сўзнинг аҳамияти ва кучини баҳоламоғимиз мумкин».

**В.Г.Короленко.**

«Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам».

«Нодон киши сўз, ҳикмат лаззатини билмайди, балисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмагани каби».

«Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топишрган бўласан».

«Тилингдан чиққан садақа (яъни, панду насихатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир».

«Кўп сўзлар борки, улар сени жангу жадалга солиб, ҳалокатга гирифтор қилади ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқурингни гул каби қизарган ҳолга келтиргандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин)» **Маҳмуд Аз-Замаҳшарий.**

Сўзнинг хосияти қанчалик эътиборли бўлса, шунга мувофиқ нутқнинг моҳияти ҳам муҳимдир. Нутқ қатор хусусиятлар билан бирга нутқий воситаларга ҳам эга. Бу ҳолат унинг, нутқ маданиятининг ҳар иккала кўринишига, оғзаки ва ёзма нутққа барабар тааллуқлидир.

**Товуш** - сўзнинг моддий томони. Бошқача айтганда, товушлар талаффузи тилнинг ҳаракатдаги амалий жараёни. Ҳар товушнинг ўз сифати жаранги, оҳанги ва талаффуз меъёри бор. Нотиқлар бу жиҳатларни доимо назарда тутишади. Чунки, нутққина фикрни содда, тушунарли ва теран бўлишини таъмин этади. Нутқнинг моҳияти унинг маданийлиги, оммавийлиги ва ижтимоий қиммати билан белгиланади. «Маданий нутқ», «нутқ маданияти», «нотиқлик» деган атамалар бор. Нутқнинг характери ана шуларнинг моҳиятини билиш билан изоҳланади.

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ЛУҒАТИ

**Конфликт** - (лотинча “conflictus” – тўқнашув демакдир) - ўзаро қарама-қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатларнинг тўқнашувидир.

**Конфликтли вазият** – ижтимоий субъектлар ўртасида ҳақиқий қарама-қаршилиқни юзага келтирувчи инсонлар манфаатларининг мос келмаслиги.

**Конфликттоген** – конфликтга бўлган лаёқатни англатади, яъни зиддиятга мойилликдир.

**Конфликтнинг ечимини топиш** – конфликт вазиятни йўқотиш ҳамда у юзага келтирган муносабаларни тўғри йўлга солиш билимлари ва қўникмалари мажмуидан иборатдир.

**Конструктив ёндашув** – конфликтни ҳал этишнинг ижобий босқичи.

**Деструктив ёндашув** – конфликтни янада чуқурлаштириб уни боши берк кўчага олиб киради.

**Жамоа** – ижтимоий муносабатлар ва ягона ижтимоий фаолият асосида бирлашган гуруҳ.

**Абсанс**– онгнинг ўта қисқа вақтда йўқолиши.

**Астения** – руҳий қувватсизлик.

**Аффект** – руҳий портлаш.

**Гиперкинез** – танада кузатиладиган ихтиёрсиз ҳаракатлар.

**Агрессия** – (лотин тилида) ҳужум қилиш.

**Депрессия** – кайфиятнинг пасайиб (тушкунлик) кетиши.

**Императив** – буюрувчи, буйруқ берувчи.

**Мутизм** – гапирмайдиган, гунг бўлиб қолиш.

**Сунтсит** – ўз жонига қасд қилиш.

**Фобия** – ваҳима босиш, қўрқиш.

**Психастения** – руҳий фаолиятнинг сусайиб кетиши.

**Каталепсия** – бир ҳолатда қотиб қолиш.

**Афония** – овоз чикмай қолиш.

**Индифферент** – бефарқ, совуққон, эътиборсиз, индифферент одам.

**Ҳасадғўйлик** - кимдандир, нимадандир норози бўлиш, ўзганинг ютугини кўролмаслик, муваффақиятларига нисбатан шубҳага бориш, қизғаниш ҳолатлари кузатилади.

**Эмоционал“зарарлаш”** – бевосита эмоционал ҳолатларни (кўл, юз хатти-ҳаракатлари, интонация) узатиш орқали таъсир кўрсатиш.

**Инстинкт** – хулқ-атвор ёки хатти-ҳаракатларнинг олдиндан генетик шартланган усуллари.

**Конфронтация** – лотин тилидан олинган бўлиб, **con**-қарши + **frons** (**frontis**) пешона, фронт (бир-бирига қарши туриш ва фикрларнинг тўқнаш келиши).

**Стресс** – (танглик ҳолати) кучли кўзғовчилар таъсирида юзага келадиган жиддийлик ҳолати.

**Индивид** – биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот.

**Адаптация** – инсоннинг ижтимоий муҳит билан ўзаро фаол муносабатда бўлиш ва унинг потенциаллигини шахсий ривожланиш учун ишлатиш қобилияти.

**Ижтимоийлашув** – инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида ўз-ўзини ўзгартириш ва ривожлантиришнинг бошқариладиган мақсадга йўналтирилган жараёндир.

**Ренессанс даври** – қайта туғилиш даври (эпоха Возрождения).

**Адекват жавоб** – агрессияга агрессия билан жавоб қайтариш.

**Фрустрация** – алданиш, ҳафагарчилик, режаларнинг ишдан чиқиши – кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийичиликлар туфайли пайдо бўладиган психологик ҳолат. Фрустрациянинг энг ёмон оқибатларидан бири - неврозлар ҳисобланади.

**Бомис** - инсон мунтазам газабланаверса, қон томирларига бўлган таҳдид ва бомис ҳам кучайиб боради. Натижада, томир деворлари емирила бошлайди.

**Адреналин** - адреналин инсон шаклланишида жуда зарур бўлган моддалардан ҳисобланади. Чунки ибтидоий жамият даврларида кўп миқдордаги ортиқча адреналин одамга йирик ҳайвонларни ўлдириш, табиат таҳдидларига қарши кун кўриш, бошқа қабилаларни енгиш,

турли ўлжаларни қўлга киритиш, яъни атроф-муҳитнинг ниҳоят даражада инсон ҳаётига таҳдид қилиши шароитида зарур моддалардан бири бўлган.

Адреналин инсонга унинг атроф муҳит билан бўлган курашларида қўрқмаслик, жасурлик, қатъият, қарши тура олиш, хужум қилиш, ўзини ҳимоя қилиш учун кўмак берган. Инсон йиртқич ҳайвонни ўлдираётган вақтида адреналин унга куч ато этиб турган, йиртқич ҳайвон ўлдирилгандан сўнг, адреналин моддаси ўз функциясини бажариб бўлганлиги сабабли у организмдан чиқиб кетган. Аммо биз ғазаблангандаги, жаҳлимиз чиққанидаги, қаҳримиз келганидаги организмдаги вужудга келган адреналин моддаси ўз-ўзидан организмдан чиқиб кета олмайди. Шу боис, соғлом турмуш тарзи билан пуғулланиб яшаётган одамлар турли спорт турлари, ўйинлари, машқлари орқали ортиқча адреналинга қарши ўз организми фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар.

**Холестерин моддаси** – ёғ моддаси.

**Истеҳзо** – юзаки кулмоқ.

**Саботажчилик** – ишдан бўйин товлаш.

**Рационалистлар** - ҳамма шароит ва хусусиятларни ўз манфаатларига бўйсундиришга ўрганган одамлардир.

**Оила** – инсонлар кундалик ҳаётининг асосий қисми жинсий муносабатлар, болани дунёга келтириш, болаларнинг ижтимоийлашуви каби ҳолатлар содир бўладиган ижтимоий институт.

**Саботаж** – барбод. Мулоқотни барбод этувчилар.

**Компромисс** – келишувчанлик(муроса).

**МУКАРРАМ АХМЕДОВА**

**ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ**

**“Adabiyot uchqunlari” нашриёти**

**Нашриёт лицензияси №АИ № 239 04.07.2013й**

**Тошкент шаҳар Ўқчи кўчаси 109уй**

**Муҳаррир: Наргиза Ахмедова,**

**Муҳассис: Алишер Рўзметов**

Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times Nev Roman

Гарнитурасида терилди.

Офсет услубида оқ қоғозда чоп этилди.

Нашриёт ҳисоб табоғи 20, Адади 1000 Буюртма №52

«BROK CLASS SERVIS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳар Заргарлик кўчаси. Сегизбоева 10а

